

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2010**



**АБДУЛЛА
ОРИПОВ**

ҚУЁШ БЕКАТИ

*Шеърлар,
Мақолалар,
Сухбатлар,
Таржималар*



**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2010**

84(5Ў)6

Ушбу асар

Нашрга тайёрловчи,
изоҳлар ва сўнгсўз муаллифи
Дониёр Бегимкулов

Ю-31084
3/6


Орипов, Абдулла

Қуёш бекати: Шеърлар, мақолалар, суҳбатлар, тарж. —
Т.: «Sharq», 2010. — 384 б.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири А.Ориповнинг 2000–2001 йилларда Ғафур Ғулом номидаги наприёт-магбаа ижодий уйида тўрт жилдлик «Танланган асарлар»и, 2005 йилда эса «Адолат» нашриётида ушбу жилдларнинг мантикий давоми сифатида «Адолат кўзгуси» (5-жилд) тўплами нашр этилган эди. Шоир ижоди шу тахлит жамлаб борилаётир. «Қуёш бекати» деб номланган ушбу янги тўплам юқорида эслатиб ўтилган жилдларнинг тадрижий давоми, сана ҳисобидан 6-жилд ҳисобланади. Тўпладан шоирнинг кейинги тўрт-беш йилдаги ижод маҳсули, шунингдек, олдинги шеърый китоблар ва жилдларга кирмай қолган шеърлар, айрим таржима асарлар ўрин олган.

ББК. 84(5Ў)6.

ISBN 978-9943-00-558-7



© Абдулла Орипов, 2010

© «Sharq» НМАК Бош тахририяти, 2010



Шеърлар



Илк дафтарлардан

СЕН ИЛОҲИЙ

Сен илоҳий фаришта мисол,
Пайдо бўлсанг кўзим ўнгида.
Унутаман ўтмишни дарҳол,
Унутаман келажакни-да.

Бутун фикрим, бутун хаёлим
Ихтиёринг бўлиб қолади.
Телбадурман. Вужудимни бир
Илоҳий руҳ қоплаб олади.

Аммо сен кетасан ва бирдан
Бузилади симобий бу ҳол.
Яна менинг тўрт тарафимдан
Қуршаб келар оғир бир хаёл.

Яна ўтмиш, афсус ва қадар
Оғушига тортарлар мани.
Аммо улар менга бу сафар
Кўринади ғоят беъмани.

1960 йил

АКИДА

Қадим бир акида шеъримга мавзу.
Шундай ҳақиқатни баён этар у:

— Кимники оллоҳи жонидай севар,
Билки, ўша инсон кўп эрта кетар.

Тунлар ёш умримни ўйлаб кетаман
Ва ён дафтаримга шуни битаман:

— Давом эта қолсин, умримиз доим,
Майли, севмай турсин озроқ Худойим.

1960 йил

АЖДОДЛАР

Турлик тоифалар бордир дунёда,
Изҳор қиладилар турлик ниятни.
Гоҳо бир-биридан бўлиб зиёда,
Ўрнатмоқ бўларлар ҳаққониятни.

Ҳаққоният қайда? Қайси одамда?
Ёхуд келгусига боғлиқми бу гап.
Кетган сира қайтмас ушбу оламда,
Энди келгусини қўллагин, ё рабб.

Шу тахлит яшаймиз, гоҳ худ, гоҳ беҳуд,
Гоҳ тотиб, гоҳ тотмай ҳаёт нафасин.
Кимки аждодини этмаган унут,
Замон униқидир, ошин ошасин.

1960 йил

Яна борлиқ яшарди,
Уйғонди боғлар.
Кийди яшил либослар
Яқин-йироклар.
Бул бепарво табиат
Гуркирар, тинмас...
Яшнамайсан фақат сен
Эй бечора хас...
Яшнамайсан фақат сен,
Шўрликсан, эсиз.
Нам танингда шудринг ҳам
Рангсиз ва туссиз.
Шивирлашар хору хас
Уйқуда мудрок:
«Кўк майсалар теппамда
Яшнамоқда, бок.
Кўк майсалар теппамда
Яшнамаса гар,
Уйғонардим мен ўзим
Шул кун, биродар...».
Яна борлиқ яшарди,
Уйғонди боғлар...

1960 йил

БАҲОР АЙЁМИ

Ғунча лаб ёради баҳор айёми,
Капалаклар учар шарбатга хуммор.
Очилмай тур ғунча бу рашк айёми,
Қайларда юрибсан, кел севикли ёр.

Ғунча хандон отди, кутмади сени,
Тенгсизман дейди гул, баҳор айёми.
Гулларни таслим эт, тезрок кел дилдор,
Мазах этар мени баҳор айёми.

1962 йил, май

ДЎСТИМ ҲАҚИДА

Ақлимни таниб илк бор дала-даштда юрганда,
Бир тўнгахка қоқилиб, шилинган эди пўстим.
Сен ҳеч бир ажабланма, шу тўнкани кўрганда,
Сени эсласам агар, оёқдан чалган дўстим.

Дарё узра зор, хайрон сувга ташна турганда,
Ўтгандим бир кўприкдан, битган эди кам-кўстим.
Сен ҳеч бир ажабланма, шу кўприкни кўрганда,
Сени эсласам агар, мадакдор бўлган дўстим.

1970 йил

СИНОВ

Занжирбанд этганди мени касаллик,
Йўлимни тўсганди дафъатан бир ғов.
Сен дединг: «Шоирим кайғурма ортик,
Соғайиб кетарсан, бу ҳам бир синов».
Сен таскин бердингми, азизим, раҳмат,
Бор бўлсин самимий орзу тиловлар.
Аммо синов дема сен буни фақат,
Қуриб кетмайдими бундай синовлар.
Совук ва қоронғу ғафлатга асир,
Сезмайин ҳаётнинг оташ нафасин.
Олтин бир йилимни йўқотдим, ахир,
Йўқотдим умримнинг олмос парчасин.
Кимга керак, ахир бундайин синов,
Меҳнатга, яшашга қолмас экан тоб.
Ниманг синаларди? Бардошингми, йўқ,
Бардошга ўргатмас беҳуда азоб!
Синовлар қайдадир? Дерлар, ҳаётда,
Меҳнат ва курашга шимарганда энг,
Ёшлигинг, идрокинг, ақлинг бир марта
Синовдан ўтажак дерлар, аммо мен,
Мен дейман, ишончла яшасанг ҳар дам
Қудратли жангчилар бокқандай ёвга.
Шундай яшасангки, стук ва бардам,
Ҳожат қолдирмасанг ҳеч бир синовга!

1962 йил

* * *

Ошиқ учун бундан соз
Бахт йўк дедим, жаҳонда.
Латиф оёқларингни
Яширган хиёбонда –
Хузурингга чорладинг:
«Ошиқ, бунда кел», дединг.
«Гуллар ҳажрингда ёнди,
Маъшук бунда, кел», дединг.
Гулми, дедим соғинган,
Борсам, ажиб ҳол экан.
Жамбил кокилларингга
Парвона, беҳол экан.
Дедим: «Мендан ўзга ҳам
Ҳажрингизда зор экан?!»
Деди: «Етар, сенга ҳам
Битта висол бор экан!»
Ошиқ учун бундан соз
Бахт йўк дедим, жаҳонда,
Латиф оёқларингни
Яширган хиёбонда....

1963 йил

ЧАҚМОҚ

Табиатнинг турфа мақоми бордир,
Бир ёнда шуъла-ю бир ёнда зулмат.
Бир ёнда оқ билан қора қатордир,
Бир ён қасирғаю бир ён сукунат.

Безгак тутган мисол қалтиради кўк,
Оғзин очиб юмди аждархо сиёк.
Ногоҳ сукунатда отилгандай тўп,
Ноғорасин қоқди момақалдирок.

Оқни топтагин деб оқ тулпорини
Заминга йўллади шу фурсат само.
Яшин чулғаб олди фазо қаърини,
О, хилқат, бу ишинг менга нораво.

1970 йил

ХИВА БОЗОРИДА

Йиғлаб турар эди бир қизча,
Тўзиб кетган сочлари пахмоқ.
Нима бўлди сенга, юлдузча,
Нима бўлди сенга, қизалоқ.

Қизча паноҳ истаган мисол,
Кетмай турар эди қошимдан.
Бир йигитни кўрсатди беҳол,
Деди: «Ўша... тортди сочимдан».

Йигит эса хуррам, шодумон,
Юрар эди парво қилмасдан.
Шундагина келтирдим имон:
— Хонлар даври тугабди ростдан.

1970 йил

Кулолга

Хайёмни хаёлга чўмдирган сапол,
Асли бу хунарнинг ўзи безавол.
Минглаб асрларнинг бобо санъати,
Сизнинг қўлингизда курсатди жамол.

Хайкалтарошга

Меҳнат ва истеъдод бўлса агар жо,
Санъат пайдо бўлар тўнқада ҳатто.

Аскиячига

Демангиз бу оний қаҳқаҳа фақат,
Бунда нуктадонлик, зако ва ҳикмат.

Дорбозга

Нозик арқон узра чаққон кезурсан,
Амали минг йиллик дорбоз зурсан.

«Ялла» ансамблига

Ёшлик ҳамиша ҳам ажиб бир даврон,
Майли сайр айлайвер сурур боғида.
Ҳали бу чоғларни килурсан армон,
Соқолинг кўксингга тушган чоғида.

1971 йил

ЙИРТИҚ БОТИНКА

Доим уст-бошингга қараб юр болам,
Ўхшама эгасиз дайди, саёкка.
Бежиз демаганлар боболаринг хам
— Дўст бошга қарайди, душман оёкка.

Дўстнинг оёғига эгилсин бошинг,
Дўстни шерик қилғил ёвгон ошингга.
Йиртиқ ботинкага етса бардошинг,
Хумой келажакдир албат қошингга.

1975 йил

ЎЗБЕК ПАХТАКОРИГА

Олганинг олтин бўлсин десам сенга мабодо,
Йиғиб-териб турганинг ўзи олтиндан афзал.
Она халқим, мен учун сен жондан ҳам зиёда,
Таърифингга сўз етмас, ёзмок бўлсам муфассал.
Гарчи дунёнинг иши мадхия эмас буткул,
Лекин ҳар дил юртим деб эзгу бир ният тутсин.
Азизим, остонангдан ошиб қаён тутсанг йўл,
Манглайингдан ҳамиша куёшнинг ўзи ўпсин.

1979 йил

КАРЛОВА ВАРИ ХОТИРАЛАРИДАН

Юрибман сув ичиб гоҳи-гоҳида,
Чех юрти, Карлнинг қароргоҳида.
Ажиб суҳбатдошлар бўлди бунда жам,
Аҳмаджон Тойметов ва Кодир Ҳотам¹.
Ғоят гўзал экан бу сув маскани,
Томоша айласанг соғ бўлиб қани.
Атрофни ўраган яшил ўрмонзор,
Баланд тепаликлар қатор ва қатор.
У томон чикмокқа етмас мадорим,
Шуни ҳам кўп кўрди парвардигорим.
Сино тўғрисида бошловдим достон,
Ажаб, қочиб қолди тобим ногаҳон.
Рангим заъфарондир, бошда оғрикдир,
Кўчага чиқишни ман этган дўхтир.
Мен каби хасталар бу томон бешак
Миниб келса яхши от ёки эшак.
Ўшанда бемалол юрса бўларди
Яна анча жойни кўрса бўларди. . .

1980 йил, июнь

¹ Ўзбекистондан борган сафардошлар.

УНУТМА

Болам, осмонларда қуюн чарх урар,
Замин тубларида изғир зилзила.
Ўртада отанг ва онанг кун кўрар,
Қалбларида эса ҳадик, ғулғула.
Унутма сен асло уларнинг ғамин,
Беэга қолмасин токи икковлон.
Курашгил, ҳамиша тинч бўлсин замин,
Курашгил, доимо соф бўлсин осмон.

1980 йил

АРЗИР

Таъзим қилсанг арзир Қўконга, чунки
Муқимий ва Фурқат кабилари бор.
Ўзбекнинг санъатин дунёга ёйган,
Бетакрор Раҳимов Набилари бор.

1985 йил

ТОЛИБГА

Комил бўл ҳар жиҳат, томонинг билан,
Тариқат, маърифат, забонинг билан.
Тил билган эл билур, жаҳон сеники,
Тил билу сирлашгин замонинг билан.

1986 йил

ТОМОШАХОНА


Сира кун кўрмаган гадосан биринг,
Оддий ақча эрур азалий пиринг.
Хуллас, олчоқдирсан, йўк пинҳон сиринг.
Фурсатинг келибди, е, бир-бирингни.
Бу шундоқ кавмки, барчаси сўқир,
Ўзи кўрмаганни кўргандай тўқир.
Бир кун жанозангни халк ўзи ўқир,
Фурсатинг келибди, е, бир-бирингни.

1989 йил

ХИТОБ

Ахир биз азамат Ўзбекистонмиз,
Пахта, газ, хоказо бойликка қонмиз,
Нега биз муҳтожмиз, юраги қонмиз,
Халкнинг орасидан чиққан одамлар.

1989 йил 30 май



НАСАФ МАДҲИЯСИ

Осиё бағрида камтарин макон,
Сен офтоб ўлкаси, сен юлдузистон.
Сен учун ҳамиша фидо бўлсин жон,
Сен борсан ўзбекнинг ғурури шоён.
Эй қадим ота юрт – Насаф-Қаршимсан,
Она заминимсан, аъло аршимсан!
Сен улуғ Темурга алла айтган эл,
Дўстларга вафодор, букилмаган бел,
Меҳру муҳаббатинг мисли оташ-сел,
Довон ош бехатар, сен сахий қарвон.
Эй қадим ота юрт – Насаф-Қаршимсан,
Она заминимсан, аъло аршимсан!

1995 йил



НАВРЎЗ ҚУТЛОВИ

I

Жанубнинг оташин, порлоқ қуёши,
Оламга таралар ушбу маъводан,
Аслида бу юртдир баҳорнинг боши,
Наврўз бошланади Қашқадарёдан.

Асл инсонларнинг Ватанидир бу,
Аҳли доим танти, меҳнаткаш, ҳалол,
Бахтиёр ёшларнинг лабида кулгу,

Оналари учун бешиқдир ҳилол.
Дилида шукрона, бошда туғлингдан,
Сенга салом бўлсин шоир ўғлингдан.

II

Бу кун тенг келмишдир ер билан само,
Бир-бирини қўллаб, ўйлаб, ғамин еб,
Боболар қадимда қилишар дуо:
Илоҳо, ҳар кунинг Наврўз бўлсин деб.

Ўзбек диёримнинг азамат ўғли —
Юртбошим назари тушган маъвосан!
Яшнайвер ҳамиша, эй, қалби чўғли,
Истиклол бешиги Қашқадарёсан.

Ўн йиллик абадий иқболдан дарак,
Сенга она халким, Наврўз муборак.

2001 йил март

БУ ЮРТДА

*Буюк геолог
Иброҳим Ҳамробоевга*

Токи тонг откунчалик интик қилар қуёшни
Қишнинг бели ёй каби букилгайдир бу юртда.
Болға билан бир урсанг учраган ҳар бир тошни,
Олтин қуми шовуллаб, тўкилгайдир бу юртда.

2002 йил 5 май

УКАЖОНЛАРИМГА

Эркин бўладилар самода қушлар,
Эркин бўладилар уйқуда тушлар.

Сахролар қўйнида шамоллар эркин,
Хур инсон измида хаёллар эркин.

Эркин бўлмаса гар инсон фарзанди,
Унинг оти кулдир, унвони – банди.

Озод бўла олди энди ўзбегим,
Навой, Бобурим, яъни ўзлигим.

Озодлик аждодлар армони эди,
Укам, бу армонлар ушалди энди.

Бизлар сал қартайдик, умид сизларда,
Ёруғ кунга боққан қора кўзларда.

Кўп йиллар сиз учун шеърлар битганман,
Мен ҳам шу кунларни орзу этганман.

Ватан она бўлса, сиз – ғунча, бўстон,
Сизга кўзин тиккан жон Ўзбекистон.

2002 йил



ИҚБОЛИ БУЮКСАН

Аввало раҳматдир Онага,
Сўнг эса албатта Отага.
Бизларга эслатмиш ҳаётни,
Унутманг ҳеч қачон устодни...
Сен ўзбек элининг фарзанди,
Истиқлол юртининг дилбанди...
Ватанинг ғоятда кенг эрур,
Барчага баробар тенг эрур,
Меҳнатда қотса ҳам суягинг,
Ҳеч ерга тегмасин курагинг.
Чиниқтир майлига сен танни,
Унутма ва лекин Ватанни.
Болажон, сен доим суюксан,
Билиб қўй, иқболи буюксан!

2002 йил

ТОЖИДДИН ҲОФИЗ

Бир булбул чикқанди Қашқадарёдан,
Куйлай-куйлай ўтди фоний дунёдан.
Тождидин ҳофиздан ўчмас ном қолди,
Наво ундан рози, у ҳам наводан...

2003 йил

Янги шөгърлар

АСҚАД МУХТОР

Дўрмон боғларига чўқади оқшом,
Намхуш шамоллар ҳам ела бошлайди.
Наъматак ортидан хорғин, беором
Асқад Мухтор кела бошлайди.

Ўша-ўша сийқа хассалар қўлда,
Секин одимлаймиз хиёбон бўйлаб.
Асқад ака дейди: «Ҳамон мен йўлда,
Ҳамон етолмадим ўйимга ўйлаб...

Дунёда нима гап, тинч борми Дўрмон?»
Гапи адоғига етмайди бироқ,
Қўздан ғойиб бўлар шоир ногаҳон,
Таниш овозида ҳадик ва титроқ.

Тўхтанг, Асқад ака! – дейман мен тўлиб,
Шамоллар учирар мубҳам изларни.
Балки ўтганлар ҳам безовта бўлиб,
Кузатиб юрибди бугун бизларни...

*(Шеър 2004 йил 29 мартда – Тошкентда
портлаш содир этилган куни ёзилган).*

МАНТИҚ

Ёмғир ёғилмагай йирок осмондан,
У булут бағридан оққай шашқатор.
Дунёда ёмонлик кўрган инсондан
Меҳру муҳаббатни кутмоқлик бекор.

Эзгулик фарзанди эзгулик асл,
Ёвуддан ёвузлик яралгай ҳар дам.
Агар ураберсанг уни муттасил
Қопағон бўлгайдир энг ёввош ит ҳам.

Алмашиб туради динлар, дунёлар,
Ўзининг самандар, ҳумоси билан.
Гоҳида ўзанин топгай дарёлар
Бир зотнинг дафъатан имоси билан.

2005 йил 18 апрель

ДАЙДИ ИТ

Бирор хонадонни кўриқламас у,
Ё чўпон сурувин қилмас ҳимоя.
Бир кунда минг касга келгай рўбарў,
Исканиб тентираш унга кифоя.

Одамларда инсоф қолмаган ҳеч бир,
Ахир авлиёлар итни суюбди,
Унинг-чи, алҳазар, корнига кимдир
«Демократ» сўзин ёзиб қўйибди.

2005 йил 19 апрель

ЭТИКДҮЗ

Бу хол юз берибди қадим замонда,
Бир аёл жазога мустаҳик эрмиш.
Уни қопга солиб, гавжум майдонда
Қози бигизлашга фармойиш бермиш.

Кутурган оломон, қўлида бигиз
Дарҳол ташланибди шўрлик аёлга.
Ўша муюлишда кекса этикдўз
Тун-кун ўлтираркан, чўмиб хаёлга.

Ғоят мўмин экан қария, бироқ
У ҳам оломонга қўшилиб қолмиш.
Издихом ичида туртиниб узок
У ҳам бигизини бир санчиб олмиш.

Қайтиб дўконига келгач, шу асно
Қўшниси сўрабди: — Нима гап отам?
Чол жавоб қилибди секин, бепарво:
— Ҳамма санчаверди, санчдим-да мен ҳам.

2005 йил 20 апрель

САЙР

Подшо ўзи рулда, сайр этди холос,
Уни кўриб кимдир қичқирди бехос:
Машина эгаси кимдир билмадим,
Ҳайдовчининг эса подшологи рост.

2005 йил 22 апрель



ВО АЖАБ!

Кутурган кучукни кўргани замон,
Уриб ҳайдайдилар уни бегумон.
Одам кутурса-чи, воажаб, қаранг,
Хушомад қилгайлар эъзозлаб чунон.

2005 йил 4 май

ЖЕНЕВАДА ЎЗБЕК КАЛОМИ

Аллоҳим яратган осмон тагида,
Бордир Асқар тоғим, бор Эрам боғим.
Олис Европанинг қоқ юрагида
Бор менинг Женева номли қишлоғим.

Бунда Алишеру Нодирбек укам,
Шошни ёдга солар Бадриддин номи.
Майли меҳмон бўлиб келавер сен ҳам,
Сени қарши олар ўзбек каломи.

Фаввораси тошиб Женева кўли,
Сувини Сайхундек шопирмоқдадир.
Нозланиб турибди Европа гули,
Женева ўзбекча гапирмоқдадир.

*2005 йил 2 июнь,
Женевадаги Ўзбекистон
Бош ваколатхонаси*

АФСОНА

Муштдеккина бошингда дунёларнинг савдоси
Сарсон этмиш сени ҳам бу оламнинг ғавғоси,
Гулсиз қолмиш боғимнинг бир булбули гўёси,
Суюқлигим набирам, қизгинам Афсонажон,
Қурбон бўлай жонингга ўзгинам, Афсонажон.

Нега ҳам Афсона деб қўйдим сенинг исмингни,
Афсона қилди дунё мурғаккина жисмингни,
Илғайман гоҳ Таласдан, Истанбулдан исингни,
Суюқлигим набирам, қизгинам Афсонажон,
Қурбон бўлай жонингга ўзгинам, Афсонажон.

Онагинанг Мавлуда, отагинанг Аҳмаджон,
Улар-ку саргаштадир, сен ҳам бўлдинг саргардон,
Кўз ёшинг қатрасига арзирмикин бу жаҳон
Суюқлигим набирам, қизгинам Афсонажон,
Қурбон бўлай жонингга ўзгинам Афсонажон.

Аслида бул Ер юзи барчамизга макондир,
Тирикликнинг ўзи ҳам синовдир, имтиҳондир,
Лекин сенга Афсонам, юрагим ошиёндир,
Суюқлигим набирам, қизгинам Афсонажон,
Қурбон бўлай жонингга ўзгинам, Афсонажон.

Аллоҳга етар бир кун, бобонгнинг ҳам нидоси,
Бағримга келсин деган бувингнинг илтижоси,
Палахмон тошининг ҳам бордир-ку интиҳоси,
Суюқлигим набирам, қизгинам Афсонажон,
Қурбон бўлай жонингга ўзгинам Афсонажон.

2005 йил 8 июль

ҚАДР

Тагингда арғумоқ, қўлингда жилов,
Кечган ҳар дақиқанг зарга баробар.
Йўлингни дафъатан тўсолмас биров,
Бугуннинг қадрига етгин, биродар.

Йиллар ўтиб кетар, қоларсан кучдан,
Қарри арслондайин бемадор, беун.
Шоқоллар тўдаси каби тўш-тўшдан
Сени гуруҳбозлар талайди у кун.

Тасалли топмассан на дўст, на майдан,
Секин остонангдан ўтлар чўзар бўй.
Номингни ўчирар энди ҳар қайдан
Тўртга ичикора ёки ҳасадгўй.

Тарих деб аталмиш паришон устоз
Дафтарин тузгунча ўтгай асрлар.
Боқийлик яхши-ку, бугун ундан соз,
Файзсиздир эгасиз қолган қасрлар.

Офтоб чарақлайди, юлдузлар порлар,
Бошингда шамсия каби тўлин ой.
Имкониинг қўлингда, умидинг чорлар,
Бугуннинг қадри ҳам шулдир, ҳойнаҳой.

2005 йил 9 август

ХОРИЖ РАДИОСИ

Йўқчиликни кўрса, нега йўқ дейди,
Тўқчиликни кўрса, нега тўқ дейди.
Кўрқок деб атайди индамай турсанг,
Ҳақ гапни гапирсанг, қилма дўқ дейди.

2005 йил 30 август

СОАТ

Соат милларига боққанинг замон,
Кечмасми кўнгилдан бир гап ногаҳон:
Кимдир шу дақиқа дунёга келди,
Кетди шу дақиқа қайси бир инсон.

2005 йил 25 октябрь



ИНСОФ

Дунёдан тўйган бир бағрикон одам,
Дашту сахроларга олиб кетди бош.
Вактеки, раҳм этиб Аллоҳ серкарам,
Ҳазрати Хизрга бўлди у йўлдош.

Кўлин туткизаркан меҳрибон сиймо
Деди: — Не тилайсан, муродингни айт?
Фарзанд сўрайсанми ёки мол-дунё,
Токи кўнглинг тўлсин, маконингга қайт.

У-чи жавоб қилди: — Боқдингиз магар,
Аллоҳнинг мендайин бир харобига.
Чорасиз қолса гар найласин падар,
Фарзанд ҳам шерикдир изтиробига.

Мол-дунё дегани дилни юпатмас,
Сук, ҳасад доимо кўзин тиккайдир.
Бугдой нон берсанг ҳам охир бир нокас,
Гўрингни текислаб арпа эккайдир.

Ҳазрат хитоб этди: — Сўйлагил, оё,
Аллоҳ сендайларни қўллагай доим.
У деди: — Ҳазратим, қилингиз дуо,
Ёмонга инсофин берсин Худойим.

2005 йил декабрь

ТАСКИН

Бемор шифтга қараб ётади ҳамон,
Ҳилол ҳам қартаяр, ой ҳам тўлади.
Сен унга таскин бер, дегилки: — Инон,
Яхши бўлар бари, яхши бўлади.

Ой ҳам ботиб кетар, олам зимистон,
Бемор кўз юмади, умри сўлади.
Шунда ҳам шивирлаб сен дегил: — Инон,
Яхши бўлар бари, яхши бўлади...

2005 йил декабрь

ШАЖАРА

— Шажара тузганлар зотин басма-бас,
Пайғамбарга боғлар, Темурга эмас.
— Меҳр тортиб кетар Пайғамбар сари,
Темурнинг қаҳридан кўрқади бари.

2005 йил декабрь

МАЙДОН

Майдон мафтун этди кўпларни ғоят,
Бу жойда айтилди қанча ривоят.
Бир кун она-бола кириб келдюю,
Майдон эгасини топди ниҳоят!

*2005 йил 29 декабрь
Мустақиллик майдони*

БУЮК СОДДАЛИК

Кимлардир шажара тузгани замон,
Зотини валий деб қилади эълон.
Аслида ҳеч кимдан кам эмас насли,
Бобоси ҳазрати Темурдек инсон.

2006 йил 9 февраль



ОДАМ ВА ШАЙТОН ҚИССАСИ

Жуда-жуда қадим замон
Юз бериб бир хатомиз,
Аршдан кетган Момо Ҳаво
Ҳамда Одам Атомиз.

Бизлар турган шу заминни
Улар макон этганлар,
Ов қилганлар, ер чопганлар,
Экин-тикин экканлар.

Тонг отмасдан Одам Ато
Шошиб овга кетарди,
Момо эса чайласида
Отамизни кутарди.

Фақатгина ўзин сизлаб,
Бошқаларни сенсираб,
Яшар эди қув Шайтон ҳам
Шу атрофда тентираб.

Гарчи унинг қавми йўқдир,
Йўқдир амма-холаси,
Бор эди бир арзандаси,
Ёлғизгина боласи.

Одам Ато тонгда яна
Юмушига йўл олди,
Омад тилаб Момо Ҳаво
Чайлада ёлғиз колди.

Ўлтирди, ҳеч кимса йўк
На ўнги, на сўлида,

Пайдо бўлди Шайтон бирдан
Болачаси қўлида.

Салом берди куюк-куюк
Таъзим қилди жилпанглаб,
Ва охири мақсадини
Баён этди қилпанглаб:

— Садағангиз кетай, Момо,
Сиз чиройсиз оламга.
Бир соатлик ишим чиқди,
Қараб туринг боламга.

Момо Ҳаво ҳаётида
Бўлмаган ҳеч бундай ҳол,
Ўйлай-ўйлай жавоб қилди:
— Майлига, қолдира қол.

Одам Ато қайтди бир вақт
Кўнглини хушлаганча,
Каттакон бир тошбақанинг
Бўйнидан ушлаганча.

Қарасаки, турар Шайтон,
Бор шохи-ю туёғи,
Қандай ҳолга тушди шўрлик,
Тушунарли буёғи.

Осмон қолиб, заминда ҳам
Йўлиқди шул балога,
Тилидаги бор захрини
Сочди Момо Ҳавога:

— Бу ўша-ку, фитна билан
Аршда бизни хор қилган,

— Бу ўша-ку, иккимизни
Тошбақага зор қилган.

Одам Ато шайтончани
Лаънат билан бўқтирди,
Оёқ-қўлин боғлаб сўнгра
Чўнг денгизга чўқтирди.

Чидаш берди Момо Ҳаво
Унинг барча довига,
Тонгда туриб Одам Ато
Кетди яна овига.

Ёш куёшнинг ўтли кўзи
Ёш заминга боққан чоғ,
Гуллар ял-ял яшнаган пайт,
Яъни пешин оққан чоғ.

Либослари тарам-тарам,
Гулдан чамбар бошида,
Пайдо бўлди Шайтон яна
Момо Ҳаво қошида.

Бир қўлида боласи бор,
Бир қўлида қоғози,
Шайтон энди шеър ўқирди,
Ғоят ширин овози:

— Гўзалларнинг гўзали
Момо Ҳаво,
Асалларнинг асали
Момо Ҳаво.

Барчамизга меҳрибон
Момо Ҳаво,
Ҳаммамизга жонажон
Момо Ҳаво.

Казолардан казосиз,
Момо Ҳаво,

Ҳоказо, ҳоказосиз,
Момо Ҳаво...

Шеър ўқирди Шайтон жўшиб,
Гоҳ белига кўл тираб.
Қушлар тўхтаб боқар эди
Осмонлардан мўлтираб.

Шайтон охир тин олди-ю
Деди Момо Ҳавога:
— Денгизлардан дур келтирдим,
Бокинг мен бенавога.

Тезда қайтиб келадирман,
Ишим битган айтарли,
Сиз боламга қараб туринг,
Ярим соат етарли.

Шайтон шу зум ғойиб бўлди,
Лабин буриб, танқайиб,
Момо Ҳаво қолаберди
Ўлтирганча, анқайиб.

Хаёлига келтирмасдан
На хийла, на тузоқни,
Одам Ато овдан қайтди,
Етаклаб бир бузоқни.

Бокса, аҳвол яна ўша,
Яна ғалва бошланди,
Момо Ҳаво кўп ўксинди,
Кўзлари ҳам ёшланди.

Одам Ато шаҳд қилди-ю
Гулхан ёқди майдонда,
Бунақасин ҳали ҳеч ким
Кўрмаганди жаҳонда.

— Иблисларга ўлим, — деди,
Тангрига хўб ёлборди,
Шайтончани тириклайин
Ўтда ёқиб юборди.

Ана энди кутулдик деб
Тинчландилар, кўнгил тўқ,
Шайтон ҳаргиз кадам босмас,
Шайтончаси энди йўқ!

Ҳали саҳар кушчалари
Уйғонмасдан питирлаб,
Бирдан чайла қамишлари
Қолди шитир-шитирлаб.

Одам Ато секин боқди
Шубҳа ёниб конида,
Во дариғо, шайтонвачча
Турар чайла ёнида.

Бу жаҳоний ўйин энди
Чўққисига етганди,
Тонг отмасдан боласини
Шайтон ташлаб кетганди.

Одам Ато тунд ва хомуш
Чиқиб кетди тоғ томон,
Чўкич билан харсангларни
Майдалади беармон.

Ёлғиз ўзи билар эди
Недир мурод-максади,
Ниҳоят у маъдан топиб,
Мўъжаз қозон ясади.

Ўрмонлардан ёнғоқ терди,
Эзди, янчди, ёғ қилди,

Ерни ўйиб ўчок қилди,
Ўтинни ҳам тоғ қилди.

Бу сафар у на чўктирди,
На кулини совурди,
Шайтончани тўғраб-тўғраб
Қозонида коворди.

Энди қайтиб келмасин, деб
Қарғаб, сўкиб беаёв,
Нонуштага шайтон гўштин
Пакқос туширди икков.

Куёш ҳали йироқларда
Кўз уқалаб турган он,
Келиб чайла қаршисига
Сўз бошлаб колди Шайтон:

— Қовурдоғинг ҳазм бўлғай,
Мен ҳаммасин билгандим,
Шайтончамни еб битирдинг,
Шуни орзу қилгандим.

Ўйлардингки у йўқ бўлса
Мен чорасиз қолгайман,
Мен-чи, унинг кулидан ҳам
Шайтон ясай олгайман.

Аллоҳ мендан юз ўгирди,
На осмон, на ермасман.
Билгил, Инсон, билгил, Одам,
Сенга салом бермасман!

Йўлдан урдим сени мудом,
Азоб бердим жонингга,
Мен ғалаба қилдим охир,
Кирдим энди қонингга!

Коинотга сукут чўкди,
Парпиради юлдузлар,
Шундан буён ўтди қанча
Йиллар, кеча-кундузлар.

Кўрдик қанча шайтонликни,
Қанча Шайтон Инсонни,
Чиқаролмай оворамиз
Қонимиздан Шайтонни.

2006 йил 14 март



МЕЗБОН ЙЎК

Эҳсон эҳсонга борур,
Иймон иймонга борур.
Бу дунёда мезбон йўк,
Меҳмон меҳмонга борур.

2006 йил 27 март

ДЎСТ

Дейсанки, ёлғизлик айлади одош,
Билмам, қаёқларга олиб кетсам бош.
Дўстинг камлигидан нолима иним,
Битта бўлса ҳам У куёшдир, Куёш!

2006 йил 5 апрель

ТАНҚИДЧИЛАРГА ҲАЗИЛ

Антитеза йўли билан
Абсурдларни яратдик.
Реал ҳамда виртуални
Модернга каратдик.
Концептуал эклистика
Аралашди ҳар гапга.
Тушимизга кириб чиқар
Экзюпери ва Кафка.

2006 йил 25 май

ТУЙГУЛАР

Дунё ишларига боқиб хайрон, лол,
Шогирд устозига берди-ку савол:

— Мудом ўтганларни ёд айлагаймиз,
Ёд айлаб, рухларин шод айлагаймиз.

Деворларга осиб чўгирмасини,
Ўтказамиз етти, йигирмасини.

Сўнгра кирки бўлар, йили бўлади,
Кетгандан қолганнинг кўнгли тўлади.

Чорлаб мамлакатни эҳсон ошига,
Байтлар ҳам битамиз қабр тошига.

Буларнинг барчаси савоб, албатта,
Тирик бандаларга ибратдир катта.

Инсонлик рутбаси нечоғ мухташам,
Елкада элтамиз ҳаммасини ҳам.

Бирок ечолмадим мен бир саволни,
Шархлай ололмадим сира бу ҳолни.

Инсонда жам бўлмиш не-не туйғулар,
Улар ҳам туғилар, яшар ва ўлар.

Нечун туйғу ўлса очилмас аза,
Нечун ўқилмайди унга жаноза?

Марҳум бўлиб кетди чунончи виждон,
Кўз ёши тўкмади биронта инсон.

Кимдир ўк узибди туриб панада,
Меҳр ҳалок бўлди Кўриқхонада.

Мехрсиз қолса ҳам катта-кичик жим,
Гуё эшитмаган бу гапни ҳеч ким.

Бир ҳакам Инсофдан сўрабди пора,
Кўксига тиғ урмиш Инсоф бечора.

Ҳаё ҳам осибди дорга ўзини,
Бироз айтгани йўқ таскин сўзини.

Ҳеч ким парво қилмас бундай заволга,
Устоз, жавоб беринг ушбу саволга.

Кўзларини юмиб валилар каби
Устоз жавоб қилди қимтиниб лаби:

— Аза очилмайди ҳеч кимга агар
Тирикликдан бўлса заррача асар.

Сен бунча ваҳима қилма, болажон
Уларнинг кўллари ҳали чалажон.

Агарда бутунлай топсалар барҳам,
Бўлмасди уларни сўровчилар ҳам.

2006 йил 25 май

ҲИММАТ

Ҳимматни ҳамиша савоб деб билинг,
Энг аввал муҳтожга ачинсин дилинг.
Бир бой айтар эди иккинчи бойга:
— Тақсир, бизга ҳам бир ҳомийлик қилинг.

2006 йил 5 июнь

ТУШУНЧА

Оқил дер: — Кўп менга ўқиманг такбир,
Мендан ҳам оқиллар бордир дунёда.
Нодон дер: — Бир мени койиманг ахир,
Бордир нодонлар ҳам мендан зиёда.

2006 йил 14 июнь

АСРАГИЛ

Ёз бўйи далада тер тўкиб отам
Ҳосилни бозорга бир кун элтганди.
Бизга қанд-курс олиб қайтаётган дам
Уни қароқчилар талаб кетганди.

Истиқлол, бозорга кетган отажон,
Таянгин ҳамсафар яроқчиларга.
Кўз тикиб турибмиз сенга нигоран,
Таланмасанг басдир қароқчиларга.

2006 йил 21 июнь

ТУРҒУН ВА ТЕРАК

*Турғун исмли фермер катта йўл ёқасидаги
тераklarни кесиб сота бошлади.*

Турғун укам, давринг келди яшаб қолгин,
Ҳеч емаган ошларингни ошаб қолгин.

Давлат сенга ерларини бўлиб берди,
Қанча орзу, ишончларга тўлиб берди.

Агар уни оқласанг-ку катта гапдир,
Ўзингга ҳам, элингга ҳам фойда, нафдир

Бирок, укам кўзларингни ёғ босмасин,
Нафсинг бир кун оёгингдан нақ осмасин.

Меники деб йўқотмагин гулзорларни,
Меники деб бузиб юрма мозорларни.

Йўл четида тераklarни йиқдинг нечун,
Майдагина нафсинг учун, нафсинг учун.

Бу ишингдан ким фаровон, тўкис бўлар,
Жаннатдай ер тап-такиру текис бўлар.

Кўкарганни кесаберсанг саёқ каби,
Битта ўзинг қолажаксан таёқ каби.

2006 йил 30 июнь

ОЛТМИШ НАВБАҲОР

Дунёда учрайди турфа санъаткор,
Улар орасида биттадир Ёдгор.
Бугун қутлар уни олтмиш фаришта,
Йўлида поёндоз олтмиш навбаҳор.

2006 йил июнь

ТАЪМАГИР

Таъмагирнинг иши таъмадир билсанг,
Таъма кони чиққай томирин тилсанг.
— Қанча олдинг дея сўрар сендан ҳам,
Агарда бировга яхшилиқ қилсанг!

2006 йил 31 июль

ИНТЕРНЕТ

Инсоният исботлаб ўз даҳосини,
Қурган эди Тоғмаҳалу Румосини.
Интернетни барпо этдик бугун, аммо
Кимдир ундан тарқатмоқда ўз игвосини.

2006 йил 8 август

ОЖИЗ БАНДА

Менга раво кўрманг улуғлик отин,
Мен на донишмандман ва на ботирман.
Ёруғ бу оламнинг сир-синаотин,
Ҳануз билолмасдан кетаётирман.

Фалакда шубҳасиз дунёлар бисёр,
Балки биздан етук, бизлардан ёник.
Лекин у ёқда ҳам мен каби ночор
Ожиз бандаларнинг борлиги аник.

2006 йил 31 август

ТАЛПИНИШ

Булуглар талпинар тоғларга,
Қушлар ҳам чаманзор боғларга.
Жилгалар дарёга талпинар,
Қуюнлар саҳрога талпинар.
Меҳрга талпинса гар инсон –
Савоб шу, тавоб шу, шу иймон.

2006 йил 25 сентябрь

ХИЗР

Само пештоқидан Хизр пайғамбар,
Заминга қувониб ташлади назар.
Бунинг сабабини сўрашса деди:
Мени қабул қилди ерда бир раҳбар.

2006 йил 25 сентябрь

ҲАҚ ҚАҲРИ

Ҳеч кимса ўзича дунёга келмас,
Ҳеч ким айиролмас ризқу рўзидан.
Сен менга қасд қилма, эй такаббур кас,
Йўкотаман, дема, ернинг юзидан.

Ҳаққим бор, заминда бир жон сиёғи
Ўзимга муносиб, яшаб ўтгайман.
Ва лекин, унутма, Охират чоғи
Ёқангдан Ҳақ қаҳри бўлиб тутгайман!

2006 йил 8 октябрь

ТАЛОШ ПАЛЛАСИ

Қуёш ботиб борар,
Уфқ қирмиз ранг,
Қуршаб олаётир ер юзини тун.
Сўнгги дақиқада қилаётир жанг
Тун ва кун, тун ва кун, тун ва кун.

Талош пайти дерлар ушбу лаҳзани,
Олишар ошқора нур билан зулмат.
Борлиқ жим кузатар қонли саҳнани,
Ҳар ёнда ваҳмкор, сирли сукунат.

Шамол ҳам қайгадир беркинган бу он,
Ғужғон қушларнинг ҳам тинган нафаси.
Сафарга чиқилмас, ўқилмас Қуръон,
Талош палласи бу, талош палласи.

Тонгда қайтурман деб, умидга тўлиб,
Фалак пучмоғига чекинар Қуёш.
Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб,
Само яноғида ялтирайди ёш.

2006 йил 9 октябрь

«АЙБДОР»

Ҳеч кимса демагай: «Гуноҳкор ўзим»,
Айбдор замонадир, айбдордир тузум!
Ўғри қўлга тушиб қамалган бир чоғ,
Айбдори, албатта, Сталин олчоқ.

Устингдан ёзади бир қулоч тухмат,
Дейди: «Чора кўрмас, айбдор ҳукумат!»
Сигири сут бермас, оҳ чекар ночор,
Ўйлаб тополмас ҳеч, бунга ким айбдор?

2006 йил 10 октябрь

ЭПИГРАММА

Тилингдан тушмасин уч-тўртта мақол,
Рангининг фарқи йўқ – қўйиб ол соқол.
Энди давраларнинг тўри сеники,
Ҳурматинг юксалар бўлсанг-да шоқол.

2006 йил 10 октябрь

ЮПАНЧ

Бормисан, кайлардасан?
Бозорми, мозормисан?
Кулгимисан, висолми?
Кувончми, озормисан?
Юпанч деган номингни,
Ким ўйлаб топди экан.
Бу эшикни ким ўзи,
Очмасдан ёпди экан.
Чорасизлик туфайли,
Топилган таскинмисан?
Ёки бир яхшиликка
Айтилган таҳсинмисан?
Нимасан, ёлғонмисан?
Рост гапми ёки алдов?
Ёки кулфат селининг
Олдига кўйилган ғов.
Ўзини тута олмай
Йиғлаб турар бир гўдак.
Унга на бойлик даркор,
Ва на мартаба керак.
Не чоғлик сеҳрлисан
Сен ўзинг юпанч сўзи.
Сен гўё ширин тушсан
Ёки умид юлдузи.
Билурман бу дунёда
Омонат жону таним.
Ўтар бўлсам то абад
Юпанч бўлгин Ватаним.

*2006 йил 23 октябрь,
Қарши.*



ФАҚАТ ЎЗИНГ АНГЛА...

Бас, етар,
Шоирлик сенга ўйинмас.
Ғам билан ўйнашма
Эй шодмон инсон.
Бу олов ёқади
Ўзин ҳар нафас.
Сенга жондош бўлмас
Ёнингдаги жон.
Енгил қила билмас
Бир азобингни
Фалакда минг-минглаб
Фаришталар ҳам.
Фақат ўзинг англа...
Изтиробимни,
Фақат ўзинг кечир,
Яратган Эгам.

*2006 йил 23 октябрь,
Қарши.*



КЕЛДИМ...

Келдим...
Кетмоқдаман.
Сарик япроқларда
Ғариб, хазин куй.
Сени узоқ йиллар
Соғинган эдим.
Келдим...
Кетмоқдаман.
Кечир, Она уй.
Мени эслатгучи
Бирор нарса йўқ.
Отам йўқ. Онам йўқ.
На шодлик, на ғам.
Фақат ҳаммасини
Ёдимга солиб
Кўриндинг кўзимга –
Ўзинг Ҳанифам...

*2006 йил 23 октябрь,
Некуз қишлоғи.*

ОДИНА МАСЖИДИ

Ёвузлик келдию, ёмонлар бирдан
Ўзларин зулмга шайлантирдилар.
Марҳумлар бадарға қилинди гўрдан,
Масжидни зиндонга айлантирдилар.

Зулмаг нур эшигини дафъатан ёпиб,
Фалакда мўлтираб қолди ёлғиз ой.
Зиндоннинг энг овлоқ бурчагин топиб,
Менга ҳам тайёрлаб қўйдилар бир жой.

Эзгулик келди-ю одамлар ногоҳ,
Ўзларин савобга шайлантирдилар.
Ўтганлар руҳидан бўлдилар огоҳ,
Зиндонни мактабга айлантирдилар.

Қайтди тўлин ой ҳам унинг ёнига,
Тақдир ўйинига буни йўйдилар.
Мактабнинг энг баланд бир жавонига
Энди китобларим тахлаб қўйдилар.

*2006 йил 27 октябрь,
Қарши.*

ЮРТ РАМЗИ

Отамсан, онамсан, ўғлим, қизимсан,
Кўрар кўзимсану айтар сўзимсан.
Юртбошим меҳрини мужассам этган
Қашқадарё рамзи – ёруғ юзимсан.

2006 йил 27 октябрь

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Билимли бўл деди Беруний бобо,
Соғлом бўлгин деди Сино доимо.

Кимлардир илмда тоғ ҳам бўлдилар,
Сино айтганидек соғ ҳам бўлдилар.

Лекин бу мақомга етганлари дам
Бирдан унутдилар иккаласин ҳам.

Уларчи кетдилар мусофир бўлиб,
Жон таслим қилдилар муҳожир бўлиб.

Яна Беруний деб бўзладик чанқоқ,
Яна ҳар хонадон Синога мушток.

Хурлик шамоллари токи елдилар,
Улар она юртга қайтиб келдилар.

Маъмун мактабининг қўш дарвозаси
Бул икки сиймонинг хуш овозаси.

Илму фан кадрига етганга таъзим,
Кувонсанг арзийди, қадим Хоразм.

*2006 йил 2 ноябрь,
Хива.*

УМР ҲИСОБИ

(Ҳазил)

Йиллар шафқатсиздир, картайди ота.
Кузак шамоллари ела бошлади.
Энди оилада у эмас катта,
Фарзанди насиҳат қила бошлади.

Ота энди ҳайрон: «—Наҳот чиндан ҳам
Умр ҳисобига етолмай қолдим.
Қайсимиз олдинрок туғилдик, билмам,
Ул менадан олдинми, мен ундан олдин?»

2006 йил 20 ноябрь

МЕҲМОН

Кўрдим, гўзал экан дунё чорбоғи,
Ғоят кўркем экан дарёси, тоғи.
Меҳмонман, кузатгил катта йўлгача,
Майли, бир гап бўлар ундан нарёғи.

2006 йил 20 ноябрь

ЯХШИЛИК ЙЎЛЛАРИ

Яхшилик қилишнинг йўли кўп, укам,
Ёмонлик қилмасанг яхшилик бу ҳам.

Тан бергил ботирнинг жасоратига,
Кўмаклаш йўқсилнинг иморатига.

Ё бир гуноҳсизни химоя қилдинг,
Демак, яхшиликни сен ғоя қилдинг.

Яхши амалларнинг адоғи йўқдир.
Минг йил санасанг ҳам саноғи йўқдир.

Бироқ ҳар чироқнинг бор ўз пилиги,
Яъни, ҳар банданинг ўз яхшилиги.

Сенга бир яхшилик қилайин, укам,
Мазмунини англаб ўкинма ҳеч ҳам.

Мендан узоқроқ бўл, салом ҳам берма,
Исмимни ҳар жойда такрорлаб юрма.

Донолик қилгину чекма азият,
Майли ёмонлайвер келса вазият.

Майли, бир сўз дема, кўзларингда нам,
Йироқдан кузатгин карвонимни ҳам.

Ғанимлар куткусин бошламасинлар,
Сенинг ҳам дилингни ғашламасинлар.

Мени деб маломат қилмасинлар, то
Сенинг ҳам бошингга ёғмасин бало.

Дунёнинг ишлари шунақа, укам,
Йўллари кўп эрур яхшиликнинг ҳам.

2006 йил 24 ноябрь

МАНЗАРА

Чавандоз чарчаган,
От хориб-толган.
Атрофин кашкирлар
Ўрашиб олган.
Мудхиш манзарадан
Куёш кўз юмиб,
Ой эса ҳайратдан
Тош қотиб қолган.

2006 йил 2 декабрь

ГУВАЛАКНИНГ СПОРТЧИ ҚИЗЛАРИГА

Момоларим масканисан Гувалак,
Тупроғингда қолган эди изларим.
Товланасиз бамисоли камалак,
Сиз момомдан қолган момо қизларим.

2006 йил 4 декабрь

ЭТИКЧА

(Ҳазил)

Харид қилдим этикча бугун,
Бирам кўхлик, чиройли бирам.
Нимасидир ёқмади лекин
Уввос тортиб йиғлар набирам.

Олиб берай бошқасин сенга,
Айтгил топай яна қандай гап.
Масалан, май ёқмайди менга,
Юрибман-ку ахир мен чидаб.

2006 йил 6 декабрь

МАҚТОВ

Дунёда ҳар ишнинг бор ўз режаси,
Дехқон ҳам бекорга донин экмайди.
Бозорда ҳўкизин мактар эгаси: —
Ичмайди, чекмайди...

2006 йил 6 декабрь

ЭМИШ

(Укам Эрдонга)

Кундуз қуёш эмиш, тунда моҳ эмиш,
Неки содир бўлса, инсон гувоҳ эмиш.
Ёнингда донишманд яшаса-ю, гар
Сухбатин олмасанг бу ҳам гуноҳ эмиш.

2007 йил 1 февраль

ҚАДРИЯТ

Бозор бу дунёни забтига олган,
Кимдир сийму зарин ўртага солган.
Мен-чи қани дейман у сопол косам,
Сопол косам қани, отамдан қолган?..

2007 йил 26 февраль

АЖАБО

(Укам Анвар Жабборга)

Дейсан, майда гапга қилмагил парво,
Улардан баландда юргил доимо.
Баланд бўлавериб бунинг баридан,
Айланиб кетди-ку бошим ажабо!

2007 йил 28 февраль

ШУКР

Шукр, бутун бўлди яна иймоним,
Мени хурсанд қилди ўғлим – Илҳомим.
Келиним Зарина, сенга минг раҳмат,
Сафимга қўшилди жажжи Ислоим.

2007 йил 4 март

ҚУТЛОВ

Ватан кучоғида табаррук бир жой,
Кундуз куёш мафтун, кечалари ой.
Ўттизга кирибди Эллиққалъамиз,
Ўттиз бор қутлаймиз уни, ҳойнахой.

2007 йил 6 март

МЕҲРИ ОРТИҚ ЭРУР...

Отанинг қарғиши бамисоли ўк,
Тегади, бир фурсат кутмайди дерлар.
Гарчи падар каби бўлса-да улуғ,
Онанинг қарғиши ўтмайди дерлар.

Асли ёмонликдан асрасин Худо
Ва яна асрасин жавоб-заҳридан.
Она шундайин бир қалби кенг сиймо,
Меҳри ортиқ эрур доим қаҳридан.

2007 йил 7 март

ЖАНЖАЛКАШ

Жанжалкаш бир зотнинг қазоси етди,
Қўшниси бу ҳолнинг шарҳини битди:
Кеча Азроилдан енгилиб, бугун
Мункарнакр билан курашга кетди.

2007 йил 28 март

ИФТИХОР

Кун кеча Рустамга шеър битган эдим,
Бугун бағишладим Русланга ашъор.
Она Ўзбекистон, о, юртим, кадим,
Яна юрагимга солдинг ифтихор.

Бировга беписанд боқмоқлик нечун,
Ҳар ким содиқ бўлсин лафзи, сўзига.
Кимлардир ер чизиб турибди бу кун,
Руслан зарбасидан келмай ўзига!

2007 йил 15 апрель

ҒУРУР

Русланга жаҳоний зафар ёр бўлди,
Ўзбекнинг ғурури барқарор бўлди.
Дуо берган эди узи Юртбошим,
Эл-юрт меҳри унга мададкор бўлди.

2007 йил 19 апрель

ҚУРИЛИШ

Қай замон бир чолга бермишлар савол:
— Чайла ҳам қурмабсиз, бу қандайин ҳол?
— Бор-йўғи уч юз йил умр кўрсаму,
Шунга ҳам қурилиш шартми? – дермиш чол.

2007 йил 3 май

УМР

Бобо ва набира ухлар узун кун,
Бу ҳолдан хайратга тушмоқлик нечун.
Кучи йўклигидан ухлайди бири,
Бирови ухлайди куч йиғмоқ учун.

2007 йил 6 май

НАКУРТ

Шоир Азим Суюннинг қишлоғисан, сен Накурт,
Тоғлар салтанатининг ажиб, сулув макони.
Қояларда олқору чўққиларда сор бургут,
Қиёк ўтлар шивири унинг сирли забони.

Ям-яшил дараларда айланиб шамол учар,
Тиллақўнғиз қанотин елпийди парвозга шай.
Шу он бута тагидан йўрғалаб каклик ўтар,
Осмонда томошабин – муаллақ сўфитўрғай.

Ўзича балоғатнинг бетакрор завкин суриб,
Тошдан тошга сакрайди ўспирин улоқчалар.
Қайсидир серкачанинг ношуд аҳволин кўриб,
Узала тушганича кикирлар булоқчалар.

Нозанин бир малакнинг биллур кўзгусидир бу –
Булутлар орасидан қуёш назар ташлайди.
Бор экан-ку дунёда бундаин сокин туйғу,
Долғали умрим йўли ёдга туша бошлайди...

2007 йил 17 май

ДАККИ

Иш қизғин пайтида битта мардикор
Шеригин койирди ғоят ғазабкор:
Қўйни сўйса бўлар, тухум ейилгай,
Сендан нима фойда, кандаин наф бор?

2007 йил 23 май

ҲИМОЯ

Бизга уқтирарди ҳамиша отам,
Икки хил инсонга боқинг деб ҳар дам:
Бирин – ёш болаю бириси – кекса,
Ҳимояга муҳтож иккаласи ҳам.

2007 йил 1 июнь

РИЗОЛИК

Уни қизиқтирди дунёнинг зари
Орзули ҳаётнинг ибтидосида.
Керак бўлмай қолди буларнинг бари
Ғалвали умрнинг интиҳосида.

Кескир қиличини сермаб бешафқат,
От суриб келди-ку бир кун жудолик.
Унга керак бўлди сўнгги дам фақат
Бир сғиз ширин сўз ҳамда ризолик.

2007 йил 11 июнь

ҚУЁШ БЕКАТИ

Сайр этиб юраркан олис Японда,
Ажиб фахр ҳиси жўшарди қонда:
Қуёш бу диёрдан чиқса ҳам гарчанд,
Бир кун тўхтаб ўтар Ўзбекистонда!

Токио. 2007 йил 22 июнь



УМИД

Болам, кувончларинг олдинда ҳали,
Бутана дарёнинг лойқаси тинар.
Сайроқ қушларинг ҳам боғингга қўнар,
Болам, кувончларинг олдинда ҳали.

Ватанинг бундан ҳам бўлар чароғон,
Яна чаппор ургай анвойи гуллар.
Тенгсиз меҳр билан балкар кўнгиллар,
Ватанинг бундан ҳам бўлар чароғон.

Машаккатлар ўтар, синовлар ўтар,
Хандон кулгуларинг таралгай ҳали.
Тегрангда бир олам яралгай ҳали,
Машаккатлар ўтар, синовлар ўтар.

Умид қил, бошингни тик тутгин, болам,
Шу мунис Ватаннинг тупроғини ўп.
Бобо чинорларнинг япроғини ўп,
Умид қил, бошингни тик тутгин, болам.

2007 йил 1 июль



УЛУҒБЕК ФАРЁДИ

Минг лаънат сен ниҳол ўтқазган вақтга,
Оссалар гар ўзинг эккан дарахтга.

Тақдирнинг юзлари қорайсин баттар,
Қазган кудуғингга чўктирсалар гар.

Фалак гумбазини ёрсин фарёдинг,
Агар ўз фарзандинг бўлса жаллодинг.

Ўрласин аршгача бу қора тутун,
Бешигинг тобутга айланса бир кун.

2007 йил 1 июль

НАСИБА

Дунёда ҳеч кимса юрмайди бекор,
Ҳар кимнинг ҳар қайдан насибаси бор.
Кимдир оиласин гап сотиб боқса,
Кимдир гап ўғирлаб тебратар рўзғор.

2007 йил 11 июль

СОДАЛИК

Инсон болалари барибир содда,
Мен сизга келтирай уч-тўртта мисол.
Балки сиз уларни сақларсиз ёдда,
Ёки бойитарсиз, эҳтимол.

Мана бу ҳолатни айланг тасаввур,
Бу ҳам содаликдан эмасдир йирок:
Кимдир заррача ҳам қилмай тафаккур,
Уйсиздан жой сўрар, сўкирдан чирок.

Ҳамёнин олдирган нуроний бир чол
Инсоф! — деб бошини қиларди сарак.
Ох, гўл отажоним, содда оқсоқол,
Инсофни бор гап деб ўйласа керак.

Ўзим учратганман, бир нокас, нодон
Масхара қиларди содда сиймони.
Дер эди: — Билмайди бу латта инсон
Ҳозир калла эмас, ақча замони!

Инсон болалари содда барибир,
Мана қабулхона. Одамлар турлик.
Навбати келганда қувонди кимдир,
Ишим битади, деб ўйлади шўрлик.

Инсон болалари барибир содда,
Гарчанд дунё мушкул – буни билади.
Яшагиси келмас йиғлаб фарёдда,
Шўх-шўх қўшиқларни талаб қилади.

2007 йил 1 июль

ҚАССОБ

Кимлардир қассобни хунхор дейдилар,
Берар тирик жонга озор дейдилар.
Бирок, қассоб сўйган қўйнинг гўштини
Мақташиб, такрору такрор ейдилар.

2007 йил июль

ЛОФ

Лофчининг услуби шундоқдир азал,
Маҳлиё қилади сизни ёлғонга.
Қай куни бир лофчи дер эди дангал:
— Шапалоқ тортганман Наполеонга.

Гапни илиб кетди иккинчи лофчи,
Деди: — Эшит энди, оғайни, бизни,
Улик денгиз дерлар, сабабин топ-чи,
Ўзим ўлдирганман ўша денгизни.

Лофнинг замони ҳам ўтди-ку мутлок,
Унга муҳтож эмас бирорта одам.
Ростдан дуч келганга тортиб шапалоқ,
Ростдан куритгайдир денгизларни ҳам.

2007 йил 11 июль

МЕЧКАЙ

Бир мечкай бўларди, баттар юҳодан,
Тўймасди на ошдан ва на шўрводан.
Бир кун ҳақсизликка дуч келиб деди:
— Тўйдим барисидан, хатто дунёдан.

2007 йил 11 июль

ЖИН

Мана бу гап эса ҳақиқатдир чин,
Бугун кўзасидан чиқиб кетган жин.
Энди у ҳеч кимни писанд қилмайди,
Ҳатто эгасига кўтарар камчин.

2007 йил 12 июль

ВАТАН

Ватан нимадир деб юргандан кўра,
Эсингни бир жойга йиғиб ол, жўра.
Дунёда ибратли дарсхоналар куп,
Ватанни сен ватангадодан сўра.

2007 йил 14 июль

ИҒВОГАР

Қалин чарм тортиб қалин бетига,
Ўтириб олган у йўлнинг четига.
Бир гап чиқарми деб тинмай қарайди
Кимнинг оғзигаю кимнинг кетига.

2007 йил 14 июль

ҚАЧОН ЭСЛАРКАН...

Қолганлар эслайди ўтган инсонни,
Қумсар тушларида ул азиз жонни.
Билмадим, ким қайда, қачон эсларкан
Марҳум бўлиб кетган шўрлик виждонни.

2007 йил 14 июль

ЯНА ЎЗИНГ ҚЎЛЛА

Кимдир ой санайди,
кимдир кун санар.
Мен эса санайман
соатни ҳатто.
Осонми қадамда
пойласа хатар.
Осонми яшамоқ
тахлика аро.
Ҳасад ва ғаразнинг
камчиси тегиб,
Кўзимдан қонли ёш
окмоқда балким.
Турибман шўришли
бошимни эгиб,
Яна ўзинг қўлла,
онажон, халқим!

2007 йил 12 июль

ЁЛҒИЗ

Ёлғизнинг ғамини емайди ҳеч ким,
Ҳимояси учун елмайди ҳеч ким.
Эслашса, дунёдан ўтди у дерлар,
Дунёдан ўтказдик демайди ҳеч ким.

2007 йил 15 июль

ТИНЧЛИК

Дунёда битта сўз бор
тенгдир катта-кичikka.
У ҳатто коинотни
харир каби ўрайди.
Кимдир кимни йўқласа
кўз тикиб яхшиликка,
Даставвал бир-бирдан
тинчликми? – деб сўрайди.

2007 йил 6 август

ЮРТДОШЛАРИМ

Қалбимни чулғайди ажиб бир кўшиқ
Юрт кезсам, у баланд тоғлардан ошсам.
Далалар кўйнида меҳнаткаш, мушфик
Азиз юртдошларим билан учрашсам.

Текис дазмол изи бўлмас эҳтимол,
Уларнинг усти-бош, энгилларида.
Боқишар ҳамиша боладай хушҳол,
Зарра эгрилик йўқ кўнгилларида.

2007 йил 8 сентябрь

ШОИР

Дуч келган кимсани дўст билма, шоир,
Панд егач бағрингни сўнг тилма, шоир.
Номингдан улуғроқ мартабанг йўқдир,
Давралар тўрига интилма, шоир.

2007 йил 9 сентябрь

НАЗАРМАТ ОТА

Шоирнинг 90 йиллигига

Ғалвали дунёнинг кўзига қараб,
Жангтоҳларда гоҳо қонларга бота,
Тўксон йил тириклик довига чидаб,
Қандай яшагансиз, Назармат ота?!

Ҳаёт мажбурият бўлиши мумкин,
Ирсият умрга таянч ихота.
Турфа одамларга меҳрни лекин
Қандай сақлагансиз, Назармат ота?!

Аслида саволни бермоқ қийинмас,
Саволлар гоҳ взвод, гоҳ рота-рота.
Барига кўл силтаб қўясиз, шу бас,
Билганингиз тўғри, Назармат ота...

2007 йил 7 ноябрь

ИНСОН

Сенга бўлсин эзгу хисларим,
Нафратларим бошқа ёқларга.
Ўзни таниб, Сени изладим,
Дуч келсам ҳам шум сиёқларга.

Биров сени авлиё деди,
Биров деди меҳнаткаш сиймо.
Гар сийратинг ёдимда эди,
Сувратингни кўрмадим аммо.

Йўлиқасан гўдак бўлиб гоҳ,
Гоҳ мўйсафид, гоҳ шод, гоҳ нолон.
Кимлигингдан бўлмадим огоҳ
Ва атадим номингни – Инсон.

2007 йил 20 ноябрь

ҚАРҒИШ

Оссалар – дақиқа умрингга якун,
Отсалар — дақиқа умрингга якун.
Эл-юрт қарғишидан асрасин Худо,
Авлод-аждодингга етгай у бутун.

2007 йил 21 ноябрь

ВАТАН ФАРЗАНДИ

Гоҳо ёш болага ўхшайди Ватан,
Содда, норасида, пок ва беғубор.
То озер етмасин унга дафъатан,
Бегона кўзлардан асрамоқ даркор.

Ватан улуғ пирга ўхшайди гоҳи,
Кўллагай, аритгай кўздан ёшларни.
Юрса товонига ботмасин токи,
Йўлдан олиб қўйинг ҳар хил тошларни.

Ким унинг хизматин этолса адо,
Икки дунёда ҳам бўлмагайдир кам.
Ўзини таъмасиз қилдими фидо,
Ўша эрт Ватанга фарзанд чинакам.

2007 йил 3 декабрь

КАМТАРЛИК

Ҳар кимга буюрсин ўзининг дарди,
Баъзан кулсанг камдир, йиғласанг ҳам оз.
Бир куни хилватда суҳбат қиларди
Содда шогирд билан меҳрибон устоз.

Устоз дер эдики: — Топшириқ шулдир:
Йўқот фалончини, қурисин зоти.
Сўнг эса албатта ўзингни ўлдир,
Жаннатга тушасан ўша заҳоти.

Шогирди дер эди ғоятда камтар:
— Устоз, мақбул эрур айтган сўзингиз.
Жаннат шу қадарли нақд бўлса агар,
Ишни бошлаб беринг аввал ўзингиз.

2007 йил 20 декабрь

БОЗОРЧИЛАР

Ҳеч кимсага айтмаймиз бу сиримизни,
Меҳмонлардан узмаймиз кўз қиримизни.
Тушга қадар биз уларни алдагаймиз,
Тушдан кейин алдаймиз бир-биримизни.

2007 йил 20 ноябрь

ҚУМ СОЧИШ

Кичкинтой набирам лаби пирпираб,
Кичкина ҳасратин очди бир куни:
Ўртоғим қум сочди кўзимга қараб,
Хафа қилмагандим ахир мен уни...

О, болам, бетоқат бўлма бунча ҳам,
Бобонгнинг жонига берсин-да тузим.
Мен ҳам ундайларни агар санасам,
Йўқотсам бўларди ўзимни ўзим.

2007 йил 20 ноябрь

ТАБИАТНИНГ ИШИ

Табиатнинг иши ғоят ранг-баранг,
Ҳаддан зиёдликни севар у бир оз.
Икки бошли бузук бор эмиш, қаранг,
Бор эмиш қайдадир тўрт оёқли ғоз.

Турфа ходисотга учрар одам ҳам
Гоҳида отлик у, гоҳи пиёда.
Гоҳи босиб келса ҳаддан зиёд ғам,
Гоҳи шодлик келгай ҳаддан зиёда.

Лекин ҳеч бир кимса билмас шу асно,
Тақдир ипи қандай тўқилганини.
Ҳаддан зиёд оқил туғилдими ё,
Ҳаддан зиёд нодон туғилганини.

2007 йил 24 ноябрь

ОШ

Кимдир кимга ташланиб,
Муттасил захрин сочар.
Хашагини титкилаб
Минг йиллик айбин очар.
Эҳтиёт бўл биродар,
Гўлаҳларга ишонма,
Ош пишганда қозонни
Билдирмай олиб қочар.

2007 йил 25 ноябрь

ПАХТА

Туғилиб илк бора бешикка кирсам,
Бошимда болишим бўлган ўзингсан.
Дунёнинг қайси бир бурчида юрсам,
Ғурурим, нолишим бўлган ўзингсан.

Кездим қасрларни — шуҳратинг сабаб,
Гоҳи зиндонларга айланди жойим.
Лойимни қорганда момикқа ўраб,
Йўргаклаб олгандир балким Худойим.

Пахтам деб куйласам сени қай замон,
Ёғилди шаънимга ҳатто маломат.
Эмишки, йўқ, сенда илҳомдан нишон,
Йўқдир гўзалликдан сенда аломат.

Сени ризқим деди муштипар онам,
Демакки, ризқимсан азалдан-азал.
Токи шу тупроқда экан насибам,
Ҳатто янтоғига ёзурман ғазал.

2007 йил 27 ноябрь

ДЎСТ

Тақчил буюмлар бор, тақчил дори бор,
Уларга айрича бўлгай зътибор.
Дўст ҳам тақчилларнинг рўйхатидадир,
Шукрим, дўст менда бисёрдир, бисёр.

2007 йил 2 декабрь

ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

Исломнинг муқаддас арконлари бор,
Ҳаж, рўза, намозу закот ва жиҳод.
Улар боғлиқ эрур иймонга пойдор,
Бажарган ҳар мўмин топгайдир нажот.

Рўза ва намоз-ку ҳамроҳдир доим,
Закот ҳам топилгай ба қадри имкон.
Имонинг то маҳшар бўлсин бут, коим,
Лекин жиҳод недур? Наҳот жанг ва қон!

Қай мўмин ҳидоят йўлини билса,
Ҳирсу нафс ҳужумин этолсин барбод.
Расулulloҳ демиш:—Кимки ҳаж қилса,
Ўшадир дунёда энг яхши жиҳод.

2007 йил 19 декабрь

ИЖРОЧИЛАР

Мақсадимиз аниқ,
Ғоямиз порлоқ.
Зорлигимиз йўқдир ҳимочиларга,
Ва лекин ишимиз тушади кўпроқ
Пастдаги оғайни – ижрочиларга.

Секин ўсиб бориб, уч йилми, тўрт йил
Мазкур ўриндикда ўлтирар улар.
Жуда ҳам зийракдир, жуда ҳам қобил,
Бўлмаган ишни ҳам бўлди рар улар.

Унутиб қўйиши мумкин дир баъзан
Бирор таниши ё ёрнинг исмини.
Лекин унутмайди, ёзилмай колган
Муҳим ҳисоботнинг сўнгги қисмини.

Уйига қайтади ҳориб ва толиб,
Баъзан ярим тунда ё ундан нари.
Тушларига кирар – курортлар қолиб,
Мансабнинг кейинги поғоналари.

Асли ўшалар дир аркони давлат,
Улар бор, кўрғонга йўламас ётлар.
Аниқ тавсифлари битта дир фақат:
Ижрочи зот улар, ижрочи зотлар.

Бироқ кўнгли жўшиб онда-ю сонда
Баланд макомларда сўзлайдилар ҳам.
Сигара тутатиб юксак балконда
Олис-олисларни кўзлайдилар ҳам.

Не ажаб, тобига келганда тандир
Новвой очик жойга кулча ҳам ёпгай.
Нима бўлганда ҳам, улар барибир,
Қутлуғ даргохларда тарбия топгай.

Шеъримни тугатдим,
Гоя ва турок
Тахлили олиму имлочиларга.
Олий минбарларга чиккунча бирок
Мен уни ўқийман ижрочиларга.

2007 йил 23 декабрь

ЖАННАТ

Умрим шамоллари хануз елади,
Ҳануз нурли чехранг турар кошимда.
Онажон, мен сени кўргим келади
Етмишни қоралаб қолган ёшимда.

Майлига, менга ҳам ором тилагин,
Онажон, соғинчим сен ўзинг рости.
Мўйсафид ўғлингнинг бошин силагин,
Менга жаннат эрур оёғинг ости.

2007 йил 25 ноябрь

ИНСОН ОМИЛИ

Самолётлар кулар,
Кемалар чўқар,
Поездлар изидан чиқиб кетади.
Бу ҳолнинг сабабин қанча изкувар,
Қанча идоралар таҳлил этади.

Кичик мурватгача ахтариб топиб,
Текширар илмнинг неча комили.
Охири бесамар дафтارين ёпиб,
Дейдилар: сабабчи инсон омили.

О, инсон омили, сўнгги сабабкор,
Тангри қошидаги ёлғиз далолат.
Ўзингнинг дардинга ўзингсан айбдор,
Ўзингга юклайсан ўзинг маломат.

Ҳатто надоматинг ўзингга тортик,
Чўккан кема билан чўккайми зоринг.
Баридан ортиқдир, баридан ортиқ
Сенинг бир-бирингга берган озоринг.

Ғалва чиқармоққа сен доим шайсан,
Бурайсан тинч турган бошнинг мурватин.
Умринг ўтиб борар, сен-чи яшайсан
Бир шумлик қилишнинг пойлаб фурсатин.

Не-не закий зотлар сенинг дастингдан
Шайтонга коранда бўлгани ҳам рост.
Сенинг макрингдану сенинг касдингдан
Кимлардир беажал ўлгани ҳам рост.

Улуғ кашфиётлар сеники гарчанд,
Ўзингсан фалакнинг тенгсиз олими.
Бир кун меҳварида замин еса панд
Сабаб бўлмасмисан, инсон омили.

2007 йил 23 декабрь

ЁШЛИГИМ

Олис қишлоғимнинг кўчаларида,
Тупрокни чангитиб юрган ёшлигим.
Жанубнинг юлдузли кечаларида,
Ухламай хаёллар сурган ёшлигим.

Орзулар қайгадир чорлади бир чок,
Ортда қолиб кетди у азиз тупрок.
Кимгадир шогирду кимгадир ўртоқ,
Шеър билан суҳбатлар қурган ёшлигим.

Танидим юртимни, кадим элимни,
Алишер сўзлаган сулув тилимни.
Ва лекин ёвларим тўсиб йўлимни
Не забун кунларни қурган ёшлигим.

Дунёда бировни камситмоқ ёмон,
Ёмондир сеники бўлмаса замон.
Тополмай бир чора, тополмай имкон
Йулин ёлғизликка бурган ёшлигим.

Шукур, тўзонларда қолмадим сўлиб,
Келди хуш даврон ҳам шавқларга тўлиб.
Энди рўпарамда набирам бўлиб,
Мардона қад кериб турган ёшлигим.

2007 йил 25 декабрь

ЯНГИ ДАВРА

Бир даврада мен ўзимни бегона сездим,
Гўё бошқа сайёрага келгандай сайёҳ.
Турфа нозик буюмлардан қамашиб кўзим,
Қўрқар эдим, тегиб кетмай дея баногоҳ.

Аҳли давра ғоят пўрим, ғоят мафтункор,
Ҳар бирининг имосида назокат аён.
Улар таъзим қилишарди такрор ва такрор,
Такиб олган узуклари ялтирар чунон.

Мен-чи, ёлғиз ўлтирардим кўрган каби туш,
Бўйинбокқа мос келганми мен кийган кўйлак?
Талай санчки, қошиқларга боқардим хомуш,
Қайси бирин қайси кўлга олмоғим керак?

Шу он кўшиқ янграб колди ёруғ сахнада,
Ғамгинмиди, шодмонмиди – билмасдим, валлоҳ!
Май ичмасдан мастдай эдим ўша лаҳзада,
Менинг учун қадах сўзи айтилмишдир, воҳ!

Янги замон ғунчалари, сизларга салом,
Битта кўҳна мўмиёни сийламишсиз, бас.
Набиралар кўрсатибди менга эҳтиром,
Демак, ушбу даврада мен бегона эмас.

2007 йил 31 декабрь

ЙЎРИҚ

Дунёнинг ибратли йўриқлари бор,
Ўша бошқаради умр кемасин.
Дўстига меҳрини этганда изҳор,
Ҳеч ким кўкрагидан тепки емасин.

Қанча камолотга етмасин одам,
Асло унутмасин Халлок — эгасин.
Ўзини гуноҳкор санасин ҳар дам,
Савоб ишни эса қилдим демасин.

2008 йил 10 январь

МУЛК

Сен мени кечиргин гапларим учун,
Ўринсиз сўзларим учун кечиргин.
Сенинг юзларингга боқиб туну кун
Тўймаган кўзларим учун кечиргин.

Фикринг меникидир, зикринг меники,
Менга тааллуқли гўзаллигинг ҳам.
Қолган барча мулкинг, майли, сеники,
Айт-чи, нима қолди ўзингга, эркам.

2008 йил 10 январь

ЎЗБЕК ГЕНЕРАЛЛАРИ

Икки генералим турар ёнма-ён,
Ўтли кўзларида жасорат зоҳир.
Улар Темурбекнинг наслидир шоён,
Бири Алишеру бири Баҳодир.

Ёвқур саркардалар – қурқув билмаган,
Тинчликка масъулдир ўлкаларида.
Икки амакимга¹ насиб қилмаган
Юлдузлар чақнайди елкаларида.

Олис ўрмонларда қайси бир замон
Дарахт кесар эди ўзбек аскарари.
Жалолни² эътироф этмаган даврон
Унинг авлодин ҳам сурганди нари.

Садағаси кетай ҳурлик сўзининг,
Ўзбегим сочилган гардларин топди.
Боболарин эслаб, яна ўзининг
Қўмондонин топди, мардларин топди.

Ҳеч ким орзу қилмас шамширни, бироқ
Унингсиз дунёни асраш ҳам кийин.
Мен нечун қувониб шеър айтмай бу чок
Ўзбегим генерал бўлгандан кейин.

2008 йил 14 январь

¹ Шоирнинг икки амакиси иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган (таҳририят).

² Жалолиддин Мангуберди.

АЗИЗ МУАЛЛИМ

Илму адаб, иймон эзгу муроди,
Муаллим авлоднинг асл устоди.
Шогирдлар камолга етгани замон,
Сен бахтли инсонсан, сен бахтли инсон.

Нақорат:

Эй, азиз муаллим, азиз муаллим,
Сен улуғ зотларга бергансан таълим.
Эй, азиз муаллим, азиз муаллим,
Сенга биз абадий этгаймиз таъзим.

Сен учун тенги йўқ қошона мактаб,
Мангулик умрдан нишона мактаб.
Юрт ишқи меҳрибон кўзларингдадир,
Истиклол шуқуҳи сўзларингдадир.

Нақорат:

Эй, азиз муаллим, азиз муаллим,
Сен улуғ зотларга бергансан таълим.
Эй, азиз муаллим, азиз муаллим,
Сенга биз абадий этгаймиз таъзим.

Донишманд авлодлар юлдуз, куёшим,
Раҳнамо ҳамиша азиз Юртбошим.
Мактабим, мактабим шуҳрату шоним,
Илму фан диёри Ўзбекистоним.

Нақорат:

Эй, азиз муаллим, азиз муаллим,
Сен улуғ зотларга бергансан таълим.
Эй, азиз муаллим, азиз муаллим,
Сенга биз абадий этгаймиз таъзим.

2008 йил 21 март

* * * * *

«НАСАФ» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ УЧУН БАҒИШЛОВ

Спортда миллионлар ўйини футбол,
Галаба байроғин доим қўлга ол.
Майдонга йигитлар чиқади саф-саф,
Темур бобомизнинг шиддати «Насаф».

Нақорат:

Майдонга йигитлар чиқади саф-саф,
Темур бобомизнинг шиддати «Насаф».

Мухлислар қалбини ҳаяжонга сол,
Хужум қил, дадил бўл, уравергин гол.
Эл-юрт ишончини оқла, бор бўлгин,
Улуғ халқинг учун ифтихор бўлгин.

Нақорат:

Майдонга йигитлар чиқади саф-саф,
Темур бобомизнинг шиддати «Насаф».

2008 йил, март

СЎЗ

Мавриди келмаса чопма бедовни,
Жавобини билсанг, берма саволни.
Дунёда сукутдан яхшироғи йўқ,
Сўз айтишга мажбур қилма бировни.

2008 йил 29 апрель

ҲАЁТ УММОНИ

Ўз-ўзича қайнаб ётар ҳаёт уммони,
Унга ҳеч ким масъул эмас, жавобгар эмас.
Чорасизлик боис жўшар инсоннинг қони,
Ҳаракатга солар уни кураш ҳар нафас.

Нодонликдир фақат бахтни куйламаклик ҳам,
Бир бахтсизлик эвазига бир бахт кулажак.
Ёмонликни кўравериб чарчаган одам,
Охирида диндан чиқиб, осий бўлажак.

Одамзотдан бўлак барча мавжудотки бор,
Ўзлигини қилолмайди асло тасаввур.
Инсон зотин қўлида йўқ зарра ихтиёр,
Қутқаради уни фақат Иймон, Тафаккур.

2008 йил 20 май

АЖДАҲО

Қадимий эртақларда
Таърифлашиб дунёни,
Тилга кўп олишади
Уч бошли аждаҳони.

Аслида аждаҳога
Учта бош нега керак?
Ўлжани ютса бири,
Иккови пойлар сергак.

Инсон аждаҳо эмас,
Биттагина боши бор.
Барча савдони унга
Сиғдирмоқлиги даркор...

2008 йил 25 май

ЖАЙХУН ХАНГОМАСИ

Ибройим Юсуповга

Жайхуннинг ул ёғида
Хоразмлик шоликор,
Жайхуннинг бул ёғида
Қорақалпок чорвадор.

Иккиси ҳам туну кун
Юмуш билан банд эди.
Феъллари ҳам ўхшашдир,
Эгизакмонанд эди.

Бирок ўртада дарё,
Кўришиб бўлмас доим.
Яхшиям одамзотга
Овоз берган худойим.

Улар гоҳо бир-бирин
Йўқлашиб чакирарди.
Овозларин борича
Қирғоқдан бакирарди.

Кайф деган ҳам бор нарса,
У ҳам кўнгил бозори.
Бир пайт қорақалпокни
Тутди носнинг хумори.

Носқовоғин олдию
Кафтига қоқди, аммо
Бир чимдим ҳам чиқмади,
Туғаб қолмиш нос, оббо!

Энди нетиб бўлса ҳам
Босмоқ керак хуморни.
Дарёнинг нарёғидан
Чорлади шолиторни:

— Хой, ёшулли, йўқ дема,
Савобимга ботақол.
Мен учун ҳам бир отим
Носвойингдан отақол.

Овоз келди у ёқдан:
— Мана, носни отдим, — деб.
Сен ҳам кайфин суравер,
Савобингга ботдим, деб.

Алкадилар бир-бирин,
Кўнгиллари бузилиб.
Туйқусдан қорақалпоқ
Ётиб олди чўзилиб.

Не ҳам дердик, бу ажаб
Ҳангома ҳам бас бўлди.
Хоразмлик нос отиб,
Қорақалпоқ маст бўлди.

2008 йил 1 июнь

ФИРИБГАР ҚИССАСИ

Неча юз йиллар бурун,
Амир Темур замони.
Бепоён мамлакатнинг
Тинч эди тўрт томони.

Боғлар гуллаб, чаманда
Булбуллар чаҳ-чаҳларди.
Тирикчиликдан бўлак
Йўқ эди элнинг дарди.

Дарёлар тинса тинар,
Шамол ҳам тўхтар, бироқ
Эзгуликнинг ёнида
Ёвузлик доим уйғоқ.

Бу ҳудудда яшарди
Ғоят қув бир фирибгар.
Тегирмонга ташласанг,
Тобланиб чиқар баттар.

Унинг кутку, домига
Тушмаганлар кам эди.
Ҳаттоки шахзодалар
У билан ҳамдам эди.

У гоҳо салтанатнинг
Номидан ҳам сўзларди.
Қайга борса, даставвал
Ғазнасини кўзларди.

Қушлар ҳам қўниб-қўниб
Қилгандек кўкда парвоз,
Бир кун кўзаси синиб,
Кўлга тушди найрангбоз.

Адолатдан бу дунё
Ҳамиша эмас холи.
Фирибгар осилсин, деб
Чикди фармони олий.

Баланд дорнинг остига
Келтирдилар маҳкумни.
Жаллод сиртмоқ солай деб
Пайпаслади ҳалқумни.

Ажабо, елкаю бош
Туташиб кетган тамом:
Унинг бўйни йўқ эди,
Бўйни йўқдир, вассалом!

Бу ҳолни Яратганнинг
Ҳукми деб билишдилар.
Фирибгарни худуддан
Бадарға қилишдилар.

Орадан йиллар кечиб,
Асрлар ўртасида,
Фирибгар пайдо бўлди
Бобуршоҳ ўрдасида.

Ҳиндуни лакиллатди,
Мусулмонни талади.
Ошни у еб, бошқалар
Товоғини ялади.

Шов-шуви бориб етди
Ҳазратнинг қулоғига.
— Ташланг, — деди, — бадбахтни
Чўнг филнинг оёғига.

Мана энди, баччагар,
Уддаласанг қил фириб.
Уни филнинг олдига
Ташладилар келтириб.

Тоғдайин фил шу захот
Топтайман деб хезланди.
Лекин бирдан гувраниб
Орқасига тисланди.

Филнинг ушбу қилиғи
Одатига эди зид.
Фирибгарнинг оғзидан
Анқир эди бадбўй ҳид.

Бу ҳолни ҳам Яратган
Ҳукми деб билишдилар.
Фирибгарни Оградан
Бадарға қилишдилар.

Асрлар ўтаберди
Кўриб бахту кулфатни.
Фирибгар ҳам фатҳ этди
Турфа хил мамлакатни.

Бу дунёда аслида
Ҳеч кимга эмас осон.
Бухорога келганда
Тутди уни Олимхон.

— Кўринг, одил сиёсат
Юритаман, — деди у.
Фирибгарни зиндонда
Чиритаман, — деди у.

Аввал роса калтаклаб,
Ташна қилди қонига.
Сўнгра зиндонга тикди,
Шерик қўйиб ёнига.

Орадан кунлар ўтди,
Ўтиб кетди ойлар ҳам.
Қалбларга шафқат солиб
Ҳайит келди муқаррам.

Фармон чиқарди Амир,
Унда жо шундай сўзлар:
— Афв қилинсин энг мўмин,
Энг батартиб маҳбуслар.

Фирибгарнинг шериги
Афвга илинмиш, аммо
Зиндоннинг ичида ҳам
Бошланди янги ғавго.

Боксалар, шерик ётар
Оёқ-қўли чалмашиб.
Фирибгар чиқиб кетмиш
Кулоҳини алмашиб.

Орадан йиллар ўтди,
Ёлғон яшнаб, чин куйди.
Кеча иштон кийганлар
Улгуришиб шим кийди.

Қайси куни бозорда
Бир томоша кўрдим заб.
Аллақандай кимсани
Судраб кетарди миршаб.

Мен сўрадим: — Айт, бунинг
Гуноҳи нима эди?
Миршаб-чи, парво қилмай:
— Буми? Фирибгар! – деди.

Шу тариқа заминда
Давом этади ҳаёт.
Аммо, миршаб биродар,
Ўзингга бўл эҳтиёт!

2008 йил 4 июнь

МЕНГА ХУШ ХАБАР АЙТ...

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...
Дарду машаққатлар ўтгайдир бари,
Ўксима, оёққа тургайсан, деб айт.
Умрингнинг фарахбахш, тотли онлари
Ҳали олдиндадир, кўргайсан деб айт.

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...
Дўстларинг бордир-ку хали дунёда,
Сени кулфатларда қолдирмас деб айт.
Ёвузлик бўлса ҳам ҳаддин зиёда
Сени чангалига олдирмас, деб айт.

Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...
Олис муҳаббатинг сўнмаган ҳамон,
То ҳануз унутмай юрибди дегил.
Сарғайган дафтарин варақлаб пинҳон,
У сени тушида кўрибди дегил.
Менга хуш хабар айт, ёлгон бўлса ҳам...

2008 йил 7 июнь

ЗИЁФАТ

Бир кунни йигитнинг мардлиги тутди,
Дастурхонин ёзиб, дўстларин кутди.
Зиёфат сабабин сўрашса, деди:
— Бугун уйда куним бежанжал ўтди.

2008 йил 8 июнь

ЯНГИ АҚИДА

У деди: — Урф ҳозир шундай ақида:
Мен ҳам китоб туздим бобом ҳақида.

Хотира ёзиб бер, оғайни, сен ҳам,
Китоб тайёр бўлган, суратлари жам.

Бу деди: — Бобонгни кўрмаганман-ку,
Демак, ҳеч суҳбат ҳам кўрмаганман-ку?!

У деди: — О дўстим, камтарсан-да заб,
Яхшилаб эслаб кўр, эсла яхшилаб.

2008 йил 12 июнь

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

Ўтди Чингиз оға,
Тенгсиз бир даҳо,
Улуғ бир қиссагўй, туғма донишманд.
Майда туйғуларни суймасди асло,
Маҳобати эса Манасга монанд.

У инсон дардини куйлади тўлиб,
Сўзни азиз билди нон билан туздек.
Меҳру садоқати мустажоб бўлиб,
Адибни бошига кўтарди ўзбек.

Ота юрти учун курашларга шай,
Не буюк зотларга бўлди ҳамнафас.
Қирғиз эканлигин зарра унутмай,
Тулпорин бошқача кишнатмади, бас.

2008 йил 12 июнь

БОЛАКАЙ

Болакай ўйинчоғин
Гоҳ тузатар, бузар гоҳ.
Болакайнинг қилиғи
Яратганга ўхшар, оҳ!..

2008 йил 15 июнь

ҚИСМАТ

Қисматни нарироқ суриб бўлмайди,
Билмайсан, йўлингни қай вақт тўсишин.
Кўз билан ҳеч қачон кўриб бўлмайди
Дарахт ва тирноқнинг қандай ўсишин.

Нафрат ҳам улғаяр, секин қатма-қат,
Эзгу ҳисларингга бермай кўяр эрк.
Болам, сен уни ҳам этгин назорат,
Дарахт ва тирноқни қайчилагандек.

2008 йил 16 июнь

САЙЁҲ

Олис сафарларга сайёҳ йўл олар,
Уни олиб учар поезд шиддати.
Шаҳар чироқлари кўринмай қолар,
Йўкликка сингади тоғлар келбати.

Дафъатан бўшлиқни ҳис этади у,
Ортикча матоҳдай жой тополмас тан.
...Гарчанд юрагимда сийратинг бор-ку,
Сувратинг йироқда қолмоқда, Ватан.

2008 йил 15 июль

ТЎҒРИЛИК

Совчи дер: — Отахон, берингиз дуо,
Жуда тўғри йигит бўлғуси куёв.
Ота дер: — Тўғрилик яхши-ю, аммо
Бундайлар рўзгорин боқолмайди-ёв.

2008 йил 22 июль

ДУО

Бир кун эшигингдан кирар бўлсам гар,
Менга таъма билан боқма, мезбоним.
Йўқдир менда мансаб, мол-мулк, олтин-зар,
Борим шулдир фақат: тандаги жоним.

Афсуски, ҳаким ҳам эмасман, демак,
Сени этолмасман дардлардан халос.
Балки сенга чин дўст, чин ҳамдам керак,
Улар ўзимга ҳам кераклиги рост.

Шеърый совғаларим мўл эрур, аммо,
Хурсанд бўлгум уни тинглаган онинг.
Кетар чоғи эса қилурман дуо,
Агарда қиммати бўлса дуонинг...

2008 йил 3 август

КЎНИКИШ

Дунё бола учун улкан, албатта,
Митти жусса билан полвон, шер эдик.
Бирон қарияни кўрсак, ҳайратда
Фалон ёшда эмиш, нахот, дер эдик.

Болалик, йигитлик шамолдай елди,
Нишонига етди, бамисоли ўк.
Мана, олтмиш ўтди, етмиш ҳам келди,
Ҳеч қандай ходиса юз бергани йўк.

Кўникиш хос экан инсонга доим,
Ҳайрат ҳам нисбий ҳол бўлиб қоларкан.
Арслонни ўргатган каби Худойим,
Охир кафасига қамаб оларкан.

2008 йил 3 август

ЙЎРТИБ ЎТАР

Эл ичида бўртиб ўтар тўрт-беш киши,
Дуч келгани туртиб ўтар тўрт-беш киши.
Ўлжа излаб бу дунёнинг саҳросида,
Қашқир каби йўртиб ўтар тўрт-беш киши.

2008 йил 3 август

ОЗОДЛИК

Куёш тутилганда қадим аждодлар,
Ўзларин йўқотмиш кўрқув, титроқда.
Самога термилиб қилмиш фарёдлар:
— Куёш банди бўлди! Куёш сиртмоқда!

Балки бу қиёмат кунидан хабар,
Балки куфримиз кўп, гуноҳимиз зил.
Шундоқ хитоб этмиш ҳазрат Пайғамбар:
— Куёш тутилганда қулни озод қил!

Нечоғли тансиқсан озодлик сўзи,
Сени фалаклар ҳам кўтаргай бошга.
Коинот машъали бўлса ҳам ўзи,
Озодлик керақдир ҳатто куёшга!

2008 йил 4 август

ФАСЛЛАР

Ҳар битта фаслнинг ўз таровати,
Ҳар бир умрнинг ҳам ёзи, кузи бор.
Номига ярашиқ файзи, роҳати,
Асло такрорланмас айтар сўзи бор.

Хилватда учрашди йигит билан қиз,
Атрофга таралди баҳорнинг иси.
Бирови «Жонгинам» деса тинимсиз,
Жавобан «Асалим» дерди бириси.

Гарчи завқи бордир бундай ҳолларнинг,
Унутманг, қай фасл эканлигини.
Ҳали эшитмадим кампир-чолларнинг
«Жонгинам», «асалим» деганлигини ...

2008 йил 8 август

ТУШ

Тушларимга кирар Дехли сафари,
Сарбаланд саройлар, минорлар юксак.
Издихом ичида юрганинг сари
Сени қуршаб олар гадойлар лак-лак.

Бири шол, бировин тескари боши,
Садақа сўрашдан ияги толмас.
Аёвсиз қиздирар Ҳинднинг қуёши,
Лекин кўзёшларни қурита олмас.

Гадойни тўйғизмас мен берган чақа,
Халос эта олмас бу оху зордан.
«Ҳар қайда бандангни ўзинг ёрлақа»,
Шафқат сўрар эдим Павардигордан.

2008 йил 18 август

СУҲБАТДОШ

Қанийди учраса шундай бир одам:
Сен ёқа бўлганда у ҳам енг бўлса.
Ёши, мартабаси тенг бўлмаса ҳам,
Албатта сен билан кўнгли тенг бўлса.

Қанийди учраса шундайин бир зот,
Гаплашсак жайдари ёронларга хос.
Дейлик: юлдузларда бормикин ҳаёт,
Қайси дармондори қайсимизга мос.

Қанийди учраса шундай суҳбатдош,
Бир-бирин асабин аралашмаса.
Бири кўз бўлганда, бири бўлса қош,
Суҳбатга ғийбат ҳеч аралашмаса.

2008 йил 19 август

ШОИРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

(Ҳазил)

Шоир керак бўлди Адабиётга,
Дедик: «Уни тезда топмоғимиз шарт».
Таяниб тажриба ҳамда саботга,
Шоир яратамиз талантли ва мард!

Олимлар юмушга киришди ҳушёр,
Бўлсин янги шоир бундоғ, дедилар.
Фаоллар йиғини чиқарди қарор,
Матбуот ҳам қўллаб, шундоғ, дедилар.

Биттасин яратдик, иккинчисин ҳам...
Дизайни жойида, кўзни оларди.
Лекин шеър ёздирсак, нимасидир кам,
Оддий бир тақлидчи бўлиб коларди.

Ҳаракатга тушмас, пуфламасанг гар,
Муком қила бошлар кўрса устасин.
Бир жуфт аскияга келмас баробар,
Ясаб қўйган билан бунинг юзтасин.

Билингиз, ҳақиқий истеъдод насли
Бир оз самовотга тегишли хилқат.
Даврон тупроғига шоирни асли
Яратганнинг ўзи эккайдир фақат.

2008 йил 20 август

ИСТИҚЛОЛ – 17

Менга бу қутлуғ кун
Ифтихор эди,
Бир яхши иримга
уни йўйдим мен:
Қизимда ўн олти
маржон бор эди,
Ўн еттинчи дурни
қўшиб қўйдим мен.

2008 йил 21 август

РИВОЯТ

Хурмат қилиш яхши ёши каттани,
Айлантириш мумкин чипта-латтани.
Қирк ўғил шу тахлит навбат ошириб,
Боқиша олмади битта отани.

2008 йил 21 август

ОЛТИН НИШОН

Интиқиб кутгандик бу кун, бу онни,
Таймазов келтирган олтин нишонни.
Нечун қувонмайин Пекинда дунё
Олқишлаб турганда Ўзбекистонни.

2008 йил 21 август

АМНИСТИЯ

Кимнингдир бошига иш тушди ногох,
Шайтон авраими – топмади тузим,
Болаларин йиғиб чекди оху вох,
Кечирмайман деди, ўзимни ўзим.

Жазо ҳам муҳаққак бўлди, албатта,
Қисмат эшигига бош эгиб борди.
Сени кечирдилар, дейилган пайтда,
Қайта туғилдим, деб додлаб юборди!

2008 йил 28 август

КАРВОН

Укам Қамбаралига

Биз битта карвонда кетаётирмиз,
Сафимизда нор ҳам, бўталок ҳам бор.
Биз битта бисотни элтаётирмиз,
Йўлимизда кор ҳам, қатқалок ҳам бор.

Кимдадир бир меш сув, кимдадир элак,
Кимдадир ёмби бор – арзир жаҳонга.
Ортиқча нарса йўк, бари ҳам керак,
Бари ҳам мансубдир битта карвонга.

Манзилдан узмасмиз кўз киримизни,
Убизни чорлайди, бизни юпатар.
Безовта қилади ҳар биримизни
Ногоҳ овлоқларда кўринган хатар...

2008 йил 30 август

СОҲИБДИЛ

Бир кимса йўлидан адашиб гирён
Чўкиб бормокдайди қора ботқоққа.
Ногоҳ учрадию соҳибдил инсон
Кимсани кутказди, ўради окка.

Маҳшарнинг ғурбатли палласи эди,
Саҳрода икковлон учрашди бехос.
Кимса: – Танимайман мен сени, – деди.
Соҳибдил: – Минг афсус, – деёлди холос.

Шунда садо келди: – Оё, жим тургил,
Бу-ку оддий махлук, юзсиз, шарманда.
Маломат тиғини ўзингга ургил,
Яхшилиқни ўзинг қилдинг-ку, банда.

2008 йил 1 сентябрь

УМР

Ўтди қанча авлод,
Қанчалар одам,
Биз эса хотира ғамини еймиз.
Худо раҳмат қилсин ҳаммасини ҳам,
Улар қалбимизда абадий деймиз.

Қолбуки, ўтганлар энди бир рўё,
Улар бамисоли изсиз кетган ўқ.
Қанчалик маҳобат қилмайлик, аммо
Улар энди йўқдир, улар энди йўқ.

Ўйласам, юрагим кетар энтиқиб,
Йўқлик қаршисида турибман ҳайрон.
Наҳотки, шунча йил умримни тикиб,
Йўқ одамлар билан сурибман даврон...

2008 йил 1 сентябрь

ИЗЗАТ

«Уйку жой танламас, муҳаббат чирой»,
Халкнинг бу маколи ростдир хойнахой.
Ўзлигинг пеш қилиб, иззат излама,
Қудук тубидан ҳам кўринади ой.

2008 йил 2 сентябрь

ЖОҲИЛ

Осмонлардан келар айтган сўзгинаси,
Донолардай боқар гоҳи кўзгинаси.
Менга бу гап ёкмади, деб қўядилар,
Жоҳилгина эрур асли ўзгинаси.

2008 йил 3 сентябрь



ИТАЛИЯ

Гўзал Италия, мафтункор диёр,
Худойим яратган бетимсол маъво.
Буюк шеърятинг бўлиб сабабкор,
Ардоқлаб яшадим сени доимо.

Йиллар ўтиб, мана, соғинчим тошиб,
Сенинг тупроғингга келдим мен қайта.
Яшил ўрмонларинг, тоғларинг ошиб,
Мовий денгизингга саломлар айта.

Дўзах ҳар қайда бор ва лекин жаннат
Ипакка ўралган дурдек ниҳондир.
Гар уни заминда ахтарсанг албат
Бир сен, бириси Ўзбекистондир.

Ўтган даҳоларнинг номин этиб ёд,
Кездим кўҳна Римни кадам-бақадам.
Юриб Авиценна кўчасида шод
Ичдим Ибн Сино шарбатидан ҳам.

2008 йил 8 сентябрь, Рим.

ҲЎКИЗ ШОХИ

Италян боласин гапига кўра
Ҳўкиз шохларида турар ер – курра.

Мен дедим: – Бу гапинг чўпчак, албатта,
Лекин замирида маъно бор катта.

Асли унинг ярми сенга аталган,
Ҳўкизининг бир шохи Римга кадалган.

Иккинчи шохи ҳам заминга банддир,
Тегиб турган жойи, бил, Самарқанддир!

2008 йил 8 сентябрь, Рим.

МАНЗАРАЛАР

I

Қаландар¹, мана бу денгизга кара,
Қайнаб ётган хис бу, илоҳий тугён.
Жазавага тушар бунда ҳар зарра
Абдуҳошим гижжак чалганисимон.

Гоҳида жим қолар, тиникиб, тўлиб,
Хаёлга нималар келмас шу онда.
Денгизни чой тўла пиёла қилиб
Елпиниб ўтирсанг Шоҳимардонда.

II

Қаландар, мана бу ўрмонларга бок,
Инсоннинг хаёли каби чигалдир.
Бир боқсанг гўёки зангори байроқ,
Бир боқсанг сўзана янглиғ тугалдир.

Чодир қилиш мумкин, иложин топсанг,
Хоҳласанг чойшаб ҳам бўлмасин нечун.
Устига Муюнқум саҳросин ёпсанг,
Яшил чирок бўлгай сайёра учун.

III

Қаландар, мана бу қирларга юз бур,
Мақтаб боласидай саф-саф ғарамлар.
Сиёҳи ялтироқ жўякларни кўр,
Дафтар чизиғидай тарам-тарамлар.

¹ Сафардош дўстим Қаландар Абдурахмонов (муаллиф).

Сибизгада чалиб нотаниш куйни,
Гоҳида ёнбошлаб яйрасанг эрка.
Ва қўйиб юборсанг бир сурув қўйни,
Уни бошлаб юрса, албатта, серка.

IV

Қаландар, тоғларга назар сол-чи тик,
Қатор туяларга ўхшайди гўё
Бири ўрқачига сочибди кўпик,
Бирининг чотидан оқмоқда дарё.

Атроф теваракка ғулғула солиб,
Черков қўнғироғи таратар сурон.
Шарқнинг ҳикматларин ортмоқлаб олиб,
Гўё келаётир Ғарб сари карвон.

2008 йил 8 сентябрь, Римини.

ХАРИТА

Харитага боқсанг,
Кўзинг олдидан
Турфа мамлакатлар ўтар бирма-бир.
Қай бири кимгадир бошпана, Ватан,
Қай бири саждагоҳ бўлган кимгадир.

Мана Италия, Данте диёри,
Тагор шуҳратига ноил Ҳиндистон.
Фарзандлар ўз юртин номуси, ори,
Булбулим бор дейди ҳар қандай бўстон.

Гарчи заминда кўп ҳар хил хору хас,
Тоғларга менгзашар дунё томини.
Аёнки, тўрт-бешта ёмонлар эмас,
Яхшилар танитар юртнинг номини.

2008 йил 9 сентябрь, Рим.



АРБОБ

... Гўёки вақт сени кута бошлайди,
Хаёлга ботасан ўтирган кўйинг.
Кўз олдингдан секин ўта бошлайди,
Ишхонанг, дўстларинг ҳамда ўз уйинг.

Икир-чикиргача бўласан огоҳ,
Бозор-ўчарнинг ҳам ғамини ейсан.
Набиранг зинада қоқилди ногоҳ,
Ўзингча шивирлаб: – Секинроқ, – дейсан.

Айвондаги сариқ курсининг нукул
Тушиб кетаверар битта оёғи.
Лампочкалар эса ярқисиз буткул,
Балки яна куйган томнинг чироғи.

Нохос жиринглайди телефон зир-зир,
Пир қилиб одамнинг ҳафсаласини.
– «Жаноб, келинг, дейди, – Кўргаймиз ҳозир,
Ер юзида тинчлик масаласини»...

2008 йил 9 сентябрь, Сан-Марино.

ДЎХТИР

Тишим оғриб қолди, у ёққа бордим,
У ёқ қолиб кетиб, бу ёққа бордим.

Қабул қилди охир мени бир дўхтир,
Барака топсин-а, киёси йўқдир.

Сўраб ўтирмади миллатимни у,
Текшириб, қандайдир иллатимни у.

Орага солмади сиёсатни ҳам,
Мамлакат, дин билан диёнатни ҳам.

Дарддан халос этди у мени зумда,
Ажиб бир кониқиш сездим ўзимда.

Инсон болаларин севгувчи бешак
Худонинг бандаси шу бўлса керак.

2008 йил 9 сентябрь, Римини.

РИМ

Ерни хўкиз ҳайдар терларга ботиб,
Ҳосилини эса чигиртка ейди.
Муҳташам Римни ҳам, пойида ётиб,
Майда одамчалар: – Меники, – дейди.

Ўзлари ярарми чайла қуришга,
Гапни-чи, палахмон қилиб отади.
Куллар бунёд этган Римни кўришга
Бугун бойваччалар чипта сотади.

2008 йил 10 сентябрь, Рим.

НИДО

Ҳеч кимсага зор қилма, фалак,
На фарзанду на дусту ёрга.
Ахир фурсат етганда бешак
Битта калла осилур дорга.

Раво кўрма ҳеч қачон, тақдир,
Биров ёққан оловни, ўтни.
Пайти келса тупроқ ҳам ахир
Қабул қилар битта вужудни.

2008 йил 10 сентябрь, Сан-Марино.

НАБИРАМГА

Гарчи хосият йўқ ҳар хил иримда,
Мен сени ўйладим мукаддас Римда.

Митти бир инсонсан, жуда кичиксан,
Менинг ҳаётимга лекин шериксан.

Ўғлимнинг ўғлисан, зўриёдимсан,
Сен менинг бир заррам, мангу ёдимсан.

Бобо деганингда бобонг ёшарди,
Момо деганингда момонг ёшарди.

Бугун Римда туриб бир гап айтурман,
Исмингнинг шарҳига тагин қайтурман.

Яхши ният билан атадим: Ислом,
Йўлингни ёритгай шу ном, вассалом!

2008 йил 15 сентябрь, Рим.

КАМИЛЛА

Муҳаббат ҳеч қачон топмагай завол,
Меҳр ҳам туташдир вужудга, қонга.
Камилла исмли италян аёл
Талпиниб яшайди Ўзбекистонга.

Гарчи турмушида зарра ками йўқ,
Денгиз соҳилида қасри бор кўркам.
Лекин юрагида ўчмас битта чўғ –
У ўзбек тупроғин кўмсайди ҳар дам.

Дер: -- Етимхонада ўсдим бир замон,
Ўтди ўша ерда масъум чоғларим.
Мени онасидай чорлайди ҳамон
Каравотда қолган кўғирчоқларим.

2008 йил 16 сентябрь



Тўртликлар

* * *

Инсонлик шарафи пул эмас фақат,
Қилган меҳнатинг ҳам топгайдир рағбат.
Данте сабаб бўлиб, италян юрти
Кўргизиб турибди менга ҳам хурмат.

* * *

Жаҳон шоирлари нечун галма-гал
Ёлғизлик ҳақида ёзар шеър, ғазал.
Олам ҳавосига кўниколмасанг
Ёлғизлик афзалдир, ёлғизлик афзал.

* * *

Ҳар ким адо этар ўз режасини,
Адиблар дўндирад сўз режасини.
Қулоққа ортикча юк ортса биров,
Биров туза бошлар кўз режасини.

* * *

Макру хийлаларинг, замон, кўрсатма,
Менинг буғдойимни сомон кўрсатма.
Элимнинг номидан ҳар хил сўз айтиб,
Менга миллатимни ёмон кўрсатма.

* * *

Кўрдим ҳаёт боғин кўп инъомини,
Кўрдим пишганин ҳам, кўрдим хомини.
Майли, сафарга чик, ҳар қайга боргил,
Ва лекин пок тутгин юртнинг номини.

Ҳозир ҳаёт тарзи шундан иборат:
Тонгда тижоратдир, шомда тижорат.
Менинг улар билан зарра ишим йўқ,
Мен шоир қабрини қилдим зиёрат.

2008 йил 9–10 сентябрь, Рим-Равенна.

ҚОДИРИЙ

Сизга юз минг жаннат бўлгайдир раво,
Балки бундан кўпин бергайдир Худо.
Шунча йил дўзахи кимсалар билан
Чидаб яшадингиз, Қодирий бобо!

2008 йил 24 сентябрь

БОМДОД

Деразам ортида улкан коинот,
Мубҳам хотиралар қалбни тилади.
Ўғлим, деган овоз келади бот-бот,
Болам, деган шивир эшитилади.

Хонамни чулғайди совуқ ҳаяжон,
Бошим оғирлашар, жунжикар этим.
Ахир мен ўғлингиз эдим, отажон,
Онажон, ахир мен болангиз эдим.

Саҳар оча бошлар оҳиста кўзин,
Тонг уйқуси сассиз кела бошлайди.
Таралар азоннинг товуши узун,
Рафиқам ибодат қила бошлайди.

2008 йил 27 сентябрь

ИЙМОН

Қандай кўқарардинг, айтгин, биродар,
Агар, Ватан деган бўстон бўлмаса.
Юксалармидинг ё тоғларга қадар,
Тепангда чеки йўқ осмон бўлмаса.

Заминда мавжуддир турфа хил жонзот,
Бири ўрмалайди, бирида қанот.
Муқаррам аталмас инсон деган зот,
Қалбида заррача иймон бўлмаса.

Барибир ғалати қавмдир башар,
Бир умр нафсига қул бўлиб яшар.
Ҳаққа етишарди, йўлида агар,
Ҳамроҳи ҳазрати Шайтон бўлмаса.

Эзгу ниятларни кўзладим фақат,
Гарчи юрагимда армонлар қат-қат.
Куйишлар, ёнишлар лекин на ҳожат —
Сени англайдиган Инсон бўлмаса.

2008 йил 29 сентябрь

ЁВОШ-ЁВОШ

Озар дўстим нағма чалар кўзида ёш,
Ҳолинг нечук десам дейди: ёвош-ёвош.

Севиқлигинг ноз қилса ҳам чимириб қош,
Мойил бўлар аста-аста, ёвош-ёвош.

Гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга урмагил бош,
Омад келар бирин-сирин, ёвош-ёвош.

Жайронга айт, туёғини ёрмасин тош,
Сайрон этсин секин-секин, ёвош-ёвош.

2008 йил 6 октябрь

МАНЗАРА

Туннинг тасвирини айтайин сизга:
Юлдузлар бирма-бир шўнғир денгизга.
Ой ҳам кип-яланғоч, шунинг учун у
Орка томонини кўрсатмас бизга.

2008 йил 7 октябрь



ТАСКИН

Менга мадад бер деб қистамагин, бас,
Менинг айтганимни болам ҳам қилмас.

Мени курашларга чорлама, укам,
Менинг пўписамдан қўрқмас чумчук ҳам.

Ва лекин урмасман ерга қадримни,
Кимдир билар балки бирор сатримни.

Тунлар ўзим билан ўзим қоламан,
Мунис юртимни деб ўйга толаман.

Йироқ келажакка ташлайман назар,
Дилимни дафъатан қувончлар безар.

Ҳозир-чи, хоҳласанг саломингни бер,
Агар хоҳламасанг ... майли, ўтабер.

2008 йил 24 октябрь



ҲИМОЯ

Бу бир тушдир:
Шеър уқирмишман
Илҳомимнинг жўшган палласи.
Ташланибди менга дафъатан
Аллақандай итлар галаси.

Қутуришиб, уввос солишиб,
Қилмоқчилар бахтимни ярим.
Атрофимни ўраб олишиб
Чиркирарди набираларим.

Бу бир тушдир:
Чўчитмас мени,
Ахтармасман ҳеч ундан ғоя.
Лекин, аниқ: пайт келса сени
Авлодлар ҳам қилгай ҳимоя.

2008 йил 14 ноябрь

ҲУЖЖАТСИЗ ОДАМ

Ҳар қандай тарих ҳам ибратли эмас,
Ибратсиз ҳам кечмас ҳаёт батамом.
Қай юртда қайсибир кимсани, хуллас,
Қамаб қўйишдилар қай кун, вассалом.

Балки тўдасидан адашган сайёҳ,
Балки қисматидан қочиб юрган кул.
Унда на ҳужжат бор ва на бор гувоҳ,
Ким ва қайданлиги мубҳамдир буткул.

Тушуниб бўлмасди тилини мутлоқ,
Ақли бутундайин, ҳуши жойида.
Ечилмоғи керак лекин бу жумбоқ,
Шуни талаб қилар қонун, қоида.

Миршаблар тинмайин излашди чора,
Тайин этмоқ зарур унинг ҳужжатин.
Охир ўқидилар эринмай сира
Дунё давлатларин узун рўйхатин.

Қанчалар ранг-баранг олам ва одам,
Эллар, мамлакатлар, шаҳарлар турлик.
Туғилган юртининг номи чиққан дам
Қийкириб юборди ҳалиги шўрлик.

Ҳар қандай тарих ҳам ибратли эмас,
Ибратсиз ҳам кечмас ҳаёт батамом.
Ҳатто чумолининг Ватани бор, бас,
Инсоннинг ҳужжати Ватан, вассалом!

2008 йил 10 декабрь

БАҲС

Икки қавм ёвлашарди азалдан-азал,
Ҳар нарсадан қийиқ излаб, ясарди тузоқ.
Ҳеч баҳона тополмагач, дейишди бир гал:
Бизнинг эшак уникидан ҳанграйди зўрроқ.

Эшакларнинг ўзлари ҳам туришмади жим,
Сал бошқача кечар эди баҳслари бироқ.
Улар дерди: тенг келолмас бизларга ҳеч ким,
Бизнинг қавм у қавмдан кўра эшакроқ.

2008 йил 18 декабрь

ИККИ ҲОЛАТ

— Сени ошиқтирди қандайин сабаб,
Шошиб келмоқдасан нимага, нечун?
— Ахир мен талпиндим меҳрингга қараб,
Сен билан рўпара бўлмоқлик учун.

— Анави кимса-чи, кетмоқда чошиб,
Бунча ҳам безовта — нимага, нечун?
— Билсанг, у ғанимдир – бормоқда қочиб,
Сен билан рўпара бўлмаслик учун.

2008 йил 25 декабрь

АВЛИЁЛАР

Дейдилар, қайдадир, Шамбала ёқда
Азиз авлиёлар руҳи яшармиш.
Улар қўллар эмиш бизни йироқда,
Тибет тоғларидан гоҳи ошармиш.

Гоҳида Яссавий, Нақшбанд гоҳи
Намоён бўлармиш бирор маконда.
Нечоғлик кенг эрур Аллоҳ даргоҳи,
Сиру синоат кўп вақту замонда.

Дейсан, улар руҳи кезаркан бешак,
Билмасми, то ҳануз кутмоқда халқи.
Оҳ, буюк тилсимга келтирмагил шак,
Улар ёнгинангда юрибди балки.

2009 йил 4 январь



ШАРҚ НАВОСИ

Тургун Алиматов хотирасига

Шўх ва шан даврага бир кун ногаҳон,
Кириб келди машҳур муғанний устоз.
Бунда хуш кайфият эди ҳукмрон,
Бари гузал эди, бари ғоят соз.

Айвон пештокидан юлдузли фалак
Базмга сеҳрли нурин сочарди.
Бу Шарқнинг окшоми, бу нозли малак
Ҳар қандай дилнинг ҳам қулфин очарди.

Муғанний чолғусин олиб дафъатан
Ажиб бир нағмани юборди бошлаб.
Гўёки юз очди илоҳий чаман,
Гўё Мажнун келди кўзларин ёшлаб.

Гўё сархуш бўлиб тебранди дунё,
Бошқача тоғлари, бошқа дарёси.
Ястаниб ётарди қаршингда гўё
Буюк Осиёнинг дашту саҳроси.

Авжига чиқарди улуғ куй, маком,
Тўлишиб боргандек кўкнинг хилоли.
Давра-чи, бепарво эди батамом,
Ўзга нағмаларда эди хаёли.

2009 йил 16 январь

ОДАТ

Ниманидир излар тинмагур Одам,
Зулматда ахтарган каби зиёни.
Гоҳи фалакларга термилса мубҳам,
Гоҳи хасратларга кўмар дунёни.

Олис манзилларга карвонин йўллаб,
Гоҳида умидбахш дуолар айтар.
Бизни умр бўйи турсин деб қўллаб,
Ҳар хил қабрларга сиғиниб қайтар.

Бир кун эл ичидан чиқиб ёвқур зот
— О, қавмим, заминга ярагин, деди.
Сен ақл соҳиби, Сен зўр мавжудот,
Оёғинг остига қарагин, деди.

Гарчи қанча ташвиш, қанча изтироб,
Қанча хавфу хатар йўлларингдадир.
Турфа синовлардан чекасан азоб,
Ҳолбуки, барчаси қўлларингдадир.

Тангри ато этмиш сенга Тафаккур,
Иншоллоҳ, дардларинг топгайдир барҳам.
Сен даврон сургайсан замин узра ҳур,
Қадаминг қўйгайсан юлдузларга ҳам.

Одамлар чувлашиб дедилар: — Раҳмат!
Сен бизга эслатдинг бардош, сабрни.
Бирок тарқалишди ўтмайин фурсат
Ахтариб кетдилар янги қабрни.

2009 йил 24 январь

ФИЛ ВА ЧУМОЛИ

- Филга айланибсан, чумоли, нечун?
- Рўзгоримдан кўнглим тўклиги учун.
- Чумоли бўлибсан, сўйла, фил, нечун?
- Рўзгоримда тинчим йўклиги учун.

2009 йил 28 январь

СОҒИНЧ

Ўтган ёшлигингни кўмсайсан ҳамон,
Кетди деб бамисли қаламқошлигим.
Қанчалик ғалвали бўлмасин даврон,
Гўзал эди дейсан ўша ёшлигим.

Қоп-қора сочларим ялтирасин деб,
Сурқаб ҳам юрардинг турли-туман мой.
Дазмолсиз шимингга бермоқ учун зеб,
Кўрпача тагидан тахлар эдинг жой.

Достон ёзар эдинг, қўшни киз агар,
Бокса бир жилмайиб, бокса бир кулиб.
Кўксингда ҳисларинг ловуллаб бадтар,
Ўрларди тамаки тутуни бўлиб.

Чопдинг трамвайга чикмоқлик учун,
Лекин етолмадинг, кимлардир етди.
Ёшлик ҳам бекатда тўхтамай бир кун,
Ўша трамвайдек ўтдию кетди.

Гоҳида ўртаниб, гоҳ йўлдан озиб,
Ёнмоқ кани энди ёрнинг ҳажрида.
Бугун Ақл сенга дастурхон ёзиб,
Чой узатиб турар сокин Тажриба.

2009 йил 2 февраль



ГУЛЗОР

Сенинг кўлинг гулдир,
Шул сабабдан ҳам
Ҳовлию хонангда ўстирасан гул.
Сендайлар бисёрроқ бўлсайди, олам
Гулзорга айланиб кетарди буткул.

Ўстирган гулларинг ажиб, муаттар,
Рангоранг, хилма-хил, чиройли бари.
Номларин билмайман, айтсам мухтасар,
Бор бунда юр юзин турфа гуллари.

Гулларинг анжуман тузибди гўё,
Инжа гўзалликнинг машғулоти бу.
Шу кичик гулзорда жам бўлмиш дунё,
Бирлашган Гулларнинг Ташкилоти бу.

2009 йил 4 февраль

ЎЗБЕК ТЎНИ¹

Ўзбекнинг тарихи қадим ва узок
Бунга гувоҳ эрур ҳаттоки тўни.
Тўю маракада сафларга бир бок,
Эгнида даставвал кўргайсан уни.

Жаҳон элчилари ҳозир у нозир,
Барчаси Амирдан шафоат тилар.
Уларга боқади мағрур Жаҳонгир,
Устида заррин тўн, белида камар.

Ҳаё оташида ёнган келинчак
Қутлуғ остонага қўйдими қадам –
Бахтиёр жуфтига эгилиб андак
Босади тўнининг этагини ҳам.

Бешиқдан турдию жажжи болакай
Тўн кийди, бобосин қаторида шод.
Гўё не истасанг қилмоқ учун шай
Сафга кириб келди яна бир Фарход.

Мақсади оламга нур сочиш бўлгач,
Қуёшнинг мақоми фалаклар қадар.
Тўн ёлиб, бўйнига нишон ҳам илгач,
Не ажаб, меҳмонинг таъзим этса гар.

Эллар бир-бирларин бошларин силаб,
Меҳрин инъом этар нон билан туздек.
Жамъи одамзодга эзгулик тилаб,
Дунё елкасига тўн ёпар Ўзбек!

2009 йил 14 февраль

¹ Андижон сафари чоғида дўстим Аҳмаджон Мелибоев мендан ўзбек тўни ҳақида бир шеър ёзишимни сўради (муаллиф).

СИНОВ

Ипак куртининг ҳам бор ахир жони,
Лекин қурбон бўлиб кетгай у ғариб.
Хазон сипоҳига бўлолмай монё,
Қанча баҳорларим ўтди сарғариб.

Вафолар қилсам ҳам дилдан, юракдан,
Жафо бўлиб қайтди афсуски улар.
Ўқ еган турнадек осмон-фалакдан
Ерга қулаб тушди не-не туйғулар.

Эзгулик кимнингдир мулки эмасдир,
Қуёш ҳам барчага баробар биров.
Мени ёлғизлатди негадир тақдир,
Менга синовларин юборди кўпроқ.

Бир замон дунёни севардим тўлиб,
Ҳатто япроғига эгар эдим бош.
Энди ҳаммасидан пушаймон бўлиб,
Ўтган севгим учун тўкаман кўзёш.

2009 йил 23 февраль

ЗАМИН ДАРДИ

Донолик чексиздир бамисли олам,
Чегараси йўқдир нодонликнинг ҳам.

Гоҳи қувонч ҳисси тошар дунёда,
Гоҳи кулфат юки ҳаддан зиёда.

Бир ёнда қулф уриб яшнаса бўстон,
Бир ёнда гулшанни айлашар яксон.

Сен бунинг баридан юмиб кўзингни,
Туну кун ўйлайсан танҳо ўзингни.

Фалакда кезади қанча дайди тош,
Бизнинг сайёрага гўёки йўлдош.

Қулаб тушмасмикан дафъатан бири,
Қийнар бандаларни бу ҳолнинг сири.

Сен-чи, бепарвосан бунинг барига,
Дейсан, тушса тушар мендан нарига.

Олис қитъадами, аллақайларда,
Ажал мудраб ётар қир, тўқайларда.

Заминни чўлғаса ногаҳон иллат,
Менга йўламайди дейсан сен албат.

Кўшнининг бошига тушса гар савдо,
Сен бунга заррача қилмайсан парво.

Ўзганинг ташвиши сен учун абас,
Ўзинг чиққан тепа омон бўлса бас.

Еру кўк, тоғу тош, уммону дарё
Бировнинг маҳрига тушмаган асло.

Фозиллар оламга бедор ошиқдир,
Бир кўзи ухласа, бири очикдир.

Шоир юрагини ёқар армонлар,
Ҳаргиз тиним билмас сиёсатдонлар.

Аллоҳ иродаси барчамизга бир,
Кўрғаймиз — нимага дуч қилса тақдир.

Ҳеч ким холи эмас куфру хатодан,
Ахир тарқаганмиз Одам Атодан.

Билмасмиз, эрта кун юз бергай не ҳол,
Нима кутар бизни – камолми, завол.

Ҳар нечук ишончу тасалли бордир,
Одам боласига тафаккур ёрдир.

Лекин сен бу гапни ёдда тут фақат,
Ҳаммага аёндир ушбу ҳақиқат:

Заминни бир ари чаққани чоғи
Қабариб чиқади иккинчи ёғи.

2009 йил 1 март

ШИРИН СЎЗ

Етим ҳар жойларда санғирди сарсон,
Усти-боши жулдур, мадор йўқ танда.
Шоир унга атаб шеър ёзди нолон:
— Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда¹.

Қай кун қўлга тушди номдор бир одам,
Асли ўғри экан, каззоб, шарманда.
Мен дейман, во ажаб, энди унга ҳам
— Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда.

2009 йил 2 март

ТАСАВВУР

Бу кўҳна кўшиқдир,
Бу эски нола,
Унута олмасман мен уни буткул.
Бозор эшигида ёшгина бола
Кекса тиланчига узатарди пул.

Ҳар ким ўз баҳосин бергай бу ишга,
Ҳар ким ўз ҳукмини ўзи билажак.
Ҳориб мункиллаган қари ўтмишга
Мурувват киларди гўё келажак.

Кўп узок йилларга элтади хаёл,
Тасаввурни эзар тағин шу нола:
Бозор эшигида турар кекса чол,
Бу ўша бола-ку, бу – ўша бола.

2009 йил 8 март

¹ Фафур Фулом сатри.

ЁЗАМИЗ...

«Ҳаво совиб кетди!» —
Ёзамиз!
«Ёмғир ёғиб ўтди!» —
Ёзамиз!
«Кўча халқоб бўлди!» —
Ёзамиз!
«Эчки ҳаром ўлди!» —
Ёзамиз!
«Сигир кўзин сузди!» —
Ёзамиз!
«Буқа ипин узди!» —
Ёзамиз!
«Тошмат мошин олди!» —
Ёзамиз!
«Эшмат айвон солди!» —
Ёзамиз!
Ёза-ёза аста ўзимиз
Йўлдан
Озамиз!

2009 йил 9 март

ШОИРЛАР

(Эсдаликлардан)

Уч-тўрт шоир тўпланиб олиб,
Бир-бирларин макташар бийрон:
— Мен Пушкинман, сен – Мирзо Ғолиб,
У — Навоий, бу эса — Байрон.

Алаҳлашар битта ниятда:
Уни йўкот, бунисин емир.
То тонгача Адабиётда
Тер тўкади ёлғиз Миртемир.

2009 йил 9 март



УМР ЗИНАЛАРИ

Йигитликда эслайсан болаликни,
Боғлари гул, тоғлари лолаликни.

Ўрта ёшда йигитлик ёдга тушар,
Томирингда қонларинг қайнаб, жўшар.

Етгайдирсан олтмишу етмишга ҳам,
Ўрта ёшинг ўйларсан сен ушбу дам.

Асло рухсат сўрамай умр елар,
Томорқангга тўксон ҳам кириб келар.

Қилолмайсан ҳеч кимдан ўпка-гина,
Ахир тугаб бормоқда кўҳна зина.

Кексаликни эслашга келмас навбат,
Энди битта тасалли қолгай фақат:

Набиралар нима деб ўйлар экан?
Феъли қандоқ чол эдинг? Гулми, тикан?

Не бўлса ҳам яшайвер кўрмай завол,
Лекин сўнгги синовга шай тургин, чол.

2009 йил 19 март

ЁЛҒОНЧИ

Сен шу қадар ўрганибсан ёлғон гапга,
Отангни ҳам бошлагайсан ўнгдан чапга.
Рост гапирсанг, ош товоғинг ялоқ бўлар,
Уйинг куйиб, хотининг ҳам талоқ бўлар.

2009 йил 20 март

БОР ГАП

Ҳозирча кераксан ёруғ оламга,
Ҳозирча номинг бор, йўлингда йўқ ғов.
Зийрак бўл, дуч келган ҳар бир одамга –
Салом бер дарров.

Эҳтимол, ақчанг ҳам мўлдир қўлингда,
Тагингда тулпоринг кишналар, эҳтимол.
Кимки салом берса учраб йўлингда,
Алик ол дарҳол.

Пайт келар, бир четда кезурсан танҳо,
Тулпоринг кишнамас, ақчанг ҳам қолмас.
Сенинг борлигингни билишмас ҳатто,
Ҳеч ким салом бермас,
Алик ҳам олмас....

2009 йил 30 март

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Мана бу кўприкдан ўтасан ҳар кун,
Манзилинг яқиндир, ташвишинг йироқ.
Кимдир бу кўприкни қургани учун
Бир оғиз раҳматинг айтмайсан, бирок.

Чинорнинг сояси сени этди ром,
Чарчоғинг чиқариб, мизғидинг секин.
Унинг паноҳида топдингу ором,
Бир зум эсламадинг эгасин, лекин.

Одам боласига хосдир бу одат,
Ҳар қандай ҳолда ҳам ўйлар ўзини.
Ахир ўз аксини кўргайдир факат,
Кўзгуга ташлаган чоғи кўзини.

Бу гап бамисоли Хизр йўлиқиб,
Бошқа кифада турган кабидир.
Шоирнинг шеърини мириқиб ўқиб,
Ўзини танимай юрган кабидир.

2009 йил 7 апрель



ОТА

Ушбу ҳикмат билан ободдир дунё,
Отани билмишлар пир деб доимо.
Ота ризолигин олиб юр мудом,
Ота қарғишидан асрасин, Худо.

2009 йил 10 апрель

ПОЛВОН

Абдулла Тангриевга

Меросий полвонсан, Алпомиш отанг,
Кўзингда чакнайди офтоб шуъласи.
Рақибингни силтаб осмонга отсанг
Ойни кўриб қайтар бира-тўласи.

2009 йил 11 апрель, Термиз

ОТА МАҚОМИ

Отанг тўқсон ёшда ўтди оламдан,
Йиғла, вой отам деб, йиғла, бағринг тил.
Отанинг мақоми Ҳазрат Одамдан,
Унинг ёш-қариси йўқдир, шуни бил!

Туғилган пайтингда, ростакам бойиб,
Кўнгли орзуларга тўлган ҳам ўша.
Ариққа йиқилсанг, оёғинг тойиб,
Дарёга чўккандек бўлган ҳам ўша.

Хазон кезганида кузги боғингда,
Сенинг камолингга кўз тиккан отанг.
Деворни от қилиб минган чоғингда,
Тоғни забт этгандек энтиккан отанг.

Олисдан бир энлик хатингни кутиб,
Тонг сахар йўл қараб юрган ҳам Удир.
Қийналсанг, бошингга савдолар тушиб,
Сенга қалқон бўлиб турган ҳам Удир.

Аллоҳнинг ишидан бўлмагай нолиб,
Отангнинг каддини, раҳмат, билибсан.
Тобутин олдига тушиб, дод солиб,
Отангни шарафлаб тўғри қилибсан.

Отанг тўқсон ёшда ўтди оламдан,
Йиғла, вой отам деб, йиғла, бағринг тил.
Отанинг мақоми Ҳазрат Одамдан,
Унинг ёш-қариси йўқдир, шуни бил!

2009 йил 29 апрель

ТОРТИШУВ

Тинмай тортишади икки суҳбатдош,
Гўё мусобақа ўйнаб дам-бадам.
У дерди: — Бир илон кўрдим, икки бош,
Бу дерди: — Кўрганман тўрт бошлисин ҳам.

У дерди: — Қоринда ётган маҳали
Бола улғаярмиш дунёни сезиб.
Бу дерди: — Бир ўғлим туғилмай ҳали
Овоз чиқарганди недандир безиб.

Учинчи одам-чи, эшита туриб,
Деди: — Бу шўрвани шопирган менман.
Ўша сизлар айтган илонни кўриб,
Онамнинг қорнида гапирган менман.

2009 йил 28 апрель

ХОТИРА

Юлдузлар мисоли бедорсан,
Тоғларнинг қоридек бокира.
Сен азиз зотлардан ёдгорсан,
Хотира, хотира, хотира.

Дунёда ботирлар кўп ўтган,
Сўнмаган яшашга ҳаваси.
Кимгадир ҳаёт ҳам бахш этган
Уларнинг энг сўнгги нафаси.

То ўзинг мадаккор экансан,
Ўчмагай қалбимда ҳаяжон.
Ниҳолни асли сен эккансан,
Онажон, отажон, бобожон.

Бу Ватан жаннатдир, жаннатдир,
Ҳаётдир сеҳрли, соҳира.
Шаънингга авлодлар раҳмат дер,
Хотира, хотира, хотира.

2009 йил 7 май

НАБИРАМ ШОҲРУҲГА

Набира ўн саккиз ёшга кирибди,
Ҳорма Абдуллажон, ҳорма Маматқул.
Қаршингда келажак рўй-рост турибди,
Бундайин толенинг садағаси бўл.

Илтифот қилар у момоларига,
Ота-онасига суянчик, кўрғон.
Ўзи ичмаса ҳам, боболарига
Май кўйиб беради бугун Шоҳруҳжон.

2009 йил 18 май.

ОВ

Боласини ялар ярадор оху,
Бир четда овчининг кўзлари лўқдир.
Ўша пайт мен учун Замин йўк, ёху,
Ўша пайт мен учун Осмон ҳам йўқдир.

2009 йил 2 июнь

ҚАЛБ

Дарёси қуриса, чашмаси тинса,
Ҳаётсиз қовжираб қолса гар замин.
Гавжум даласига сукунат инса,
Дехқон чекса фақат тириклик ғамин.
Осмонга термулса, томчи сувга зор,
Сенинг қалбинг билан қандай иши бор.

Дунёда муҳтожлик ёмондан-ёмон,
Магар хонадонни кўргулик босса.
Ота боши эгик, она лол, хайрон,
Эшикка йўқчилик тўрвасин осса.
Болалар қозонга бокса оч-наҳор,
Сенинг қалбинг билан қандай иши бор.

Омад ҳам дунёда от чопиб юрар,
Кимнингдир ошиғи олчи жаҳонда.
Кимдир шамол каби давронин сураар,
Чўмичи мойда-ю, боши осмонда.
Ахир даври келмиш, давлати бисёр,
Сенинг қалбинг билан қандай иши бор.

Гоҳо олис тунлар зиркирар юрак,
Қадим бу дунёнинг савдоларидан.
Ким билсин, у пинҳон йиғласа керак,
Оламнинг туганмас ғавғоларидан.
Ёлғиз бу қалбингга ёлғиз ўзинг ёр,
Фақат қалбинг билан сенинг ишинг бор.

2009 йил 2 июнь

ШИКОЯТ

Гарчи тўрт мучаси бутун бўлса ҳам,
Духтирга шикоят қилди бир одам:
Нега қоп-коронғу бўлар ҳамма ёк,
Куппа-кундуз куни кўзимни юмсам.

2009 йил 8 июнь

РУҲ

Кетдинг – фано бўлдинг,
Энди сен учун
Лаҳад гўша бўлса, танҳолик ҳамдам.
Қайдадир бир дўстинг ох чекса узун,
Қайдадир топилгай қариндошинг ҳам.

Кимдир оромидан чиндан ҳам кечган,
Бир туш деб ўйлайди буларнинг барин.
Кимдир тиригингда конингни ичган,
Энди сўйлай бошлар хотираларин.

Кетдинг, бари битди, энди қаршингда
Балки очилгайдир поёнсиз худуд.
Балки булут бўлиб турар аршингда
Ҳовлинг ўчоғидан ўрлаётган дуд.

Руҳинг самоларда юрса ҳам кезиб,
Унутмас заминда қолган изларни.
Офат, балоларнинг шарпасин сезиб,
Огоҳ ҳам қилгайдир балки бизларни.

2009 йил 12 июнь

ТАВАЛЛО

Ўқинг Анвар қори, ўқинг, биродар,
Муқаддас Қуръоннинг оятларидан.
Рухимга тинимсиз ёғдулар ёғар,
Чексиз самовотнинг қаватларидан.

Ўқинг «Фотиҳа»ни, ўқинг «Ёсин»ни,
Тавба эшиклари очилсинлар ланг.
Тазарру деб билинг кўзда ёшимни,
Ўқинг, барчамизга шафоат тиланг.

Ўқинг, бор гуноҳлар буткул тўкилсин,
Аршгача юксалсин савобнинг ҳадди.
Ўқинг ёвузликнинг бели букилсин,
Токи эзгуликнинг рост бўлсин қадди.

Инсонни минг йиллар жаҳолатидан
Аслига қайтарган иймон-ку, ахир.
Ўқинг, илоҳий сўз ҳароратидан
Эрисин ҳаттоки тош қотган бағир.

Ўқинг, зарра ғубор қолмасин дилда,
Қундуз қуёш гувоҳ, тунда гувоҳ ой.
Мўминлар катори ўша манзилда
Бормикан менга ҳам тангачалик жой..?

2009 йил 16 июнь

ҲУРРИЯТ

Ҳуррият, муқаддас байроғим ўзинг,
Гарчи ғанимлар бор ичу тошингда.
Мен учун фахрдир ҳар айтар сўзинг,
Бир умр парвона бўлгум қошингда.

Ҳуррият, дадил бок, ёвлар иғвоси
Тутса, этагингдан тутаверсинлар.
Ҳасадга тўладир улар даъвоси,
Олдингдан бари ҳам ўтаверсинлар.

Ҳуррият нелигин машъум замонда
Поймол бўлган ҳуқуқ, ҳаққимдан сўранг.
Қадрин тополмайин яшаб армонда,
Тили забун бўлган халқимдан сўранг.

Ҳуррият нелигин хоки хор бўлган
Имом Бухорийдек инсондан сўранг.
Ватани ўзига тангу тор бўлган
Қодирийдан сўранг, Чўлпондан сўранг.

Одамзот бор экан кўкка тикиб кўз,
Орзу қилганини кутгай бетоқат.
Тарих тухфа берса, олгай у сўзсиз,
Ҳуррият аталмиш гавҳарни фақат.

Шоирлар ёзгайдир қасидасин ҳам,
Куйлаб ҳурриятнинг хушсафосини.
Ризкин териб юрсин, майли, ҳар одам,
Ҳар эл азиз тутсин Раҳнамосини.

Болам, сен йўлдасан, ет ниятингга,
Озод кечган умр – жаннатлардан соз.
Билиб қўй, шу кутлуғ Ҳурриятингга
Ўн саккиз минг олам фидо бўлса оз!

2009 йил 20 июль

СУРХОН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мўъжиза ахтарсанг, юрмагил гангиб,
Яхшиси, Сурхоннинг тоғларига бор.
Симобий печ билан бошини тангиб,
Сени қарши олар сеҳрли Ҳисор.

Қора бодомининг битта донаси
Яшартар, барг каби турсанг ҳам сўлиб.
Сувига дам ургач, Омонхонаси
Кўксингга пуркайди Сангардак бўлиб.

Учқизил тарафга айлагил сафар,
Бир ёғи чўл унинг, бир ёғидир кўл.
Ё Ҳақ, деб кумига кирсанг сен агар
Қирк йиллик дардингни аритгай буткул.

Гапида тузи йўк каслар оз эмас,
Бир умр намаксиз ичган ошини.
Беҳазил айтганда, ким келса ҳам, бас,
Ялайди Хўжамнинг тузлик тошини.

Бир боқсанг, қизлари парига ўхшар,
Зараут накшидан тушгандек гўё.
Сени ҳам мажнунлар сафига қўшар,
Лўливаш нигоҳу туркона яғмо.

Ифору сунбуллар танигга дармон,
Қайта туғилгандек бўлурсан шу пайт.
Қолган бўлса агар дилингда армон,
Термизий отанинг¹ ўзларига айт.

2009 йил 20 август, Термиз

¹ Ҳаким ат-Термизий назарда тутилган.

ТААЖЖУБ

Қорни тўйган куни кашшок бир одам,
Ногоҳ кўзлаб қолди юлдуз ва ойни.
Деди: — Энг бадавлат инсонман шу дам,
Кўрсатингиз менга Ҳотами Тойни.

Нодонга, ўқи, деб бердилар китоб,
Донсга айланди у ҳам ўша кез.
У ҳам қолганларга айлади хитоб:
— Кўрсатингиз менга Афлотунни тез.

Одамлар бу ҳолни ҳазил деб билиб,
Шунчаки лоф каби қабул этдилар.
Дедилар: — У зотлар хижолат бўлиб,
Сизга кўринмайин қайтиб кетдилар.

2009 йил 23 август

УЗАНГИ

Кимлардир ҳар ишнинг пайтини пойлар,
Бетаъма бировга бермас ошини.
Эгарда экансан — илтифот айлар,
Олтин узангингга уриб бошини.

Оёгинг таянчдан узилса бир бор,
Барчаси дафъатан айланур ёвга.
Уларга сен эмас, керакдир тулпор,
Қўлларин чўзарлар энди жиловга.

2009 йил 24 август

ҲАЙИТ

Набирам Алишерга

Ҳайит келса чалинади
Ноғоралар.
Сомса билан тўлиб кетар
Тоғоралар.
Байрам бўлар ҳар бир уйда,
Хонадонда.
Хурсандчилик отажону
Онажонда.
Момолар шод, аммалар шод,
Холалар шод.
Ҳаммадан ҳам ўйинқарок
Болалар шод.
Шўх набира савол берар
Тинмай бирпас:
— Бобо, айтинг, нега ҳар кун
Ҳайит эмас?
Бобо сўйлар аввал турли
Мақолини.
Жавоб берар сўнгра силаб
Соқолини:
— Ҳайит куни қачон келар,
Белгили-ку.
Мени ҳар кун табрикласанг,
Кулгили-ку.

2009 йил 25 август

ЭСКИ ДЎСТ

Кимдандир қўл узиш мумкиндир, бироқ
Кўнгил узиб бўлмас эски дўстлардан.
Улар баланд турган, баланддир ҳар чок
Турфа ҳашамлардан, каму кўстлардан.

Улар қаторида ўйнагил, кулгил,
Бир хил нафас олгай йўксил ҳам, бой ҳам.
Эски дўстларингдан узмагил кўнгил,
Эски дўстларингдир қуёш ҳам, ой ҳам.

2009 йил 14 сентябрь



ЎКИНЧ

Рафиқамга

Ўтган фурсатларни бўлмайдиган тугиб,
Ўтган ўтди энди – буни билгайман.
Ва лекин гоҳида дардимни ютиб,
Тазарру қилгайман, тавба қилгайман.

Билмасмиз яхшилик келгайдир қачон,
Билмасмиз муддатин ёмонликнинг ҳам.
Кимнингдир омади чопса ногаҳон,
Кимнидир пойлайди ташвиш билан ҳам.

Қай замон бир тўда зотлар бешафқат,
Гуноҳсиз Инсоннинг суғирди жонин.
Имконим бўлса-да, этмадим журъат,
Мен ўша шўрликнинг олмадим ёнин.

Мудом хуш кўргаймиз лутфу хандани,
Бирок, бир ҳолатга гувоҳ бўлганман:
Масхара қилишса ожиз бандани,
Даврага қўшилиб, мен ҳам кулганман.

Кимнингдир дардидан бўлмадим огоҳ,
Комил этолмади бирорта мактаб.
Бир шоир дўстимнинг олдида ногоҳ
Бошқа бир шоирни қўйганман мактаб.

Ўтган кунларимга ташлайман назар,
Ҳар нечук, биз уни яшаб ўтганмиз.
Тақдир бошимиздан сочмаса ҳам зар,
Жоним, шу кунларни интиқ кутганмиз.

Узоқ сафарларга сенсиз йўл олсам,
Мени коймадинг, кўнглим тўк эди.
Қайдадир тентираб, агар кеч колсам,
Мен ўйлаб топмаган сабаб йўқ эди.

Кечалар термилиб ойга, юлдузга,
Қоп-қоп ваъдаларнинг тошини тердим.
Йўқчилик азобин илмадим кўзга,
Бахтлиман дедим-у куксимни кердим.

Бу кун шеър битурман шукрона айтиб,
Дардкаш қаламимни қўлимдан қўймай.
Билурман, ёшлигим келмайди қайтиб,
Ҳануз дийдорингга боқурман тўймай.

Аллоҳ тўзим берсин бардош, сабрингга,
Баъзан ўкинч билан бағрим тилгайман.
Айттил, етолдимми Сенинг қадрингга,
Тазароу қилгайман, тавба қилгайман.

2009 йил 22 сентябрь

ГЛОБАЛЛАШУВ

Олимлар бир куни таркатди эълон:
—Тинчгина ухлайвер уйингда, Инсон.

Ҳали Ой узилиб Ерга тушмаган,
Уммонлар тошмаган, тоғлар кўчмаган.

Нимани истасанг бажо бўлажак,
Сени кутаётир ойдин келажак.

Лекин билишмасди, аҳвол дабдала,
Уйқу бермас эди оддий қандала.

2009 йил 1 октябрь



ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

Боболар уқдирмиш неча замонлар,
Ажалнинг олдида жонимиз бир деб.
Ногоҳ дуч келишса ҳатто ҳайвонлар,
Бир-бирин танирмиш, қонимиз бир деб.

Инсон фазоларга чиқса ҳам гарчанд,
Заминга боғлиқдир умри, ҳаёти.
Одам деган сўзга жон ипи пайванд,
Ҳар хил бўлса ҳамки рутбаси, оти.

Биримиз оқдирмиз, биримиз кора,
Биримиз буғдойранг, шундоқмиз, хуллас.
Тарок тишларидек тенгмиз ва сара,
Бир хилдир ҳамиша орзу ва ҳавас.

Битта деб сипқордим, тақдир, жомингни,
Битта олов бўлиб таралгай оҳим.
Ягона бўлсанг-да, турфа номингни
Барчага тарқатиб бердинг, Аллоҳим.

Бахт бир хил қувнатар, бир хил эзар ғам,
Бир хил туғилгаймиз, бир хил ўлгаймиз.
Йиғласак бир хилдир кўз ёшимиз ҳам,
Кулсак устимиздан асли кулгаймиз.

2009 йил 4 октябрь

ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИ

(Эсдаликлардан)

Намозгар ҳам тушди,
Шом кирмоқда зил,
Ўчмоқда қонталаш шафақнинг ранги.
Салқин ҳаволарда ҳарирдай енгил,
Муаллақ кўринар йўлларнинг чанги.

Пода қайтаётир тоғ этагидан,
Қишлоққа етмасдан тарқалар, чопар.
Говмиш йўлин бурди кўприк тагидан,
Қадрдон ҳовлисин адашмай топар.

Терак учларида офтобнинг юқи,
Сўнгги чўғларини ташлар ўчоққа.
Қайдандир келади кафгир тақ-туқи,
Урилар пиёздоғ ҳиди димоққа.

Кечки таомнинг ҳам фурсати етган,
Дастурхон атрофи аста тўлади.
Кўчадан «Ошалол», «Ошалол»¹ деган,
Подачининг саси эшитилади.

Кимдир олиб чиқар гўжа ё патир,
Кимдир шавласини солган товоққа.
Ҳарна егуликни тўкишар бир-бир,
Подачи кўтариб олган қовоққа.

¹ Ошалол – ҳалол ош.

Бошланади олис, маҳзун паллалар,
На бир таскин бордир, на бордир эрмак.
Бир-бирин пинжиги кирса болалар,
Катталарни чулғар чарчок ва пинак.

Сайхондан бир овоз таралар ногоҳ,
Болакай «Кел, ҳо-о-о» деб чорлар атайин.
Товуши тун қушин товушидай, гоҳ
Ойнинг шуъласидек ёйилар майин:

Томда товук ётарми,
Оёқлари қотарми.
Эндигининг боласи
Намозшомдан қотарми.
Кел, ҳо-о-о...

Оқ кучуквачча,
Қора кучуквачча.
Уйдан чиқмаган
Ола кучуквачча.
Кел, ҳо-о-о...

Чиқар болакайлар уйлардан гуррос,
Шамолда довучча тўкилгандек дув.
Сайхон тўлиб кетар, солишар чуввос,
Бир зумда бошланар ўйин ва қий-чув.

Юмуш билан ўтди ахир узун кун,
Лекин митти қалбда ухламас ҳавас.
Яхшидир, айниқса, ойдин булса тун,
Онани қойиса-да, яйрайсан бирпас.

Тун ҳам оғиб борар, болалар тарқар,
Уй-уйига дейди, тепа тўйига.
Тўшакка ўзларин ташлару ухлар,
Донг қотар, ҳеч нарса келмай ўйига.

Тушларига кирар эртанги юмуш,
Лаблари гезарган тунги учукдан.
Далада молига ўт ўрар эмиш,
Сув ташиб келармиш олис қудукдан.

2009 йил 12 октябрь

БОЛАЖОН

Бобонинг босими чиқар дам-бадам,
Гарчи рўзғори бут, соғломдай тани.
Даволанинг деса, қўл силтар беғам,
Хатто парҳезни ҳам ушласа қани.

Ортиқ такаллуфга қилмас ҳеч тоқат,
Дейди: — Қон бор экан, чиқар мияга.
Бунчалик эътибор, дейди на ҳожат,
Ёши ўтиб қолган бир қарияга.

Нонушта пайтида ҳамма бўлар жам,
Отага ўғил ҳам чой тутмоққа шай.
Келин секингина пичирлар шу дам:
— Кичкинанинг озроқ иссиғи бордай...

Ўғлига юзланар бирдан отахон,
Ўғил дуч келганди гўё балога:
— Гердайиб юришни йиғиштир, нодон,
Болага қара-да, болага...

2009 йил 14 октябрь



КИБР

Ақлнинг булоғи қуримаса бас,
Сўниб қолмаса бас руҳнинг юлдузи.
Буларсиз аслида тириклик абас,
Тунга айланади ҳатто кундузи.

Бундай чоғ юксалиб нафс деган бало,
Эзгу ҳисларингдан келгайдир устун.
Ҳадя кутажаксан болангдан ҳатто,
Битта ғишт қўймассан ўз отанг учун.

Ҳасад деган олов гурлаб дафъатан,
Буткул чулғаб олгай фикру дилингни.
Кибр борлиғингда қургайдир маскан,
Қора луд қоплагай умр йўлингни.

Ўзидан мосуво бўлган Инсоннинг
Мудом қилган иши ёмонга дўнган.
Бундай пайт дейдилар: — Афсус, фалоннинг,
Булоғи қуриган, юлдузи сўнган.

2009 йил 22 октябрь

САЙРОБ ЧИНОРИ

Минг йиллик чинорнинг тагида хушхол
Давра қурган эди уч-тўртта улфат.
Тилаб бир-бирига зафар ва иқбол,
Қадаҳ айтишарди навбатма-навбат.

Қай бири азамат чинорга боқиб,
Шундоқ умр кўрсин деди ҳар инсон.
Яхши гап ҳаммага бирдайин ёқиб,
Қадаҳ кўтаришди шомгача хандон.

Бунинг қизиқ жойи йўқдир аслида,
Балки шарт эмасдир шаънига ашъор.
Лекин мен умримнинг сокин фаслида
Чўмсам хаёлларга нима айби бор.

Унинг соясида балки Искандар
Эслаб ўз юртини шароб ичгандир.
Бунда ором олиб Темур музаффар
Кимнингдир қонидан балки кечгандир.

Машрабдек қаландар дунёни кезиб,
Излаган бир ҳамдам, излаган ёрни.
Манфур кимсаларнинг макридан безиб,
Балки паноҳ тутган шу бир чинорни.

Қочган ҳам, қувган ҳам ўз ғамин ейди,
Мағлуб бўлмаса бас, омад келса бас.
Юз ёшлик кекса ҳам ўлмасам дейди,
Чинорнинг умрига айлагай ҳавас.

Боқий нарса йўқдир ахир дунёда,
Собит тоғларнинг ҳам йиқилмоғи бор.
Гарчи эзгуликнинг кадри зиёда,
Нечун ёвузлик ҳам яшайди пойдор?!

Бир четда оҳ чекса эзгулик якка,
Тинмас ёвузликнинг кутқуси, саси.
Во ажаб, олдинроқ етгай фалакка
Иккинчи тарафнинг совук нафаси.

Савол бергувчи кўп ушбу оламда,
Жавоб излаган ҳам бас деганча бор.
Хайрат уйғотади лекин одамда,
Яхлит бир ҳикматнинг рамзидек Чинор.

Қадах уриштирар улфатлар шодон,
Сўйлашиб орзу ва тилакларини.
Чинор-чи, жим тинглар минг йилдан буён
Уларнинг адоксиз чўпчакларини.

2009 йил 1 ноябрь



ДАРЁ

Сен дейсан, шеърларинг негадир махзун,
Ахир дунё гўзал, ажибдир олам.
Сатрингда ёнма-ён мудом кун ва тун,
Дард билан қоришиқ қувончларинг ҳам.

Сенинг айтганларинг ростдир, биродар,
Ҳар кимни ҳар кўйга бошлагай ҳаёт.
Кимнидир кўтарса самолар қадар,
Кимнидир чоҳларга ташлагай ҳаёт.

Йўқдир бу оламда собит ранг ва тус,
Ўзгариб боргайдир ўчиб кетгунча...
Сен ичган у тоза булоқлар, афсус,
Бўтана бўлгайдир пастга етгунча.

Чечаклар унса-да тоғлар тошида,
Чўққининг илдизи ер тагидадир.
Сенинг уйинг ахир дарё бошида,
Менинг уйим эса этагидадир...

2009 йил 3 ноябрь

ЭЗГУЛИК

Бу кўкна заминда неча замонлар
Яшаб ўтди қанча ботир инсонлар.
Улардан сўрашди: – Сизда не мақсад?
Дедилар: – Эзгулик, эзгулик фақат!

Кимларни кўрмади бу қадим дунё,
Ўтди неча олим, неча авлиё.
Улардан сўрашди: – Сизда не мақсад?
Жавоб битта бўлди: – Эзгулик фақат!

Тарих майдонида суришиб отлар,
Бир-бирин қулатди неча бир зотлар.
Улардан сўрашди: – Сизда не мақсад?
Улар ҳам дедилар: – Эзгулик фақат!

2009 йил 14 декабрь

СОВУҚНИ КАМСИТМА

Ёришмас ичингга ёкса ҳам чирок,
Феъли совуқлардан бўл, дейсан йирок.
Совуқни камситма, асли, биродар,
Улардан совуқнинг ўзи яхшироқ.

2009 йил 14 ноябрь

ДАРД

Қанд деган бир дардга учрабсан укам,
Қонингда ширинлик ортиб кетибди.
Қони ширин бўлган боболарнинг ҳам,
Сенга ҳам шу қисмат насиб этибди.

Яратганнинг ўзи марҳамат айлаб,
Кенг қилиб қўйибди имконимизни.
Бировлар конига йўқ бизда талаб
Биз ичиб юргаймиз ўз конимизни.

2009 йил 17 декабрь

КИЙИМ ДЎКониДА

Аслида шеър қилиш шарт эмас буни,
Кийим дўконига кирдим бир куни.

Атрофда ранг-баранг бежирим либос,
Бариси ажойиб, сарполикка мос.

Уларга махлиё боқдим у бир дам,
Харид қилмоқликка чоғландим мен ҳам.

Гарчи турфа кийим бунда бор эди,
Мен учун бири кенг, бири тор эди.

Ёнимда кузатиб турган битта чол,
Секин жилмайди-ю, сўз котди хушхол:

– Кийим мос келмаса ўқинманг асло,
Тўғри келса басдир кўнгилга дунё.

2009 йил 29 декабрь

БАРКАМОЛ АВЛОД

Комиллик йўлида чекиб ранж, алам,
Бир умр тинмади кўлимда қалам.
Сенга ҳам «комил бўл», деди Юртбошим,
Ахир комиликка не етсин, болам.

2010 йил 5 январь

ХАБАР

Турфа хабарларни тинглаймиз ҳар кун,
Қайдадир тошқину, қайдадир бўрон.
Хабарларга тўла бу олам бутун,
Хабарларга тўла ҳар лаҳза, ҳар он.

Дайди шамолнинг ҳам муждаси бордир,
Қабуларлар берар покликдан хабар.
Телефонлар эса доим бедордир,
Хабар гарқатади то тонгга қадар.

Олис қитъалардан хабарлар келар,
Келар соғинч саси, ғазаб ё алам.
Учқур ракеталар фазода елар,
Келади уларнинг хабарлари ҳам.

Хабар қутиб ўтар кунларим секин,
Хабарлар тўхтамас, бундан кўнглим тўқ.
Биз битта шаҳарда яшаймиз, лекин,
Сендан хабар йўқдир, сендан хабар йўқ..

2010 йил 10 январь

МАХТУМҚУЛИ

Шоир укам, ўқи, Махтумқулини,
Ҳикматга йўғрилган панду насиҳат.
Ғанимат демиш у умр йўлини,
Ҳа, умр ўткинчи, умр ғанимат.

Беписанд боқмагил кўҳна оламга,
Ҳали май ичмабсан қисмат кўлидан.
Фақат билганингни олгил қаламга,
Буни ҳам ўргангил Махтумқулидан.

2010 йил 14 январь

СУВАРАК

Эшитдим, уйингни босмиш суварак,
Азал одамларга таниш ушбу ҳол.
Ҳатто маҳаллангга тарқайди лак-лак,
Мўғулларнинг талончи аскар мисол.

Ўкинма, бор бунинг синалган кори,
Суварак даф бўлар, яшолмас узоқ.
Обдан, ҳамма ёққа сепгайсан дори,
Уйингга икки кун кирмайсан бирок.

Бошқа бир масала мавжуддир аммо,
Унинг ечимини билмам нетгайсан.
Ҳаммада бор бўлса шундок муаммо,
Маҳаллангни ташлаб қайга кетгайсан.

2010 йил 18 январь

ҚОРА ТАҚДИР

Қора тақдир кезиб юрар ер юзи бўйлаб,
Тирноқлари ўсиб кетган, сочлари пахмок.
Бир зум тинмас ёвузликнинг режасин ўйлаб,
Юрагида қахру ғазаб, кўлида ярок.

Кемаларни чўктиради довул бўлиб у,
Чакмок бўлиб учоқларга уради чангал.
Фитна кўзғаб саройларга солади ғулу,
Безгак бўлиб овулларга тарқатар ажал.

У истайди, бирор кимса топмасин омон,
У истайди, хўлу қурук баробар ёнсин.
У истайди, тинч турмасин замин у осмон,
Тоғлар титраб, авлиёлар динидан тонсин.

Қора тақдир, қора тақдир, нимасан ўзинг,
Қайси манзил, қай макондан чиққансан, офат?!
Ахир нечун эзгуликни кўрмайди кўзинг,
Нечун сенинг ахтарганинг доим фалокат?!

Қора тақдир, сендан холи яшарми олам,
Яшармикач зуғумингдан нола чекмай то.
Қора тақдир, қайси қудрат сенда бўлмиш жам,
Сокқа қилиб ўйнагайсан ўлимни ҳатто.

Қора тақдир, номинг асли аёвсиз қисмат,
Дуч килдинг сен одамзотни мудом бир корга.
Иблис бўлсанг, умрим бўйи ўқирман лаънат,
Ҳасратимни айтгум ёлғиз Парвардигорга.

2010 йил 29 январь

МАЛАК

Ғоят ажиб оҳангларга тўлиқдир дунё,
Ғоят гўзал хонишлар бор, кўзғатар хавас.
Барчасини хузур билан тингладим, аммо,
Биттаси ҳам сўзинг каби мароқли эмас.

Кездим санъат кошонаси Луврни узоқ,
«Моно Лиза», ҳеч шубҳасиз, маъкулдир менга.
Бунақаси ер юзида кам эрур, бироқ,
Худо ҳаққи, биттаси ҳам тенг келмас сенга.

Мен сўз топиб беролмасман таърифингга мос,
Маъзур тутгил, нўноқлигим келмасин малол.
Сендайин бир малакнинг-ку танҳолиги рост,
Мен каби бир ошуфта ҳам йўқдир, эҳтимол.

2010 йил 30 январь

ҚИШ ТУНЛАРИ

Қиш тунлари жуда узун, укубатли, зил,
Ўхшаб кетар ҳеч туганмас сийқа асарга.
Гўё олам олисларда қолгандай буткул,
Гўё тушиб кетгандайсан чуқур бир жарга.

Узун тунда зерикади набиралар ҳам,
Уларга-ку, ўйин керак, қизиқтирмас чол.
Бир чеккада пайпок тўқир кампиринг беғам,
Сенга қолар бир парча нур, бир парча хаёл...

2010 йил 13 февраль



БЕГОНА

Кўчангдан адашиб ўтсам ногаҳон,
Менга ғаним каби ёвқараш қилма.
Майли сийламагин мисоли меҳмон,
Майли гап қотмагил, назарга илма.

Сен учун на япрок ва на томирман,
Янгилик эмасдир ахир бундай ҳол.
Ахир мен адашиб ёкқан ёмғирман,
Ахир мен адашиб эсан бир шамол.

Кимдир шерик бўлса гар ҳаётингга,
Унинг баҳосини бергайсан шул дам.
Ноил бўлолмадим илтифотингга,
Мен лойиқ эмасман нафратингга ҳам.

Қалбинг дарвозаси берқдир мен учун,
Унинг калити бор сенда ягона.
Кўчангдан адашиб ўтдим, сен тушун,
Кўчангдан адашиб ўтди бегона.

2010 йил 14 февраль

ИХЛОС

Ихлосни сен тўғри тушунгин, болам,
Топширик эмас у, юмуш эмас у.
Фақат самимият унда мужассам,
У инсон қавмига ҳамроҳдир мангу.

Ихлос сабаб бўлиб оддий бир пирни
Бошига кўтармиш Темурдайин зот.
Илғаб нағмасида илоҳий сирни
Феруз бир ҳофизга миндирганди от.

Ихлос тожу тахтдан баланддир гоҳо,
Асли у инсоннинг истаги, майли.
Бемор қултум сувдан топибди шифо
Фақат қалбидаги ихлос туфайли.

Ихлос деганлари таъмадан йирок,
У – савоб, у – ишонч, у – содик ҳамдам.
Бир кун ўчган эди ховлимда чирок,
Уни ёкиб берди ихлосманд укам.

Малол келтирмагай ихлос ҳеч қачон,
Унинг мақоми бор самоларга хос.
Магар ўраса ҳам тегрангни бўрон
Сени асраб қолар, албатта, ихлос.

2010 йил 24 февраль

«ИСТЕЪДОД»

Нафақага чикқан кекса бир ўғри,
Мева бозорида қиларди савдо.
Бир кун ёш ўғрига келди у тўғри,
Бошланиб кетди-ку савдо шу асно.

Ёш ўғри пайтини топдию чакқон,
Уч-тўртта олмани урди қўйнига.
Кекса ўғри уни тутди ўша он,
Қўйди қилмишини дарҳол бўйнига.

Деди: Унутмагил асли зотингни,
Айтганимни қилсанг, бўлмассан ҳеч кам.
Ёшсан, қадрлагин «истеъдод»ингни,
Каттарок ишларга қўл ургин, укам.

2010 йил 1 март



РИВОЯТ

Эру хотин билмайин ғам, билмайин фирок,
Роса қирқ йил яшадилар тотув ва инок.

Эр доимо рўзгорим деб тайёр, шай турди,
Вақти келса, у ўзини ўтларга урди.

Топганини чумолидай ташиди уйга,
Йиққанини сарф айлади маърака, тўйга.

Хотинининг қовоғини фармон билди у,
Агар адо этолмаса, армон билди у.

Хуллас, барча орзусига эришди хотин,
Эл ичида «бойвучча» деб чиқарди отин.

Турли-туман тақинчокка тўлди бармоқлар,
Зебигардон олтиндану олмос балдоқлар.

Улар шундок даврон сурди билмай ғам, фирок,
Роса қирқ йил яшадилар тотув ва инок.

Аммо бир кун етиб келди бадбахт, қора кун,
Эру хотин хоҳишини сўрамай бутун.

Ҳаддан ортиб кетди охир хотин талаби,
«Тилла балиқ» ҳақидаги ривоят каби.

Қўли қиска эди, афсус, ночор қолди эр,
У арзанда хотинига энди нима дер.

Ха, етмади совға учун озрок имкони,
Эрнинг дами ичидадир, бўғзида жони.

Чора излаб эр ўзини урди ҳар ёнга,
Лекин ким ҳам қарар эди бўм-бўш ҳамёнга?

Бирданига бошлади-ку хотин ғавғони,
У бошига кўтарарди гўё дунёни.

Унутганди тўкин-сочин ўтган кунларин,
Фароғатда кечган не-не ёруғ тунларин.

Хотин эрни бир нафасда чил-парчин қилди,
Уни гўё канорага гўшт каби илди.

Эр турарди ночор ҳолда бошини эгиб,
Хотин дерди: кун кўрмадим мен сенга тегиб.

Муҳаббатнинг қиблагоҳи асли хотинлар,
Босолмагай улар ўрнин зарлар, олтинлар.

Рўзғор деган мамлакатни асрагай фақат,
Жиндеккина шукронаю жиндек қаноат.

2010 йил 9 март

ЗИЁРАТГОҲ

Бугунги шодликдир кечаги оҳлар,
Қуёшдан нур олган сингари моҳлар.
Эртан ҳам мўътабар бўлурмиз, аммо
Бор бўлсин бугунги зиёратгоҳлар.

2010 йил 9 март

ИБТИДО

Баҳор айёмида қазо ножоиз,
Баҳор айёмида туғилмоқ фарздир.
Баҳор минбардаги биринчи воиз,
Баҳор яшамокқа берилган қарздир.

Ким учун муҳаббат айёмидир у,
Ким учун яшариш – томирдаги кон.
Бемор лабларига кўнди ним кулгу,
Ўлмас баҳорларга етиб келган жон.

Яна умид билан уйғонар олам,
Баҳор бу, ҳар нечук, илоҳий сасдир.
Олис уфқларга боқурман мен ҳам,
Баҳор ибтидодир, яқун эмасдир.

2010 йил 10 март

ТЕМУР ТОШИ

Хўжа Илғор қишлоғида яхлит бир тош бор,
Уни ердан уза олмас унча-мунча зот.
Бир замонлар ёвқур Темур – ёш ва шиддаткор
Машқ қиларкан ўша тошни кўтариб озот.

Асрларким Темур тоши турар мустаҳкам,
Синашмоқчи бўлса ҳар ким иқболи кулсин.
Ўша тошга ўхшаб кетар замон юки ҳам,
Уддалаган паҳлавоннинг ҳалоли бўлсин.

2010 йил 14 март

ҲИРОТ

Ўзбек темир йўл қурувчилари халқаро Термиз — Мозори Шариф магистралини бунёд этаётирлар.

Ҳирот тушларимга кирарди азал,
Ўнгимда ғазалдай порлаб турарди.
Ҳазрат Навоийнинг сиймоси ҳар гал,
Келгин, набирам, деб чорлаб турарди.

Ўртада дарё бор – жўшқин ва асов,
Узала тушганди нотинч сарҳадлар.
Замонлар орага солди турфа ғов,
У ёнда интизор не-не маркадлар.

Пайт келиб мушкуллар кетгуси абас,
Эзгу муждалардан огоҳ бўлингиз.
Бобомнинг қошига чорласа ҳавас,
Энди мен поездда боргум, билингиз.

2010 йил 14 март



УРФ

*Табиатда ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди, одат табиат бўлур.*

Алишер Навоий

Дунёда нима кўп — урф кўп, болажон,
Бунёд бўлибмизки, кўргаймиз уни.
Нимадир урф бўлса тонгда ногаҳон,
Шомга етиб келгай унинг учуни.

Дейлик, пайдо бўлди почаси тор шим,
Кучук талагандек йиртиқ ва ямоқ.
Тақлид шу заҳоти бошланар, балким
Иштон тикилади ундан баттарроқ.

Асли урф дегани ғоятда зўр куч,
Оҳорин йўқотмас донолар сўзи.
Одамзод хамиша янгиликка ўч,
Ахир янгилик-ку туғилмоқ ўзи.

Мана, компьютер ҳам замон талаби,
Ракета одамни элтгай самога.
Лекин инсон зотин битмас матлаби,
У таҳрир киритар доим дунёга.

Бир пас тиним билмай чарх урар фалак,
Динлар, фалсафалар яшар коришиқ.
Олган ҳар нафасинг янгидир бешак,
Тажриба Холиққа аслан ярашиқ.

Худди ҳозиргидек замини осмон,
Турли урфлар билан лик тўлган эди.
Ғалати бир мавсум, ба ҳукми замон,
Менга тош отиш ҳам урф бўлган эди.

У кезлар наинки ўзликни, балки
Ўзбеклигимни ҳам айтолмас эдим.
Ёшим минг йилларга тенг келса ҳамки,
Битик тошларимга қайтолмас эдим.

Гарчи, эгиз эди биз билан даврон,
Қаноғсиз қолганди лекин тафаккур.
Шунча талотўпдан ўтиб соғ-омон,
Шеър ёзиб юрибман, Оллоҳга шукур.

2010 йил 4 апрель

ЎЗБЕК

Халқимнинг тарихи жуда ҳам қадим,
Ҳамиша оққан у дарёдай тўлиб.
Ҳали турфа динлар бермасдан таълим,
Дунёга танилган Хоразм бўлиб.

Кўҳна Самарқанду Бухорою Шош
Мудом кимлигимиз англадиб турган.
Не эллар Темурга бўлай деб ёндош
Қўлига обдаста олиб югурган.

Кўҳна шажарани чуватсанг агар,
Учи бориб етгай Одам Атога.
Ўзбек унвонингдан тонма, биродар,
Таяниб кимлардир қилган хатога.

Ҳануз сузиб юрар Нухнинг кемаси,
Барча жонзотларнинг қисмати бирдек.
Биз ҳам алал-абад ҳужжат эгаси,
У ерда ёзилган Ўзбек деб, Ўзбек!

2010 йил 5 апрель

ҚАЙТИШ

Умрим сафарларда ўтибди кўпроқ,
Ўтибди самовий тайёраларда.
Гоҳо хаёлларга чўмибман узок,
Кезибман у олис сайёраларда.

Қай бир кун Заминга тушдим шайланиб,
Балки жонга тегмиш осмон ҳудуди.
Шу заҳот йиқилдим бошим айланиб,
Мени маст қилганди тупроқнинг ҳиди.

Боқиб она ерга тўймасдим асло,
Турфа гўзалликка тўлган ҳар тараф.
Унут хотиралар уйғонди гўё,
Кўзим ярқ очилди теграмга қараб.

Сиз — чексиз далалар, ям-яшил хилқат,
Қачондир йўқотган бойлигим --зарим.
Бўтакўз, қоқи ўт — барглари кат-кат,
Саломат бормисиз, азизаларим.

Сайроқи кушларим, бормисиз омон,
Бормисан, уфққа чўзилган сўкмок.
Бормисан, қирларда чошиб беармон,
Учқур шамол билан ўйнашган тойчоқ.

Бормисан, тинмагур митти чумоли,
Мен сенинг дўстингман, буни билгайсан.
Пайт келиб вужуднинг етса заволи,
Сўнги суҳбатдошим ўзинг бўлгайсан.

Оқшом чўка бошлар, осмон қаъридан,
Секин таралади юлдузлар нози.
Келар коронғи тун пучмоқларидан,
Ёлғиз бир уккининг мунгли овози.

Фалакда гоҳ чакнаб, гоҳо йўқолиб,
Яна чорлар мени ўша сайёра.
Яна бош устимдан гулдурос солиб,
Учиб ўта бошлар таниш тайёра.

2010 йи 6 апрель

НАСИБ

Нурли келажакдан бериб садолар,
Пойтахтга чорларди бизларни илм.
Секин гап ташларди шунда боболар:
— Ўқисанг, подани ким боқар, ўғлим?

Ўқидик, шўнғидик фанга, илмга,
Албатга, эмасмиз бировлардан кам.
Замонлар ўзгарди, энди ҳар кимга,
Насиб қилавермас пода боқиш ҳам.

2010 йил 7 апрель



ТОПГАЙСАН

Бор нарса йўк бўлиб кетмагай асло,
Савдолар кечса ҳам инсон бошидан.
Неандартал бола топилган ҳатто,
Қадимий Бойсуннинг Тешиктошидан.

Ғоят қадрлаймиз, замон ўғлони –
Зокиржон Машрабнинг матонат, сабрин.
Кезиб ихлос ила нотинч Афғонни,
Топди у мавлоно Лутфийнинг қабрин.

“Узилган бир киприк абад йўқолмас”,
Шоирнинг сатри бу – ўчмас тафаккур.
Инондик, эзгулик бир четда қолмас,
Фидойи зотларга минг бор ташаккур.

Болам, халос бўлиб нафснинг қаъридан,
Бир кун зиё излаб ҳар ён чопгайсан.
Бизни ҳам тарихнинг пучмоқларидан,
Ахтариб, ахтариб балки топгайсан.

2010 йил 9 апрель

ТАБРИК

Элда яшаб ўтди ғаройиб бир зот,
Жиндек донишманду жиндек дарвешроқ.
Қайдадир, кимнидир кўргани захот,
Табриклайман, дерди, кутлайман, ўртоқ.

Табриклайман, десанг, сабаб кўп ахир,
Туғилган, тўй қилган кичик ё катта.
Кимдир унвон олган, ўсгандир кимдир,
Бирига мос келар табрик, албатта.

У кутлаб юрарди ҳар кимни, аммо,
Ҳасрат қилмас эди кўнглини ёриб.
Улуғ бир юмушни этгандек адо,
Уйига қайтарди кечкурун ҳориб.

Тунлар ёлғиз ўзи хаёлга ҳамдам,
Маънос кўзларидан чарчоқ кетмаган.
Ажаб, шу пайтгача бирорта одам
Уни кутламаган, табрик этмаган.

2010 йил 10 апрель

ВОРИСЛИК

Ҳар қандай ғафлатнинг интиҳоси бор,
Тонг отиб, бедорлик бошлангай яна.
Охири, ғам босган жойда ҳам такрор,
Шодлик қайта бошдан қилгай тантана.

Кўзга ёш берилган, бармоқка узук,
Той босиб келгайдир отнинг изини.
Силсила бардавом бўлмоғи тузук,
Ҳар ким зурёдида кўргай ўзини.

Азалий бу занжир келар узилмай,
Бор бўлса, бандаси йўқота олмас.
Полапон улгайиб, учмоқликка шай,
Заргар дастгоҳи ҳам эгасиз қолмас.

Кимдир эзгулик деб тинмайди, бироқ
Кимдир ханжар билан йўлини пойлар.
Ҳаётнинг мана бу йўриғига бок:
Ёвуз ҳам ёвузни ҳимоят айлар.

Бундай ворислик ҳам наҳотки мангу,
Боисин билолмай, боқурмиз ночор.
Бу дунё нафис бир чинни экан-у,
Кўксида дарз кетган чизиклари бор.

2010 йил 14 апрель

МАСЛАҲАТ

Йўл-йўрик сўраймиз биз ундан гоҳо,
Деймиз: — Фикрингизни айтинг, билайлик.
У-чи, жавоб айлар ғоятда сипо:
— Қани, бир маслаҳат қилайлик.

Деймиз: — Фалончининг соғлиги ночор,
Бориб, кўнгил сўраб, шифо тилайлик.
Унинг бу сафар ҳам жавоби тайёр:
— Қани, бир маслаҳат қилайлик.

Хашар бошланибди маҳалла бўйлаб,
Деймиз: — Сиз ҳам чиқинг, ўт-пўт юлайлик.
Стolni чертганча дер узоқ ўйлаб:
— Қани, бир маслаҳат қилайлик.

Ўзидан маслаҳат чиқмагай асло,
Бошсиз бу телпакни қайга илайлик?
Бизни кийнаб турар шундок муаммо,
Қани, бир маслаҳат қилайлик.

2010 йил 17 апрель

МАСАЛ

Деворлардан ошиб,
Тушмай ўрага,
Бури кириб олди
Бир кун кўрага.

Кўрада етимча
Кўзи бор эди.
Она меҳрига у
Чиндан зор эди.

Бўрининг қораси
Кўрингани чок,
“Онам”, деб югурди
Унга кўзичок.

Масалнинг давомин
Ўзинг ўйла, бас,
Сен кўзи эмассан,
Етим ҳам эмас.

2010 йил 21 апрель

ИРИМ

Шундай бир одат бор инсонларга хос,
Мавқея бўлмасин, майли, қанақа,
Турфа балолардан этгай деб халос,
Элга таркатади хайру садақа.

Сени ёмон тушлар қийнар гоҳи пайт,
Бузгай оромингни ўқтин ва ўқтин.
Дейдилар: — Тушингни оқар сувга айт,
Заҳрин олиб кетар мавж урган тўлқин.

Кимнингдир омади юришмайди ҳеч,
Туну кун излайди чораю имкон.
Балки ўтганларнинг руҳлари нотинч,
Битта хўроз сўйиб, чиқаргайдир қон.

Агар ишонсайдим, иримин қилиб,
Мен ҳам сақламасдим дилимда розни.
Умрим ўтар эди сувга термилиб,
Сўйиб юборардим қанча хўрозни.

2010 йил 22 апрель

ФИЛ

Шафқат кўргиздилар қари бир филга,
Уни занжирдан қилдилар озод.
Кетди у ўрмонга — сўнгги манзилга,
Хартумини силкиб, айлаб хайрбод.

Қирқ йил ёғоч ташиб топдими кадр,
Ҳар нечук яшади хўрагин оқлаб.
Фил-ку озод бўлди, лекин негадир
Одамлар занжирни қўйдилар сақлаб.

2010 йил 27 апрель



БАҲО

Одамзод қавмига ташласанг назар,
Ғоятда ўхшашдир уларнинг турқи.
Аммо сийратига разм солсанг гар,
Тамом бошқа эрур атвори, хулқи.

Бири оқил бўлса, ўзгаси нодон,
Бири маҳмадана, бири гиначи.
Бирови босиқдир мисоли қарвон,
Бирови бетайин, гўё ниначи.

Одам сувратига ишонманг асло,
Учраган ҳар кимса бўлолмас ҳамдам.
Ажиб улфат эрур тунд киши гоҳо,
Балки қизиқчининг ичи тўла ғам.

Яшаймиз, кимнидир назарга илмай,
Ўтиб бораверар қувончлар, ғамлар.
Ҳаёт шу, кўпинча, аслини билмай,
Бир-бирин баҳолаб юрар одамлар.

2010 йил 4 май

ПОЕЗД

Саёҳатдан топдим руҳимга далда,
Ахир хонанишин кунлардан бездим.
Мен сени бетоқат кутдим вокзалда,
Нега кечикасан, менинг поездим.

Олис манзилларда сирли бир дийдор,
Сирли чаманларнинг ифорин сездим.
Кўргим келаётир уларни такрор,
Нега кечикасан, менинг поездим.

Бедор ўтказганман қанча тунларни,
Ҳижронлар дастидан юракни эздим.
Соғиндим фараҳбахш, ойдин кунларни,
Нега кечикасан, менинг поездим.

Қайдадир ҳаловат, нурли висол бор,
Мен уни топай деб бир умр кездим.
Қўлимда сафарнинг чиптаси тайёр,
Нега кечикасан, менинг поездим.

2010 йил 7 май

ИҚРОР

Ҳар қандай саволнинг жавоби-ку бор,
Қолгани виждонга майли ҳавола.
Гарчи бўлмаса ҳам айбига иқрор,
Кўзин олиб қочар гуноҳкор бола.

Аслида инсонга мардлик хос эрур,
Ҳаққа у доимо кўксин очгайдир.
Лекин Аллоҳ номин эшитса бир қур
Бандаси кўзини олиб қочгайдир.

2010 йил 27 май

*Мақолалар,
суҳбатлар*



ПУШКИН САБОҚЛАРИ

— Пушкин шеърияти яшовчанлик тимсолидек даврлар оша тантана қилиб келмоқда. Сиз буни таъминловчи асосий омиллар нимада деб биласиз?

— Пушкинхонлик кунларини ўтказиш республика-мизда анъана тусига кирди. Мана иккинчи йилдирки, бу кутлуғ шеърият байрами ўтказилмоқда.

Пушкин ҳақида ҳар қанча гапирган билан суҳбат ҳеч қачон тугамайди. Назаримда, Пушкин шеъриятидан чинакамига баҳраманд бўлган шоирлар нечоғлиқ кам бўлса, унинг латиф шеъриятининг ҳарир дарпардасини кўтариб қарамаган шоирлар шунча кўп. Негаки, Пушкин шеърияти халқлар учун фақатгина адабий ёдгорлик эмас, балки юраги доимо уриб турган тирик бир хилқатдир. Бу шеъриятда ҳамма давр фарзандлари учун ҳамиша хос бўладиган инсоний кечинмаларни кўрасиз. Айни вақтда Пушкин шеърияти шоир ва замон алоқасининг энг ёрқин намунасидир. Даставвал инсоний изтироблар ҳақида сўзласак. Модомики, табиат фасллари тоабад алмашиниб турар экан, Пушкин шеъриятининг табиатга уйғун оҳангларини ҳеч маҳал унутиб бўлмайди. Яшил Тригорский хилваттоҳлари, суронли Кавказ манзаралари, лицей боғларининг дилга яқин сўқмоқлари, Буюк Петр шаҳрининг оппоқ тунлари ва ниҳоят, уларнинг интиҳоси бўлмиш ғамгин ва тунд куз оқшомлари!..

Бу манзаралар ханузгача бор-ку! Демак, бу манзараларнинг энг аниқ, энг латиф ва шоирона тасвири бўлмиш Пушкин шеърияти ҳам яшайверади. Шахсан мен кейинги даврлар шеъриятида рационаллик жуда ҳам кучайиб кетётганини дуруст ҳол деб билмайман. Роботлар ҳам шеър ёзармиш, деган гаплар тарқалганига ва бу гапларга шеърият ихлосмандларининг унчалик ажабланмаётганлигига нормал ҳол, деб қараб бўлмайди. Космонавтлар осмондан туриб сайёрамиз атрофида ҳеч ҳам тасвирлаб бўлмайдиган хилма-хил ранглар ва манзараларни кузатганликларини айтадилар. Ахир, уларни зухур этмоқ ва

тасвирламок учун аллақандай формулаларга суянган шеърят эмас, балки Пушкиннинг мўъжизакор қалами керак бўлади. Шу ўринда мен бир шоирнинг ажойиб шеърини эслаб ўтишни истардим. Унда бир неча кунлар фалак кўйнида кезган космонавтнинг ерга тушиши ва ўтлоқда бахри-дилини ёзиб ёнбошлаб ётиши тасвирланади. Космонавт ўтлоқда елдек югуриб юрган оқ тойчоқнинг майсалардаги шабнамни сачратиб қолдираётган изларидан шу қадар теран завқ-шавқ туядики, уни тасвирлаш қийин... Бу ҳам моҳият эътибори билан Пушкин шеъриятига бориб тақалади.

Ўша оқ тойчоқ, ўша замин манзараси Пушкин шеъри эмасми?!

Хуллас мен бу ўринда шоир ва замон, шоир ва гражданин масаласида Пушкиндан ғоятда жузъий мисоллар келтирдим. Буюк шоирнинг инсонлар қалбидаги турли хил иллатларни фош қилувчи асарлари хусусида ҳам юқоридаги сингари гапларни дангал айтиш мумкин. Масалан, шоирнинг «Моцарт ва Сальери» асарини олиб қаранг. Қалбида ҳасад ўргимчаги уя курган Сальерилар ҳаётда учрамайди, дейсизми? Учрайди. Аммо, умуман, биз Пушкиннинг дохиёна, чексиз, гўзал ижод бисотидан — гўё сонсиз юлдузларга тўла топ-тоза тунги жануб осмонидан баҳра олганимиз каби эстетик завқ оламиз. Мана шу жиҳат турли дидга мансуб бўлган Пушкин мухлисларини бир жойда бирлаштиради.

— Шеърхон Пушкин шеърларини ўқиганида шоирнинг ёниқ эхтиросини, муболаға қилиб айтганда, нафас олишини аён сезиб туради. Гоҳо рухий ҳолатинг, кайфиятинг ва дилдаги кечинмаларининг айнан ва нафис тасвири кишини ҳайратга солади. Гўё у сенинг дилдаги кечирмаларингни хозиргина қоғозга туширгандек, ҳатто қоғоз юзидаги сиёх излари қуримагандек туюлади. Бир сўз билан айтганда, Пушкин асарларининг ҳар бир саҳифасида ҳаёт шарпаси сезилиб туради. Бунинг сири нимада деб биласиз?

— Шеърятда ҳар хил шакллар нечоғлик яшовчан бўлмасин, баъзан даврлар ўтиши билан ўзгаради ва бу та-

бийдир. Пушкин шеърияти яшовчанлигининг энг асосий сабабларидан бири — унинг туйғулар ифодаси халқ нутқи асосида қурилганлигидадир. Токи халқ ва унинг сўзлашув нутқи яшар экан, Пушкин шеърияти яшайди. Мен бу ерда турли хил шаклий изланишларни мутлако рад этмоқчи эмасман. Шахсан мен учун Уолт Уитменнинг шеърияти ҳам бир улкан мактабдир. Аммо шеъриятдан, шаклий изланишлардан холи қолиб, «одамга ўхшаб яшаганда» жўнгина ва гўзал, бетакрор Пушкин шеъриятини қайта-қайта мутолаа қиламан. Пушкин шеъриятининг яшовчанлиги, ундан доимо ҳаёт нафаси келиб туришининг асосий сабаблари, чамамда, шулар билан боғлиқ. Бу ўринда Пушкин шеъриятининг соддалигини туйғулар ибтидоийлиги маъносида тушунмаслик керак. Албатта, у сайёраларни забт этган космик кемаларни кўрган эмас, аммо шоир шеърияти жозибаси шу қадар улғуворки, у интиҳосиз инсон қалбини, руҳиятнинг энг юксак юлдузларини забт этган.

Мен ҳар ҳолда, ҳаёл қиламанки, Пушкин шеъриятининг шакллари модомики, ҳозиргача ниҳоятда кўпчиликни ҳайратга солиб келаётган экан, замонавий рус шоирлари ҳам қачондир бир кун шу шаклга қайтадилар. Унинг шеърияти шакллари айниқса Сергей Есенин асарларида ўзига хос йўсинда кўзга ташланадики, бу унинг яшовчанлигига яна бир далилдир.

— **Пушкин шахсиятини қандай тасаввур этса бўлади?**

— Шу ўринда мен Пушкиннинг «Номаълум кишига мактуб» деган бир шеърини эсламоқчиман. Шоир бу шеърида унга хайрихоҳлик билдириб, дилини тушуниб мактуб ёзган номаълум бир кишига ўз ташаккурини изҳор қилади. Бу ташаккур шу қадар самимият билан, шу қадар очиклик билан, балким, кўзда ёш билан битилганки, унда биз Пушкин шахсияти, унинг нечоғлиқ дилбар ҳамда чорасиз, нечоғлиқ ёлғиз ҳамда олижаноб киши бўлганлигини яққол тасаввур эта оламиз. Мен Пушкин ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кўпдан-кўп асарларни, нодир кўлёмаларни мутолаа қилганман. Балки ўша мутолаа Пушкинни бир қадар тушунишимга асосий калит

бўлгандир. Ҳойнаҳой, Пушкин шахсияти, унинг руҳий шикаста ва ҳаётсеварлиги Анакушкин яратган ҳайкалида жуда ҳам ёрқин акс этгандир.

Пушкин ишонувчан шахс. Аммо у ўз ишончига ёвуз муҳитда акс-садо тополган эмас. Пушкин изтиробларининг бир манбаи ҳам ана шунда. Бу ўринда кўпдан-кўп ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Унинг ҳолатларини тасаввур этиб кўринг. Гоҳ у асрий арғувонлар тагида ҳаёт ва ўлим ҳақида чексиз ва изтиробли ўйларга чўмади. Гоҳо Больдинонинг кўркам ўтлоқларида оёқяланг, қувноқ бир ўспирин сингари деҳқон болалари билан бекинмачок ўйнайди. Гоҳо дворян сифатида ўз насабини Бульгарин сингари нокаслардан ҳимоя қилади. Гоҳо жажжи ҳассасини кўлида ўйнатиб, дўсти Вяземский билан ҳазилкашлик қилади. Гоҳо ўз номусини, шаънини ҳимоя қиларкан, танида хабаш қони гупуриб, бўйин томирлари бўртиб кетади. Бу ҳолатларнинг барчаси Пушкин шахсиятини, унинг хатти-ҳаракати, феъл-атворини бир даражада кўз ўнгимизга келтиради. Дарҳақиқат, унинг турган-битгани шеър эди. Унинг кайфияти ҳам шеърлари сингари ранг-баранг эди. Назаримда, у ҳеч қачон ёзиш учун шеър ёзмаган. У ўз гурурини яхши билар эди. Бирда дилбар асарини яратаётиб: «Бўш келма. Пушкин! Бугун мен даҳоман!» деган. Ана шундай сўзларни айтган улуғ шоир ўлими олдидан Жуковскийга «Рус ёзувчилари ичида биронтаси менчалик қийинчилик билан яшаб ўтмаган» деган эди!

— Пушкин асарлари ўзбек шеърхонлари учун ҳам туғишган шоирининг шеърдай яқин ва азиз. Шу маънода шоир асарларининг таржималари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларингизни айтсангиз.

Пушкин ҳақида марок билан узоқ гапириш мумкин. Аммо барча таассурот ва кузатишлардан кўра, шеърхон учун шоир ҳақида энг батафсил ҳикоя қилувчи энг улуғ манба — унинг ўз асарларидир. Шу маънода улуғ шоир шеърляти она тилимизда нечоғлиқ муносиб жарангласа, шоир асарлари билан халқимиз шу қадар яқинроқ танишган бўлади. Менинг назаримда Пушкин ўзбекчада ўзининг баланд мақомида гапирмоғи керак.

1978 йил

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси
Мутал (Мутаввакил) Бурҳонов мусикаси
Абдулла Орипов сўзи

Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Накорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждоллар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ кудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиклол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Накорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждоллар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ кудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг шарҳи

1.2. Ўзбекистон жойлашиш ўрнига кўра қуёшли бир маскандир. Бу маскан барча фуқароларнинг муқаддас саждагоҳи, бахту нажот қалъасидир.

1.2. Ўзбек халқи ўз тарихига кўра дўстпарвар, каттаю кичикка баравар мурувват кўрсатувчидир. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

1.3–4. Ўлканинг шону шухратини таъмин этувчи омил, албатта, илм, фан ва ижоддир. Тарихда ҳам шундай

бўлиб келган. Масалан, Беруний, Ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Улуғбек, Навоий ва бошқа алломалар. Улар Ўзбекистон шухратининг жаҳондаги мақомини белгилаб келди. Бундан буён ҳам бу юксак парвоз давом этажак.

II.1. Ўзбекистон тоғлар, гўзал водийлар ўлкаси. Жумладан, Фарғона водийси, Хоразм воҳаси ва ҳоказо. Беҳисоб табиий бойлик, жаннатий гўзаллик – буларнинг барчаси Ўзбекистон жамолини белгилайди.

II.2. Ўзбек халқи ҳар қандай ишга қўл ураётганда ота-боболар руҳидан мадад тилаб келган. Аждодларнинг хотиралари, кадамжолари ўзбеклар учун ҳамиша муқаддасдир. Мард, улуғ боболар номи ёд этилади. Амир Темури, Заҳриддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Торобий сингари боболаримиз миллатнинг фахридир.

II.3–4. Тарихда шахсларнинг хизматлари, обрў-этиборлари нечоғли буюк бўлмасин, улар биринчи навбатда халқнинг вакиллари дир. Қилган ишлари ҳам фақатгина халқ ҳаёти билан қўшилиб кетажак. Улуғ ўзбек халқи ўз озодлигини ҳимоя қилганда ҳам ёхуд шаҳар куриб, ариқ чиқарганда ҳам ҳамиша уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб келган. Биргина мисол: Иккинчи жаҳон уруши йилларида Катта Фарғона каналини ўзбек халқи 45 кун ичида кетмон билан қазиган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улуғ шаҳарларимиз – Самарқанд, Бухоро, Хива ҳам халқимиз буюк ижодининг тимсоллари дир.

III.1. Ўзбек халқи ўзининг бағри кенглиги, серфарзандлиги, болапарварлиги билан машҳур дир. Бу эса халқимизнинг ўчмас ва ўлмас иймон ва эътиқоди билан чамбарчас боғлиқ дир. Зеро, исломий эътиқодимиз, муруват ва шафқатни, эзгулик ва олижанобликни юксак шараф деб ҳисоблайди.

III.2. Аждодлар шавкати билангина фахрланиб яшашнинг ўзи етмайди. Авлодлар юртининг обрў-этиборини янада юксак поғоналарга кўтармоқлиги шарт. Бунинг учун эса авваламбор озод ва мустақил, эркин бўлишимиз керак эди. Ва биз бунга эришдик. Қушнинг парвози қа-

ноти билан бўлганидек, Ўзбекистоннинг ҳам келажакдаги парвозида авлодлар зўр қанот бўлажак.

III.3 Жаҳонда маълумки, тоталитар совет тузуми барҳам топгач, истиқлол байроғини, озодлик машъаласини биринчи бўлиб кўтарган Ўзбекистондир. Ўзбекистон ўз худудида ва жойлашган минтақасида ҳамда бутун жаҳонда тинчлик, осойишталик бўлишининг тарафдоридир.

III.4. Ҳақиқатни, ростгўйликни халқимиз ҳамиша ардоқлаган. Шундоқ юртгина мангу обод бўлиб, гуллаб-яшнашга ҳақлидир.

1999 йил

«ЮКСАК ФИКР ЖАСОРАТДАН ТУҒИЛАДИ»

— Қарийб қирк йилдан буён шеърият оламида фаолият кўрсатмоқдасиз. Шу вақт ичида ўзингизнинг бошқа ижодкорларникига ўхшамайдиган, бетакрор адабий-бадий, сеҳрли, сирли, жозибали, айтиш чокда мураккаб дунё яратдим, деб ҳисоблайсизми?

— Шоир ўз ижоди ҳақида қандайдир ҳакамга ўхшаб фикр юритиши, ўзига ўзи баҳо бериши одоб доирасига (тамомилга) кирмас деб ўйлайман. Бирок сохта камтарликка берилиб, киши ўз-ўзини ерга уриши ҳам инсофдан бўлмайди. Ўйлайманки, мен босиб ўтган ва ўтаётган йўлим ўзимгагина хосдир.

*Ўзгалардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим.*

деб бир пайтлар ёзганман. Ҳар ҳолда мен бадий ижодни, айтишча, шеъриятни сеҳр ва жозоба ҳамда юксак фикрларнинг гўзал бир омехтаси деб ҳисоблайман.

Ўзим ижод қилаётганимда ҳам, ёхуд бошқаларнинг асарларига назар ташлаётганимда ҳам юқоридаги нуқтаи назар мени тарқ этмайди.

— Ҳақиқий шоир яратувчи, кашф этувчиси ёки ҳар қандай ижобий, салбий ҳодисаларни шеърий



Рафиқам Ҳанифахон билан.



“Муътабар оила”. Мусаввир С. Раҳмонов. 2007 й.



Оила даврасида.



Нурота тоғларида.



Ёш китобхонлар билан учрашув.



Токио. Сока университети. Алишер Навоий ҳайкали олдида.



Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов билан.



Япон шоири ва файласуфи Дайсаку Икеда билан. 2007 й.



Мели акам билан.

шаклга солиб, одамларнинг кўнглини хушлайдиган заҳматкашми?

— Гап ҳақиқий шоир ҳақида кетса, албатта, биз уни кашф этувчи сифатида тасаввур қиламиз. Ўтган-кетган ҳодисаларни шеърга солиб юриш эса косибчиликдан бошқа нарса эмас.

— Замон, даврни мохирона шарафловчи, мадҳ этувчи асарлар узоқ яшайдими ёки инсон руҳиятини ранг-баранглиги, бойлиги, зиддиятлари билан ёритувчи асарлар умри абадий бўладими?

— Жавоб саволнинг ўзидан, унинг иккинчи қисмидан англашилиб турибди.

— Сизнинг қайси шеърларингиз, дostonларингиз фақат ёзилган давр, замонга, қайси бирлари кўп асарларга хизмат қилади деб ўйлайсиз?

— Инсон нафаси, қалби, руҳияти уфуриб турган баркамол асарларгина узоқ яшашга ҳақли деб биламан.

— Шўро ҳукмронлиги даврида ҳар хил сиёсий тазйиқларга учраганда, ўз истеъдодингизни асраб, унинг қудратини намoён қилишга қайси мунаққидлар кўмаклашди, қайси бирлари, аксинча, олдингизда кўндаланг бўлиб турди?

— Бу масалада менинг фикрим қуйидагича: ҳаётим давомида мени икки гуруҳ муттасил таъқиб этиб кузатиб келади. Бири хайрихоҳлар, иккинчиси ҳасадгўйлар. Улар қайси даврда яшаган бўлмасин (шўролар давридами ёхуд ҳозирми), ранги-турқлари ўзгарган эмас.

— Сиз билан ёнма-ён қалам тебратган, тебратаётган, ўзларини шоир деб тақдим этганлар орасида ҳатто беш-олти эмас, ўнлаб шеърӣ тўпламлар, китоблар чоп этгирган, юксак мукофотлар, унвонлар олган назмчилар кўп эди, уларнинг аксарияти халқ меҳру муҳаббатини қозона олмади. Бунинг сабаблари нималардан иборат дейсиз?

— Халқ ва китобхонларнинг муҳаббатини қозонолмаган бўлсалар, демак улар ўткинчи назмчилар. Афсуски, уларнинг адабий жараёнга келтирган зарарлари бениҳоя-

дир. Улар наинки мукофотларга, балки маломатларга сазовор деб ўйлайман. Албатта, ўз истеъдоди даражасида, маънавий экологияни бузмасдан, инсоф билан қалам тебратиб юрган адабиёт ихлосмандларини қоралашнинг кераги йўқ. Гап айрим сурбет ва суллоҳ назмбозлар ҳақида кетмоқда.

— Шўро даврида фақат компартияни, совет давлатини тараннум этувчи асарлар, уларнинг муаллифлари ардоқланган. Сизга ўхшаш ҳаёт ҳақиқатини бор салобати, мураккабликлари билан ёритганлар, аксинча, унчалик хушланмаган. Ўша пайтларда ўзингизни қандай ҳис қилгансиз? Бу ҳол ижодингизга қандай таъсир кўрсатган?

— Умуман, бадий ижод билан замоннинг муносабатлари ғалати жараёнدير. Масалан, замон кулаётган бўлса, унинг даврасида йиғлаб ўтириш ёки замон йиғлаётган бўлса, унинг қошида қажқаж уриш ҳар иккала томон учун ҳам қандайдир вазиятни келтириб чиқаради.

Ҳар нарсанинг мавриди бор ёхуд мана бу гап бемаврид айтилибди, деган андишалар шундан келиб чиққан. Менинг назаримда ҳар қандай мураккаб вазиятни бадиият ҳамда фалсафа кўмагида малолсиз тадқиқ этиш мумкин.

Шўро даврида баъзи мавзуларнинг ман этилганини кўриб очиғи ажабланганман. Масалан, совет кишиси сира ғам чекмайди, ўлмайди, деган гаплар ёки она тилимизни камситишлар ниҳоятда ғашимни келтирарди. Умуман, ўша давр адабиёти (айрим асарларни мустасно қилганда) кўпинча ҳақиқий адабиёт эмас, балки унинг карикатураси эди, холос.

— Мактов билан мактовни, танқид билан танқидни фарқлаш керакми? Сизга кўпроқ мактов ёқадими ёки танқид?

— Албатта, фарқлаш керак. Чунончи мақтаган ҳам ёхуд танқид қилган ҳам, аввало, асарингизни ўқиб, англаган бўлмоғи шарт. Гуруҳбозлик манфаати билан қалам кўтариб юрган танқидчи-ю мактовчиларни кўп кўрган-

ман. Уларга жиддий эътибор бериш керак эмас, деб ўйлайман.

— Асарларингиздаги қайси ижодий жиҳатлар адабий танқидда яхши ёритилган, қайси бирлари яхши ёритилмаган, деб ўйлайсиз.

— Айниқса, тарихий асарларни баҳолашга келганда ўша олим ва мунаққидлар савияси ҳаққоний баҳо беришга тайёр бўлмоғи керак. Мен «Соҳибкирон» асаримга бўлган муносабатда шу ҳолатни кузатдим. Мен Алигери Дантенинг «Илоҳий комедия»си «Дўзах» қисмини таржима қилганман. Уни таҳлил қилишга ҳам адабиётшунослигимиз тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Тўғриси, бу таржима ҳақида жиддий таҳлилни кутганим йўқ. Эҳтимол, бунда муаллифга нисбатан субъектив, ноҳолис муносабатнинг ҳам таъсири бордир.

— Ноёб истеъдодингиз қудратидан ҳали сарфланмаган қайси жиҳатлар қолиб кетаётир, деб ўйлайсиз? Шундай бўлса, унга нималар халакит бераётир?

— Кишига Аллоҳ таоло истеъдод берган бўлса, у ҳеч қачон йўқолмайди. Киши жисмонан қарийди, лекин истеъдоднинг қариси бўлмайди. Одам боласининг кўзи очик экан, кўрган-кечирганидан таъсирланади. Демак, ижод ҳам муттасил давом этаверади.

— Ҳам ижодкор, ҳам инсон сифатида юзага чиқмаётган орзу-ниятларингиз борми? Ўзингиздан мамнунмисиз ёки гоҳида норозилик туйғулари ҳам пайдо бўладими?

— Инсоннинг юксак орзулар билан яшаши жуда ёқимли. Бироқ ҳаёт прозаси, ташвишлари, атрофдаги нокомиллик, турли-туман иллатлар, ҳаётнинг ғаразли наштарлари баъзан ниҳоятда толиқтиради. Ана шундай пайтда ҳам ягона юпанч — ижодий ишдир.

Мен ўз дидим ва талабимга жавоб бергулик бирор шеъримни ниҳоясига етказганимда ўзимни тамомила бахтиёр ҳис этаман.

— Шеъриятда давр руҳи, ўша замон одамларининг қалб тебранишлари акс этади. Сиз адабиётга кириб келган олтмишинчи йилларда ўзбек шеърия-

тида мадҳиябозлик ва ура-урачилик устунлик қиларди. Ўша давр мухити, адабий жамоатчилиги ёш Абдулла Орипов шеъриятини қандай қаршилаган?

— Адабиётга кириб келаётганда мени қандай қарши олишаётганини ўйлаб кўрган эмасман. Сабаби, фаолиятимни мен табиий ҳолдек қабул қилганман ва ҳозир ҳам шундай деб ўйлайман.

— Шўро даври олимларининг ишларида Яссавий, Сўфи Оллоёр, Хувайдо сингари шоирлар ижоди танқид қилинади. Бу алломаларнинг асарларини ўқиш-ўрганиш, чоп эттириш тақиқланган. Лекин оддий халқ эса уларнинг асарлари битилган китобларни кўлдан қўймай ўқиди, ўрганди. Яъни шўро даври илми билан халқ тушунчаси ўртасида катта бир жарлик мавжуд эди. Шундай ҳолни, маълум маънода, сизнинг ижодингизга бўлган муносабатда ҳам кузатиш мумкин. 1982 йилда ёзган бир шеърингизда («Бизнинг шеър») ўзбек халқининг барча қатламлари асарларингизни эътироф қилганлари ҳолда, «анча зотлар», «шеърга ётлар писанд қилмади», деб ёзасиз. Булар фақат «шеърга ётлар»миди?

— Инсон қалбини тушунмайдиган ёки тушунишни хохламайдиганларни мен «Шеърятга ёт кимсалар»дир деб атагандирман балки. Бу ўринда шеър нисбий бир тушунча, ҳолос. Умуман руҳий қашшоқ одамлар ҳамма даврда ҳам тўлиб-тошиб ётади. Уларга эътибор қилмаслик ҳам мумкин. Лекин улар ниҳоятда кўпайгандан кейин мухитга айланадилар. Бу эса фожиа.

— Асарларингиз яхши таҳлил қилинган ишлар ҳам бор. Уларда Абдулла Орипов шеърятга 60-йилларда ўзбек адабиётини мазмун ва мундарижа жиҳатидан янгилади, деган фикр ҳам учрайди. Буни бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, Абдулла Орипов XX асрдаги ўзбек бадиий тафаккурини 60-йилларда янги босқичга кўтарди. Ўзингиз шу шеърятнинг яратувчиси эмас, балки мухлиси сифатида бу фикрни қандай изоҳлайсиз? Унинг асосий фазилатларини нималарда кўрасиз?

— Бадийй тафаккур тараққий этиши учун унга ниҳоятда жиддий муносабатда бўлиш керак. Енгил-елпи, ўртача фикрларни мен ҳазм қила олмайман. Юксак фикр эса жасоратдан туғилади.

— «Қирк ёш» шеърингизда:

Ким алам чекмабди умрида бир бор

— У мени англамас, англамас асло!

деган сатрлар бор. Шеърларингиз синчиклаб ўқилса, улардаги алам, изтироб тузумдан норозилик руҳи билан уйғунлашиб кетганлигини пайқаш мумкин. гача «Тилла балиқча»дан (1964) тортиб «Оломонга» (1980) бўлган шеърларингизда бу руҳ гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора шаклда ифодаланади.

— Мендан кўпинча фалон тузумдан норози бўлиб шеър ёзганмисиз, деб сўрашади. Аслида мен тузум-пузумини унча ўйлаб ҳам ўтирган эмасман. Мен мавжуд ҳаётга муносабат билдиришга уриндим, холос. Масалан, Ўзбекистон мустақил бўлганда мен бу ҳолни тамомила қонуний ҳаққим деб қабул қилдим. Уни кўрганим эса менинг бахтим.

— Собик шўро тизими даврида кўп миллий адабиётлар сингари ўзбек адабиёти, шеърини ҳам баъзи муҳим, қадим анъаналаридан ажралиб қолди. Масалан, исломий руҳда ёзмок, Аллоҳ муҳаббатини куйламок мумкин эмас эди. Мустақиллик боис мазкур анъанага биринчилардан бўлиб қўл уриб «Ҳаж дафтари» туркумини ёзгансиз. Бу йўналишда ўзбек шеърини қандай бўлмоғи керак ва бу руҳ ижодингизда давом этаётirmi?

— Диний эътиқод руҳидаги асарлар мавзусига келсак, бу мундарижани сунистеъмом қилиш гуноҳи азимдир. Мен дини исломни жиддий илм сифатида эътироф этман. Илм эса ҳаётга, борлиққа таянади. Ундан фалсафий хулосалар чиқаради. Юриш-туришимиз, ахлоқимизга ўзига хос равишда баҳо беради. Демак, у адабий усулдек бир гап.

Мутаассиблик эса тирик ижодиётга мутлақо ётдир.

«Ҳаж дафтари» туркумида худди шу қарашларимга риоя этишга ҳаракат қилганман. Қадим-қадим замонларда ҳам мачит адабиёти ва дунёвий руҳдаги шеърят бор эди. Уларнинг ёлғиз биригагина берилиб кетиш жоиз эмас, деб ўйлайман. Бу жиҳатларнинг омихта кўриниши айниқса, Жалолиддин Румий ижодида яққол, шунингдек, Навоий фалсафасида ҳам мавжуд. Диний мавзуда куйлар экан, шоир мачитнинг сўфиси даражасида қолиб кетмаслиги керак.

— Қадимда «Туркий адабиёт» деган яғона, улуғвор тушунча мавжуд эди. Бунинг замирида халқнинг муштараклиги назарда тутилган. Келгусида умумтуркий адабиётнинг жипслиги борасида қандай эзгу тамойилларни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Умумтуркий адабиёт тушунчаси аввал ҳам мавжуд эди, хозир ҳам мавжуд. Фақатгина сиёсий, ижтимоий, жўғрофий парокандаликлар бизларни бир-биримиздан узоқлаштирди, холос. Умумтурк деган маданий-маърифий тушунча сиёсий хилма-хилликлардан баланд туриши керак, деб ўйлайман.

Туркий адабиёт намояндалари бугунги кунда нималар хақида куюниб ёзаётганликларидан ўзаро хабардор бўлиб туришлари лозим.

— Катта раҳмат.

1999 йил

«БИР НЕЪМАТКИ, ЖОНДАН-ДА ТОТЛИ!»

— Кўпинча бир саволга дуч келамиз: мустақиллик Ватанимизга нима берди? Гарчи такрор бўлса ҳам айтаман: истиқлол тақдиримизни ўз қўлимизга берди. Ҳамма нарса ўзимизники бўлди. Ахир бизни озодликдан кейингина дунё тан олди-ку? Қолаверса, бундан ўн йил олдин жаҳон харитасида ўз байроғи, мадҳияси ва гербига эга бўлган мустақил Ўзбекистон бормиди? Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, истиқлол бизга Ватанга садоқатли, тоза авлодни берди. Албатта ҳозирги ёшлар мустақиллик

ва уни мустаҳкамлаш учун, керак бўлса жонини ҳам беришга тайёр. Чунки, улар кўз очиб озод Ватанни кўрди. Бугун эса ёш авлод ғурур билан «шу азиз Ватан бизники, Тўмарис бизнинг момомиз, Амир Темур бизнинг бобомиз», деб айта олади. Бу эса бизнинг энг улкан ютуғимиз. Негаки, бугунги ёшларнинг юрагида мустақиллик тафти бор. Президентимиз айтганидек, буюк келажакни мана шундай ёшлар қура олади.

— Президентимиз миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини одамлар қалбига сингдиришнинг янгича йўл-усулларини, тарғибот механизмини топиш лозим, деб таъкидладилар. Сизнингча, янгича тарғибот механизми қандай бўлиши керак?

— Дарҳақиқат, ҳали хануз эски замонни қўмсайдиган, мустақилликнинг мазмун-моҳиятини тушунмайдиган ва бугунги нурафшон кунларимизнинг қадрига етмайдиган кимсалар учраб турибди. Мен уларга қаратиб айтмоқчиманки, келинг ўз-ўзимизга савол берайлик: ким эдигу ким бўддик? Тўққиз йил қиёслаш учун етарли муддат. Мустақиллик озодлигимизни қайтариб берди.

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларни эслаш ва эслатиш онгу-шууримизни тозалайди. Юртбошимиз айтганидек, мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябр арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозим. Бинобарин, озодлик руҳи ва кайфияти йил-ўн икки ой давом этсин. Содда қилиб айтганда, миллий ғурур ва озодлик туйғуларини одамлар қалбига сингдириш усуллари, курук гап ва расмиятчиликдан холи бўлиши керак. Шунинг учун салкин кабинетларда жон сақламасдан юракка яқин ва дангал фикрлар билан халқ ичига кириб боришимиз ҳамда эзгу ниятларни, ғоя-туйғуларни тушунтириб беришимиз зарур. Шиорбозлик ва баландпарвоз гаплар ҳеч нарса бермайди. Керак бўлса, биз мустақиллик ғоясини гўдак кулоғига азондек қуйишимиз керак. У она алласи бўлиб фарзандларимиз вужудига кирсин. Қачонки, истиқлол деганда юракларимиз хапқириб, тўлкинланиб кетса ва кучимизга куч қўшилса,

Юртбошимиз айтганидек, биз бир бутун енгилмас халққа айланамиз.

Мен орзу қилардимки, хорижга борган ҳар бир ёшқари Ватанимиз, миллатимиз, санъатимиз, илм-урфони-миз ва анъаналаримизни эслатиб турувчи бирон бир белгини кўрганда ҳаяжонга тушсин ва кўзидан ёш чиқиб «бу байроқ меники», «бу сўзана менинг диёримда тикилган» ва «бу мусика — менинг шашмақомим» деб ғурурланса дейман! Ўзбекистонда туғилганига шукроналар айтсин. Шунда биз бобомиз Жалолиддин Мангубердидек юртга садоқатли ва жадидлардек миллатга жонбоз бўламиз.

Яна шуни ҳам айтишим керакки, озодлик тириклик билан баробар неъматдир. АҚШ 250 йил ўтса ҳам ўз мустақиллигини ўзгача ҳаяжон билан нишонлайди. Улар бунга асло бировдан ҳайкиш ёки кимгадир кўз-кўз қилиш учун байрам қилишмайди, балки ҳар бир фуқаро бу куннинг қанчадан-қанча машаққатлар эвазига қўлга киритилганини теран англайди.

— Абдулла ака, халқимиз қалбида истиқлол туйғуларини сингдириш жараёнида адабиётнинг вазифаси нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Адабиётнинг биринчи вазифаси — миллатни ўзига ўзини танитиш ва эзгу мурод-мақсадларнинг ҳаётчилигини халққа тушунтириб беришдан иборат. Жумладан, эркесвар боболаримиз тўғрисида хикоя ва романлар ёзиб, ёш авлодга етказсак адабиётимиз мустақиллик меваси — баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшган бўлади. Қолаверса, саёз ва юзаки асарлар, мадхиябозлик, ура-урачилик билан фақатгина фарзандларимизни бездириб қўйишимиз мумкин. Шу боис ҳар бир асар юракдан ёзилиши ва юракка етиб бориши керак. Баъзида китобхон қалбида ғурурни уйғотиш учун чиройли бир лирик шеър ҳам кифоя қилади.

Мустақиллик давридаги адабиётни шўро тузумидаги асарлар билан муқояса қилиш ҳам китобхон кўзини очади. У кечаги ёлғону бўҳтон асосида қурилган тузумнинг асл қиёфасини кўра бошлайди. Шўро мафқурасидан

таъм олган бир асарда қуйидагича лавҳа бор: «Эмишки, пахта даласида Ўроқвой Деҳқонони учратиб севги изҳор қилади. Деҳқоной айтадики, олдин планни бажариб олайлик, сўнг муҳаббатдан оғиз очасиз». Гарчи у бир қарашда латифадек туюлсада, афсуски, ўша замоннинг мафқураси эди.

2000 йил

МУҲТАШАМ ЗОТ ВАСФИ

Буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ўчмас номи ул зотнинг ўз юртида қайтадан чараклай бошлагани янги тарихимизнинг энг шоён зарварақларидан бири бўлиб қолди. Бу улуг имконият истиклолимиз туфайли ҳамда Юртбошимизнинг адолатпарварлиги ва жасорати боис яралганини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Амир Темур сиймоси жаҳон тарихига бошқаларнинг иродасидан қатъи назар абадий муҳрланиб қолгани аниқ гап. Бирок шунга қарамасдан, шўролар мафқураси бу зотнинг буюклигини тан олишдан бош тортди, шу йўсинда халқимизни ғурур ва ифтихоридан мосуво этишга интилди. Жаҳон илму фанида темуршунослик изчил давом этса-да, Соҳибқироннинг ўз ватанида бу ишлар қарийб бажарилмади. Такрор айтамиз, истиклол йилларидагина бу хайрли ва зарур бурчни бажаришимизга йўл очилди. Бир қатор илмий-бадий тадқиқотлар, сахна, кино, тасвирий, ҳайкалтарошлик, меъморий асарлар дунёга келди, «Тузуқлар» китоби қайта-қайта нашр этилди. Улардан, албатта, кўпчилик хабардор. Лекин шунга қарамасдан, Соҳибқирон фаслияти билан боғлиқ очилмаган, тадқиқ этилмаган қирралар ниҳоятда кўп.

Хўш, тарихни ўрганишдан мақсад ўзи нима? Авваламбор — тарихий адолатни тиклаш. Иккинчидан, инсон болалари ўзлари босиб ўтиб келаётган йўлларнинг пасту баландларидан, албатта, хабардор бўлмоқлари керак. Учинчидан, олға қараб бориш учун одам ўз ўтмишидан

ибрат ва сабоқ олиб ўрганган, яъни биз дафъатан бир куннинг ўзида осмону фалакдан «Ассалому алайкум» деб ерга қўнган эмасмиз.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда темуршунослик илми ўзига хос тармоқ сифатида шакллана бошлади. Темурийлар тарихи музейи ва Халқаро Амир Темур жамғармаси фаолият кўрсатиб турибди. Бир замонлар бобомиз қадами етган жойларни, жумладан, Яккабоғдаги Темур ғорини наинки зиёрат қилиш, балки ўрганиш каби савобли ҳаракатлар бошланиб кетган.

Сизнинг қўлингиздаги китоб ҳам Темур бобомиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ўзига хос чизгилар тўпламидир. Китоб муаллифи Ҳаким Сатторий адиб ва журналист сифатида бобокалонига хизмат қилай, деб бел боғлаганлардан бири. Менимча, унинг ушбу китобини кизиқиш билан мутолаа қиласиз.

2005 йил, 11 май

ОЙБЕК АБАДИЁТИ

Бундан ропла-роса юз йил муқаддам қадим Тошкентнинг Говкуш маҳалласида йўқсилгина оилада қоракўз бир фарзанд дунёга келди. Бу ўғлоннинг исмини Мусо деб атадилар. Унинг номаи аъмолида ўз халқининг улуғ сиймоси бўлиш каби кутлуғ саодат битилган эди. Шунингдек, бу инсоннинг пешонасига ўз халқи сафида туриб изтиробу шўришлар азобини чекиш ҳам ёзилган эди. Ва ниҳоят, бу зотнинг алал-абад тақдири абадият билан чулғониб кетган эди.

Ана шу қисмат эгаси аср бошларида илк шеърларини Ойбек таҳаллуси билан эълон қилди ва бу латиф таҳаллус унга умр бўйи ҳамроҳ бўлиб қолди.

Шоир, адиб, мутафаккир олим Ойбек сиймосига, агар бир қамров билан назар ташлайдиган бўлсак, биз унинг зуваласида илоҳий шеърят жилваларини, тарихнавис адибнинг зийрак ва синчков назарини, олим сифатида ниҳоятда теранлик, холисликни кўрамиз. Инсон сифа-

тида эса бу зот ҳақида ўйлаганимизда одам болалари шаклу шамойилини фақат хаёлларда орзу қиладиган беғубор ва покдомон фаришта сийратини кўрамиз.

Хўш энди, буюк Ойбекнинг ижод йўлига боқиб даставвал нималарни илғаб олишимиз мумкин? Авваламбор, у шоир эди. Шоир бўлганда ҳам шеърятнинг асосий фазилати бўлмиш руҳ ва руҳиятни байроқ қилиб олган шоир эди. Унинг ижоди, поэзиядаги изланишлари янги шеърый шакллар билан зийнатланган, тумтарокликдан мутлоқ узок, қуюқ ва гўзал ташбеҳларга йўғрилган эди. Бу шеърятнинг сарчашмасида Ойбек бир умр ардоқлаган ва ҳимоя қилган беназир Чўлпон турар эди.

Ўзбек шеърятининг кўксини гўзал нишон қадар бешашга арзигулик «Наъматак» сингари баркамол шеърлар Ойбек назмининг абадул-абад гултожи бўлиб қолди. Ойбек шоир сифатида наинки ўз аждодларимиз, ёхуд миллий замондошларимиз, балки жаҳон шеъряти нозикликларидан бахраманд бўлди: Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романини таржима ҳам қилди. Дунё адабиёти классиклари сафига Ойбекнинг ўзи ҳам ўзбек классиги сифатида кириб кела бошлади.

Миллий насримизнинг бетакрор намояндаси Абдулла Қодирий ижоди, унинг бекиёс романлари Ойбекка фахру ифтихор бағишлади.

Жаҳон адабиётида ҳар бир адабий-бадиий жанрнинг асрлар мобайнида синовдан ўтган белгилари бўлади. Чунончи ҳикоядан қиссанинг фарқи бўлгани сингари. Шу маънода Ойбекнинг илк романи «Қутлуғ қон» ўз архитектоникасига кўра жаҳон романчилиги мезонларига тўла-тўқис жавоб берувчи асар бўлиб дунёга келди. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг романимиз — ўзбек романи эди. Яъни ушбу улкан асарда халқимизнинг ўтган аср бошларидаги турмуш тарзи, анъаналари, фикр-мулоҳазалари, орзу-армонлари, ҳуллас, миллий киёфаси акс этди. Гўзал ва бой она тилимиз бу роман саҳифаларида яна бир бор тантана қилди.

Кўриниб турибдики, Ойбек миллий адабиётимизни

жаҳон адабиёти анъаналарига тўла равишда боғлай олди. Худди шу юксак маҳорат муаллифнинг «Навоий» тарихий романида яна бир юксак поғонага кўтарилди. Навоий бобомиз-ку халқимизнинг миллий ўзлигини таъмин этган сиймо. Бобомиз ҳақидаги ушбу роман Ойбекнинг ўзини ҳам буюк адиблар силсиласига олиб чиқди.

Романга, Ойбекка отилган тошларни биз Навоийнинг ўзига ҳам отилган тошлар деб ҳисоблаймиз. Ўтган асрнинг беомон мафкураси Ойбекни ҳам четлаб ўтган эмас.

Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис бўлиб ишлаган йиллари ўша жойнинг фарроши марҳума Лена исмли кампирнинг бизга ҳикоя қилишича, адиб даҳшатли сиқувлар, пинҳона кузатувлар гирдобида яшаган. Ойбек ишни тугатиб уйга кетгандан сўнг, аламаҳалда уюшмага махсус одамлар келишиб Ойбек хонасида у йиртиб ташлаган турли-туман қоғоз қийқимларини саватдан олиб, бир-бирига улаб чиқишаркан. Шу парча қоғозларда нималар ёзилгани билан муттасил қизиқиб келишган.

Ҳасадгўй, торкўнгилли кимсаларнинг ношудлигидан усталик билан фойдаланган ўша давр сиёсати Ойбекни тилдан қолдирди. Бироқ Ойбек таҳқирларга қарамай, машаққат билан бўлса-да, ижод қилишда давом этди. Ана шу ўринда биз адибимизнинг севикли рафиқаси, толмас кўмакчиси, олима, зиёли инсон Зарифа опа Саидносированинг номларини улуғ миннатдорлик билан эсга оламиз.

Агар Ойбек ижодига бошдан-оёқ теран разм солсак, унда қуйидаги туйғулар етакчилик қилганини кўрамиз: халқ ва унинг армонлари, ҳеч кимдан кам бўлмаган ўтмишимизнинг буюк салоҳияти ва шавкатидан ифтихор ҳамда озодлик шабодаларига интиқлик!

Ватанимиз, халқимиз истиқлолга эришди. Демак, Ойбек ҳам ўз орзуларига эришди. Биз бу улуғ зотни бошимизга кўтариб турибмиз. Ойбек домланинг ўзлари ҳам унутилмас сафдошлари каторида мухтарам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ҳурмат ва эҳтиромларига сазовор бўлдилар. «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар. Пойтахтимизда Ойбек уй-музейи фа-

олият кўрсатмоқда, метро бекати ишлаб турибди, китоб-ларни эса муттасил нашр қилинаётир, жаҳон тилларига таржималари амалга ошмоқда. Адиб номи билан аталган ўқув даргоҳларида янги даврнинг ёш Ойбеклари етишиб чиқмоқда.

Кўпчилик дўстларим катори мен ҳам бу улуғ устоз билан учрашганимдан, суҳбатлашганимдан, меҳридан баҳраманд бўлганимдан чексиз ифтихор қиламан. У киши менинг Ёзувчилар уюшмасига киришимга тавсия ҳам берган эдилар.

Биз бугун устоз Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаб турибмиз. Ҳеч бир шубҳа йўқки, ҳали бундай юз йилликлардан неча-нечаси нишонланажак.

Бу дунёи қадимда Ойбек каби бағри кенг, покдомон, самимий инсон кам учрайди. Демак, Ойбек домла ҳам улуғ ижоди, ҳам пок шахсияти билан инсоният учун доимо ибрат намунаси бўлиб қолажак!

2005 йил 27 май

ЭЗГУЛИК ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Учрашувларни режалаштириб ўтказиш мумкин, албатта. Собик шўро тузуми даврида ижодкорлар билан маъмурий органлар, суд, ички ишлар, прокуратура ўртасида жуда катта сирли парда бўлганлиги сир эмас. Шунинг учун бундай идоралар, уларнинг фаолияти ҳақида бадий асарлар ҳам, драма ёки спектакль ҳам ёзилган эмас.

Умуман олганда, самимият ва қалб очиклиги муҳим гап. Бундай учрашувлар биз, ижод аҳлига ҳам, сиз, амалиётчи ҳуқуқшуносларга ҳам катта маънавий озуқа бериши шубҳасиз.

Адиблар ҳам маълум маънода сизларнинг касбдошларингиз, негаки, улар ҳам одамлар билан ишлайдилар. Сизлар уларнинг ҳуқуқий савиясини оширишга ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қиласиз, биз эса уларнинг маънавий оламини шакллантиришга, қиёфаларини асар-



ларимизда экс эттиришга ҳаракат қиламиз. Бир сўз билан айтганда, ҳаммамиз — эзгулик ҳимоячиларимиз. Президентимиз айтганидек, халқ ҳамма нарсага чидаши мумкин, фақат адолатсизликка чидай олмайди. Мен «Сохибқирон» драмамни ёзишдан олдин Амир Темур ҳаёти ва шахсиятини чуқур ўргандим. Ер юзида, тарихда бундай адолатпарвар одам бўлмаган, деган хулосага келдим. Бекорга узукларига «Рости русти» деб ёздирмаган. Биз буни «Куч — адолатда» деб таржима қиламиз.

Бобом замонидан миллий гурур ҳақида кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Ўтган асрнинг 80-йиллари эди. Мен Ёзувчилар уюшмасида ўринбосар лавозимида ишлардим. Хонада бир гуруҳ адиблар гурунглашиб тургандик. Ногаҳон биз «Тётя Лена» деб атайдиган фаррош кириб қолди. Ҳаммамиз — ўзбеклар бирдан русча гаплаша кетдик... Бу — энди XX асрнинг латифалари. Шундай ночор аҳволда эдик.

Учрашувда берилган саволларга жавоблар:

— *Абдулла ака, шеърятга кириб келишингизга нима туртки бўлган? Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?*

— Фазилат хусусият деб қаралади. Болалигида ҳаммаям шеър ёзади. Бизда олти-етти ёшдан то тўксон ёшгача шеър ёзиш одатий ҳол. Кўнгил иши-да бу. Мен ҳам эллик йилга яқин бўлиб қолибдики, ижод йўлидаман. Ёшлигимда қўлимга тушган китобни ўқийверардим, у чорва ҳақидами, кишлоқ хўжалиги адабиётими — фарқи йўқ эди. Баридан завқ олардим. Ташналик бор эди мутолаага. Кейинчалик Ойбек, Фафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон шеърларини ўқидим. Улардан ўрганиб шеърлар ёздим. Умуман, китобни, бағри кенг шоирларни устозим деб ҳисоблайман.

— *Шогирдларингиз ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Мен жуда-жуда бахтиёрман, шогирдларим орасида етук шоирлар етишиб чиқяпти. (Раҳматли Муҳаммад пешонамизга сиғмади.) Мана, Сирожиддин бор. Ораларингда Холмамат Ҳасан бор. Булар олдинлаб кетди. Олға кетаверсин, мен дуо қилиб тураман. Уларга доим айта-

ман: тўртта одам асарингни мақтамаслиги мумкин, лекин уни ўрганадиган одам барибир топила-ди. Фақат ижод қилинглари, дейман.

— Абдулла ака, тахаллус билан ҳам ижод қилганмисиз?

— Мен шоир бўламан деб ўйламаганман. Бир гал, у пайтда иккита-учта китобим чиққан эди, Шайх ака (Мақсуд Шайхзода) фамилиянгиздаги «ов»ни олиб ташласангиз-чи, деб қолди. Мен эса нима керак, қўйинг, шундок кетаверсин дедим. Шунда у киши шундай вақт келадими, шу ишни қилмаганингизга ачинишингиз мумкин, деди ҳалимлик билан. Энди ўйласам, Шайх ака авлиёсифат одам экан, жуда узокни кўра олган экан... Аммо тахаллусга эҳтиёж сезмаганман.

— Шеър ёзиш учун қобилият керакми ёки фақат меҳнатнинг ўзи кифоями?

— Одамлардан ўзини ажратиб, мен қобилиятлиман деб юрганларни жиним суймайди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, қобилият одамда бўлади. Масалан, бахшиларнинг болалари ҳам бахши бўлиб етишади, ўнлаб дostonларни қаторлаштириб куйлай олади. Буни завқ деймиз баъзан, истеъдод деймиз. Болаларга жуда ёшлигиданоқ эътибор беришимиз керак. Уларнинг лаёқатини илғаб, мойиллиги ва кизиқишини аниқлаб, тўғри йўналиш берсак, келажакда улардан албатта яхши мутахассис ёки ўз касбининг моҳир усталари етишиб чиқади.

— Буюртма шеър ҳам ёзасизми? Янги «Кўзтумор» китобингизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари мадҳияси» деган шеърингизни ўша авиакомпания таклифи билан ёзганмисиз?

— Ижтимоий буюртма деган гап бор. Хизмат юзасидан хорижга кўп учаман, бирдан Бетховендан бошлаб қолади. Самолётларимиз учаётганда, қўнаётганда миллий кўшиғимизни, шу соҳадаги мадҳиямизни куйласа деб орзу қилиб ёзгандим. Эҳтимол, биронтаси мусиқа ёзса, ажаб эмас. Умуман, ижодда шундай: шеър предметдан, ташки таъсирдан туғилиши мумкин, ҳикмат ва фикр ҳам илҳом бера олади.

— Кейинги ижодий ишларингиз ва режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Қандай асарлар ёзмоқчисиз?

— Бу соҳада юргандан кейин ёзиб туриш лозим. Шеърга сиғмайдиган гаплар кўп. Мустақиллик йилларида фақат ўзим кўрган, бошқалар гувоҳ бўлмаган воқеа-ҳодисаларни ёзсам катта китоб бўлади. Буларни албатта ёзишим керак. Қолаверса, бадий асарлар, шеърятда янги туркумлар, драматик мавзуда янги сатирик асар ёзиш ниятим бор.

— Шоир — жамият виждони, деган гапга муносабатингиз қандай?

— Бу ҳар бир шоирнинг ўзига боғлиқ. Ўзининг халқига қалқон бўламан деса, ғурури бўлса, яхши. Ҳар нарсадан иллат ахтариш эса виждонлилик белгиси эмас. Мустақиллик — тарихий инъом. Жамият виждони бўлиш жуда улуғ гап. Лекин бунга маънавий ҳаққи борми, деган масала ҳам бор. Шунинг учун ижодкор иккиюзламачи, лўттибоз бўлмаслиги керак. Ва энг катта гапларни майда гаплардан ажратиб олиши шарт.

2005 йил, август

«БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ» НЕЧА ЁШДА

Сарлавҳани ўқиб, муҳаббатнинг ҳам ёши бўларканда, дерсиз? Балки?.. Аслида, биз бугун бошқачароқ ёшга тўхталмоқчимиз. Яъни, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ўша машҳур «Биринчи муҳаббатим» шеърининг ёши...

Бу шеърни мароқ билан ўқиймиз, кўшигини муҳаббат хотираларига сармаст ҳолда тинглаймиз, лекин... сира унинг ёши ҳақида ўйламабмиз. Қарангки, бу йил ўша шеър ёзилганига 40 йил тўлибди. Шу муносабат билан шеър муаллифини ҳам 40 ёшга яшартириб суҳбатга тортидик...

— Устоз, муҳаббат ҳақида жуда кўплаб шеърлар битилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам халқ дилидан

жой олавермайди. «Биринчи муҳаббатим» шеърининг муваффақияти нимада деб биласиз?

— Чиндан ҳам бу шеър меникидан халқниқига айлангани ёқимли қолат, албатта. Энди... ким билади, дейсиз? Муаллиф ўз шеърининг муваффақияти нимада эканини айта олса (*бир оз жилмайиб*), фақат ўша «формула»да шеър ёзган бўлармиди?

Умуман, бу шеърнинг муваффақияти буюртма асо­сида эмас, кўнгил армонидан уфуриб чикқанлигидан бўлса керак.

Тағин яна ким билади?

— *Нима учун «Биринчи муҳаббатим»? Ё иккинчи, учинчи муҳаббат ҳам бўлармикан? Бир юракка шунча муҳаббат кўплик қилмасмикан?*

— Энди, ўшанда ёш бўлганман... Ҳар қандай киши биринчи бор бундай изтиробни ҳис қилганида, кўнглидан, бу менинг биринчи ва ягона муҳаббатим бўлиб қолади, деган хаёлларни ўтказди. Ва... бу жуда тўғри ўй бўлса керак? Агарда иккинчи, учинчи муҳаббат ҳам бўлганида ишқнинг қадри қолмаган бўларди. Яна ёқтириш билан севишнинг фарқига бормайдиган кишиларни мен «бахтсиз» деган бўлардим.

— *«Биринчи муҳаббатим» шеърисида армон бор... Умуман, бахтсиз муҳаббатнинг бахти нимада?*

— Ҳаётда бахтсиз муҳаббатнинг ҳеч қандай бахти бўлмайди. Лекин муҳаббатнинг ўзи бахт...

Муҳаббат бобида кимдир айриликқа дуч келади, яна кимнингдир муҳаббати тўй билан тантанага айланади. Муҳими, буларда эмас. Асосийси, дунёга келиб, ботиний муҳаббат нимада эканлигини билишда.

— *Ижодингизда «Биринчи муҳаббатим» шеърининг узвий маънода давоми, деб қайси шеърларни айта оласиз?*

— (*Бир оз ўйланиб*). Жуда кўп. «Кўнгил», «Нома», «Тўлин ой», «Кетмоқдаман» ва ҳоказо...

Бу шеър ёзилиб, матбуотда эълон қилинганидан кейин халқ худди шу шеърни интизорлик билан кутиб

тургандай жуда яхши қабул қилган. Лекин ўша вақтдаги сиёсат уни тўғри қабул қила олмаган. Чунки ундаги «Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим?» деган сўзлар уларнинг қаттиқ ғашига теккан. Катта-катта йиғинларда «Нега ундай дейди? Мана, партияга суянсин!» деган эдилар. Чунки ўша вақтларда «совет кишилари — энг бахтли кишилардир», деб қаралиб, бахтсизлик ҳақида ёзиш мумкин эмас эди.

Шунингдек, «совет кишилари ўлмайдилар», деб марсия ёзиш ҳам мумкин эмас эди.

Лекин муҳаббат ҳақида ёзилган асарни ватандан, партиядан норозилик, деб тушуниш мутлақо нотўғри. Зеро, уларнинг «ватан» деган, «партия» деган алоҳида-алоҳида номлари бор.

Бугун эса бутунлай бошқача. Ёшлар ўз муҳаббатлари, армонини истаганларича ёзишлари мумкин. Ўрни келганида, яна бир гапни айтишим керакки, «истаганча» ёзиш, бу — майнавозчилик қилиш дегани эмас. Бугун айрим ёшлар муҳаббат ҳақида шеър ёки қўшиқ битаман, деб, тилларни аралаштириб, маъноси саёз сўзларни жамлаб, адабиётни ҳам, санъатни ҳам оёқости қилишмоқда. Бу билан уларнинг умри, меҳнати беҳуда сарфланяпти. Инсон шундай ижод қилиши керакки, унинг меҳнати келажак авлод учун ҳам хизмат қилсин. Кишиларни эзгуликка, чинакам муҳаббатни кадрлашга ўргатсин.

Кейин, беҳуда сарфланган умримизни бизга ҳеч ким қайтариб бера олмайди, ёлғон олқишлар ҳам, надомат ҳам!

2005 йил октябрь

ЯШАБ ЎТДИ БИР ШОИР

Ўлим-ку бор гап. Лекин дилингга яқин, унинг устига ҳамкасб, ҳамдаст инсон дунёдан ўтса, сенинг ҳам бир чекканг ўпирилиб кетгандай бўлар экан. Кўпдан-кўп ихлосмандлар қатори мен ҳам Тўра Сулаймон ижодининг мухлисларидан бири эдим. Бунинг устига неча-неча ўн

йиллардан буён Тўра ака билан бир мактабда таълим олган жўралардай ҳамқадам ва ҳамфикр эдик.

Шу ўринда мен унутилмас устозимиз Миртемир домлани эсламасам бўлмас. Биз бир тўп ёш ижодкорлар устозимизнинг наинки атрофида, балки доим кўз ўнгида ўсиб-улғайдик. Орамизда, айниқса, Тўра Сулаймон шеърлари халқоналиги билан Миртемир домлани кўпроқ қувонтирар эди. Домла Тўра акага: «Қадам олишинг яхши, кўпроқ китоб ўқигин, бўтам», деб кўярдилар. Йиллар ўтиб, Тўра Сулаймон катта шоирга айланди. Халқ шоири бўлди. Унинг ижодига авваламбор халқчиллик хос эди. Бахшиёна шеърлари ўз-ўзидан кўшик бўлиб кетарди, дostonларида ҳам халқона рух ва оханг мавжуд эди. Умуман бирон-бир ижодкорга баҳо берганда унга ўз ижодидан келиб чикиб ёндашиш керак бўлади. Бу дунё кенг. Унда йўловчилар ҳам талай. Бирок тақдир йўриғи шундаки, улар бир-бирларини такрорламайдилар. Масалан, Нью-Йоркда яшаб ўтган Иосиф Бродскийни Тўра Сулаймон балки тушунмагандир. Шунингдек Иосиф Бродский ҳам Тўра Сулаймонни англай олмаса бунинг ажабланарли жойи йўқ эди. Чунки Тўра Сулаймон соф ўзбекча фикрларди ва ёзарди. Сулувларни таърифлаганда уларнинг бор такинчоқларию жигаларини кўздан қочирмас эди. Ўзини ҳам унутмай: «Гўрўғли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён», деб кўярди. Бундай фикрлаш йўсини Тўра акага го-ятда ярашарди. Қандайдир мураккаб фалсафий мушоҳадалар, ребуслар, бошқотирма шакллар Тўра ака ижодига хос эмас эди. Мабодо биронта қаламкаш унга таклид қиламан деса ҳам, бунинг уддасидан чиқа олмаган бўлур эди. Биз Тўра акани ўз ҳолича, шундоқлигича қабул қилдик ва севдик. Тўра Сулаймон бир умр Сирдарё бўйларида умргузаронлик қилди. Ўша халқнинг тили, удумларини жон дилидан қадрлади. Чинакам халқ шоирлари наинки пойтахтларда, балким узок воҳаларимизда ҳам яшаб ижод қилиши мумкинлиги ва кераклигини исботлади. Шу боисдан ҳам биз Тўра Сулаймонга: «Сиз турли ракиблардан узокда — Сирдарёнинг ягона шоири бўлиб юрибсиз», дердик.

Унинг ўзига хос феъли бор эди. Тўра акамиз бир оз

содда кўринганлари билан, лекин жўн одам эмас эди. Унинг қалбида ғоят нозик туйғулар йилтираб турар эди. Феълида бир оз саркашлик кўзга ташлангани билан бу унинг ўз фикрига собитлиги белгиси эди. Унинг ижодидаги бу жиҳатларни Зулфия опамиз ҳам ниҳоятда кадрлар эдилар.

У жуда ҳам меҳрибон, оқибатли, содик дўст эди. Дилига яқин одамни кўргиси келса, Ҳиротгача яёв кетар эди. Ёқтирмаганининг эса касрига ҳам оёқ босмасди. Тўра Сулаймондан ўчмас ижод, ёруғ ном қолди. Бу дунёда яхши инсон, диёнатли ва мард ижодкор бўлиб яшаш нечоғлик улкан бахт эканлигини Тўра Сулаймон ҳаёти мисолида яққол кўрдик. Сизни соғиниб яшаймиз, оға шоиримиз!

2005 йил 15 сентябрь

ЮКСАККА ЧОРЛОВЧИ ЭЪТИҚОД

Биз агар адабиётимиз тарихи ўзанидан туриб, яқин юз йилликка назар ташласак, жуда кўп сонли қаламкашларнинг номларига кўзимиз тушади. Улардан ҳеч бирининг хизматларини сира ҳам камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, кейинги эллик йил ичида фаолият кўрсатган адабиётшунослар, публицистлар силсиласида Озод Шарафиддиновнинг номи алоҳида бир чўкқи янглиғ кўзга ташланиб турибди.

Озод Шарафиддинов одил инсон, заҳматкаш олим, меҳрибон падар сифатида бу ёруғ дунёда мухташам из қолдирди. Ўзидан ўлмас ижодий мерос қолдирди. Бу ижод наинки бир инсоннинг, балки бутун бир миллатнинг фахру ғурури бўла оладиган ижоддир, ўзбек халқининг, миллатимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига дахлдор ижоддир. Устозимиздан минглаб шогирдлар қолди. Бу шогирдлар нафақат Ўзбекистонда, балки бизга маълум бўлган барча минтақаларда домламиз ўргатган илм байроғини баланд кўтариб, чироқларини ёқиб келаётирлар.

Озод аканинг ижодий фаолиятини мен бажонидил ва

марок билан таҳлил қилсам, у катта бир китобга айланган бўларди. Бу шахс фаолиятини атрофлича ёритувчи тадқиқотлар албатта яратилажак. Бу улуг инсоннинг қолдирган мероси, халқимизни, миллатимизни маънавий етукликка олиб бориш йўлида чеккан заҳматлари авлодлар томонидан ҳамиша эъзозланиши аниқ.

Озод Шарафиддинов деганда, авваламбор, кўз олдимизга худо берган истеъдод соҳиби келади. Озод ака мана шу бетакрор қасбиятини аниқ тарихий мақсадларга йўналтира олди.

Озод Шарафиддинов ўз ҳаётини фақат адолат ва ҳалолликни ҳимоя қилишга бағишлаганини кўп бор эътироф этганмиз. Ўзбек халқи, миллатимиз қарамликка маҳкум этилган йилларда устозимиз қалам кучи ва тафаккур қудрати билан, катта матонат ва бардош билан мустақилликка интиқ бўлиб яшади, курашди. Биз унга эришгач эса, истиқлолимиз ҳимояси учун жонини аямай ишлади.

Озод ака адабиётимизга ҳалол ва холис хизмат қилди. У ўз қарашларида ҳамиша қатъиятли бўлди. Бу эса унинг эътиқодига айланган эди. Устозга юксак дид, чуқур билим ҳамда жасорат раҳнамолик қилди. Бу юмушларнинг барчаси, энг аввало, инсондан фидойиликни талаб қиларди. Адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилмоқчи бўлган шахс, агар ўша адолатдан ниманидир таъма қилса, бундай ҳимоянинг боридан йўғи яхши. Демак, фидойи инсоннинг кадру қиммати ўша адолат билан баробар тура олади.

Одам боласи ҳар қандай шароитда ҳам, албатта, бир бандадир. Унда ҳам руҳият, орият, ўз кадрини муҳофаза қилиш туйғуси бор. Озод Шарафиддинов ўтган шўролар мафкураси даврида эъзозланган эмас эди. Лекин бундай ҳолатдан Озод аканинг руҳи тушиб кетмади. Унинг қалбан паҳлавон эканлигини ўшанда ҳис этганман.

Мустақиллигимиз йилларида Озод акага жуда юксак даражада иззат-ҳурмат кўрсатилди. Халқимиз, биринчи навбатда, давлатимиз, муҳтарам Президентимиз бу улуг

зотнинг меҳнатларини, чеккан заҳматларини доим эътироф этдилар, муносиб баҳоладилар. Унга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Озод Шарафиддинов ва Ўзбекистон Қаҳрамони; Ўзбекистон Қаҳрамони ва Озод Шарафиддинов. Бу иборалар бир-бири билан яхлит туншунчалардир. Бирок баъзи бировларда учрагани каби бу эътиборлардан олим хотиржамликка берилиб қолмади. Ўша-ўша шиддати, ўша чапдастлиги, ўша жанговарлигини қўлдан бермади. Катта шахслардагина мана шундай фазилатлар учраши мумкин.

Чин адиблар, одатда, бирор асар ёзганларидан сўнг кимдандир баҳо кутиб, хайиқиб турадилар. Кейинги даврларда Озод Шарафиддиновнинг назари ана шундай қимматга эга бўлган эди.

Биз домламизни ҳар куни, ҳар дақиқа ёд этиб турибмиз. Устозимизнинг маънавий ўғитлари биз учун васиятгина эмас, балки қайси бир даражада дастур ва ибрат бўлиб қолаётир. Адабий жамоатчилик Озод Шарафиддинов сиймосида ўзининг катта устозини, катта олимини доимо барҳаёт деб ҳисоблайди. Ва биз, ижодкорлар асар ёзаётганимизда, Озод Обидович Шарафиддиновнинг назари бизни кузатиб тургандек бўлади. Агар биз домламизнинг йўлларини давом эттириш ниятида қалам тебратаётган эканмиз, демак, адолат учун ҳалоллик билан меҳнат қилишимиз шарт.

Озод Шарафиддинов ниҳоятда серқирра ижодкор эди. Лекин домламиз педагог, мураббий эканликларини бир лаҳза ҳам унутган эмаслар. Қанчалар юксак мартабага, қанчалар юксак даражада ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганларида ҳам, шогирдларидан ҳеч қачон қўл узган эмас. У кишининг издошлари, шогирдлари, айниқса, Миллий университетимизда кўп, чунки домла ярим асрга яқин мана шу дорилфунунда фаолият кўрсатди. Домланинг шогирдлари Миллий университетимизда ҳам чирокларини ёкиб, ёшларга илм етказишда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётирлар.

Албатта, Озод ака ҳаммамизга меҳрибон устоз ва иб-

ратли хонадон соҳиби эдилар. Аямизни, фарзандларини доимо бошига кўтариб ўтдилар. Аямиз ҳам устозимизни кўз қорачиғидай асрадилар, парвариш қилдилар. Энг оғир дақиқаларда ҳам доимо кўнгилларини кўтариб, ижодларига сафдош бўлдилар. Биз мухтарам Шарофат аяжонимизга узок-узок умргузаронлик тилаймиз. Ҳамма фарзандлари бири-биридан аъло. Шулар орасида Муҳаббатхоннинг ижоди, унинг адабиётга меҳри — буларнинг ҳаммаси шу хонадонда ёнган чирок билан ҳамжиҳат бўлди.

Озод аканинг катта ноширлик фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Бугунги кунда ўзбек адабиёти, маънавиятимизнинг ўзига хос кўзгусига айланган «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилган кунлар кечадек эсимда. Ўшанда бу журнал ўзбек адабиётини жаҳонга, жаҳон адабиётини ўзбек халқига танитадиган мўътабар ва мустаҳкам кўприк бўлиши кераклиги ўртага қўйилган эди. Юртбошимиз: «Озод Шарафиддинов мана шу журнални ташкил этиш ташаббуси билан чиқди, ўйлайманки, унга муҳаррирлик қилиш домланинг қўлидан келади», дедилар ва бу муҳим вазифани ишониб Озод акага топширдилар.

Домламиз бу юмушни ҳавас қиладиган даражада, шу қадар виждонан, шу қадар катта савия билан бажардиларки, энди бугунги кунда биз ўзбек халқининг маданияти, маънавий-маърифий даражамизни кўз-кўз қиладиган бўлсак, «Жаҳон адабиёти» журналимизни варақлаб кўринг, дейишимиз, «ўзбек зиёлисининг савияси, диди нималарга қодир эканлигини кўришни хоҳласангиз, ана шу журналга қаранг», дейишимиз мумкин.

Домла бу журнални оёққа турғазди, шогирдларини бу ерга жалб этиб, дунё адабиётидаги энг улкан ва энг ибратли асарларни таржима қилдирди. Шу ижодий жараён бошида ўзлари турди.

Биз ҳаммамиз гувоҳмизки, хасталик у кишини беҳад кийнаётган пайтда ҳам бу матонатли инсон долзарб мавзуларда ажойиб публицистик асарлар ёзди, адабиётшу-

носликка оид тадқиқот ишлари олиб борди, муҳока- маларда қатнашди, шогирдларининг ижодини кузатиб борди, китоб мутолаа қилди; шулар билан бир қаторда кўплаб етук асарларни етук даражада таржима ҳам қилиб берди. Бу журнал бугунги кунда Озод Шарафиддинов ёққан чирок шуъласида мунтазам чиқиб турибди.

Демак, Озод Шарафиддинов сиймоси ижодкорларнинг дид ва савиясини бундан буён ҳам доимий равишда юксакка чорлаб тураверади.

2005 йил 6 октябрь

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?..»

«Шарқ юлдузи» журнали ўқувчилари саволларига жавоблар

— Абдулла ака, маълумки, бу йил Мустақиллигимизга 15 йил бўлади. Мухтарам Президентимиз мамлакатимиз Мустақиллигини эълон қилганларида, Сиз ҳам ўша залда бўлгансиз, ўша лаҳзаларда ҳаёлингиздан кечган ўйларни ҳозир хотирлай оласизми?

Абдураим Раҳмонов,
«Сариосиё» газетаси бош муҳаррири

— Хотирлаганда қандок! Ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалар бу! Бир пайтлар Фафур Ғулом: «Туғилган кунимни эслай олмайман», деб айтган эди. Албатта, одам боласи туғилган кунини эслай олмайди. Қандай қилиб, чақалоқлигидаги ўша лаҳзани эслай олсин. Лекин миллат бўлиб, давлат бўлиб, яна қайтадан дунёга келган кунимиз мен ҳам залда бор эдим. Бу менинг ҳам, халқимнинг ҳам қайта туғилган кунини эди. Жуда ҳам яхши эслайман.

74 йил ишланган, лойи пишиб кетган мафкура одамларни кўрқок, итоатгўйга айлантириб қўйган эди. Шундай вақтда, гўё осмонда бирдан момақалдирик гум-

бурлаб, ҳаммаёқни ёритувчи яшин чакнагандай Президентимизнинг «Ўзбекистонни Мустақил деб эълон қилман» деган сўзларидан бутун зал жим бўлиб қолди. Мен ўзим кичик жуссали одам бўлсам ҳам ичимдан вулкондек нарса отилиб бўғзимга келди. Зал карахт бўлиб қолди. Президентимизнинг даъватидан кейин одамлар ўзига келиб, оёққа қалқиб, қарсақ чалиб юборди... Залдан чиққандан кейин ҳам одамларни кузатдим. Ва уларнинг аксариятида ҳали ҳам ўша карахтлиқни кўрдим. Ҳатто бир-бирини табриклашдан чўчишаётгандай эди... Кейин чиқиб битта шогирдимни чақириб, биргалашиб бозордан битта жонлиқ сотиб олдик-да, уйга келиб, ўзимизча шукронасига қон чиқардик.

1991 йил Ислом Каримов сиймосида, шу кишининг иродаси билан халқимизнинг юз йиллик армонию, тарих адолати тикланди. Мен буни Оллоҳдан келган бир илоҳий марҳамат, мужда сифатида қабул қилдим. Ҳозирги ёшлар, авлодларимиз буни тушунсинлар. Бирорта инсоннинг бурнини қонатмасдан давлат Мустақиллигини эълон қилиш мумкинмиди? Айтсангиз биров ишонмайди. Дунёда не-не эллар йигирма йиллаб мустақиллик учун курашиб, бола-бақрасигача қирғин бўлиб ётибди. Шунинг учун айрим олиму фозилларимиз, шоиру ёзувчиларимиз бир-бирининг устидан мағзава тўкиб, «сен катта, мен катта» деб тортишиб юргандан кўра, халқимиз бошидан ўтаётган улуғ воқеа ва ҳодисаларнинг баҳосини берсин. Уларни таҳлил қилсин, тадқиқ қилсин. Бу ҳазилакам воқеа бўлган эмас. Юз йил, икки юз йилдан кейин буни қандай баҳолашади. Масалан, озроққина яшаган француз революцияси ҳақида қанча гаплар қилишади. Бу бутун бошли бир давлатнинг Мустақилликка эришиши-ку! Бу энг катта тарих ва мен бунга гувоҳ бўлганимдан бахтлиман. Ўша вақтда бир ўтиришда қуйидаги шеърни ёзиб бирдан минбарга чиқиб ўқиб юборганман:

*Адолатнинг ҳаётбахш шамоллари елдими,
Ҳақ ниҳоят халқимнинг арзин қабул қилдими,*

Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин...

Буларнинг ҳаммаси тарих бўлиб қолди.

— **Муҳтарам Абдулла ака!**

Устоз ёзувчиларимиздан бири: «Талантнинг 99 фоизи меҳнат», деган экан. Бу борада сизнинг фикрингиз?

**Муҳаммадали Эшназаров,
Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети катта ўқитувчиси**

— Ўша 99 фоизни қора меҳнат шаклида тушуниш мумкин, албатта. Лекин меҳнатда ҳам меҳнат бор-да. Масалан, бир хил маҳсини тикиш учун икки маҳсидўз бирдай куч сарфлайди. Дейлик, бигизни бир хил куч билан уриб, ипни бир хил тортади. Лекин бирининг маҳсисидан иккинчисиники бутунлай фарқ қилади. Аввало, меҳнат қилаётган киши нима учун ва қайси мақсадда меҳнат қилаётганини билиши ва шунга интилиши керак. Кимдир деразадан ташқарига боқиб «шамол эсаяпти» дейиши мумкин. Шоир эса, аввало, бу ерда ҳолатга қарайди. Воқеа юз бераётган жараён руҳиятидан келиб чиқиб сўз қўллайди. Агар уруш бўлаётган бўлса, албатта, «у ерда сабо эсди» деб бўлмайди. Шунинг учун биринчи навбатда овчи нимани овламоқчи бўлганлигини билиши керак. Меҳнат икки хил: қора меҳнат бор, уни ҳўкиз ҳам, эшак ҳам қилиши мумкин. Шоирнинг меҳнати бу бошқа. Ўзи қуйилиб келадиган шеърлар бўлади. Бу ҳаётда бор нарса. Гоҳи катта тажрибадан кейин каллангизда доимо миллионта сўз ўқлангандай туради. Гоҳи шеър қуйилиб келади. Дарров бир ёки иккита шеърни айтиб туриб ёздириб олиш ҳам мумкин.

— **Шеърларингизнинг ёзилиш тарихи, босқичи**

бўлган қўлэзма қораламаларини сақлайсизми ёки йўқми?

**Бахриддин Усмонов,
Денов шахри, адвокат**

— Бу жуда қизиқ савол. Менинг яшаш шароит ва имкониятларимга бевосита боғлиқ. Тошкент шахрида мен яшамаган бирорта маҳалла қолмаган бўлса керак. Шунинг учун мен ҳар бир маҳаллани менинг маҳаллам дейишга ҳақлиман, деб ўйлайман. Ва ўша ўзим яшаган маҳаллалар, менга бошпана берган одамларникига ҳалигача бориб тураман. Улар мен билан худди туғишгандек кадрдон бўлиб кетишган.

Энди, у ёқдан бу ёққа кўчиб юраверишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг унутмаслик керакки, «Мен эртага шоир бўларканман, менинг қўлэзмаларим бировга керак бўларкан, кимдир мени ўрганаркан, илмда биров тадқиқ қилар экан», деган ҳаёл, ўй-фикр, орзу менда мутлақо бўлган эмас. Мен шеърни худди йиғлагиси келиб турган одамнинг йиғлашидай ёзганман-кетаверганман. Шунинг учун кўп қўлэзмалар сақланмаган. Албатта, баъзиларини асраб қолганман. Уларга қараб битта шеърнинг устидаги меҳнатларим, заҳматларимни эслайман.

— Ҳурматли устоз, шеърят сиз учун нима? Ақлий меҳнатми, қалб эҳтиёжими?

**Бахтиёр Каримов,
Тошкент шахри, журналист**

— Мана шу иккаласидан биттаси бўлмаса, умуман шеър бўлмайди. Энди буни тушунтириш жуда қийин. Баъзи бир шеърларда ўша тадқиқ этилаётган ҳолатга кўра у ёки бу жиҳат кучлироқ бўлиши мумкин. Масалан, одам илҳомни, таассуротни фақатгина гўзалликдан, табиатдан эмас, фикрдан ҳам олиши мумкин. Гўзал ва чуқур фикрдан одамнинг ҳайратланиши бу табиий ҳол. Ана шундай кучли фикрлар шоирга туртки бериши мумкин. Жаҳон адабиётида Гёте, айникса, Шарқда Саъдий, Бедил, Румий

шеърятини ўқигандаги ҳолатни мисол қилиб келтириш мумкин. Шундай улуғ фикрлар киши дилида ғалаён кўз-ғайди. Кишининг руҳини осмонга олиб чиқади. Шунинг учунми, шеърятда ақлми, руҳми — қай бири бирламчи туради, деган саволга узил-кесил мана буниси, деб жавоб бериш мумкин эмас. Ҳар қайсиси шу кадар гўзал бир мўъжизадирки, уларнинг олдида ҳар қандай даҳо шоир ҳам ҳайратланиб, лол қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун руҳим жуда тушиб кетган пайтда улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг хайкали ўрнатилган шоҳсупа томонга бораман. Тепага кўтарилган сари қолган барча гаплар майда кўринади, ўша жойда ўз-ўзидан руҳим кўтарилади. «Эҳ-ҳе, шундай олий мақомлар бор-ку, мен пастда қандайдир мижғовдан хафа бўлиб юрибман», деган ўй хаёлимдан ўтади...

— Сизнинг «Арслон чорлаганди...» номли шеърингизни ўқиб кўп ўйга толаман. Илтимос, шу шеъринг ёзилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз?

*Ибодат Собирова,
Хонқа тумани, тарбиячи*

— Албатта, бу шеъринг ўзига яраша тарихи бор. Мен бу шеърни Эркин Воҳидовга бағишлаганман. Бир пайтлар собик марказда «Азалдан ўзбек шеърятини юксак даражада бўлган. Унинг намояндалари Шарқ адабиётининг ёркин бир бўлаги сифатида бутун жаҳонни лол қолдирган. Шундай экан, нега энди ўзбек шеърятини жаҳонга чиқолмаяпти. Ахир, у Фарб шеърятидан устун эди-ку?» деган саволлар пайдо бўлди. У маҳаллар ҳар қандай асар ҳам дунёга рус тили орқалигина чиқар эди.

Сиз бу савол билан мени бир оз ноқулай ахволга қўйяпсиз. Шунда марказдан: «Қани бугунги ўзбек шеърятини жаҳонга олиб чиқишга муносиб шоирлар борми?» деб бир гуруҳ таржимонлар келишганда ўша пайтдаги арбоб шоирлар: «мана биз бормиз, бизнинг ижодимизни таржима қилинг, ўзбекнинг бугунги Навоийси биз бўламиз», деб майдонга чиқишди. У ёқдан келган таржимон-

ларни улар тўғри маънода сотиб олишди. Уларнинг ёрдамчилари ҳар куни кўйни-кўнжини тўлдириб Москвага қатнади. Ҳатто, ёзганларини ўзбек китобхонлари ҳам ўқимайдиган шоирларнинг шеърларини улар: «Мана бугунги ўзбек шеърятининг намояндалари», дея юзага чиқаришди. Бу билан айрим-айримларда: «Бугун Марказий Осиёдаги республикаларда шоирлар йўқ, улар нари борса дўмбира билан куйлайдиган бахшилардир», деган кайфиятни ҳам уйғотишди. Ўша таржимонлардан бири ўшанда менга: «Биз миллий сиёсат учунгина шоирларнинг номларини кўямиз. Аслида, улар номидаги шеърларни ўзимиз ёзиб, сўнгра уни таржима деб эълон қиламиз», дейишди. Улар-ку, бизнинг меросимизни чуқур билмаган. Лекин, бундай гапларнинг айтилишига, аввало, ўзимиз сабабчи бўлганмиз. Шундай қилиб, айримларнинг шуҳратпарастлиги, худбинлиги, муттаҳамлиги туфайли ўша йиллар ўзбек шеъряти жаҳонга чиқолмай қолди.

Ўша маҳалда шу арбоблар худбинлигини йиғиштириб, холис: «Мана бу шоирда ажойиб шеър бор, мана бунисида гўзал бир дoston», дея адабиётимиздаги энг сара ижодий намуналарни тавсия қилганида ўзбек шеъряти ўша йилларда ҳам жаҳон минбарида жаранглаган бўларди. Биз унинг ўрнига, наинки кўшимиз, ҳатто хотинимиз ҳам ўқимайдиган яроксиз нарсаларимизни: «Мана бу ўзбек шеъряти», дея жаҳон минбарига тавсия қилдик. Ўшанда мазкур сатрлар ёзилган:

*Биз ҳам юсакларга тиккандик кўзни
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.
Жами тирикликка таниш бу хатар,
Қумурсқа яралган ёппа таларга.
Дўстим, алам қилар арслон беҳабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.*

Яна битта шунга ўхшаш ўкинч билан ёзилган шеърим бор:

*Икки дарё орализида
Қолиб кетди менинг овозим.*

Бу ўқинчларни зинҳор иззатталаблик деб тушунмаслик керак. Афсуски, у маҳалларда шоирнинг баҳоси, сен рус тилида жаранглайсанми, йўқми шунга қараб баҳоланарди. Бугунги кунда биз ўзимизга ўзимиз керакмиз. Ўзга тилда жаранглаши ва ёки жарангламаслиги бу энди бошқа масала. Биз бугун мустақил давлат, халқ бўлиб, ўзимизга ўзимиз баҳо бериш имкониятига эга бўлдик. Олдин биз баҳомизни Москвадан кутардик. Мустақиллик бевосита шеърятга ҳам адолатни олиб кирди.

— «Дунёни қизганма мендан, азизим» деб бошланувчи шеърингиз бор. Албатта, бундай фикр, бундай маъно шеърда доимо ифода этилавермайди. Одатда бундай шеърлар шоир нимадандир азият чекканда, кимлардандир қаттиқ ўксиганда ёзилади. Бу шеърнинг ёзилишига нима сабаб бўлган?

*Авазбекхожи Султонов,
Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани*

— Мен буларнинг ҳаммасини айтаверсам шеърни яланғочлаб ташлаган бўламан. Шеърдан умумий чиқадиган хулоса кўпчиликка тааллуқли бўлиши керак. Лекин мен ўйлайманки, шоир шеърни ўтириб, ўйлаб топмаслиги керак.

*Дунёни қизганма мендан, азизим,
Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор.
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим
Ва ўзим сизинар мазорларим бор.*

*Дунёни қизганма мендан, азизим,
Сен ичган булоқдан ичмасман асло.
Сен юрган тоғларда қолмагай изим,
Сен кечган дарёдан кечмасман асло.*

*Дунёни қизганма мендан, азизим,
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ.
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим
У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ.*

Мен бу сатрларни бежиз ёзмаганман. Ҳозир ҳам бундайлар йўқ деёлмайман. Феъли торлик, ҳасадгўйлик халкимизнинг бошига қанча-қанча кулфатлар олиб келган. Ҳасадгўйликка, ҳасадга қарши энг кўп шеър ёзган мен бўлсам керак. Агар менинг шеърятга кириб келишимдан хурсанд бўлиб, кутиб олган кишилар бўлса, бу, албатта, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир бўлиши мумкин. Лекин, аксарият, бошқалар кўлида тош билан кутиб олган. Шундай одамлар борки, улар сендан дунёни қизғонади. Ариқдаги сувни ҳам раво кўрмайди. Буларда виждон, адолат, ҳамият, саховат деган туйғулардан асар ҳам йўқ. Авваллари менинг тилимда гапирадиганлар, ҳаммаси яхши деб ўйлардим. Энг катта хато ва соддалигим шунда бўлган. Шунинг учун кейинчалик ёзганман:

*Битта тилда гаплашган билан,
Бир лагандан ош еган билан.
Ҳали у ватандош эмас...*

Афсуски, шундай экан. Мен уларни ҳеч қачон ватандош деёлмайман. Улар билан паспортга, худудга кўра ватандошман, холсс.

— **Абдулла ака, Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини ўқиганимда, тўғриси, хайратга тушдим. Улуғвор таржима. Таржиманинг бу қадар мукамал чиқиши сиз учун осон бўлмагандир? Аммо, нега бу ишни охиригача давом эттирмадингиз? Имконингиз бўлмадими ёки хоҳишингиз?**

**Зарифа Нишоналиева,
Тошкент шаҳри, адабиёт муаллими**

— Дантенинг «Илоҳий комедия» асари, тўғри маънода тушунишларингни хоҳлайман, бу таржимон учун оғир жазодек гап. Чунки, бундай мураккаб поэтик асар

жаҳон адабиёти тарихида умуман учрамайди. «Илоҳий комедия» асарининг бошқа тилларга таржима қилиниши, шубҳасиз, ҳар бир таржимон учун катта бир синов ҳисобланади. Рус тилига ҳам у икки марта таржима қилинган. Таржимонлардан бири Мин деган одам бўлган. Унинг Москвадаги қабр тошига биттагина жумла ёзилган: «У Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини таржима қилган». Шунинг ўзи унинг ҳаёти ва фаолиятини, нечоғлик катта қаҳрамонлик ишини бажарганлигини билдиради. Унинг абадияти учун мана шу асарнинг таржимони, деган баҳо ўзи етарли. Мен бу гапларни журналхонни назарда тутиб айтаётиман. Чунки, билмайдиган одам бу Данте ким бўлди, деб ўйлаши мумкин. Лекин маърифатли, жаҳон адабиётидан хабардор одам Дантенинг кимлигини ва унинг бу асарини нечоғлик мураккаб эканлигини билмаса ҳам эшитган бўлса керак. Шунинг учун унинг таржимаси ҳам поэтик асар, ҳам шакл жиҳатдан ўта мураккаб. Европада бу терсина деб аталади — учлик. Уч қатор барабар келаверади. Лекин уч қатор бўлгани билан қофиялар занжир бўлиб бири-бири билан боғланиб кетаверади. Шарқ мумтоз адабиётидаги аруз вазнининг бузилиши қанчалик сакта бўлса, бу ерда терсинанинг бузилиши ҳам шеърий жиноятга айланиб кетиши мумкин. Асарда агар бир сатрнинг иккинчиси билан қофияси бузилса, шу иморат таг-туғи билан нураб кетади. Занжир узилади. Мен бу билан катта бир ишни бажардим, деб айтишни хоҳламайман. Лекин воқеликка объектив баҳо беришим керак. Шунинг учун бу таржимага кўпчилик қўл урмаган. Яъни, бунинг уддасидан чиқиш учун кўп нарса керак. Мен Дўрмондаги Ёзувчилар боғида бу асарнинг таржимаси устида ўн йиллаб меҳнат қилдим. Устозлар, шоирлар ичида машаққатимни кўриб: «Бу меҳнатингни ўзингнинг асарларингга бағишласанг бўлмасмиди», деганлар ҳам бўлди. Уларнинг фикрларида, албатта, жон бор эди.

Энди бу асарнинг таржимасига қандай қилиб киришганим ҳақида икки оғиз айтиб ўтишим лозим бўлади. Мустабид тузум даврида, айтиб ўтганимдай «дўстлари-

миз» ҳам бор эди-да. Яъни, рақиблар, ғанимлар, ҳасад-гўйлар, улар ўша маҳал ҳам доимо ташланиб ҳужум қилишарди. Турли тамғалар билан бизни давлатга қарши қўйиб, иложи борича аренадан йўқотиш пайида эдилар. Бизга ўхшаган шоирларни йўқотиб юбориш ўша давр мафқураси учун муаммо эмас эди. Уларнинг йўллари, усуллари, методлари жуда кўп эди. Ҳар қандай йўл билан фалокатга йўлиқтириши, ҳар қандай айб билан каматиб юбориши мумкин эди. Бироқ, ҳамма вақт ҳам катта шахслар жамиятда ҳал қилувчи ролни ўйнаб келган. Ўша пайтда Шароф Рашидов, бунга ёзувчилик виждони даъват этганми, ҳарқалай бизнинг шеърятимизни қадрлаб, таҳлил қилиб юрарди. У пайтларда мен, Эркин Воҳидов ва бошқа бир қатор битта, иккита китоблари билан кўзга кўриниб қолган шоирлар бор эдики, ўша ғанимлар ташқаридан бизга жуда қаттиқ ташланишарди. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Фузулий хайкали қошида» деган шеъри эълон қилинган. Бу шеърда: «Халким жондан севар эди мунгли куйларни» деган сатри бор эди. Шу Ёзувчилар союзининг партия ташкилоти мажлисида муҳокама қилинган. Айбловни қаранг: «Нимага бу ўзбек халқи мунгни севар экан?» Кўриб турганингиздек, бутун бир ижод учун эмас, битта сатр учун шундай айблар қўйиларди. Бу енгил-елпи чўнтаккесарга қўйиладиган айб эмас, бу сиёсий айблар эди. Ана шуниси мудҳиш эди. Шундай сиёсий айблар бизларга қўйилиб юрган кунларда, Шароф Рашидов Эркин Воҳидов иккалаимизни чақириб, «Дантенинг «Илоҳий комедия»си билан Гётенинг «Фауст» асарини таржима қилсанглар», деб айтди. Эркин ака Гётенинг «Фауст» асарини олди, табиийки, Дантенинг «Илоҳий комедия»си менга қолди. Бу билан Шароф Рашидовнинг муносабатида бир нарса очикойдин кўриниб турган эдики, энди бизнинг оригинал асарларимизни босиш кийин, қолаверса, улар бизнинг кўзимизни очирмайди. Ёшлиқ йилларимиз бекор ўтиб кетиши мумкин, шунинг учун ҳам улар «бу ёшларнинг истеъдоди йўқолиб кетмасин, ёшлиги беҳуда ўтмасин, бирор фойдали иш билан банд бўлсин», деган бир хуло-

сага келган, шекилли. Шундай қилиб, биз у кишининг тавсияси билан таржимага киришадиган бўлдик. Ўша пайтда бундай тавсиялар топширик деб қабул қилинарди. Мен ташвишда қолдим. Авваламбор, Дантени ўрганиб чиқиш керак эди. Олти юз йил аввалги Италиядаги воқеликлар, одамлар, тарихий шахслар... Улар кимлар? Уларни ўрганиш, билиш керак эди. Фақат Италия эмас, балки асарда Европа миқёсида, колаверса, маълум ва машҳур одамларнинг исмлари учрайди. Биздан «Аъроф» қисмида Ибн Сино, Ибн Рушд бор, Тўмарис момомизнинг исми учрайди.

Ўша пайтда, бу асарнинг бошка тилларга қилинган таржималари билан ҳам танишдим. Мисол учун озарбайжон тилига Али оға Курчайли, козоқ тилига «Дузах» қисмини Мақатоев деган шоир таржима қилган. Бу асар «Ердаги умримнинг ярмини яшаб» — «Пройдя жизнь до половине», деб бошланади. Асарда агар ҳар бир шеърий сатр дейлик 9 бўғин бўлса, шуни мен сақлаб қолишим керакми ёки шарт эмасми? Агар қийинчиликдан кўркмайдиган таржимон бўлса иложи бориша шаклини сақлаб қолиш керак. Шунинг учун мен, бу ерда Дантенинг хижоси қанча бўлса шуни сақлаб қолдим. Қозоқ ва озарбайжон таржимонларимиз унинг хижосини чўзишди. Хижони чўзгандан кейин унинг ичида бемалол ҳаракат қилиш учун муҳит кенг бўлади. Улар 11 бўғинга чиқариб юборди. Мен Дантеда қандай бўлса, шундайлигича асрадим, бу мен учун яна кўшимча қийинчилик туғдирди. Қозоқ таржимон дўстларимиз энг осон йўлдан бориб, бунини ўлан қофиясига солди. Менинг шахсий хулосам шуки, бу энди таржима эмас. Дантенинг энг катта қийинчилиги бу унинг терсинасини ағдаришда. Ахир, рубоийни саккиз қатор қилиб бўлмайдими-ку? Ёки сонетнинг ўзининг формаси — шакли бор! Мен уларга бу ҳақда айтдим. Аммо улар сўзларимга жавобан: «Абай Пушкиннинг «Татьянага мактуб»ини ўлан қилиб таржима қилган-ку», деган гапни айтишди. Майли, ҳар ким адабиёт масаллигидан ўзига яраша овқатни пишириб ер. Лекин умумжаҳон адабиётининг темир қонунлари борки, уни бузиш

мумкин эмас. Масалан, хикояни роман деб эълон қилиб бўлмайдими-ку? Таржимада ҳам шундай қонуниятлар мавжуд. Бу муҳташам асарда ҳар қандай шоир-таржимонга биринчи қийин масала бу қофия масаласи. Такрор бўлиб қолиши мумкин. Юз минглаб қофия бир-бирини такрорламай келишини таъминлаш ниҳоятда мушкул. Бу ўринда таржимонгина эмас, тил билан тил олишади. Тил ўзининг паҳлавонлигини кўрсатиши керак. Шу тилнинг имконияти таржимага етадими-йўқми? Мени таржима жараёнида Италия пойтахти Римга таклиф қилишди, бордим. Катта ҳурмат билан қабул қилишди. Сухбат жараёнида улар мендан: «Ўзбек тилининг қуввати, бойлиги бу асарни таржима қилишга етармикин?!» дея сўраб қилишди. Мен уларга тилимизнинг имкониятлари нақадар кенглигини тушунтириб бердим ва табиийки бу тилнинг имкониятларини билмайсизлар деб, Навоийнинг «Хамса»сини мисол қилиб келтирдим.

Ҳар бир тилнинг бойлиги ундаги сўзларнинг синонимлари билан боғлиқ. Мен италияликларга шундай савол бердим: — Айтинглари, сизларда шамолнинг неча хил номи бор? Улар икки-уч сўзни айтишди. Шунда мен уларга шамол, бўрон, довул, ел, насим, шаббода, сабо... деб санаб бердим. Ва, ниҳоят, бобомиз Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғотайн» асарига таяниб сўрадим: «Сизлар неча хил йиғлайсизлар? Биз, дедим, мисол учун 19 хил йиғлаймиз. Йиғламоқ, бўқирмоқ, сиқтамоқ, бўзламоқ, инграмоқ, ўкрамоқ, фарёд чекмоқ... Бу сўзларнинг ҳар бири ҳар хил ҳолатни беришини тушунтириб бердим. Шунда улар тилимизнинг қуввати, ифода қудрати, имкониятига тан беришди. Бизнинг тилимиз ана шундай паҳлавон ва гўзал, сўлим тил, дедим. Энди бу гапларни айтаётганимнинг боиси шундаки, ана шундай улуғвор асарларнинг таржимасида таржимонгина эмас, тил билан тил ҳам бўйлашади. Шундай чоғларда ҳатто таржима қилаётган тил, таржима қилинаётган тилдан устун ҳам бўлиши мумкин. Шундай адабиётлар, тиллар борки, уларни таржима қилиш биз учун жўн бир ишдай бўлиши мумкин. Чунки уларда битта ифода қилинган сўз бўлса, бизда

ўша сўзнинг ўн, ўн беш хил синоними бўлиши мумкин. Таржимон ундан хоҳлаганини қўллайди. Лекин бизнинг тилимизда ёзилган асарни бошқа тилга таржима қилиш, ниҳоятда, мушкул. Чунки, бизнинг битта сўзимизнинг ўзи ўн хил маънони бериши мумкин.

*Қаро кўзим, кел эй, мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил.*

Биз доимо шу байтни мисол қилиб келтирамиз. «Кўзим қароси», «қаро кўзим», «мардум» неча хил маънони билдирапти.

Мен таржима жараёнида қаттиқ чарчадим, кўплар: «Абдуллажон, бу асарнинг таржимасини кўпчилик охирига етказолмай, ўлиб кетишган, шундай ирими ҳам бор», дейишди. Албатта, мен бундан кўркқан эмасман. Мен иримкаш одамлар тоифасига кирмайман. Лекин бу кўчакўйда, бир айланиб юриб ёки ишдан бўшаган пайтда таржима қиладиган асар эмас. Бунга одам ўзини бағишлаши керак. Жаҳондаги бошқа ҳамма асарларни бўш вақтингизда ўтириб олиб таржима қилишингиз мумкин дир. «Илоҳий комедия»ни ундай қилиб бўлмайди, мумкин эмас. Бу асар олдида бўйин эгмаган жаҳонда бирорта ижодкор инсон йўқ. «Дантенинг руҳи, арвоҳи уриб кетади», деган гапни-ку қўяверинг, бир куни келажак авлод ўқиб: «Бу Дантени бузиб ёки ёмон таржима қилган», деган гапининг ўзи ҳар қандай ижодкорнинг бошқа фаолиятидаги меҳнатларини йўққа чиқариши мумкин. Чунки, «Дантени ёмон таржима қилган», деган иборанинг ўзи унинг бадном бўлиши учун етади. Шунинг учун бу ишга «Ё ҳаёт, ё мамот», деган нидо билан киришиш керак. Бир вақтлар қилинган меҳнатнинг машаққатини ҳис қиладиган, идрок қиладиган, баҳолайдиган, тадқиқотлар қилиб, диссертациялар ёқлайдиган таржимашунослар бор эди... Бу соҳадаги илм ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Бу таржималарни баҳолайдиган одам мутлақо топилмади.

«Илоҳий комедия» инсониятнинг бадиий ёдгорлиги бўлгани билан у кўпроқ олти аср аввалги Италия ҳақида. Шунинг учун бу ерда таржима қанчалар гўзал ва му-

каммал бўлмасин, уни ўқиётган киши гап нима ҳақида кетаётганини тушунмаслиги, фақат тилдан, поэтик маҳоратдан лаззат олиши мумкин. Аммо унинг ичига кириб кетиши учун китобхон анча тайёргарлик кўриши керак. Шунинг учун бу таржималар бизнинг ўзбек адабиёти олтин фондиди бойитиш мақсадида қилинган мухташам ишлар бўлди. Лекин ҳатто Италиянинг ўзида ҳам одамлар буни ёстиғининг тагига қўйиб ўқимайди. Мен: «Ўзларингиз ҳам Дантенинг асарларини ўқийсизларми?» деб сўраганимда, улар менга: «Биз бу асарларни миллатимизнинг фахри сифатида заррин ҳарфларда чоп этиб, олтин муковаларда нашр қиламиз ва ҳар битта нусхаси ўн минглаб доллар туради, уйларимизни безайди. Бойлар бир-бирларига совға қилади. Лекин бу олти юз йил аввалги ҳаёт, уни ҳамма ҳам тушунавермайди», деб жавоб беришди. Бизда ҳам шундай. Яширишнинг нима кераги бор. Мисол учун Навоий бобомизнинг «Ҳамса»сини қўлидан қўймай кўтариб юрган одамни ҳали учратганимиз йўқ. Лекин маърифатли халқ ўзининг ўтмишини ҳам, буғунини ҳам баҳолай олиш кудратига эга бўлиши керак. Қадим замонда қурилган экан деб, биз «Тоғмаҳал»ни ташлаб кетмаймиз-ку! Тўғрими? Шу ўринда яна бир гапни ҳам айтиб ўтишим керак. Бу асарларни кенг халқ оммаси ўқимаслиги мумкин, аммо олимлар, адабиётшунослар ва бошқа шу соҳанинг мутахассисларичи? Ўз адабиётида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга виждонан муносабатда бўлмаса, қандай қилиб буларни биз маърифатли деймиз? Биз-ку раҳмат эшитайлик, деб таржима қилган эмасмиз. Лекин: «Шу иш яхши бўлди, бу йигитларнинг ўн беш йил умри сарф бўлди», дейдиган бирорта одам топилган эмас. Бу ҳам, албатта, одамнинг руҳиятига таъсир қилади. Шундан кейин кўнглингизга: «Кимга керак бу менинг ишим», деган гап келар экан. Албатта бу нотўғри хулоса. Кимгадир ёқиш мақсадида, кимдандир раҳмат эшитиш ниятида ижод қиляпман, таржима қиляпман, деган одам хато қилади...

Майли, сенинг қилган бу каби ишларингни эътироф қилишмасин, макташмасин, лекин кўриб-кўрмасликка,

билиб-билмасликка олса, бу сенга ҳақоратдай туюлар экан. Ўша йиллари мен Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи эдим. Бутун кучимни мана шу асарга бериб кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлардим. Тайёр таржималарни эълон қилиб турган пайтларимда, Ёзувчилар уюшмасига Италиядан бир гуруҳ ёзувчилар келди. Ўшанда мен узоқдан «Дантенинг авлодлари — қариндошлари келди», деб кўзларимдан дув ёш оқиб, уларга термилиб турганман. Чунки, Данте ҳаётимга айланган эди. Шунда Уюшманинг ўша пайтдаги раҳбарлари мени уларга таништирган эмас. Шундай ёнимдаги хонада мажлис ўтказишди. «Яшасин Данте, яшасин Италия» деган шиорлар янгради. Лекин ёнгинасида Дантенинг ўзбек таржимони турганлигини айтишмади. Таништиришмади ва бу буюк асар ўзбек тилига таржима бўлгани ҳақида бир оғиз маълумот беришмади. Биров ҳурмат кўрсатмаганлиги учун таржимани тўхтатдим, дейиш бу баҳона эмас. Бунинг асосий сабаби, мен бу асарни давом эттириб яқунлашим учун унга ўзимни бағишлашим керак. Чунки ҳозиргача бўлган таржима жараёнида мен унга ўзимни бағишлаганман. Вақтимни, умримни, бутун ҳаётимни ҳам шу ишга бахш этганман. Энди буни тугатиш учун ҳам ўзимни тўла бахшида этишим керак. Бу иш жўнрок, осонрок иш бўлганда, мен уддасидан чиқишим мумкин эди. Негаки, бу асар ҳаётимнинг иккинчи қисмида мени баҳолайдиган асар бўлади. Шунинг учун чалакам-чатти, қўл учида таржима қилинган деган гапни Худо ҳеч кимга кўрсатмасин. Балким бу асарга кўпчилик қўл урмаганининг сабаби ҳам шундадир...

— Абдулла ака, дунё безовта, олам қалкиб турибди. Ватанимизнинг Мустақиллигидан қувонган дўст, хайрихоҳ давлатлар кўп, шу билан бирга юртимизга нисбатан ғанимлик ўтида ёниб юрганлари ҳам учраб туради. Ана шундай ҳолатларда шоирнинг бурчи ва масъулияти нималарда намоён бўлади?

Дониёр Бегимкулов,
Тошкент шахри

— Бу жуда ҳам муҳим савол. Биринчидан, биз, албатта, айрим хориж матбуоти, радиостанциялари томонидан Ватанга, миллатга отилган маломат, тухматларга жойида жавоб беришимиз керак. Иккинчидан, ўзимиз ҳам ҳаётимиз ҳақида ёлғон-яшиқларни тўқимаслигимиз керак. Тўғри ахборотни биринчи бўлиб ўзимиз тарқатишимиз керак. Учинчидан, биз Юртбошимиз атрофида ҳамиша ҳамжиҳат мустаҳкам туришимиз керак. Шундагина Мустақилликни асраб қолган бўламиз. Мустақиллик — бу ҳар ким ўз ховлисида туриб сақлаб қолиши мумкин бўлган нарса эмас. Мустақилликни кўнгилдан ғаразни, ёмон гапларни чиқариб ташлаб, бошни кундага қўйгандайин келажак авлод учун асраш керак. Мен битта фикримни доимо айтаман ва такрорлайман. Ўзбек халқини ҳеч ким енголмайди. Агар ўзи енгмаса! Ўзимизни енгандиган қўл бу маҳаллийчилик! Тарих гувоҳ, шундай вақтлар бўлди-ку. Маҳаллийчилик туйғуси халқимизни, миллатимизни бўлаклаб ташлади. Апа шу туйғу, маҳаллийчилик ва мансабга ружу қўйиш, ҳокимиятни, мамлакатни бўлиб олишга интилиш Ватанга муҳаббат туйғусидан устунроқ келди. Шунинг учун Ўзбекистон Мустақиллигини асраб қолиш биринчи навбатда ўзимизга боғлиқ. Мен халқимизни бирдам ва ҳамжиҳат кўришни орзу қиламан. Бу водийлик, мана бу эса кашқадарёлик ёки хоразмлик экан, деган гаплар қаёқдан чиккан? Ана шундай гапирадиганларнинг тилини шартга кесиш керак. Керак бўлса конунга киритиш керак мана шу жазони. Ана шунда миллат битта бўлади. Маҳаллийчилик халқни бўлиб ташлайди. Айтишим керак, Мустақилликка эришишдан ҳам доимо уни сақлаб қолиш қийин. Чунки тажрибали душман тайёргарлик кўриб туради. Бу қақалокни, бу беғубор кабутарни ловуллаб ёниб турган бу оловнинг орасидан бутун олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Жуда қийин. Шунинг учун адабиёт, шеърятнинг олдида жуда катта вазифалар бор. Ватан, халқ, миллат, озодлик, ҳамжиҳатлик каби туйғуларни ўсиб келётган ўғил-қизларимиз кўнглига болаликдан мактаб дарсликлари орқали сингдиришимиз керак.

— Сиз Олий Мажлис Сенатининг биринчи аъзоларидансиз. Бу юксак ишончнинг масъулияти ҳам катта бўлса керак-а?

Ойдин Боймуродова,
Анджон вилояти, Кўргонтепа тумани

— Ҳа, албатта, умуман бобомиз Соҳибқирон Амир Темур даврларида ҳам шундай катта машваратлар тузилган. Бу йиғинларда ким каерда ўтиради? Ким қандай иш билан машғул бўлади? Шуларнинг ҳаммаси ёзиб қолдирилган. Бу «Темур тузуклари» даям бор. Мустақил давлатнинг бошқарув тизими — бу жуда катта масъулият. Собик иттифоқ даврида ҳам мен депутат бўлиб Кремлда ишлаб юрдим. Энди у пайтларда: «Сен депутатлик значогини тақиб юравер, халқни ўзимиз бошқараверамиз», деган гаплар бўларди. Ҳозир ўзимиз учун ўзимиз жавоб берамиз. Нимаики қилсак Ватанамиз, мустақил давлатимиз учун қиламиз. Мен Сенатнинг ташқи сиёсат қўмитаси аъзосиман. Ташқи давлатларга элчилар ҳам бизнинг қўмитадан ўтади. Жумладан, Афғонистонга элчи тайинланаётганда мен шундай савол билан мурожаат қилдим: «Афғонистонда Алишер Навоий бобомизнинг қабри бор. У заминда Беруний, Лутфий каби улуғлар ётибди. У ерда ўзбеклар бор, маданий-маърифий ҳаёт бор. Бу борада сиз ўз вазифангизни қандай тушунасиз?» Демак, Сенат давлатимиз, халқимиз, унинг ташқи дунёдаги нуфузи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган катта бир ҳайъат. Шунинг учун Сенат аъзоси бўлишнинг катта масъулияти билан бирга ифтихорли томонлари ҳам бор.

— Абдулла ака, «Ўзбекистон» шеърингизни ўқиб юрагим ёниб кетарди, агар даврнинг чеклашлари бўлмаганда... Замоннинг зўри билан эълон қилинмай қолган қисмлари ҳам бормиди?! Қанча дардларингиз айтилмай юрагингизда қолиб кетгандай туюлади менга... Шу шеър туфайли бошингизга

анча-мунча ташвишлар ҳам тушган деб эшитганман. Шу тўғрими?

Фарход Аъзамов,
Термиз шаҳри, кўз шифокори

— Бу шеърни ёзишни мен университет талабаси бўлиб юрган пайтларимда бошлаган эдим. Шеърнинг ўн-ийгирма каторлари ўша пайтлардаги университет газетасида чоп этилган. Бу энди 1963 йиллар бўлади. Шеър ўша вариантда «Тоғларини куйлайди Расул» деб бошланарди. Расул Ҳамзатов Доғистонни куйлайди деган маънода. Кейин мен бунга ўзгартириб юбордим. Расул Ҳамзатов қанча улуғ шоир бўлмасин, у Ватанини куйлагани учун мен ҳам Ўзбекистонни куйлайман, деган гап унчалик қовушмасди... Шунинг учун тўғридан-тўғри Ўзбекистонни куйлаш билан бошладим. Унгача Ўзбекистон ҳақида анча шеърлар ёзилган эди. Хусусан, менинг кўз ўнгимда Ҳамид Олимжоннинг қасида шаклидаги «Ўзбекистон» шеъри турарди.

*Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.
Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.*

Нихоятда гўзал шеър. Лекин ўша даврнинг мафқураси Ҳамид Олимжонни чеклаганлиги шундоққина кўриниб турибди. Ҳамид Олимжон бу шеърда Ўзбекистонни, қандайдир мусиқавий, гўёки майин шаббода эсгандай шаклларда тасвирлайди. Албатта, бунга юзаки деб бўлмайди. Лекин Ўзбекистоннинг тарихига, ўтмишига теранроқ кириб боришни шоир ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида, Ўзбекистонимизни теранроқ куйлаш, унинг тарихига чуқурроқ назар ташлаш, мулоҳаза юритиш имконияти пайдо бўлганга ўхшарди. Руслар «Оттепел» — «Эрувгарчилик», дейишади бу ҳолатни, Сталин тузуми ўтиб ижодкорлар қандайдир озроқ нафас олиб, дилдаги баъзи бир нарсаларни ёзиши мумкин, деган эҳтимоллар пайдо бўлган

эди. Мен бу шеърни жуда узоқ вақт танаффус билан, ўқтин-ўқтин ёзганман. Катта шеърларни ўзимнинг тажрибамдан айтаман, бир ўтиришда ёзиб тугаллаш қийин. Унга одамнинг нафаси етмайди. Бўлиб-бўлиб ёзиш ҳам қийин. Бу бир сюжет бўлса экан, давом эттириб кетаверсангиз. Агар ҳазилрок қилиб айтсам, бундай шеърлар йўталга ўхшайди. У тутиши керак. Тутмаса, қасддан йўталсангиз, йўтал чикмайди. Йўтал ўзи ичдан қўзиб чиқиши керак. Шунинг учун шу беш-олти йўтал мобайнида, шу шеърни ёзиб тугатганман. Бу шеърнинг битишига уч йил муддат кетган. Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, Ўзбекистон тарихига назар ташлаш керак эди. Ўшанда хаёлимдан кўп нарсалар ўтди. Энди мен бу шеърни қайта таҳрир қилмайман. Лекин ўша пайт олдимда турган қийинчиликларнинг кўзимга ташланганларини айтиб ўтишим мумкин. У давр мафкурасини ҳозирги ёшлар билмайди. Унинг талаблари ўта қатъий ва каттик эди. Жумладан, Амир Темур бобомиз ҳақида гапириш мумкин эмас эди. Шу жойни «оксок жаҳонгир» деб олганман. Менда сарбадорларнинг ҳаракатларига муносабат билдириш туйғуси ҳам бор эди. Сарбадорлар ҳам исёнчилар — тузумни ағдарган одамлар. Мафкурага у ҳам ёкмас эди. Босқинчиларга қарши курашган Муқанна, Торобийлар ҳам ёкмас эди. Энди илондан кўрккан одам арқондан ҳам чўчийди-да. Шунинг учун мустамлакачилар улар учун оғрикли бўладиган нукталарни яқинига йўлатмас эди. Ва, мен бу шеърни битказиб нашр қилиш учун олиб борганимда, улар менга: «Сиз, албатта, Ленин ва инкилобни қўшмасангиз бўлмайди», дейишди. Ўша жойда «Бош устингга келди инкилоб» деган сатрлар бор эди. Ва қофиясига келиб «Қонга тўлди кафаним маним, Ўзбекистон Ватаним маним», деган эдим. Бу бир жойда эълон ҳам бўлган. Кейин улар: «Инкилоб сизнинг кафанингизни қон қилдими?» дейишди.

Қасида жанрининг ўзига хос талаблари бор. Бу катта қоп эмаски, рўпара келган нарсани ичига ташлаб кетаверсангиз. Бу тугамайди, Эркин аканинг таъбири билан айтганда, «тарихинг битмакка халқим юзта Фирдавсий

керак». Тўғри гап. Ёзсангиз, териб кетаверишингиз мумкин. Халқимиз тарихи ҳақида ёзганда, ўшандай йўл тутиб юз минглаб байтлар ёзганлар бор. Жанрнинг такозоси шуки, Ватан ҳақида ёзганда иложи борича унинг ўтмиши, бугуни, истиқболи хусусида поэтик тасаввур бериш керак. Тарихни бирма-бир санаб чиқишнинг маълум бир чегараси бор. Шунинг учун Амир Темур ва Алишер Навоий бобомизни, албатта, тилга олганман, чунки уларнинг миллат тараққиётида алоҳида хизмати, ҳаққи бор. У маҳаллар Бобур Мирзо ҳам қувғинда эди. У икки марта таъқибга учради. Бир марта шох сифатида Афғонистонга, Ҳиндистонга қувилди. Қайтиб келгандан сўнг совет даврида иккинчи марта шоир сифатида Ватанидан қувилди. Бобурнинг умри қувғин билан ўтди. Номи катагон қилинди-да, шеърга унинг номи кирмай қолган.

Вақтида ёзилган асар, ҳозирча яшаб келяпти. Ленин деган сўзларни киритган пайтларим бўлган. Бу редакциянинг талаби ва шу шеърни эълон қилиш, унга йўл очиш мақсадида қилинган. Агар эътибор берилган бўлса, ўзим шундай ҳисоблайман, улар ташқаридан киритилган сўзлар. Бу шеър организмнинг аъзоси эмас. Уни кесиб ташласангиз ҳеч жойи оғримайди. Борлигиyam-йўклигиyam бир нимани билдирмайди. Бу ўша пайтдаги, адабий жараёнда бизнинг сапёрга ўхшаб қилган ҳаракатимиз.

Ўтган даврни коралаб, қаҳрамон бўлиш мумкин, лекин дунёда мардлик ва номардлик деган тушунчалар бор. Мард одам воқеликни тўғри тушунтириши керак. Ўша пайтда биз белни боғлаб ўша давр мафқураси билан курашганмиз, олишганмиз деган гаплар, билингки, у иккиюзламачи мунофиқ, кўрқок, тўғрисиани айтганда, номард одамларнинг гапи. Даврнинг ичида яшаб туриб, даврнинг хизматини қилиш бошқа, лекин даврнинг ичида мажбуран хизмат қилиш бошқа. Бу иккаласи икки хил нарса. Шу даврда нима қиласизки, яшаб қолдингиз, ўша йилларда туғилдингиз, бу сизнинг айбингиз эмас-ку?! Ўша даврнинг бозорига чиқасиз, ўша жойнинг мазорига кўмиласиз. Ўша даврда оқиб турган ариқлардан сув ичасиз, мен бошқа даврда туғилишим керак, деб Аллоҳ та-

олога аччиқ килиб қайтадан ғорга кириб кетиш имконияти йўқ-ку, инсон боласида?! Агар шундай бўлганда, мен ҳозир ҳам ҳали мен туғиладиган давр келмади, деб ғорга кириб кетган бўлардим. Бундай давр келмайди ҳам. Чунки инсониятнинг, инсон боласининг ўзи номукамалдир. Мукамал инсон туғилганда туғиламан, деган одам, икки дунёда ҳам туғилмаслиги мумкин. Энди Беруний хақидаги сатрларнинг туғилишига тўхталиб ўтсам.

*Америка сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали
Денгиз ортин ёритди илк бор
Берунийнинг ақл машъали.
Қолумбда бор алашим маним,
Ўзбекистон — Ватаним маним.*

Ўша пайтларда Берунийнинг асарлари энди-энди таржима бўлиб чиқа бошлаган эди. Бобомизнинг китобини кўздан кечираётиб, бир жойида баҳримухит — дунё океанининг охирида куруклик борлигини у киши фараз қилганлигини ўкиб қолдим. Фараз шундан иборат. Бир қарашда жудаям ибтидоий кўринишда, лекин мантик бор. Беруний «кетган тўлқин бориб курукликка урилсагина ортга қайтади, йўкса қайтиб келмаслиги керак. Ўша ёқда бир куруклик бор, шунинг учун уммоннинг тўлқини унга бориб урилади-да, ортга қайтади», дейди. Ана шу фикрни мен ушлаб олдим-да, уни шеърдаги ўша иборага айлантириб юбордим. Мен буни тўғри қилдимми ё нотўғрими вақт ўтгач, бу бир таомилга кириб, Американи Беруний бобомиз очган экан-да, деган илмий ибора тилга олинадиган бўлиб кетди. Бунда, албатта, мантикий хулоса бор. Кейинчалик маълум бўлдики, Шарқ мутафаккирлари, жумладан, бизнинг ватандошларимиз тарафидан билдирилган фаразлар ва назариялар кўпгина дунё олимлари томонидан асосли равишда эътироф этилди. Масалан, Данте ҳам «Илоҳий комедия»да Ал Фарғонийнинг юлдузлар жадвалидан фойдаланган. Энди, Америка ўша пайтда жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган, ҳозир ҳам шундоқ. Шундан

келиб чиққан ҳолда: «Эй, Америка, кўп гердаяверма, сени менинг боболарим кашф қилган», дегим келган бўлса керак-да...

— Ҳар гал «Оломонга» шеърингизни ўқиганимда, Сизнинг ўртаниб, ёниб, гоҳ умид, гоҳ ўкинч билан уриб турган юрагингизнинг зарбларини сезардим. Бундай шеърни ёзиш учун инсон қалби қанчалар буюк азобни идрок этиши ва, пировардида, алам билан шундай улуғвор орзу ва истакка тўла хулосага келиши мумкин. Чунки, шеърда ўкинч ва изтироб билан бирга исёнли даъват бор.

Ҳамза Эшимкулов,
Самарқанд шаҳри, хизматчи

— Энди «Оломон»ни яхши биласизлар, рус тилида «Толпа» дейилади. Ҳамма минтақада, ҳамма халкнинг орасида оломончилик кайфияти бор. Ўч-тўртга одамдан кўпроғи оломон бўлади. Буни коммунистик мафкура коллектив дерди. Ёки айрим ҳолатларда жамоатчилик ҳам деб қўйишади. Энди мана шуларнинг энг кутурган шаклдаги кўриниши оломон бўлади. Оломонда ақл бўлмайди, жоҳиллик бўлади. Ҳам анков, у ҳам ишонувчан, ҳам агрессив бўлади. Шунинг учун тошбўрон ҳам қилади, у ҳар қандай ёлғон-яшиққа ишониши мумкин. Ҳар қандай даъватларнинг моҳиятини англаб етмай, изидан кетаверади. Афсуски, эслашимга тўғри келади. Андижондаги воқеаларда ўша жоҳилларнинг изидан эргашганлар ичида санокли бўлса-да, оломон кайфиятидаги-лар ҳам бўлган. Оломон деганда, катта бир гуруҳ тушунилади. Уларнинг психологияси шунақа. Бундайлардан турли ёвуз сиёсатлар, ташки кучлар усталик билан фойдаланган. Бир одамни ёмон отлик қиладиган ёки ўлдирмокчи бўлган бўлса, оломонни ишга солган. Оломоннинг фикри, кайфияти, мақсади унинг «доҳийлар»ига боғлиқ. Оломонни уюштирган одамларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун айтиб ўтганимдек, оломончилик ҳар бир халкнинг ичида бор. Халкларнинг таркибида шундай модда бор-

да. Айрим бир жойда у алоҳида қишлоқ ва шаҳарга ажраган ҳолда яшамайди. У халққа айланиши керак. Оломон эл бўлиши, эл эса халқ бўлиши керак. Халқ эса бора-бора миллат бўлиши керак. Бунинг шаклланиш босқичлари бор. Шунинг учун кўпгина халқлар ҳали оломон шаклида юрганлиги бу сир эмас. Масалан, шеърда шундай дейилади:

*Машраб осилганда қаёқда эдинг?
Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?*

*Суриштирганмидинг Қодирийни ё
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?..*

*Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.*

*Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?*

*Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон?!*

Бу айтишга осон, ўша пайтларда нега Қодирийни қамдинг, нега Чўлпонни отдинг, дейдиган марднинг ўзи йўқ эди. Ҳатто уларнинг китобларини ўқиганлар қатағон бўлиб кетган. Энди ўша даврдаги оломончилик кайфияти шундай эдики, кўпчилик айбловчиларга кўшилиб Қодирийни сўка бошлаган-да. Менинг «Этиқдўз» деган шеърим бор. Бу бўлган воқеа. Менга буни Чархий домла гапириб берган эди. Завқий шоир этиқдўз бўлган экан.

*«Эй биродари аҳли тамиз,
Кўҳна кавуш ва маҳси тикамиз»,*

деб дўкониға ёзиб қўйган экан. Ўша даврда қозининг фатвоси билан қандайдир бир аёлни гуноҳкор ҳисоблаб, қопга солиб майдонга олиб чиқишибди. Ҳамма бориб унга бигизини санчармиш. Бигиз санчаётганларнинг биридан, нега бигиз тикдинг, деб сўрашганда, ким билади, ҳамма бигиз санчгани учун мен ҳам санчдим-да, деб

жавоб берган экан. Оломончилик мана шу бўлади. Бу ҳамма халқда бор. Ундан турли мақсадларда фойдаланилади. Масалан, ундан битта дохийни йўқотиш учун ҳам, бир халқни иккинчи халқ билан уриштириб қўйиш учун ҳам осонгина фойдаланиш мумкин. Мен бу шеърни ёзаётганимда фикрим шу эдики, оломон наинки уруш пайтида, калтис вазиятларда, балки тинч кунларда ҳам фикрлаши керакми, йўқми? Бу халқ бўлиши керакми, йўқми? Газетада чиққан бир гапга ёки аллакимнинг хулосасига қараб, битта одамга баҳо бериши керакми ёки ўзининг калласини ҳам ишлатиши лозимми? Гап шунинг устида кетаётибди. Мен калласиз одамлар тўдасини оломон деб атайман. Битта одамнинг тарихдаги ўрнини белгиламоқчи бўлса, уни тарозига қўйиб кўриши керакми, йўқми? Ўзинг ким ва у ким? Бошқалар билан қиёслаш керакми, йўқми? Унинг фойдасидан зарари кўпми ёки зараридан фойдаси кўпми, аниқлаши лозимми? Даствлабки нашрларда «Лорка отилганда қаёқда эдинг?» деган жумла бор эди. Куппа-кундуз куни буни ўзим ўша жойга туфлаб ёпиштириб қўйганман. Чунки у ерда Чўлпоннинг номи ўтмаган ва бу оломончилик битта халққа боғланиб қолмасин, у бутун ер юзида бор, дейишган. Шундан кейин Испаниянинг Лоркасини ўша жойга қўйганман. Аслида, бу ерда гап оломон ҳақида кетяпти ва Ўзбекистон мисолида. Шундай экан бу ерда Лоркага нима бор? Шунинг учун Чўлпон ўзининг жойига қайтиб келди. Энди ёзилишига келсак, кечагидек эсимда, мен шифохонада, ҳовлида айланиб юриб, дилимда тўқидим-да, кейин қоғозга туширдим. Ўша пайтда раҳматли Туроб Тўла ҳам шу шифохонада эди. Бир кун хиёбонда кўришиб қолдик.

— Туроб ака, яхшимисиз, битта шеър ёздим, шуни сизга ўқиб берайми? — дедим. — Қанақа? — деди. Шу шеърни айтувдим, Туроб аканинг бирдан ранги оқариб кетди ва менга қараб: — Сен ўқимадинг, мен эшитмадим, — деди.

Шундан кейин у ёқ-бу ёқда ўқидик. Ўша ўзгариш билан эълон бўлди. Ҳамма буни бир хил қабул қилди, деб бўлмайди. Чунки бу мумкин эмас. Лекин битта нарсани

айтиб ўтмасам бўлмайди. Одам ўзининг фарзандини севганидан қийида, ёмон кўрганидан эмас. Ёхуд отасининг салласига, онасининг кавушига бир хас илашиб қолган бўлса, уни олиб тозалаб, қайта кийдириб қўяди. Мен бу ерда улуғ халқимга танбеҳ бериш ниятида эмасман, бундай даражага ҳеч ким чиққан эмас, Мен ҳам бунга ҳеч қачон даъво қилмайман. Лекин шу халқнинг обрўсини тўқадиган оломончиликнинг олдини олиш керак, деб ўйлаганман. «Абай ўз халқига шундай танбеҳ берган экан: «Қачон сен одам бўласан, қачонгача ёвни отга миндириб ўзинг пиёда юрасан?!» Бу ҳақда қозок донишмандлари шундай дейишади: «Абай халқини севганидан, қуйиб кетганидан шу сўзларни айтган. Баъзан шундай гапирадиган одамлар учрайди», дейди. Бу жаҳонда, бошқа халқлар адабиётида ҳам бор гап. Шоир бундай гапларни халқини ёмон кўрганидан эмас, шу фожиалардан тўйганидан айтади. Лекин бу ҳеч қачон халқини исёнга чақириб эмас, лекин ўзингни танигин деган туйғулар бўлиши мумкин. Бу каби шеърлар ҳар куни ёзилмайди. Ахён-ахёнда битга-иккита шундай ҳолатлар бўлиши мумкин. Ва халқнинг бошида ҳам ҳар куни бундай ҳолатлар бўлмайди. Халқ ҳам қайгадир кетаётганда кечув сувга, ёхуд маънавий қурғоқчиликка, ҳалокатларга, адолатсизликка дуч келади. Шундай вақтда одам қуйиб кетади. Мен халқим учун жонимни фидо қилишга доимо тайёр бўлганман ва қарийб буни фидо қилиб бўлдим ҳам, шекилли... Лекин бу дунёга келиб ҳаётда кўп нарсадан кўнглим қолди. Сабаби, адолат деган нарсанинг нисбий эканлигини кўрдим. «Чархи кажрафторнинг бир шеваидин доғман», деган нарсаларни кўрдим. Ҳолбуки, мен бугунги кундан, Мустақилликни қўлга киритганимиздан жуда ҳам миннатдорман. Президентимиз, халқимиз мени кадрлади, Қаҳрамон даражасига чиқарди. Бу жуда ҳам муҳим гаплар. Лекин маънавий жиҳатдан қараганингизда ёмғир атрофдан уриб ётган бўлса, мен зонтикнинг тагида бўлсам, бу ҳаммаёқ қуруқ дегани эмас-ку? Ҳали ҳам улуғ ишларимизга соя солиб турадиган, ўз халқига яхшилик тиламайдиган, ҳамиша ўзини ўйлайдиганлар бор-ку!

Нега энди ёлғиз Юртбоши ёниши, куйиши керак. Ахир, халқ бўлсак, миллат бўлсак, амалимиз, эгаллаб турган мавқеимиздан катъи назар шу юртнинг озодлиги ва ободлиги учун, тинчлигу фаровонлиги учун бирдай ҳамжиҳат масъул бўлишимиз керакми?! Ўзинг мансуб бўлган она халқингга қайишмасанг, унинг бирор корига ярамасанг, оғирини тезроқ енгил қилишга интилмасанг, сен ҳам одаммисан? Бирорта одамнинг иши бирор идорада порасиз битмаса, атрофда ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишлик, маҳаллийчилик... Шундоқ бўлгандан кейин қонингиз қайнайди, йўқми? Қандай қилиб, ундайларни халқим деб атайсиз?! Улар халқ эмас, халқнинг номидан мен халқман деб юрган кимсалардир. Халқнинг куйдирги яралари булар. Мен буларни кўрсам ёниб кетаман. Халқим-халқим дейди, амал курсисига ўтиргандан кейин ўша халқни талайди. Лицензиялик ўғрига айланади. Халқ далада, халқ меҳнатда, лекин оломончилик кайфиятидагилар ҳануз пайкалнинг четида...

— **Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини яратиш борасидаги ғоят шарафли, хаяжонли, машаққатли тарихий жараёни, ҳолатни айтиб берсангиз?**

**Полвон Тўлиев,
Кашқадарё вилояти, журналист**

— Албатта, бу ҳақда кўп суҳбатлар қилинган. Ҳаётимда хаяжонли лаҳзалар кўп бўлди. Депутатлик, сенаторлик, давлат мукофотлари, унвонлар, қаҳрамонлик.

Бунинг учун мен яратганга шукр дейман, яратганининг ердаги адолатли вакилларига раҳмат дейман. Лекин ҳаммага ҳам насиб қилолмайдиган ноёб дақиқалар бўлади. Бунинг хоҳласангиз ҳам, ҳаммага насиб бўлмайди. Давлат мадҳияси ҳам шунга ўхшайди. Ҳамма ёзиши мумкин. Лекин улардан фақат биттаси ўтади-да. Бундай шараф Мутал Бурҳонов билан менга насиб қилди. Албатта, бу ўринда энди камтарлик қилиш олифтагарчиликка киради. Бу энди давлатнинг байроғи, герб каби улуғ рамзлари билан баробар турадиган нарсаси. Мадҳия танлов асосида

қабул қилинди. Депутатлар жам бўлган залда бутун мамлакат кўз ўнгида ижро қилинди. Телевидение буни ўша пайтда тўғридан-тўғри кўрсатди. Уч-тўртта мадҳия ижро этилди. Шундан биттасини қабул қилиб олишди. Бугунгидай эсимда, биз яратган мадҳия ярмига етмасидан бутун зал оёққа қалқиб қарсақ чала бошлашди. Мен шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишим лозим. Албатта, буни мадҳия муаллифларидан бири сифатида айтаяпти, деб тушунмаслик керак. Мадҳия бу миллатнинг ҳам сиёсий, ҳам маърифий, ҳам маънавий даражасини кўрсатади. Агар сиз ўзининг байроғига, мадҳиясига, гербига муносабатда, албатта, чин дилдан шуни ҳимоя қилиб бошига кўтариб турган одамни кўрсангиз ҳеч иккиланмай унинг ордидан бораверинг. Ишонч билан айта оламанки, адашмайсиз. Демак, бундай одам ҳалол одам. У Ватанини, давлатини, халқини, миллатини, ғоясини таниган одам. Буни юзаки қабул қилиб чоғиб юрганлар энди улар тамомила бошқа одамлар. Давлат рамзлари халқни бирлаштиради. Шунинг учун Байроқ, Мадҳия, Конституция, Герб, Президент мақоми... булар олдида миллат бирлашиши ва ҳамжиҳат бўлиши керак. Буларнинг олдида биз шоирмизми ёки бастакор, бутун халқимиз билан бирга доимо эҳтиромда турамыз. Биттагина жиҳати у бизнинг қаламимиздан чиқди.

— Абдулла ака, «Онажон» шеърингизни ҳозир ўқисам ҳам ўзимни йиғидан тўхтата олмайман. Сиздай инсонни вояга етказган ул зотнинг охирати обод бўлсин. Мумкин бўлса, мазкур шеърнинг ёзилиши ва онангиз Турди Карвон кизи тўғрисида сўзлаб берсангиз?

Шарифа Алиева,
«Ҷағониён» газетаси бўлим муҳаррири

— Онам раҳматликни мен жуда ҳам миннатдор бўлиб эслайман. Ҳамманинг ҳам ўз онаси бир фариштадай, илоҳий кўринади, ва бу тўғри, албатта. Оналарнинг образи ўзи битта. Лекин шакли-шамойили, исми ҳар хил бўлиши мумкин. Миллати ҳам, борингики, дини ҳам ҳар

хил бўлиши мумкин. Лекин ҳамма оналарнинг фазилати бир хил. Умуман ҳамма динда, миллатда она деган касб битта. Она — бу меҳр дегани. Она фарзанд учун яшайди, афсуски, фарзанд она учун яшамайди. Шундай катта фарқ бор. Она боласи учун доимо тайёр туради. Лекин фарзандни эса албатта она учун қурбон бўладиган тарзда фидойи қилиб тарбиялаш керак. Бу ўринда Ватанни она дейдиган бўлсак, фарзанд она Ватан учун қурбон бўлман, деб тайёр туриши учун уни тарбиялаш, ташвиқ қилиш керак. Ҳамма ҳам Ватан менинг онам экан-да, деб унинг ҳимояси учун отилиб чиқиб кетавермайди. Лекин она ҳар қандай шароитда, боласи ноқобил бўлса ҳам, уни меники, деб туради. Шунинг учун мен она деганда шунчаки бизни дунёга келтирган жисмоний бир зотнигина эмас, бундан каттароқ, табиат берган илоҳий бир фалсафани тушунаман. Бу фалсафани фарзанд тушунмаслиги мумкин. Ҳатто онанинг ўзи ҳам тушунмаслиги мумкин. Лекин онага ҳос туйғуни Аллоҳ бежиз ато қилмаган.

Онам раҳматли табиатан жуда нозик феълли эдилар. Ташки кўринишим ҳам кўпроқ онамга ўхшаб кетади. Онам жуда кўп халқ термаларини биларди. Мен кўп суҳбатларда айтганман:

*Гул раънонинг тагида ювма сочингни, ювма сочингни,
Шахло кўзгинангдан тўкма ёшингни, тўкма ёшингни,
Шахло кўзгинангдан тўксанг ёшингни, тўксанг ёшингни,
Оларман-да, кетарман ёлғиз бошимни, ёлғиз бошимни...*

Мен онамнинг бағридан узилиб Тошкентта кетдим. Ва узоқ-узоқ йиллар ёнида бўлолмадим. Она деган қуёшнинг нуридан бебахра яшаб турдим. Мен ўзим бу ёқда овуниб юргандирман, лекин онамни шу даражада қийнаганимни кейин англаб етдим. Онам эртаю кеч мени ўйлайди. Олдига таом келса ҳам мени ўйлайди. Ҳали оила — рўзғор қилмаган ёшгина йигит мусофирчиликда қандай юрибди, деб ташвиш чекади, безовта бўлади.

Ўшанда «Митти юлдуз» номли биринчи китобчам чиққан эди. Уйга борганимда онам нималар қилиб юрибсан, деб сўраб қолдилар. Шунда китобни кўрсатиб ичига

«Дайди ўғлингиздан» деб ёзиб берганман. Ҳозир у китобни ўзимда сақлаяпман. Кейинчалик онам казо қилганларида ёстикларининг остидан шу китобча чиқди.

*Эсимдадир, титрар эдим —
Ғамгин болиш пастида.
Китобимни кўрдим ногоҳ
Бошгинангшиг остида.
Тошдек қотдим ўшал они
Бор тоқатдан айрилиб.
— Шоир ўғлим,— дединг менга
Секингина қайрилиб.
Онажоним, сўнг бор менга
Нафас қилдинг у замон.
Шоир бўлгин, дея балки
Ҳавас қилдинг у замон.
Онажоним, балки мен ҳам
Бир кун шавққа тўларман.
Балки мен ҳам айтганингдай
Бир кун шоир бўларман...*

«Онажон» шеъримда шу детал ана шундай ҳолатда киритилган. Буни энди узоқ вақт ёздим. Ўша кундаги аҳвол-руҳиямни айтиб ўтиришим шарт эмасдир. Афсуски, бундай мусибатдан ҳеч бир хонадон эмин эмас. Албатта, вақти соати келиб ҳар бир инсоннинг ё ота, ё онаси билан шундай воқеа содир бўлади. Шунинг учун бу қайғу битта сенда бўлдими, деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Мен бу шеърни матбуот учун ёзган эмасман. Ҳеч қачон ғам одамнинг байроғи бўлолмайди. Ғам — бу одамни эзадиган, унинг елкасидаги тегирмон, фалакнинг тегирмони. Бундан бутун чикиб кетиш катта гап. Шундай, изтиробларимни шеър қилиб ёздим. Икки йил буни эълон қилмадим. Сабаби, мендан кейин учта синглим бор эди. Бу шеърни ўқишса улар учун онам иккинчи марта казо қилгандек бўларди-да. Яна уларнинг юрагини эзган бўлардим. Кейинчалик эълон қидим. Ёш ҳаваскор шоирнинг деярли эзадиган мавзулари маълум. Ватан, ота, она, муаллим ҳақида... Булар эса доимо тайёр туйғулар. Шу-

нинг учун ҳамма халтура шу ердан бошланган. Энг муқаддас, энг нозик туйғулардан кўзбўямачилик бошланган. Майли ёзаверсин, лекин менинг бошқаларга ниятим шуки, илойим ҳеч кимга онасининг ўлимига шеър ёзиш тўғри келмасин.

— «Ҳажнома» туркумига кирган шеърларингиздан бирида «Ҳаж»да шайтонга тош отиб, ундан қутулдим десам, аэропортда мени яна шайтон кутиб олди», деб ёзгансиз. Шу ростмиди?

Рашид Исмоилов,
Қоровулбозор тумани

Ҳа, у шеърда шундай сатрлар бор эди:

*Минода Шайтонни қилдик тошбўрон,
Лаънатга кумилди бадбахт у лаин.
Дедик, шунча юкнинг остидан Шайтон,
Минг йиллар чиқолмай ётмоғи тайин.
Шодумон йўл олдик Ватанга қараб,
Шайтон қолди дея чуқурда — чоҳда.
Манзилга қайтгандик,
Шайтон, во ажаб,
Бизни кутиб олди тайёрагоҳда.*

— Шайтон аэропортда кутиб олдигина эмас, балки самолётда ҳам у бор эди. Шайтон-лаинни бир шахс сифатида қарайдиган бўлсангиз бошқа гап. Ҳаёт шундай: қаердаки эзгулик бор, ўша жойда ёмонлик ҳам бор.

— Устоз, «Кетмоқдаман» газалингизнинг ёзилишига нима туртки бўлган, нима учун, аслида, 1968 йилда ёзилган бу газал анча кеч эълон қилинди?

Адиба Умирова,
шоира

— Мен ҳаётда кўп таҳликали вазиятларга тушганман. Бошимни олиб кетгим келади, лекин қаёққа боришимни билмайман. Бу дунёда яшашимнинг кераги йўқ, деган хулосаларга ҳам келганман. Ҳаммаёқда камситиш, гуруҳбозлик, бир яқин дўст йўқ. Шундай бўлдики, дунёга

келганимга минг пушаймонлар бўлдим. Ижодни ташлаб кетай десам ёзгим келади. Нима қилай? Шундай маҳалларда ўша «Кетмоқдаман» ғазалини ёзганман:

*Яхши қол, эй дилбарим, дилда қадар, кетмоқдаман,
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман.
На ишончу, на қувончу, на кўнгилдан очма гап,
Барчасидин ушбу кун йўқдур самар, кетмоқдаман...*

Кейин бориб-бориб Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» деган қиссасини фильм қилишганда бу шеър асосида кўшиқ яратилди.

*Келганимда дедиларки, бу йиғит кони зарар,
Кетмагимдан, охир айт, борми зарар, кетмоқдаман...*

Бунақа кайфиятдаги шеърлар кўп ёзилган. Қанча шеърларимни ўғирлатганман. Усмон Носир ҳақида шеъррий роман ёзганман. Мадаминбек ҳақида ёзганман. Мен билан бирга ижара уйларда ётиб юрган шерикларим орасида «учинчи одам»лар ҳам бор эди. Улар мана шу асарларнинг қўлёзмаларини олишди ва шу кунгача қайтариб беришгани йўқ, бу асарлар қаердалигини билмайман. Кўп меҳнатларим сингган, агар ёқиб юборишмаган бўлишса, қаердадир ётгандир. Улардан кўп илтимос ҳам қилдим. Лекин, бўйинларига олиб қайтариб беришмади. Балким, улар бу асарларни мендан кейин эълон қилишни режалаштириб юришгандир...

— Сизнинг ижодингизда инсон мавзуси, энг юқори даражага кўтарилган. Инсоннинг, ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари кўп тилга олинган. Ҳатто бир шеърингизда шундай ёзгансиз:

*Қирқ йил кўтарибман инсонни кўкка,
Ишониб ҳазрат деб, йўлимдан озиб...*

Бу шеърларда «инсонни шунча йил мадх этибман-ку, лекин уни англай олмабман», деган хулоса бор. Тарихга назар ташласак, не-не улуғ алломалар ўтди. Уларнинг ҳар бири инсониятни мукамал кўриш орзусида заҳматлар чекди. Бу йўлда билимини, кучини

сарф қилди. Шулардан келиб чиқиб айтсак, кейинги юз йил ичида инсоният яхши томонга ўзгарди, одамларнинг орзу-умидида, интилишларида эзгу жиҳатлар кўпайди, деб айта олишимиз мумкинми?

Умида Назарбекова,
*Тошкент шаҳри, «Созлам авлод учун»
журнали ходими*

— Албатта, инсоният босиб ўтган кейинги юз йилга назар ташлаб илм-фан, технология бобида улуғвор ишлар қилинганлигини кўрамыз. Бундан ҳеч қачон кўз юмиб бўлмайди. Омождан тракторга, автомобилдан космик кемаларга ўтди ва ҳоказо. Одамларнинг кийиниши, юриштуришида ўзгаришлар бўлди, албатта. Чунки, бу кўриниб турибди.

Одамзот қизиқ-да, доимо ўтмишига кулиб қарайди. «Биз ҳеч нимани тушунмаган нодонлар бўлганмиз, мана илгарилаб кетдик», деб ўйлайди. Албатта, бу табиий, шунинг учун ҳам айтадиларки: «Инсоният ўтмиши билан кулиб хайрлашади». Лекин менга ўтган давр мобайнида илмда, одамнинг маънавиятида, инсоннинг шахсида ижобий томонга юксак даражадаги бир ўзгариш бўлдими, деб берган саволингизга, афсуски, мен «ҳа» деб жавоб беролмайман. Бу юзакироқ жавобга ўхшар. Албатта, инсоният жуда кагта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугунги илм-фан, радио, телевидение, компьютер ва бошқа юксак технологиялар қадимда бўлмаган. Сиз ҳозир менга аввалгилар талантлироқмиди ёки ҳозиргиларми, деб савол берадиган бўлсангиз, мен аввалгиларда ҳам истеъдодлилар кўп эди, ҳозиргиларда ҳам кўп. Аввалгиларда ҳам аҳмоқлар кўп эди, ҳозир ҳам улар кам эмас, деб жавоб берган бўлар эдим. Лекин тараққиёт барибир ўз йўлида давом этаверади. Балким юз йиллар ўтиб одамзот қайси бир юлдузга етиб бориб хаёл суриб ўтирар, бундай ҳолатдан ҳеч қачон ажабланмаслик керак.

— Яқинда яна бир бор машҳур «Тулки фалсафаси» шеърингизни ўқиб чиққач дилимда шундай

савол пайдо бўлди. Нима дейсиз, назарингизда кейинги пайтларда ана шу «фалсафа»ни ўзлаштириб олганлар кўпайиб кетгандай туюлмаяптими?

Носиржон Тошматов,
Тошкент шахри, ҳажвочи

— Русларда бир мақол бор: «Привичка превращается в характер». Энди ўзбекча қилиб айтганда, бир одамнинг одати феъл-атворга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Мен ёзган пайтларимда, тулкичилик бу ҳали «привичка» эди. Ҳозирги замонда у характерга айланди. Бу шеър ҳозир аввалгидай жарангламайди. Негаки, ҳозир кўпчилик тулкига айланиб бўлди. Ҳозир тулки бўлсанг «молодес» дейди. Тулки бўлмасанг, яшай олмайсан. Мана шу фалсафа ер юзида ғалаба қилди. Ҳозир тулкининг устидан кулсанг, ўзинг ҳаётда орқада қолган одамга айланиб қоласан. Сен ҳали ҳам тулкимасмисан, ҳалиям содда тошбақага ўхшаб имиллаб юрибсанми, ҳаётда орқада қолиб, дейди? Менинг ўзимга неча марта шундай дейишди. «Эй, шоирим, ҳаётдан орқадасиз, орқадасиз, сиз шеър ёзиб шуни ҳаёт деб юрибсиз, бу ҳаёт эмас! Сиздай одамнинг кассада миллион-миллион пули бўлиши керак. Сиз бу ерда мен абадий яшайман, деб шеър ёзиб юрибсиз. Аслида, мутлақо ортда қолиб кетган одамсиз...» Бундай қараганингизда, улар ҳақдай туюлади. Бугунги кунни ўйлаб яшаш, буям балки катта жасоратдир. Эртани ўйлаб яшаш эса романтиқадир, қандайдир дарвешликдир. Булардан қайси бири керак? Уйлаб ўйингизга етолмайсиз. Лекин ҳар ҳолда ҳалол бўлиш керак. Лекин «Тулки фалсафаси»га келганда, менинг иймоним комилки, айтганимдек у пайтларда бу шеър бошқача жаранглари эди, Ҳозир эса «ну что же, тулки бўлмасанг тулки бўлгин...» дейди. Шунинг учун бунини афсус билан қайд қиламан.

— Кўпинча, йилдан-йилга одамлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилиб кетяпти, деган сўзларни эшитамиз. Бу борада сизнинг кузатувларингиз?

Очил Мамаев,
Пайариқ тумани

— Албатта, худо кўрсатмасин, бу ҳақда башорат қилгандан гапирмаган афзал. Лекин ҳар ҳолда инсоният бу кетишда бошқа бир сифат ўзгаришига дуч келади. Бошқа бир яшаш тарзи ва ёки ахлоқ қоидалари пайдо бўлиб кетиши мумкин. Бугун дунёга боқиб ҳайратда қоласан. Ҳозир қараб туриб... даҳшатга тушасиз: жаҳоннинг катор давлатларида, хусусан, ғарбда оила деган муқаддас тушунчалар йўқолиб бораётир. Аёл аёллик, эркак эркаклик функциясини бажармайди. Хохласа эркак эркак билан яшайди, фарзанд тарбияси деган масъулият қаёққа кетди?! Садизм... Умуман бир-бирига ёмонлик қилиш, бир-бирини ўлдириш, шундан роҳатланиш... Бунга нима дейсан?! Одам ўлдираётиб киприк қоқмаса. Улар на бандасидан, на Оллоҳдан кўрқади. Қаранг, буларда на муқаддас тушунчалар бор, на инсоний кадр-қиммат, на муҳаббат, на бурч? На меҳр-оқибат? Ота-онани танимаса, ўтган аجدодларга эҳтиромни билмаса, буларда жинс бўлмаса, гиёҳванд, ҳар қандай ёвузликдан тоймаса. Улар учун пул эътиқодга айланса?! Эртага нима бўлади? Мен инсоният бу кетишда йўқолиб кетади, деб ваҳима қилмоқчи эмасман, Лекин иймоним комилки, ё у тузалиб тузалади, бунга ишончим камрок, лекин янги бир инсонларнинг қавми пайдо бўлади.

— Ёдингизда бўлса, бундан ўн йиллар аввал раҳматли Шуқур Холмирзаев «Адабиёт ўладими?» деб хитоб қилган эди. Бугун замон бир қадар ўзгарди. Компьютер, интернет... ҳар хил олди-қочди газеталар... бадий асарларга, китобга бўлган қизиқиш су-сайгандай туюлади. Сиз ўзбек адабиёти келажagini қандай тасаввур қиласиз?

Замира Бегимкулова,
Тошкент шаҳри, телережиссёр

— Адабиётни кимдир буйруқ билан яратган эмас. Шундай экан уни йўқотиб ҳам бўлмайди. Бу табиий жараён. Ҳар қишлоқнинг эшони бўлганидек, тентаги ҳам бор. Адабиёт, хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, ё шу

эшонга киради, ё девонага. Адабиёт доимо одамлар билан бирга ҳамнафас юради. Лекин у гоҳ бирдан оммалашиб кўзга кўриниб қолади, гоҳ жимиб қолади. Одамзотнинг ички овози бу! Ҳозир, мисол қилиб айтадиган бўлсам, деярлик қалам ҳақи бермаймиз. Деярли китоб орқасидан кун кўрадиган одам йўқ. Лекин хали ҳўв олислардаги тоғлар орасида, кишлокларда ёш-ёш йигитлар, кизлар шеър ёзяпти. Уларга биров сен шуни ёзасан деган эмас. Балки бу шеърлар бир куни юзага чиқар, балким қолиб кетар. Лекин унинг ёзгиси келаверади. Демак, бу инсонга хос бўлган нарса. Ахир, одамнинг ашула айтгиси келади-ку! Нимадир ёзгиси ҳам келади. Мана, оғзаки адабиётга ўтайлик. Бизда бахшилар, дўмбирачилар бор. Одамлар орасида ҳозир, ёзма адабиёт шаклланган бир пайтда дўмбирага бало борми, дейдиганлар ҳам бор. Албатта, бу ҳам адабиётга киради. Ана энди унинг қисматига ачиниб қараш мумкин. Агар бу ерда узилиш бўлса, уни тиклаш қийин. Бойсун, Шеробод, Самарканд бахшичилик мактаблари бор. Уларнинг болалари оталаридан мана шу дostonларни ўрганиб, авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Бунга биз туғма қобилият деб қараймиз, лекин бир тасодиф туфайли шу бола қўлига дўмбирани олмаса, занжир шу ерда узилса, кейин уни ким тиклайди?! У ота элликта дostonни ўзи билан бирга олиб кетади-ку! Демокчиманки, одам боласида ёзма ва оғзаки адабиётга эҳтиёж бор экан, у яшайди. Бир даврларда сусайса, бир даврларда кучаяди. Яна бир жихати борки, ҳар қандай давлатга, унинг мафқурасига, албатта, адабиёт керак бўлади. Ҳатто фашизм — Гитлер ҳам ўз йўлида адабиётнинг кучидан фойдаланган. Чунки, унинг ўқувчиси бор. Лекин унинг тарқалиши, шакли-шамойили турли даврларда турлича бўлиши мумкин. Ҳозир, масалан, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўқийдиган одам бунга алоҳида вақт ажратиш керак. Буни энди метрода кетаётиб ўқиб бўлмайди. Бу энди Толстойнинг даври ўтибди, дегани эмас. Вақти келади, барибир у ўқилаверади. Лекин даврларнинг синовидан ҳамма ҳам ўтол-

майди. Инсониятга керак бўлгани албатта ўтади. Адабиёт ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, лекин унинг таъсир доираси қайсидир маънода чекланиб боравериши мумкин. Албатта, интернет, радио, телевидение, буларни тўла равишда адабиётнинг фойдасига пайдо бўлган деб бўлмайди. Энди яна бир масала, ҳамма ёзувчи ҳам ўзининг асарларини одамлар севиб қидириб топиб ўқишларини хошлайди. Ҳолбуки, қадимги замонларда ёзувчилар бугунгидай кўп бўлмаган. Битта миллатнинг иккита-учта шоири бўлган. Бошқалари ҳаваскор бўлиб юрган. Бугунги кунни олсак ҳамма китоб чиқаради, мени ўқисин, дейди. Лекин китобхонни мажбур қилиб ўқитиб бўлмайди. Қайси куни телевидениеда иккита ёзувчи «Нега одамлар китоб ўқимаяпти» деган мавзуда мунозара қилдилар. Ҳамма айбни «Китоб савдоси»га, китобхонга олиб бориб тўнкашга ҳаракат қилишди. Менинг фикримча, бу саволга жавобни, аввало, китобхоннинг ўзидан сўраш керак. Истеъмомчи китобхон-ку, ўқиётгани нима учун ўқиётганини айтсин, ўқимаётгани нима учун ўқимаётганини айтсин.

— Ҳурматли Абдулла ака, «Биринчи муҳаббатим» номли шеърингиз, таъбир жоиз бўлса, севишганларнинг дардли қалб қўшиғига айланиб қолган. Саволим бир оз галатирок бўлганлиги учун олдиндан узр сўрайман. Гоҳи «Биринчи муҳаббатим» деганда, «иккинчи, учинчи муҳаббат ҳам бор экан-да», дегандайин бир таассурот ҳам пайдо бўлади ёки «биринчи муҳаббат» дегани «охирги муҳаббат»ми?

Омонулла Холиқов, *Сариосиё тумани,
Жаробод қишлоғидан, хонанда*

— Пушкиннинг бир шеърида шундай сатрлар бор: «Менинг қалбим, севмай турмас, севмай туролмас». Одамзот қалби тирик, мен уни жисм сифатида айтмаяпман, руҳият сифатида таъкидлаяпман. Севги, муҳаббатнинг не эканлигини билмаган инсон бу ҳисни биринчи марта унга дуч келгандагина идрок этади.

*Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зухро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Рухимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.*

*Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳо тўполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,
Айри ҳам тушдим баъзан, қалб билан, иймон билан,
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,
Мангу гафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим...*

Бу ерда гап биринчи, иккинчи ҳақида кетаётган эмас-дир, балким? Бу ерда мен умуман биринчи маротаба муҳаббатга рўпара келдим, кейин шунақаси учрамади, деган афсусга ўхшаган гаплар бўлиши мумкин. Эндики, агар шеърхоним ўзига мослаб оламан деса, биринчининг ўрнига майли иккинчи ёки учинчи деган сўзни қўйиб ўқийверсин. Хоҳласа, тўртинчи муҳаббатим деб ўқисин. Бу билан шеърнинг ичидаги моҳият ўзгариб қолмайди. Гап муҳаббат ҳақида кетяпти.

— Сиздай улуғ шоирнинг рафиқасига кўп аёллар хавас билан қараши тайин. Аммо, мустабид тузум даврида сизга бўлган тазйиқ ва хужумларни ёнин-гизда туриб енгиб ўтишдек машаққатларга ҳамма аёллар ҳам куч топа олмаса керак?

*Манзура Файзиёва, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани*

— Бу гап тўғри, энди мен бу ерда келинойингизни мактаб ўтирсам, рўзгорнинг эгасига тўғри келмайди. Лекин бор гапни азбаройи холис айтишим лозим. Холис-лик шу маънодаки, ўзимга, ўзимнинг ҳаётимга баҳо беришим керак. Мен осон феъллик ёки жуда силлик ҳаёт йўлидан ўтган эмасман-да. Кўп етишмовчиликларни, жуда кўп ғамгин вақтларни кўрдим. Ҳатто, яшашдан тўйдим деган хулосаларга келган дақиқаларим бўлди. Осмон йироқ, ер қаттиқ. Мени химоя қиладиганларнинг ҳаммаси қочиб кетган вақтлар бўлди. Хужум қиладиганлар

кўп. Шунда мени битгагина янгангиз химоя қилди, доимо бирга бўлди ва мени ҳалиги энг қайғули ва оғир хулосалардан қайтарди. Балким, жонимга қасд қилишим мумкин эди. Ҳозир ҳам шундай дакикалар бўлади. Бунини мен ақл билан енгаман, ҳаракат қиламан.. Шунинг учун менга қанча оғир бўлган бўлса, янгангизга ундан ҳам оғир бўлди. Мана шу хулосамнинг ўзиёқ кўп нарсани билдирса керак.

— «Сен баҳорни соғинмадингми?» шеърингизни Бойсунда ёзгансиз деб эшитганмиз. Агар иложи бўлса, шу шеърингизнинг ёзилиш тарихи ҳамда ўша пайтдаги ҳолат-қайфиятингиз тўғрисида батафсилроқ тўхталсангиз.

Гулбахор Муродова,
Денов тумани, фермер

— Энди шеърнинг қаерда ёзилганлиги жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Мухлисимиз бунга синчковлик билан қараганлиги учун, албатта, улардан миннатдорман. Тўғри, ҳар бир шеърга ҳам бундай савол берилармайдими. Энди гап шундаки, бу шеър бугунги кунда ҳам дилимда мавжуд бўлган бепоён ҳасрат, ҳеч ушалмайдиган армон ва абадий йўқолган бахт ҳақида... Булар поэзиянинг ўқ томирларидир. Кишида сирли туйғулар уйғотадиган ҳам шулар. Табиат ва бошқалар бунга ҳусн бўлади ва қандайдир муҳит яратиб беради:

*Уйғонгучи богларни кездим,
Топай дедим, қирдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим
— Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
Сен баҳорни соғинмадингми?*

Бу шеърни мен фалон жойда ёздим ва бошқа жойда ёзолмасдим, деган сўз бу, албатта, шоирнинг нодонлиги бўларди. Мен 1963 йилда университетдан Сурхондарё вилояти газетасига амалиёт ўтагани бордим. У жойда би-

рорта танишим йўқ. Редакциядаги диванда ётиб кун кўрардим. Бир ой ўша ерда бўлганман. Баҳор, аввало, Сурхондарёдан бошланади, бодомлар гуллайди, кунлар исийди... Энди албатта, нималарнидир соғинган бўлишим мумкин. Шундай дунёга келган бир шеър.

— Устоз, бир таклифим бор: «Биринчи муҳаббатим» деган китоб чикарсангиз. У китобга фақат севги, муҳаббат, ишқ ҳақидаги шеърларингиз киритилса, ажойиб бир тўпلام бўларди. Кўпчилик мухлисларингизнинг ушбу истагини қабул қиласизми?

Раъно, Термиз шаҳри, ҳамшира

— Аввало, бундай таклиф учун сизга катта раҳмат. Мен жон деб қабул қиламан. Буни, албатта, ноширлар ҳал қилади, деб хисоблайман.

— Абдулла ака, деярли кўпчилик шеърларингизда озодлик, мустақилликка интилиш руҳи кучли. Балким шу боис ҳам кўп қийинчиликларга дучор бўлгандирсиз. Ахир, собиқ иттифоқ даврида наинки бундай шеърларни ёзиш, балки эълон қилишнинг ўзи ўта мураккаб иш эди. Илк шеърларингиздан бошлаб улар қайси мавзуда ёзилган бўлмасин моҳиятида мана шу рух сезилиб туради. Айтингчи, ижодингизда бу руҳнинг пайдо бўлишига устозларнинг таъсири бўлганми? Умуман, сизнингча бу рух ниманинг таъсирида шаклланган?

*Дониёр Бегимкулов,
Тошкент шаҳри*

— Мен узоқ бир қишлоқда катта бўлганман. Мен ўқиган даврда «Улуғ совет мамлакатада ҳамма тенг, бахтли, фаровон яшайди» деб ўйлардим. Бу ҳақда «Сароб» («Ўйларим») деган шеъримда ҳам ёзганман. Сўнг Тошкентга келдим. Университетда ўқидим. Кейин қарасам, минбарда бошқа гап, чойхонада бошқа гап. Дейлик, чойхонада дилдаги гап айтилади, минбарда, мажлисда — акси. Ўзбек тили бор, ўзбек халқи бор. Аммо бу тилнинг тошбақачаям

обрўси йўк. Ҳеч ким писанд қилмайди. Рус тилини билмаган одам ишгаям олинмайди. Мумтоз адабиётимиз, кўпгина улуғ-улуғ асарлар йўқотилган. Бир тийинга қиммат нарсалар улуғланган. Буларнинг ҳаммасини кўриб турган оддий, содда, ҳатто ўқимаган одамларнинг ҳам боши қотиши мумкинми? «Қизик, бу қанакаси бўлди, бу ерда бунақа, у ерда эса ўзгача. Коммунизм қурдик деб қишлоққа эълон қилувди. Бу ёқдаги аҳвол бу!» Бу ерда энди идеология ёки моддий турмушнинг инъикоси туфайликкина инқилобий фикрлар пайдо бўлади, дейиш кифоя қилмайди, албатта. Одамнинг ўзида ақл, фикр, тафаккур, мулоҳаза бўлиши керак. Лекин у қайси шароитда, қанақа пайдо бўлади? Мен болаликдан то улғайгунимча бирорта адабиёт тўғарагига қатнамаганман. Чунки у вақтларда атрофимда бундай тўғараклар йўк эди. Бирорта шоирга шогирд тушмаганман. Мен фақат университетга ўқишга келганман. Шунинг учун менга бирорта одам ташқи таъсир қилиб мана бундай ёз ёки буни ёзма деган эмас. Фақат китоблар ўқиганман, китоблардан таъсирланганман. Энди мактабларда айтиб ўтганимдек, тамомила жаннат ва адолат ўрнатилган жамиятда яшайпмиз, деб калламизга қуйишган. Ҳаёт эса мутлақо бунинг акси. Бунга катта нафрат билан қарардим.

1966 йилда Тошкентда зилзила бўлди. Ёдингизда бўлса, «Авлодларга мактуб» деган шеър ҳам ёзганман. Зилзила туфайли Тошкент вайрон бўлди. Эртасида эса кўча-кўйда тўй, худди Наврўз байрамидек ғат-ғут мусика, телевизор, радио бақириб ётибди. Кўчаларда ошлар пиширилган, одамлар рақсга тушган. Худди бу зилзилани юз йил кутгандек. «Совет халқи ҳеч кимдан қўрқмайди», деб бақиришгани бақиришган. Атрофга қарайсиз, қанча уйлар вайрон бўлган. Бульдозер, танк суриб ётибди. Шундай кезде, нима қиласан ёлғон гапириб? Ахир, бу тузумнинг инқирози эмас-ку? Табиий офат-ку! Ер қимирлашига марксизмнинг нима алоқаси бор? Нима учун буни тан олмайсан? Ҳатто зилзиланинг кучи шунча балл, деб эълон қилганда бунданам уриб қолишарди. Унчамас бунча одам ўлди, дейди. Совет кишисини табиий офат

хам енголмайди, деб овоза қилади. Бунақанги муттаҳамгарчиликлардан мен энди биттасини мисол қилиб айтяпман. Тиқилиб кетган эди. Дала-даштда ҳар катта районда битта шийпонни ясашиб кўярди. Раиси герой бўларди. Каттагина ҳовузда балиқ, ғозлар сузиб юрарди. Келган меҳмон ўша ерга борарди, ўша ерда арок ичиб қайтиб кетарди. Коммунизм эди бу! Шунинг учун шеърни мен шундай хулоса билан тугатганман.

*Ер ости тинч турсин десангиз агар,
Сизлар ер устида сўйламанг ёлгон.*

Бу шеърни бостиролмадим. Ким босарди. Охири Зулфия опа ўкиди-да, мен «Саодат» журналида босиб чиқараман, деб олиб колди. Йўқ, барибир ҳалиги цензура ўтказмабди.

«Сизлар шеър устида сўзламанг ёлгон» бўлиб эълон қилинди. Ана шунақанги муттаҳамгарчиликларни кўрганман. Шундай ҳаётни, шундай вазиятни кўрган одам мустақилликни орзу қиладими, йўқми? Бошқа, халқингни халқ, инсонларни инсон ўрнида кўрадиган тузумни орзу қиладими йўқми?!

— Абдулла ака, сизнинг қатор шеърларингиз, жумладан «Най», «Тилла балиқча» ва бошқаларда ўзига хос рамзийлик, образлилик кўриниб туради. Бундай шеърларни адабиётшунос олимлар турлича талқин қиладилар. Гоҳида бир шеър ҳақида қарама-қарши фикрлар ҳам айтилади. Шу маънода айтингчи, сиз бевосита ижодингизга тааллуқли талқинлардан тўла қониқиш ҳосил қилганмисиз? Ва ёки, шеърнинг моҳияти бузиб талқин қилинган ҳолатлар бўлганми?

*Нажмиддин Мирзаев,
Шаргун шаҳри, иқтидорли
болалар лицейи директори*

— Энди бу жуда гўзал, яхши савол. Ўтган мафкура бизни, халқни, олимларниям, адабиётшуносликниям шу даражада буздики, ким нима деса шунинг тагидан кир,

маъно ахтариш бошланиб кетди. Усмон Носирни ҳукм килишган.

*Йўлчиман манзилим уфқдан нари
Ложувард денгизнинг тубига яқин.*

Шу сатрлар делосида ёзилган, ложувард денгизнинг тубида нима бор? Америка! Усмон Носир Америкага кет-япти. Мана шунақа хулоса чиқарган. Кейин Усмон Носирдан айб ахтаришган:

*Шеърим яна ўзинг яхшисан
Боққа кирсанг гуллар шарманда.*

Айбловни қаранг: «Бу нима дегани? Совет гуллари Усмон Носир шеърларидан хунукми? Совет гуллари шарманда бўладими?» Энди шу даражага етдики, образли фикрлашнинг ўзи керак бўлмай қолди. Адабиётшуносликнинг кизик-кизик томонлари бор. Бу ҳақда раҳматли Озод Шарафиддинов айтиб юрарди. Танқидчилар атайлаб қилмайди, бу кўпинча тушунмасликдан келиб чиқади. Масалан, Гёте 80 ёшдан ўтиб жон бераётганда, атрофидагиларга қараб: «Мана бу пардаларни суриб, деразани очиб қўйинглар», деган экан. Энди уни бутун адабиётшунослар ушлаб олиб: «Гёте умрининг сўнгги лаҳзаларида бу билан нима демоқчи бўлган», деб баҳс юритишаркан. Бири у «инсониятга тоза ҳаво керак», демоқчи бўлган, деса, бошқаси «у башариятга ёруғлик, нур керак демоқчи» деркан. Менимча, у бор-йўғи сўнгги нафасда ҳаво етишмаганидан деразаларни очишни сўраган, холос.

Менинг «Тилла балиқча» номли шеърим билан худди шундай бўлган. Бир жойда ошхона бор эди. Биз бир ерга бориб лағмон ер эдик. Ўша жойда бир ҳовузча бўлиб, ичида иккита тилла балиқча сузиб юрарди. Мен шуни кўриб бу шеърни ёзганман. Бундан бошқа хулоса келиб чиқиб, ўша пайтда ур қалтак, сур қалтак бўлиб кетди. Нечта олим, нечта адабиётшунос ундан турли маънолар чиқарган. Албатта, бадий адабиётни тимсоллар, рамзлар, образларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энди ҳар

битта ана шундай рамзлардан турли маънолар ахтариб топиш, уни диний тушунчалар, қарашлар билан боғлаш мумкин эмас. Бу энди ўтакетган нодонлик. Шўро даврида бундай ҳолатлар жуда авж олган эди. Масалан, Навоий бобомиз бир ғазалида риёкор бир шайхни «лода шайх» деб айтади. Улар шуни ушлаб олдилар-да, бобомизни атеистга чиқариб қўйишди. Ахир, Навоий энг катта авлиё бўлса. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам ана шундай ҳолатлар учраб туради. Ўзини мулла деб билган жоҳилни бир инсон сўкиши бу динга нисбатан ҳурматсизлик эмас-ку! Худди шундай ёмон шоирни қойиш ҳам шеърятни сўкиш эмас! Ёки бир ёмон аёлни сўксак бу бутун аёлларни ҳақорат қилганга кирмайди. Шунинг учун у олимми, тадқиқотчими, аввало, асарни тушуниб таҳлил қилиши керак. Бир жойда ўхшатиш бор, бадийий образ бор. Ундан буни ахтариб топсанг, бундан уни ахтариб топсанг...

Лекин яна бир нарса ҳам борки, буни адабиётшунослик тилида параллелизм дейди. Бу сизнинг ички дунёнингизнинг ташқи дунё билан мувофиқлашуви, дунё-қарашингизнинг ташқи дунёдаги предмет билан уйғунлашуви. Масалан, ҳар қанақанги хунук нарсани онага ўхшатиб бўлмайди. Ҳатто, онасидан бутунлай кўнгли қолиб, хафа бўлиб кетганда ҳам инсон боласи бу ишни қилмайди, тўғрими? Лекин ана шу сассик ҳовуз билан дунёнинг ҳолатида қандайдир уйғунлик бўлганки, шундан бу икки нарса моҳиятан оҳангдош чиқиб қолган. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Баъзи нарсалар бор, масалан, гумонни эълон қилиш яхшиликка олиб бормайди. Яна шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, ўша ҳовуз шоирнинг ўзи ҳам билмаган ҳолда кўнглидаги ички бир кайфиятни уйғотиб юборган бўлиши мумкин. Бундай ҳолдаги вазият инсон ихтиёридан ташқарида бўлади.

— «Учинчи одам» деган бир шеърингиз бор. У ҳам халигача турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Ҳар ким ҳар хил таҳлил қилади. Кимдир учинчи одамни яхши дейди, кимдир ёмон. Кимдир, аслида,

учинчи одам ким дейди. Лекин халигача бир тўхтамга келмаган. Келинг, ўзингиздан эшитайлик, ўша учинчи одам ким?

Неъмат Гулметов,
Бўстонлиқ тумани

— Ҳа, бу шеър борасида кўп савол-жавоблар бўлиб ўтган. Унда шундай сатрлар бор:

*Инсонлар бир-бирин юрса ардоқлаб,
Ўртада восита асли зиёда.
Ҳар икки одамни тургувчи бозлаб
Учинчи Одам бор лекин дунёда.
...Ахир у эмасми, дўстни ганиму
Ғанилни дўст қилиб қўйгувчи одам.
Магар у бешафқат бошласа гулу,
Дунёга гавголар солгай чинакам.
Рўёни рост деса, миттини кабир,
Жанубни Шарқ деса, айлаб имолар.
Қуфрли дунёда оз эмас, ахир
Ушанинг измида юрган сиймолар...*

Дунёни алғов-далғов қиладиганлар ўшалар. Ёлғон-яшиқ тўқийдиган ҳам, икки давлат раҳбарининг ўртасида туриб уларни бир-бири билан уриштириб қўядиганлар ҳам, икки дўстнинг орасини бузадиганлар ҳам учинчи одам ахир. Булар ҳаётда бор. Менга сиз учинчи одам деганда кимни кўзда тутгансиз, деб кўп савол берганлар. Жавоби шеърнинг ичида бор:

*Қўлларим кўксимда, бетинч, бетоқат,
Таъзимлар қилурман сенга ушбу дам.
У — менми, У — сенми, ким бўлма,
Фақат Сенга инсоф берсин, учинчи одам!*

Лекин очиғи мен ўшалардан кўп жафо чекканман.

— Абдулла ака, мана, сиз яқиндан буён Ўзбекистон Кураш Ассоциацияси президенти сифатида ҳам фа-

олият кўрсатмоқдасиз. Бу ҳамиша эл-юртининг хизматига шай тургувчи шоиримизнинг фидойилигимиз ва ёки сизга бўлган юксак ишонч туфайли топширилган вазифами?

Мухиддин Тошмирзаев,
Тошкент шаҳри

— Албатта, бунгача ҳам мен Халқаро Кураш Ассоциациясида бош маслаҳатчи эдим. Мазкур Халқаро Кураш Ассоциациясининг фахрий Президенти Юртбошимиз ҳисобланадилар. Мамлакатимиз Президентининг бу ишга раҳбарлик қилиб турганлигининг ўзи унинг нечоғлик катта аҳамиятга эгалигини ҳамда муҳимлигини кўрсатиб турибди, деб ўйлайман. Кураш — бу бизнинг фахримиз, ифтихоримиз. Бу битта одамга эмас, бутун бир жамятга тегишлидир. Ҳар қандай ўзбек фарзанди кураш ҳақида гап кетганда, фахр билан унинг ривожини, тарғиботи учун доимо тайёр туришни ўзининг бурчи деб билиши керак. Бу — қандайдир шахснинг ёки гуруҳнинг манфаатини эмас, балки миллатнинг, давлатнинг нуфузини белгиловчи аҳамиятга эгадир. Кураш кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Курашнинг тарихи беш минг йилларга бориб тақалади. Ҳатто шундай фикрлар борки, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ислом маърифатини ёйишда курашдан фойдаланган пайтлари бўлган экан. Гарчи бугунги кунда бутун дунё микёсида оммалашиб кетган бўлса-да, дастлаб футбол ҳам қайсидир миллатга хос ўйин бўлган. Худди шундай гапни баскетбол, теннис ёки бошқа бир спорт турига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Лекин, кураш бу бизникидир. Бу қонимизга сингиб кетган. Фалон жойда кураш бўларкан деса, одамлар болабақрасигача оқиб келаверади. Ҳеч ким уларни фалон жойга боргин демайди. У минг йиллар давомида ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб кетган. Оқсоқолларимиз қадимдан энди оёққа турган, юра бошлаган ёш болаларни ҳам юзма-юз гиламга қўйиб кураш туширишган. Ёки, ҳалигача бирорта болани мактаб алқайдиган бўлсак, «полвон бўлгин», деб дуо қиламиз. Полвонларнинг пири бор,

дейлади. Шунинг учун ҳам полвонлар доимо ҳалол курашиб келадилар. Улар ҳаром-харишни, ёлғон-яшиқни ёқтирмайдилар. Ҳаётда ҳам улар мард бўлишади. Кўп полвонларга эътибор берсангиз, улар ўта содда ва самимий эканлигини кўрасиз. Муғамбирликни, риёкорликни билишмайди. Олишаётганда ҳам ҳақиқий полвоннинг кўзига соврин кўринмайди, у аввало, орият учун курашади. Кўп полвонлар олган совринларини ҳам камхарж оилаларга, бева-бечораларга улашиб беради. Мен бу ўринда ҳақиқий курашчи полвонларни назарда тутаётиман. Лекин, уларнинг орасида ҳам гарчи кураш тушиб юрган бўлса-да, полвонлик ориятини билмайдиган алдамчилари, муттаҳамлари учраб туради.

Мана, мамлакатимизда ҳар йили Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа буюк аждодларимизни хотирлаб катта кураш мусобақалари бўлиб ўтади. Халқаро миқёсда кураш бўйича қанчадан-қанча нуфузли тадбирлар бўлмоқда. Биттасини айтай, Буюк Британияда кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» ўтказилади. Бу энди биз учун жудаям фахрли. Курашимизни тарғиб қилиш, унинг жаҳон миқёсидаги мавқеини, даражасини янада кўтариш борасидаги ҳаракатга ҳаммамиз ҳам қўшилишимиз керак. Бу ўринда бир-биримизга гина-кудуратимиз бўлмаслиги лозим. Бугун Ўзбекистонда икки миллиондан ортик курашиб юрадиган полвонлар бор. Курашнинг нуфузи бу миллатимизнинг нуфузи, курашнинг обрўйи бу Ўзбекистоннинг обрўйидир.

— Абдулла ака, сиз 21 март — айни уйғониш, янгиланиш байрами — «Наврўзи олам» кириб келадиган кунда таваллуд топгансиз. Нима деб ўйлайсиз, инсоннинг туғилган куни ҳам унинг тақдирига дахлдор бўлади, дейдилар. Мен бунга ишонгим келади. Негаки, сизнинг ижодингиздан баҳор, уйғониш нафаслари келиб туради.

Мавлуда Муллабоева,
Чуст шахри, шифокор

— Албатта, инсон боласи кўпинча яхши маънода ҳар нарсадан рамз, тимсоллар қидиришга интилади. Мисол учун, Европа халқлари ўн уч ракамидан кўрқишади. Ёки Шарқда қадимдан етти раками сирли ҳисобланиб келинган. Шахсан мен бундай нарсаларга ишонмайман. Агар ҳаётга очикча, шафқатсиз назар ташлайдиган бўлсак, мен бу саволга битта жумла билан шундай деб жавоб бераман. Ҳамма кун ҳам Худонинг кунидир. Бир кун яхши, бошқаси ёмон, буниси хосиятли, буниси хосиятсиз, деган гаплар тўғри эмас. Битта ёмон кун бор. У ҳам бўлса, инсоннинг умри поёнига етган кун, бу дунёдан кўз юмган кун. Албатта, одамнинг қайси кун, қайси соатда туғилиши бу унинг ихтиёридан ташқарида содир бўлади. Энди мен бу саволни берган журналхонимизга, синглизмига, албатта, раҳмат айтаман, миннатдорчилик билдираман. Нафақат менинг, балки ҳамма шоирларнинг ижодида ҳам биринчи навбатда одамийлик, эзгулик, яхшилик одамларни покликка, ҳамжиҳатликка, меҳрмуҳаббатли бўлишга чорлаб тургувчи туйғулар байроқ бўлмас экан, бу энди адабиётга кирмайди. Адабиётнинг бош вазифаси менинг назаримда, бу инсонпарварликдир. Мен ҳам ижодимда улуғ Навоийлардан мерос бўлиб келяётган ана шу туйғулар билан яшаяпман ва ижод қилиб келяпман, деб ўйлайман.

Устоз, «Шарқ юлдузи» журнали сизнинг такдирингизда қандай ўрин тутаяди?

Журнал жамоаси

— Қадимда ота-боболаримиз даврида журналлар бўлмаган, албатта, лекин баёзлар бўлган. Энди журналлар кўп, лекин китобхон сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам, бизнинг асосий университетимиз бу — «Шарқ юлдузи» журналидир. Болалиқдан қадрдон журналимизни ўқиб улғайдик, шаклландик ва ҳозиргача ҳам «Шарқ юлдузи» журнали энг яқин ҳамроҳимиз. Менинг дастлабки шеърларим олтмишинчи йилларнинг ўрталарида раҳматли Озод домланинг «Ок йўл, Абдуллажон!» деган сўз-

бошиси билан «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган. Бир вақтлар мен ҳам бу журналда ишлаганман, поэзия бўлимини бошқарганман. Раҳматли Амиркул Пўлкан мана шу бўлимда ходим эди. Кўп яхши журнал бу. Унга қатор устоз адибларимиз муҳаррирлик қилдилар. Энди ҳозир бу журнал яна бир янги поғонага кўтарилди. Албатта, журнал мунтазам равишда чиқиб туриши керак. Негаки у ўзбек адабиётининг кўзгуси. Бу тарафда «Жаҳон адабиёти» журнали ҳам бор. Бу номи ҳам айтиб турганидек, жаҳон адабиётидан таржималар қилиб чоп этадиган журнал. «Шарқ юлдузи» — бу адабий жараёни-мизнинг минбари.

Барча насрий, шеърӣ, драматик асарлар, адабий танқид, таҳлиллар, барча-барчаси мана шу журналимизда акс этади. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтишим керакки, адабиётимизнинг энг сара дурдоналари мана шу журналда чоп этиб келинган. Шу талаб ва даражани доимо сақлаб қолиш лозим. Биз ҳаммамиз, барча ижодкорлар, илк бор оқ йўл тилаган, саҳифаларидан жой берган «Шарқ юлдузи»дан миннатдоримиз. Шу ўринда мазкур савол-жавобларимизга яқун, хулоса сифатида айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтсам.

Мен бир пайтлар олий ўқув юртларида ҳам дарс берганман. Бир аудиторияда агар элликта бола ўтирган бўлса, шундан ўнтаси ўтилаётган мавзуни диққат билан тинглаб ўтирган бўлади. Айримлари ўтилаётган мавзу моҳиятини умуман англаб етмайди. Ҳеч ким эшитмаётганда ҳам, агар битта бола тинглаб ўтирган бўлса, домла ўша талабага қараб дарс ўтади. Ўқитувчи ҳар қанча хоҳламасин, бошқаларни мажбурлай олмайди. Энди кўп учрашувларда бўламиз, ўқувчи ёшлар, талабалар дав—расида суҳбатлар ўтказамиз, шеърхонлик қиламиз. Ҳамма жойда ҳам худди юкоридаги талабалар аудиториясидаги ҳолатга ўхшаш одамларнинг савияси, дунёқараши ҳар хил бўлади. Бири кўп ўқиган, мулоҳазакор, шеърни, сўзни чуқур идрок қиладиган даражада бўлса, бошқаси, умуман, сиз айтаётган гапларни тушуниб етмаслиги ҳам мумкин. Мен бу ерда «Шарқ юлдузи» журнали орқали

менга савол йўллаган юртдошларимизни ана шу доимо ўқиб изланадиган, адабий жараёндан хабардор, зукко талабага ўхшатаман.

Албатта, китоб ўқиган, ўқийдиган одамнинг фариштаси бўлади. Улар оғзига келган ҳар қандай гапни ҳам айтавермайди. Мулоҳазакор, оқ билан корани ажрата оладиган, шеърни, китобни қадрлайдиган кишилар бўлишади. Бизнинг ҳақиқий дўстларимиз, танқидчиларимиз ана ўшалар.

Ўзбек китобхонлари — баланд савиядаги китобхонлар. Мақтанчоқликка кирмаслиги керак, мен мисол келтирмоқчиман. Яқинда Наманган вилоятининг Косонсой туманида халқ билан катта бир учрашувда бўлдим. Мен шеър ўқий бошласам ўша залнинг ярми менга жўр бўлди. Албатта, уларга ҳеч ким бу шеърни мажбурлаб ёдлаттирган эмас ёки бу давлат мадҳияси эмаски, уни фуқаролик бурчига кўра мажбуран ёд олса. Шунинг учун китобхон масаласи нозик нарса. Бу қарсақлар, олқишлар, мақтовлар... буларни кўриб келаётирмиз. Мен бундан девона ҳам бўлганим йўқ, ҳаволаниб ҳам кетганим йўқ, энди бундай ёшдан ўтдим, деб ўйлайман.

Мен ўзбек адабиётини қадрлайдиган, ўзининг шоирларини, ёзувчиларини севиб эъзозлайдиган зукко китобхонларимиз борлигидан ифтихор қиламан ва яна бир бор бизга бўлган эътибори учун уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

2005 йил декабрь

ЗУККО ҲАМКОРИМИЗ

Адабиёт газетамиз чиқа бошлаганига ҳам 50 йил тўлибди. Ўзбек адибларининг ягона газетаси бўлмиш ушбу нашр доимо ижодкорларнинг йўлдоши бўлишга интилди. Адабиётимиз тарихида сўнмас из қолдирган кўпгина асарлар дастлаб ана шу рўзномамиз саҳифаларида кўрмана килинди. Унинг саҳифаларида адабий жараёнга боғ-

лик турли баҳсу мунозаралар босилди. Давр қанчалик мураккаб бўлмасин, адолатни тайин этиш мақсадида халқ ва миллат манфаатини кўзловчи асарлар қўллаб-қувватланди.

Албатта, газета ҳам бамисоли бир шахс. Унинг ҳам бошидан не-не синовли, хуш-нохуш кунлар, не-не машаққатли лаҳзалар ўтмади. Айтган гапинг яшаб турган муҳитингга мос келса-ку, хўп-хўп, агар жиндек бундай-роқ бўлса, бошингга маломат ёққани ёққан.

Шўролар замонида Ёзувчилар уюшмаси газета муассисларидан бири ҳисоблансада, аслида уни ўша пайтдаги мафкура раҳбарлари бошқарар эди. Уларнинг ижозатисиз бирон жўяли гапни айтиб бўлмасди. Жумладан, ўз ижодимдан мисол келтирадиган бўлсам, шеърларимдаги баъзи сатрларни ўтказиб бўлмас, бу ҳолдан муҳаррир ҳам қийналар, чорасизликдан хижолат бўларди. Бошқа адибларнинг бошларидан ҳам бундай савдоларнинг ўтганига шубҳа йўқ.

Хуллас, нима бўлган тақдирда ҳам, газета бизга ҳаммиша ҳамроҳ бўлишга интилди. Ғафур Ғуломнинг кўпгина шеърлари, Ойбек асарлари (адибнинг «Нур қидириб» повести газета чоп этила бошлаган йилнинг ўзида тўлалигича босилган эди), Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Ҳабибий сингари оқсоқоллар ижоди мунтазам эълон қилиб келинди, адабиётда энди қад ростлаб келаётган Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари адиблар эса газетамизнинг фаол муаллифлари бўлишган.

Газетамиз жаҳон адабиётидаги янгиликлар билан ҳам бизни баҳоли қудрат таништириб борди. Албатта, бу нашр адабиётимиз ва маданиятимизнинг кўзгуси сифатида профессионал ижодкорларга мўлжалланган. Лекин у айни чоғда адабиётимизнинг кенг ихлосмандлари учун ҳам кизиқиб ўқиладиган нашр бўлди. Бошқа нашрларнинг тили ва услуби расмий қолипларга тушиб қолган бир даврда биз ўз газетамиз саҳифаларида она тилимизнинг табиий жилоларини кўришга иштиёқманд эдик. Тилимизга муттасил ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келганлиги учун газетамиздан миннатдор бўлишга ҳақлимиз.

Умр ўтгани сари ортда қолган ёшлик йиллари кишига жозибали туюлаверади. Лекин ижодий жараёнга, агар ёшлик илҳоми ва шижоатини ҳисобга олмаганда, ушбу ақидани қўллаб бўлмас. Ахир ижодкор оёқ-кўли занжирбанд кунларини қандай қилиб қўмсаши мумкин? Газетамиз ҳам мана шундай паст-баланд, машаққатли йўлларни босиб ўтиб, бугунги ёруғ кунларга етиб келди.

Ёзувчиларни даврнинг кўзи, қулоғи дейдилар. Бу тўғри гап. Халқнинг тили учуда турган саволу муаммоларни, дардларни одатда адиблар биринчи бўлиб ўртага ташлайдилар. Булар, масалан, тил, маданият, экология ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай мавзулар ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Газетамиз уларни ёритишда ҳозиржавоб бўлишга интилди. Баъзи мисоллар келтириб ўтайлик: Орол денгизининг қуриб бораётгани, тилимизнинг кадрсизланиб қолгани, пахта якка ҳокимлиги, зироатчиликда ишлатилаётган захри қотил моддалар зарари сингари муҳим масалаларни газета ўз вақтида айтишга журъат қилганлигини яхши биламиз.

Бундай чиқишларни у маҳаллар ҳеч ким, айниқса, юқори идоралар қарсак чалиб кутиб олган эмас. Аксинча, ёпиғлиқ қозоннинг қопқоғини нега кўтардинг деган таъна-дашномлар муттасил эшитилиб турар эди. Яшаш ва ижод қилиш виждонли ижодкор учун осон бўлмагани каби газетачиларга ҳам енгил эмасди. Газетамиз имкони борича зиёлилар шуурида мустақиллик туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришга ҳаракат қилганини эътироф этишимиз керак. Хурриятга эришганимиздан сўнг эса мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида газета ўз ҳиссасини кўшиб келаётгани ҳамма-мизнинг кўз ўнгимиздадир.

Биз агар бугунги кунимиздан туриб, ўтган давр нашрларига назар ташласак, олдимизда бир савол қўндаланг бўлади: фалон нашр ўша давр мафқурасининг фақатгина «хайбарақаллачи»си эдими ёки халққа керакли гапларни ҳам айта олганмиди? Бу жиҳатдан адибларга ҳам, уларнинг нашрларига ҳам қийин эди. Масалан, хатто биргина Москванинг ўзида Твардовский муҳаррирлик қилган

«Новий мир» журналі канчалар таъқиб қилинганини ҳозиргача эслаймиз. Масалан, менинг ўзим Твардовскийнинг журналга шеър сўраб юборган телеграммасини олганим учун керакли идоралар олдида жавоб берганман. Чунки Александр Твардовский норасмий бўлса-да, «антисовет шоир, антисовет муҳаррир» деб эълон қилинган эди. Бу мисолни мен айникса ёшларимиз билиб қўйсинлар, деб айтмоқдаман.

Газетамизга турли даврларда турли адиблар муҳаррирлик қилдилар. Уларнинг ҳар қайсисидан ўзига хос из қолди. Аслида ҳам муҳаррирга кўп нарса боғлиқ. Дадил ва жасур, диди юксак муҳаррир бошқарган жамоанинг ҳосили ҳам шубҳасиз салмоқли бўлади.

Истиклол шабадалари зиёлиларимиз бағрига, бинобарин уларнинг газетаси саҳифаларига ҳам эркинлик эркинларини ола келди. Мана 15 йилдирки «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» маънавий ҳаётимизни, маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизда кечаётган янгила ниш жараёнларини акс эттиришда фаол хизмат қилиб келаётир. Муҳтарам Президентимиз оммавий ахборот воситаларига, жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ҳам эътибор кўрсатиб келмоқдалар. Юртбошимиз яқинда «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасида бир гуруҳ ёшлар, хусусан, бўлажак журналистлар билан учрашув чоғида ҳам уларни профессионал маҳоратни эгаллаш билан бирга ҳаётни ҳар жихатдан чуқур ўрганишга алоҳида даъват этдилар.

Бугун адабиётимиз олдида нечоғли улкан вазифалар турган бўлса, улар газетамизга ҳам тўла тааллуқлидир. Замондан орқада юриш ёзувчига ҳам, унинг газетасига ҳам ярашмайди. Газетамиз саҳифаларида «Муҳаррир минбари», «Истиклол ва иқтисод», «Тарих ва тақдир», «Баҳс», «Икки фикр» сингари кўпгина рукнларни мамнуният билан таъқидлаймиз. Газета ва унинг жамоасини қутлай туриб айрим тилакларни ҳам билдиришни жоиз деб ҳисоблайман. Чоп этилаётган асарларнинг бадиий савиясига талабни ниҳоятда кучайтиришимиз шарт. Токи газетамиз муаллифлар учун олий даражадаги масъули-

ятли бир минбарга айлансин. У наинки адабиёт, маданият, балки улар дахлдор бўлган турмушнинг барча қирраларини ҳақиқий ижодкор назари билан қамраб ола билсин. Унинг сўзи ҳозиргидан ҳам залворлироқ салмоқ касб этсин.

2006 йил 5 январь

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ҚАРШИ

(Хужжатли фильмга матн)

Дедилар: — Чакнаган қайси юрт эрур
Буюк Сокибқирон сочган зиёдан?
Жавоб бердиларки: — Ҳеч сўнмас бу нур,
Таралган энг аввал Қашқадарёдан.

Дедилар: — Қайси эл бедор доимо,
Завқ олар меҳнатдан, сулув дунёдан?
Жавоб бердиларки: — Шоир, уламо,
Санъаткорлар чиққан Қашқадарёдан.

Дедилар: — Жаҳонга буюк Юртбоши
Парвоз айлаганди қайси маъводан?
Жавоб бердиларки: — Ҳурлик куёши,
Балқиди даставвал, Қашқадарёдан!
Даставвал, даставвал, Қашқадарёдан!

Бу саховатли заминни тонгданоқ бобо куёшнинг ўзи қутлайди.

Қашқадарё — ўзбекнинг қадимий воҳаси. Бу замин қанчалик суронли воқеаларни бошидан кечирган бўлмасин, шу қадарлик шонли тарихларга ҳам олтин остона бўлаолган юрт.

Қашқа воҳаси — ўзининг салоҳияти, қадим тарихи, хирмону хазиналари билан мамлакатнинг бебаҳо дурдонасидир.

Шеър:

*Мен бу чўллар қўйнида тугилиб топдим камол,
Кўҳда сардобаларда қўмилиб қолди дардим.*

Воҳада табиатнинг барча товланишларини кўриш мумкин:

Жазирама иссиқ, полазор адирлар, корли тоғлар — ҳаммаси бор.

Одамлар эса ҳамма вақт табиат билан юзма-юз яшади, курашди, меҳнатдан қўли бўшамасди...

Шўртан газ...

Мамлакатимиз қудрати ва камолини билмоқчи бўлганлар бориб Шўртанни кўрсинлар, Муборакни, Кўкдудалоқни кўрсинлар!

Юртимиз энергия бойлигининг энг катта улуши — шу заминга тегишлидир. Бу улуғ иншоотлар муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қад кўтарди ва оёққа турди. Бу корхоналарнинг технологияси, ускуна ва жиҳозлари жаҳон стандартлари даражасидадир!

Аждодларимиз хатто хаёл ҳам қилолмаган мўъжизалар юз берди. Қадим воҳада рубоб торлари янглиғ темир йўллар яралди. Буларнинг барчаси — Истиклолимиз шарофати, бунёдкорлигимиз туфайлидир.

Насаф, Қарши — дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Воҳада тарихимизни безаб келган қадимий обидалар, шаҳару кўрғонлар талай. Соҳибқирон Амир Темур хазратларининг бешиги бўлмиш Шаҳрисабзнинг ўзи бир дoston.

Қадимшунос олимлар Қарши шаҳрининг ёшени 2700 йил деб белгиладилар. У — ЮНЕСКОнинг эътирофлар дафтарида қайд этилди.

Мен Қарши атрофларида туғилиб ўсганман. Аждодларимиз қадим замонда уни Бола, Нахшаб, кейин Насаф деб аташган ва охири Қарши деган номга келиб тўхташган. Бир жиҳатга сизнинг диққатингизни тортмоқчиман: дунёдаги энг қабристонни кўп шаҳар мана шу Қарши ҳисобланади. Ўзбекистонда, Марказий Осиёда бунчалик

кабристони кўп шаҳар бошқа учрамайди. Сабаби, у уч марта қатлиом, яъни, оммавий қирғин қилинган.

Искандар Зулқарнайдан сўнг Чингизхон босқини вақтида қирғин қилинган, араб халифалиги вақтида яна бир маротаба қирғинга учраган. Қатлиом дегани етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одамларнинг қиличдан ўтказилишидир. Шаҳарнинг кўпгина қадимий ёдгорликлари ёндириб юборилган, кейин эса кам қурилган. Шаҳар стратегик жиҳатдан қулай жойда жойлашганлиги учун бу жойда доимий равишда жанглар давом этди.

Улуғ олимларимиз Рустам Сулаймонов ва бошқалар бу ерда катта қазилма ишлари олиб бордилар.

Вақт югурик. Замон чопагон.

Диёр узра қанча шамоллар эсиб ўтдилар. Дарёларда қанча сувлар оқиб кетди. Бироқ, эзгулик йўлида неки яратилган бўлса, улар завола топмади. Улар халқимиз истеъдодидан абадий нишона каби сақланиб қолди. Улуғ алломаю шоир ва бахшиларнинг садолари сўнган эмас! Қарши заминидан юзлаб Насафий зотлар яшаб ўтганлар. Насафийларнинг нафаслари бугун яна ҳам илиқрок, яна ҳам жўшқинроқ уфуриб турибди. Бироқ уларнинг барчаси ҳам эътирофга, эҳтиромга муҳтож эдилар. Биргина мисол:

Қарши шаҳридан чикқач, Ғузур йўлида «Тоҳир ва Зухра» қабрлари деб ривоят қилинган манзил бор эди. У ҳам шўро мафқурасининг тазйиқига учраган эди. Қашқадарёнинг ўша йиллардаги биринчи раҳбари Ислон Қаримов бу қутлуғ манзилгоҳга эътибор бериб, севги ва садоқат рамзига муносиб ёдгорлик қурдирди.

Шеър:

*Айтмасинлар ганимлар қимларгадир зор бу юрт,
Буюк Соҳибқирони, Алишери бор бу юрт.
Аллоҳ ўзи етқизган инъомини асрагай,
Туғросини, тахтини, Ислomini асрагай!*

Қаршидаги бунёдкорлик ишлари вилоятда Юртбошимиз биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йиллари бошланган эди.

Истиклолимиз шарофатидан қадимий Қарши ҳам муттасил баҳраманд бўлиб келаётир. Янги корхоналар, меҳмонхоналар, шифохона ва савдо марказлари, банклар бунёд этилди ва этилаётир. Вилоятда ўз телевидениеси, драматик театри, журналистлар уйи сингари масканлар жўшқин фаолият кўрсатаётир.

Дунёда шаҳар қуришдек завқлирок ва шарафлирок иш йўқ. Қарши шаҳри янғидан оёкка турди, қад ростлади, тамомила ўзгача киёфа касб этди.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз.

Қашқадарё болалари ҳам — Истиклолимизнинг безавол гулғунчаларидир. Улар учун ўнлаб коллеж, лицей, мактаблар қурилди. Эл-юрт оғирини енгил қиладиган мутахассис ёшлар, шу масканларда камол топадилар.

Соғлиғимиз — туман бойлигимиз. Шифокорлар — доимий эътиборда. Шифохоналар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Фарзандлар саломатлиги, қадди камолини кўриб кўзинг қувнайди. Мана шу йигитлар — асл соғлом, бардам ўғлонларимиздир. Булар — янги даврнинг темурийзодалари. Қарши шаҳрида Юртбошимиз ташаббуси билан нуфузли сержантлар мактаби очилган.

Спорт — бу кураш, спорт — бу кўпқари, спорт қадимдан халқимизга хос. Яқиндагина Қарши шаҳрида андозаси бекиёс спорт коллежи ва мажмуалари қурилди ва қуриляпти.

*Боболарим юрти, отам маскани,
Онамнинг муборак хоки барқарор.
Бир фарзанд мисоли қутлайман сени,
Эй оташ заминдан яралган диёр!*

2006 йил

АДАБИЁТ ВА ЗАМОН

Дунё адабиёти тарихига лоақал юзаки назар ташлаганимизда ҳам у ҳамиша кишилиқ жамияти ҳаётидаги катта ўзгариш ва эврилишларнинг акс-садоси бўлиб келганини кўрамыз. Ҳатто аксинча, адабиёт, яъни маънавий аслаҳалар ўша ўзгариш ва эврилишларни тайёрлашда қатнашгани ҳам равшан. Шу маънода бизнинг истиқлолга эришувимиз адабиётимизга икки тарафлама ёндашувлар учун имкон яратади. Биринчиси, истиқлол йўлидаги кураш ўтган асрда виждонли ҳар бир ўзбек адиби учун пинҳона бўлса-да, маънавий бурчга айланган эди. Шу оғир, муқаддас курашда не-не адиблар шаҳид кетганини ҳеч қачон унутмаймиз. Иккинчи жиҳат эса, қўлга киритилган истиқлол, мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш йўлида ижодкорларимиз бажараётган ишларнинг аҳамияти ва салмоғи хусусида.

Умуман олганда, истиқлол адабиётга, ёзувчиға нима-ларни туҳфа этди? Авваламбор, у чинакам ижод қилиш, яратиш, ҳақ сўзни, ҳақиқатни баралла айтиш эркинлигини берди. Эътибор қилинг. Шўролар даврида миллий кадриятларимиз, мозийдаги қаҳрамонларимиз қарийб қаламға олинмас, олинганда ҳам улар синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилар, кораланарди, холос. Диний эътиқод эса бутунлай манфий тушунчага айлантирилган эди. Бир ёкламалиқ, юзакичилик адибларимизни бир хил овозда, бир хил оҳангда қуйлашга ўргатиб қўйган эди. Фақат бахтни ва саодатни қуйлаш, аслида йўқ ёркин келажакни улуғлаш одат тусиға айланганди. Инсон ҳаётидаги турли изтироблар, зиддиятлар, мағлубиятлар қатағон мавзу ҳисобланар, улар асло рағбатлантирилмас эди.

Хуррият шарофати ва албатта, Юртбошимизнинг маънавиятға теран, холис муносабати туфайли адабий муҳитда ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган шарт-шароитлар яратилди. Ёзувчиларимиз, айниқса, тарихий мавзу ижодкорлари сувға ташна одам булоққа етишгани каби қониб-қониб ёза бошладилар.

Соҳибқирон Амир Темур сиймосининг қайтадан намоён бўлиши кейинги аср кенгликлари учун ҳам энг йирик воқеага айланди. Ҳар қандай одам, боринги, у зукко бўлмаган, тарихни чуқур идрок қила олмаган тақдирда ҳам Амир Темур сиймосининг юртимизга қайтиб, чинакам баҳосини олаётгани мисолида истиқлол моҳиятини англай олиши мумкин.

Тарихий мавзуда катта-кичик жанрларда кўплаб асарлар яратилди. Мен бу ўринда айниқса Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Эркин Самандар сингари ёзувчиларимизнинг эпик асарларини тилга олишни истардим.

Албатта, тарихий мавзуда асар ёзиш катта масъулият ва маънавий жавобгарликни талаб қилади. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, ёзганим тарих ҳақиқатига мос келадими, йўқми, унинг тўғри-нотўғрилигини ким текшириб ўтирибди қабилидаги таваккалчилик шаккоклик билан баробардир.

Истиқлолимиз одимлари, яъни замонавий мавзулар адабиёт учун ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бу қутлуғ мавзуда қалам тебратиш, ўлмас асарлар яратиш ёрқин истеъдоддан ташқари жуда катта фидойиликни ҳам талаб қилади.

Замонавий мавзунинг мураккаблигини адиблар кўпинча «тоғнинг маҳобати узоқдан билинади», деган мақол билан ҳаспўслашга уринадилар. Ёзувчи ҳам ўзи яшаб турган кунлар, замон ҳақида салмоқли, пойдор гап айта олиши мумкин. Бунинг учун эса адиб даврнинг бош йўналишини, «замона зайли»ни тўғри белгилай олиши керак. Шуни дадил айтишимиз мумкинки, бу соҳада ҳам самарали изланишлар бўлди ва бўлаётир. Чунончи, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Шароф Бошбеков сингари адиблар, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон, Маъруф Жалил, Муҳаммад Юсуф, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Шарифа Салимова, Қутлибека, Мирпўлат Мирзо, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Тўлан Низом, Хосият Рустамова каби шоирлар ижоди фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Барча қаламкашларимизнинг номини бирма-бир санаш имконига эга эмасман. Айтиш чоғда, адабиётимизга муттасил равишда келажаги порлоқ ёшлар кириб келаётганлигини қайд этмоқчиман.

Ёшларимизнинг истеъдодини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловлар, семинарлар, анжуманлар ўтказиб келинмоқда (Зомин, Ақчақўл семинарлари, шунингдек, Олий адабиёт курси ва ҳ.к.). Мен «Жаҳон адабиёти» журналимиз дунёга келгани ва кизгин фаолият кўрсатаётганини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Журналнинг мақомини юксакликка кўтаришда унинг ижодий жамоаси, айниқса, мархум устозимиз Озод Шарафиддиновнинг хизматлари бекиёсдир.

Жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилиш ва ўзбек адабиётини ҳам яхши таржималар орқали жаҳон аҳлига тарғиб қилиш соҳасида муайян ютуқларимиз бор. Лекин эътироф этиш керакки, адабиётимизни дунё минбарига олиб чиқишда ҳали қилинадиган ишларимиз жуда кўп.

Мен шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтишни истар эдим. Афсуски, эски давр мафқурасидан тепки еб, захага учраган онгимиз ҳанузгача замонавийликни маддоҳлик деб тушунади. Ҳолбуки замонавийлик ўзинг яшаб турган муҳитдан олаётган тоза нафас, тоза ҳаводир. Бир мисол келтирай: XI асрда, яъни бундан минг йил муқаддам яшаб ўтган улуғ шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида сиёсат, яъни мафқура, дипломатия ҳақида шундай деб ёзади:

Бу беглар қапугин сиясат безар.

Сиясат била бег элини тузар.

Эсизки сиясат юритғу керак,

Будун булганукин сиясат сузар.

Энди ҳозирги кунлардаги дунё ижтимоий фикридан ҳам мисол келтирайлик. Ҳозир ҳаёт бўлган ҳиндистонлик бир авлиё мутафаккир: «Она заминга — Ватанга муҳаббат Яратганга муҳаббатнинг ифодаси бўла олади», дейди. Кўриниб турибдики, ижодкорнинг фазилатини фақат ўз

кечинмаларигина белгиламайди. У атрофидаги дунёга, одамларга теран кўз билан бокмоғи ва у ҳақда теран фикр юритиб, умрибоқий асарлар яратишга интилмоғи лозим. Бу вазифани уддалашдаги асосий калит самимийликдир. Ижодда носамимийлик ёлғон ва қалбакиликнинг айна ўзгинаси!

Албатта, ҳар бир кимса хаёлига нима келса, шуни ёзиш ҳуқуқига эга. Лекин қўлига эндиgina қалам олган мурғак ҳаваскорнинг «мен ўлгим келаяпти, эрта-индин ўламан» кабилидаги «видолашув» шеърлар ёзиб юришига нима дейсиз? Бундай ҳол наинки танқидчини, балки бу ижодкорнинг ота-онасини ҳам ташвишга солиб кўяди.

Жаҳон адабиётида инжа, нозик туйғуларда йирик фикрларни мужассам эта олган кенг камровли, теран асарларгина яшаб қолган. Биз бу янглиғ камровни Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир каби улкан сиймолар ижодида кузатганмиз.

Демак, адабиётимизда давом эттиришга арзигулик анъаналаримиз кўп. Бундай сарчашмалар дунё адабиётида ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Биз Навоий юксак чўккиларга кўтарган дунё адабиётининг қонуний ворислари бўлганимиздан беҳад фахрланамиз. Буюк бобомизга муносиб бўлиш, барҳаёт анъаналаримизни давом эттириш хамиша муқаддас вазифамиз бўлиб қолаверади.

Истиқлол йилларида, яъни ўн беш йил мобайнида адабиётимиз бу қутлуғ вазифаларни қай даражада уддалай олди — бугунги кунда бу муҳим масала.

2006 йил

ШОИРНИНГ БАХТИ

Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам унутилмас устозимиз Абдулла Қаҳҳор даврасида бир гуруҳ ижодкорлар видео тасвирга тушганмиз. Уни ўқтин-ўқтин намойиш қилиб туришади. Бу даврада Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров сингари акаларимиз ҳам бор.

Лекин бугунги кундан туриб карасак, у ерда ҳаммамиз ёшимиз, навқиронмиз.

Шу ўринда ҳадиси шарифдан бир ўғит ёдимга тушди. Яъниким, муқаддас ҳаж сафарига йўл олган карвон Маккага кириб борганида, маккаликлар уларга пешвоз чиқиб дебдилар: «Во ажабо, сизнинг ҳаммангиз мўйсафидларсиз. Сизнинг ёшлар ҳаж қилмайдиларми?» Карвонбоши жавоб қилибди: «Аё маккалик мезбон, билингки, ҳар биримиз ҳаж иштиёқидая яшаймиз. Гап шундоқки биз йўлга чиққанмизда ёш йигитчалар эдик».

Албатта, бу улуғ ҳикмат. Ёшлиқ яхши-ку, лекин биз ҳам ўзимизни ҳали қартайган деб ҳисобламаймиз. Балки Яратганнинг инояти билан ёши улуғлар сафига киргандирмиз.

Аслида биз бугун эришиб турган хурмат ва эъзознинг сарчашмаси ўша ёшлиқ бағридан сизиб чиққан эмасми? Биз бугун қутлуғ санасини муборакбод этаётган атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ўша чашмалардан бири бўлиб, адабиётимиз, шеъримиз заминида кўз очган эди.

Шоир ўзининг илк китобини «Тонг нафаси» деб атади. Ўша йиллари адабиётимизга қадам кўйган ёш ижодкорларнинг деярли кўпчилигига ҳақиқатан ҳам субҳидам нафаси хос эди. Хайриддин Салоҳ, Теша Сайдалиев, Ҳусниддин Шарипов сингари шоирларимизнинг илк қадамларидаёқ янгича руҳ баралла кўзга ташланарди. Гоҳида масаланинг моҳиятига юзаки назар ташлайдиган айрим ҳозир у нозир «шунос»лар таваккал хулосалар ҳам чиқариб юборавради. Уларнинг хулосасига таянсангиз гўё биздан аввалги йилларда асл шеърят бўлмагандек. Асло бундай эмас. Асл шеърят мавжуд эди. Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек шеърятни бор эди. Фақатгина уларнинг номи катагон этилган, шеърлари тақиқланган эди. Кейинги даврларда ҳам Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Миртемир сингари шоирларимиз ижодида чинакам шеърятнинг марварид доналари кўзга ташланиб турди. Умуман олганда эса, адабий

мухит гипноз қилинган каби ғоябозлик тумани ичра карахт ҳолга тушганди. Шундай шароитда хира туман орасида ўлмас шеърятимиз яна ўз жилвасини кўргазиб нур тарата бошлади.

Бу ҳолатни олтмишинчи йиллар янги шеърятининг ўзига хос манзараси десак бўлади. Асл шеърятни соғинган мухлислар энди Эркин Воҳидовнинг шеърларини ҳам узоқ ташналиқдан кейин булоққа дуч келгани каби қувонч билан кутиб олдилар.

Биз ўтган мафкура даврларида адабиётни, жумладан шеърятни фақат ғоявий мазмунига қарабгина баҳолашга ўрганиб қолгандик. Бадиийлик эса иккинчи даражали, «санъат санъат учун» деб қараларди. Шеърларимизда тракторнинг гулдурос овози эшитилса бас эди. Тракторчи билан эса ҳеч қимнинг иши йўқ. Шундоқ мухитда Эркин Воҳидовнинг масъум, самимий, тоза сатрлари барчамизга ғоятда ҳуш ёқди. Мана бу сатрларга эътибор қилинг:

*Ғарчи шунча мағрур бўлса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундоқ экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Қамтарин бўл ҳатто бир нафас,
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунингчун
Ўпар доим пешонасидан.*

Шеърятимиз энди ўзининг асл муддаосига қайтадан етишгандек бўлди. Бугун етмиш ёшга тўлган муҳтарам шоиримиз бутун ҳаёти давомида мана шу муқаддас таомилга содиқ қолди ва ҳозир ҳам шундай. Эркин ака адабиётимизни чинакамига бойитиб турган юзлаб шеър дostonлар, ғазаллар, драматик асарлар яратди. Гётенинг «Фауст»идек беназир асарни, Сергей Есениннинг латиф шеърларини она тилимизга маҳорат билан ўгирди. Бу дилбар ижод бизнинг барчамизга ғоятда қадрдон бўлиб қолган.

Мехнат, албатта, улуғ жараён ҳисобланади. Лекин мехнатнинг натижаси; яъни ҳосили бир-биридан албатта фарк қилади. Биз дунёда ҳар бир нарсани мукамал кўришни хоҳлаймиз. Бундан шеърият ҳам мустасно эмас. Эркин Воҳидов ижодида ана шу мукамалликнинг муаттар нафаси бор. Унда Фарғонанинг фусункорлиги, Тошкентнинг таровати, юртимиз меҳри уфуриб туради. Она тилимизнинг жозибаси, халқимизга хос нуқтадонлик бу ижоднинг кўркидир.

Бобур Мирзо тақдир шикваларидан шикоят қилиб «кўнгли тилаган муродиға етса киши» деб ёзган эди. Дарҳақиқат инсон боласи учун ўз қадрини топишдан буюк бахт йўқ. Шунингдек, Ватанини, халқини бахтини кўришдан ортиқроқ саодат ҳам мавжуд эмас. Шукрлар бўлсинки, мана шу неъматлар шоиримизга ҳам насиб этди.

Муҳтарам Юртбошимиз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидаёқ маънавиятимизга, адабиётимизга мадад қўлларини чўзди. Ўзининг улуғ қарвонида адабиётимизни ҳам энг қадрли ва ишончли йўлдош деб билди. Президентимизнинг бугунги қутлови, юксак унвонлар, мартабаларимиз ҳам бунинг исботи бўла олади. Мана шу улуғ қарвон сафида ҳеч бир оғишмай, миллатимиз, Ватанимиз истиқболи учун катта ҳақиқатларни ўйлаб, дарёдек тирикчилик қилиб яшашимиз шарт. Биз меҳрибон халқимиз олдида тоабат қарздормиз.

Мен бир вақтлар Эркин акага бағишлаб бир шеър битган эдим. Шуни келтираман:

*Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.*

*Жами тирикликка таниш бу хатар,
Қумурсқа яралган ёппа таларга.
Дустим, алам қилар арслон беҳабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.*

Хайриятки, у даврлар ўтди, кумурсқаларга ем бўлмадик. Биз энди муродимизга етишдик.

Ана шу улуғ бахт сизу бизга, адабиётимизга муборак бўлсин!

2006 йил 28 декабрь

ҲАМ ҲОКИСОР, ҲАМ ҒУРУРЛИ ЭДИ

Аттанг, сафимиздан яна бир ижодкор кетди. Ҳар бир каламкашнинг ўзига яраша ихлосманди, мухлиси бўлган. Бу ихлос шоирнинг эгаллаб турган вазифасига эмас, авваламбор, унинг истеъдодига, салохиятига боғлиқ бўлади.

Биз тенгилар адабиёт майдонида, жумладан устоз Миртемир атрофида ғимирлашиб юрганимизда домла-мизнинг халифаси сифатида аввало Азиз Абдураззоққа мурожаат қилар эдик. Азиз ака ниҳоятда тўғрисиўз ва айни чоғда самимий инсон эди. У ўз гапидан қайтмас ва ҳеч қачон икки хил гапирмас эди. Бу шоирнинг бошидан ҳам ҳаёт қуюнлари кўп айланди. Соддалиги ва ишонувчанлиги туфайли арзимас, ўткинчи ғавғоларга ҳам гирифтор бўлганди. Лекин Азиз Абдураззоқ жуссаси кичик бўлса ҳам қаноатли ва иймонли одам сифатида қийинчиликларни гўё улар бўлмагани каби қабул қила олди.

Шоир ўзига хос оҳангда соз чалди, ўзига мос бўлган ям-яшил чиройлик шеърят сўкмоғидан ўтди, яхши из колдирди. Азиз Абдураззоқ жаҳон шеърятини теран тушунадиган ижодкор эди. У каттаю кичикка бирдек маъкул бўла олган шеърлар ёзди. Ўзига ажиб қиёфадош Михаил Светловдек шоирлар билан мулоқотда бўлди. Олис-олис диёрларнинг шеърят чечакларини она тилимизга маҳорат билан ўгирди. Айниқса, унинг жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга бўлган *Лонфеллонинг «Гаяватта қўшиғи» таржимаси диққатга сазовордир*. Мен ўзим Азиз Абдураззоқнинг, жумладан, Тарас Шевченкодан қилган таржималарини ўқиб, ёд олиб улғайганман.

Афсуски, бу қаноатли, дидли шоирга шахсий ҳаёт неъматлари баъзан насиб этмади. Ушбу хотираларни ёзишдан мурод шулки, вужудини осмон қадар кериб юрганлардан кўра, ёлғизоёқ йўлда кетаётган шеърятнинг бу фидойиси кўзимга негадир илоҳийдек бўлиб кўрилади.

Охирати обод бўлсин.

2007 йил 4 январь

НАВОЙНИ АНГЛАШ

Буюк бобомиз ижоди, дарҳақиқат, улкан бир уммондир ёхуд дунёнинг энг ранг-баранг ва беназир хазинасидир. Кимки ниманики ахтарса, ушбу хазинадан албатта топғусидир.

Жумладан, барча навоийшунослар неча замонлардан буён бу улуғ меросни ўрганиб, тадқиқ этиб, ундан шоён баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Айтиш керакки, ҳаётнинг исталган жабҳасига тегишли чақмоқ фикрлар, гўзал ташбеҳлар бу хазинада ҳайратомуз даражада серобдир. Айрим мисоллар келтирайлик. Мана шоир беҳини (мева) таърифлаётир:

*Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариг чеҳрам,
Момуг ичра беҳини чирмогон янглиг киши андо.*

Яъниким, пахта — момикка сарик беҳи ўраб қўйилган каби оппоқ сочим оғушида сарик чеҳрамдир.

Ёхуд шоир фалакиёт — астрономиядан иқтибос келтиради:

*Маҳжабинлардин сияҳдиллик, не тонгким, ойнинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўринур зоҳир оқ.*

Шоир бундан беш юз йиллар муқаддам ой тупроғининг аслини аниқ тасвирлаган.

Энди бир мисол тиббиётга доир. Қарангки, шоир бир ғазалида сарик касалининг барча белгиларини бошдан-

оёқ санаб ўтади ва охирида дейди:

*Дард туфроғқа ниҳон қилди Навоий жисмини,
Топибон бир шуша олтин, дафн қилгандек гадо.*

Шоир ўз жисмини бир шиша сариқ олтинга менгзамокда.

Навоийнинг яна бир байтига эътибор қилайлик. Бу ерда гап вахдат майи устида эмас, балки мавжуд турмушнинг аниқ ҳолатлари ҳақида бораётир:

*Эй муганнийлар, Навоий маст эди — кеч уйғонур,
Они уйғотмасққа бир дилкаш тараннум айлангиз.*

Қуйидаги мисолда ҳам ҳаёт детали шашлик — шишлик тарзида ифода этилмокда:

*Гарчи ишқ ўтида кунглумни ўқунгга шишладинг,
Гарм бўлмаким, ҳануз не сих куймиш, не кабоб.*

Мана бу ўринда эса Навоий ўзининг қайси қавмга мансублигини таъкидламокда. Бу ҳам қизиққан ҳар бир одам учун ахборот манбаи бўла олади:

*Шоҳу тожу хилъатиким, мен томоша қилгали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.*

Кўриниб турибдики, устознинг муборак назари тушмаган бирор соҳа йўқ. Хўш, унинг қалби-чи? Шоирнинг қалбида қандай ғалаёнлар юз бермокда эди? Унинг юраги нималардан изтироб чекмокда эди? Ҳасрати ва армонлари нималардан иборат эди?

Биз юқорида келтирган шеърини мисраларни балким ҳар қандай мутахассис илмий-бадиий жиҳатдан тўғри шарҳлаб бера олар, Лекин Навоий ҳасратию армонини ким шарҳлай олади?

Аввало, Навоий ижодининг асл манбаида инсон турадик, у гоҳ шоҳ, гоҳ гадо, гоҳ ошиқ, гоҳ ринд. Лекин Навоий инсонни қанчалик улуғламасин, унинг норасо-

лигидан ҳам шу қадар шикоят қилади, ҳатто фарёд чекади:

*Чу билмай элга вафо айладим — жафо кўрдим,
Не суд энди агарчи нечаким пушаймонмен.*

Ёки:

*Дўстлар, басдур мазорумга маломат тошлари,
Чекмангиз меҳнат кўярга қабри вайронимга тош.*

Хўш, буюк шоирнинг кўнглини бу қадар ўкситган сабаб недур? Навоий буни ҳам очиқ-ойдин айтади:

*Турфа, кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буқим, биравга ёқмади бир хизматим.*

Яъни, жайдари тилда айтсак, шоир гўё, кўчкорни бердинг-у, бироқ арконини бермадинг деб маломат қиладиганларни назарда тутгандек.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам инсон боласи яхшиликдан фойдаланишга ғоят уста, лекин уни кадрлашга ҳар доим ҳам кодир бўлавермайди. Афсуски, инсон болаларини олий туйғулар эмас, кўпинча нафс бошқариб келган. Ёвузлик унга доимий ҳамроҳ бўлган. Навоийнинг ҳасратлари айнан мана шулар эмасми?! У муттасил равишда инсон комиллигини орзу қилаётир-ку. Наинки орзу қилаётир, балки унинг ижобати учун курашмоқда-ку!

Бироқ шоир армонлари ушалмаса ҳам инсон қавмига ҳаргиз этак силқимади. Аксинча, уни тўғри йўлга даъват қилди.

*Бўлма дунё дўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.*

Ҳазратнинг теран фалсафаси ҳам шу эди. Биз авваламбор шоирнинг қалбига, чексиз ҳасратларига кулоқ тутишимиз, уни англашимиз зарур.

Бобомизнинг таваллуд куни — наинки тенгсиз ифтихор куни, балки биз учун улуғ уммондан яна бир қарра баҳра олмоқ имкони ҳамдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг

авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султони-дир».

2007 йил 8 февраль

ЎЛМАС ИЖОД

Хаётлигидаёқ умумхалқ эхтиромига сазовор бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг номи, хотираси истиклолимиз шарофати билан янада баландроқ мақомларда шарафланмоқда. Ёзувчининг юз йиллигини ўтказиш юзасидан Президентимиз фармони эълон қилинди, шу муносабат билан мамлакатимизда кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Адибнинг сайланмаси, у ҳақдаги хотиралар китоби нашр этилди. Хужжатли фильм тайёрланди, почта маркалари чиқарилди, уй-музейи тубдан таъмирланди. Мамлакатимизда қаҳҳорхонлик анжуманлари ўтказилди ва ўтказилаётир. Улуғ адибнинг ўлмас ижоди кадрланиб, унга «Буюк хизматлари учун» ордени берилган. Алишер Навоий номидаги Миллий боғимизда устознинг кўркам ҳайкали очилди. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия опамизга ҳайкал ўрнатиш ҳақидаги Президентимиз қарорини катта мамнуният билан айтиб ўтамыз.

Адабиётимизга кўрсатилаётган ушбу юксак ҳурмат ва эхтиром учун мухтарам Президентимизга, ҳукумати-мизга чуқур миннатдорлигимизни изҳор этамыз.

Абдулла Қаҳҳор мураккаб бир даврда ижод қилиб, наинки, миллий адабиётимиз, балки жаҳон адабий жа-раёнида ҳам ўчмас из қолдира олган забардаст сўз санъаткоридир. Абдулла Қаҳҳор деганда кўз олдимизда адолату инсоф химояси учун муттасил курашган зотнинг ўлмас сиймоси намоён бўлади.

Мустабид тузум миллатимизни оёқости қила бошлаган илк даврлардаёқ Абдулла Қаҳҳор Ваган ва халқ тақдири ҳақида фикр юрита оладиган зиёлилар образини яратишга ҳаракат қилди. Адибнинг бутун ижоди халқи-

миз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзувчи воқеликка ўткир сатира ҳамда теран изтиробни уйғунлаштирган ҳолда муносабат билдирди. Адолатсизликни кўравериб дийдаси қотиб кетган, эртанги кунидан тамомила умидини узган, ҳатто инсоний ғурури йўқолаёзган кишиларнинг бадий кифаларини яратди. Хўкизи ўғирланган Қобил бобо, бошқоронғи аёлига анор топиб беролмаган чорасиз Туробжон, «Бемор»даги тунлари «Худоё аямди дайдига даво бейгин» деб зорланувчи норасида гўдак, тепасидан ошириб ўқ узса ҳам, ҳатто кўзини пирпиратмайдиган Бабарни эслайлик. Уларнинг барчаси Қаҳҳор яратган бетакрор характерлардир.

Дунё адабиётида эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат барча учун баб-баробар абадий мавзулардир. Донолик қанчалик бардавом бўлмасин, афсуски, нодонлик ҳам шунчалик яшовчандир, Шу маънода Абдулла Қаҳҳор тасвирлаган эзгу орзулар қаторида нуксону иллатлар ҳам ҳар қайда ҳар қачон топилиши мумкин. Мана адиб қаҳрамонларидан бири — адабиёт муаллими. У бориб турган нодон, чаласавод, лекин ўзини ниҳоятда билимдон ҳисоблайди. Сигиридан аччиқланганда — бу сигир эмас, хайвон, деб қўяди.

Драматург Абдулла Қаҳҳор пьесаларида ниҳоятда долзарб муаммоларни кўтарди. Айниқса, «Тобутдан товуш» асарида асло илдизи қуримайдиган порахўрликни аёвсиз фош қилди. Ўша кифалар, афсуски, ҳозир ҳам учраб туради. Балки у нусхалар бугунги кунда экстрасенсга айланиб, спорт формасини кийиб олган бўлишлари ҳам мумкин.

Ёзувчининг ўткир публицистик мақолалари момогулдурак сингари акс-садо бериб турарди, адибнинг, жумладан, ифвогарлар ҳақидаги аёвсиз чиқишлари ўз аҳамиятини асло йўқотган эмас.

Абдулла Қаҳҳор улкан таржимон ҳам эди. У жаҳон адабиётининг шоҳ асарларини ўзбек тилига ўгирди. Бу ўринда адибнинг фидойи рафиқаси Кибриё опамизнинг хизматларини миннатдорлик билан эслаймиз.

Тилимиз софлиги учун бошқа бирор адиб Абдулла Қаххорчалик изчил курашмаган, десак тўғри бўлади. Айникса, шу жабҳада биз бугун ҳам Абдулла Қаххорга ғоятда муҳтожмиз.

Абдулла Қаххор адабиётимиз келажаги ҳақида ҳаммиша қайғурадди. Бирор жойда йилт этган истеъдод кўринса, уни топиб, албатта, қўллаб-қувватлар эди. Домламизнинг «Ёшлар билан суҳбат» китоби нашр этилганда у зот қанчалик маломатга қолганини изтироб билан эслаймиз. Абдулла Қаххорнинг назари тушган шогирдлар эндиликда ўзлари ҳам устозлик мақомига етишдилар. Мени тўғри тушунишларингизни сўрайман, бугунги адабиётимиздаги олти қаҳрамоннинг нақ бештаси Абдулла Қаххорнинг тўғридан-тўғри шогирдларидир.

Абдулла Қаххорнинг ҳақгўйлиги, тўғрисузлиги ўша давр мафкураси қуюшқонига сиғмасди. Бундай вазиятдан жуда унумли фойдаланган ночору нотавон ҳасадгўй кимсалар адибнинг кўзини очирмадилар, уни муттасил ёлғизлатишга уриндилар ва улар мақсадларига бир қадар эришдилар ҳам. Бирок Абдулла Қаххор умрининг охириги дамларигача руҳан енгилмасдан яшади. Адибимиз ўзининг ҳақлигини теран англади эди. Устознинг ўлими олдидан ёзувчи Шухратга айтган мана бу гаплари унинг ҳаётини шиори нақадар қатъий ва холис бўлганини тасдиқлаб турибди: «Одамлар мени душмани кўп деб ўйлайди. Ваҳоланки, менинг душманим йўқ. Мен ҳеч кимга душманлик қилган эмасман. Мабодо бирор одамга қаттиқ гапирган ёки у ҳақда ёзган бўлсам, жоним ачиганидан, ўша одамнинг талантсизлиги ёки ёмон асар ёзгани учун шундай қилганман».

Ҳа, инсоний қомиллик мана шундай мардлик ва тангликни ҳам талаб қиларкан.

Абдулла Қаххор умр бўйи халқимизнинг бахти ва етуқлиги учун курашди. Бугун миннатдор халқимиз ўз улуғ фарзандини бошига кўтариб, эъзозлаб турибди. Бу ҳол эса табиий ва қонунийдир.

2007 йил 17 сентябрь

УЛУҒ ПИРГА ЎХШАЙДИ ВАТАН!

Мана, янги йилимиз ҳам эшик қоқиб келмоқда. Бу кутлуғ дамларда ҳар кимнинг ҳаёлидан турфа ўйлар кечиши табиийдир. Чунончи, ёшлар бир қарра улғайдим дея қувонадилар, тунги соат ўн иккени интиқлик билан кутадилар.

Хўш, қариялар-чи? Уларнинг ўйдан нималар ўтиши мумкин? Бирмунча эртароқ бўлса ҳам, ўзимдан қиёс қилиб дейишим мумкинки, ёши улуғлар шу кунга соғомон етиб келганлари учун шукрона айтадилар. Умримга яна умр қўшилди, дея неварачевараларининг қамолига боқиб, уларни дуо қиладилар.

Агар, қириб келаётган янги йилга қаттақон халқ, миллат кўзи билан назар ташласак, қандай фикр ва мушоҳадалар юритган бўлур эдик? Авваламбор, ўтиб бораётган йилимиздан миннатдорлигимизни баён этардик. Мустақил ва озод Ўзбекистонимиз яна бир ёш улғайиб, ўзининг навқирон ўн олти йиллигини нишонлади. Юртбошимиз айтганларидек, мустақиллик тенгдошлари паспорт олиб росмана фуқарога айландилар, ўша даврда мактабни битирганлар эса ўттизни қоралаб, азамат инсонлар сафидан ўрин олдилар.

Ўтган йил мобайнида республикамиз ҳаётида юз берган бунёдкорлик ишларини-ку санаб адоғига етиб бўлмас. Булар: ғаллаю пахта хирмонларимиз юксалгани, зироатчиликда ислохотларнинг мустақкам илдиз отгани, саноат ва қурилишда мамлакат белига қувват бўладиган янги иншоотлар барпо этилгани ва бошқалардир.

Биргина йўлсозлик соҳасини олиб қарасангиз, аср воқеасига арзигулик ишлар рўёбга чиққанининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, лофчи бахшиларнинг тушига ҳам қирмайдиган мўъжиза Дехқонобод ва Бойсун тоғларида юз берди. Алпомишнинг Бойчибори ҳам юришга қийналадиган юксак қоя ва адирлар бағридан темир йўл ўтди. Тўрт-беш йил аввал Қизилқум саҳросини кесиб ўтган Учқудук – Мискин – Нукус янги темир йўли қаторига Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон йўли ҳам қўшилди.

Бу йўллар теграсида қанчадан-қанча турар жойлар, мактаб ва коллежлар қад кўтариб, янги конлар баробарида юз минглаб одамлар учун иш жойлари ҳам очилмоқдаки, улар бекиёс зафар ва улкан имконият белгисидир. Куни кеча «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясидан менга кўнғирок қилишиб, Қашкадарё воҳасига қатновчи тезюар «Насаф» поезди ҳаракатининг йўлга қўйилиши муносабати билан сафарга таклиф этишди. Бу эса, ўтаётган йилимизнинг энг сўнгги янгиликларидан бири бўлиб, у ҳам Самарқанд ва Бухорога қатнаётган тезюар поездлар рўйхатидан жой олди. Хуллас, мамлакатимиз микёсида юз бераётган бундай янгиликларни марок билан санайвериш мумкин. Ҳар бир йилимизни эзгу ниётларга йўналтириб номлаш қутлуғ анъанага айланди. Кириб келаётган 2008 йилни Юртбошимиз «Ёшлар йили» деб эълон қилдилар. Дарҳақиқат, ёшларимиз биз қураётган улуғ иморатнинг янада юксалишига ҳисса қўша оладиган салоҳиятга етишиб бормоқдалар. Биз уларни кўзимиз қораси деганмиз, киприкларимиз деганмиз. Бу ғамхўрлик айнан ёш ижодкорларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Бундан буён ҳам миллатимиз шаъни-шарафини ҳимоя қилиш, шавкатига шавкат қўшиш биринчи даражали вазифамиздирким, бу масъулиятни энди ёшларимиз ҳам тўла ҳис қилгайлар.

Маънавият, маданият, адабиётимиз жабҳасида эришган натижаларимиз эса ҳамманинг кўз ўнгида. Гарчанд, талабларимизни тўла қондира олмаса-да, адабий-маданий ҳаётимизда ҳам кўзга ташланарли силжишлар бўлди. Романлар, қиссалар, драмалар, шеърӣ тизмалар, кино, мусиқа, тасвирий санъат асарлари яратилди. Уларнинг нафаси хорижлик ихлосмандларга ҳам бориб етаётир.

Ижод соҳаси, албатта, доимий ғамхўрликни, образли қилиб айтганда, ширин сўзни талаб қиладиган бирмунча нозик соҳадир. Моддий рағбат ҳамиша ва ҳар қачон, ҳамма даврда ижодкорга қанот бағишлаган. Президентимиз қарори билан давлат томонидан тақдирланган

фахрий унвон соҳибларига тўланадиган ойлик ҳақ микдорининг бир неча баробар оширилгани ижодкорларимизни гоятда мамнун этди.

Бу ютуқлар, имкону имтиёзларнинг ҳаммасини яхлит ҳолда тасаввур этсак, уларнинг юзага чиқишида юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги бош омил эканлигига яна бир бора амин бўламиз.

Ҳар қандай воқеалар силсиласининг ҳам худди тоғ тизмаларидаги каби юксак ва маҳобатли чўққилари бўлади. Мана шу мақомдаги воқеаларнинг энг муҳими, шубҳасиз, Президент сайлови бўлди. Сайловимизнинг тўла маънода демократик тамойиллар асосида ўтгани танлаган йўлимизнинг тўғрилигини жаҳон миқёсида тағин намойиш этди.

Халқимиз бисотида доно ва ибратли ақидаю ўғитлар кўп: ҳар бир юртнинг ўз эгаси бўлсин, иморат меъморсиз тикланмас. Дарҳақиқат, у ёки бу хонадоннинг пасту баландини уни тузган соҳибидан кўра яхшироқ биладиган киши бўлмайди-ку?! Шу маънода мамлакат ҳам улкан бир хонадон десак, унинг иқболлини бундан ўн олти йил муқаддам хуррият байроғини дадил кўтарган Юртбошимиз белгилаб берган эди. Ҳар биримиз ва умуман олганда жами халқимиз Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чин дилдан тайёр эди. Ва шундай бўлди ҳам. Сайлов катта ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ўтди.

Кириб келаётган янги йил эшик коқмоқда. Ҳаммамизнинг ундан умидларимиз каттадир. Ватанимиз тинч, дастурхонимиз янада тўкин бўлғай! Куни кеча ўспирин бўлган ёшларимиз қаватимизга кириб, елкадош ва сафдошлар даражасига етишгайлар. Муҳтарам қарияларимиз эса ҳамиша дуода бўлгайлар.

2007 йил 27 декабрь

РУҲИЯТ ПАҲЛАВОНИ

Кишилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кун одамларини гоҳо ажаблантирадиган ёхуд чексиз ҳайратга соладиган воқеа ва ҳодисаларга, ҳолатларга дуч келамиз. Жумладан, ўрта асрларда коинотнинг маркази Ер эмас, Қуёш дегани учун Жордано Бруно ўтда ёқилган. Бугунги одамлар назарида ушбу ҳол ажабланарли даражадаги трагикомедияга ўхшайди.

Ҳайратланарли жиҳатлардан бири шундаки, беш юз ёки минг йиллар муқаддам улуғ зотлар яратган маънавий ва руҳоний бойликлар қаршисида биз ўзимизни гоҳо ёш бола сингари ожиз сезамиз. Бундай пайт наҳот келажак ўтмишда қолган бўлса деган хаёлларга боради киши. Алишер Навоий сиймоси асрлар силсиласида қўл етмас чўкки каби абадий яркираб тургувчи, доимо ўзига чорлагувчи, мафтун этгувчи ниҳоятда ноёб ва шарафли зотлар каторида туради. Орадани ўтган бир неча асрлар барча халқлар ҳаётида, турмуш тарзида, маданиятида, айниқса тилида муайян ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бу эса ўтмиш адабиётини кейинги авлодлар ўқиб тушунишида, истифода этишида табиий равишда қийинчиликлар ҳам туғдирди.

Ушбу манзарани Гомер ёхуд Данте ижодий меросига муносабатда ҳам кузатиш мумкин. Айни чоғда ўтган зотлар тафаккурининг ўз даври, дунёқараши, сиёсати, илмий-диний муҳити билан бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Булардан ташқари ижодда услубий ўзига хослик, ифоданинг содда ёки мураккаблиги сингари жиҳатлар ҳам мавжудки, бу ҳол ҳар бир калам соҳибида ўзгача суратда учрайди. Ушбу мушоҳадаларни биз Алишер Навоийни тушуниш осонми ёки қийинми каби мулоҳазалар муносабати билан баён қилмоқдамиз. Шубҳасиз, Навоий ижодини ўқиб, тушуна олиш ҳиссий малака, билим, дид ва савияни талаб қилади. Айни пайтда бобомиз бисотида кўплаб гўзал ҳикоятлар, теран рубоийлар, китъаю

фардлар, туюқлар борки, улар худди бугун, ҳозиргина ёзилганга ўхшайди. Улар мўъжаз бўлсалар-да, мазмунан қатрада акс этган куёш кабидирлар. Навоийнинг бу кичик жанрдаги асарлари алоҳида катта-катта тадқиқотларни кутиб турибди.

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.*

* * *

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз!*

* * *

*Сўздирки нишон берур ўликка жондин,
Сўздирки берур жонга хабар Жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

* * *

*Кўз била қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз била сўзинг яхши, дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёгинг яхши.*

Албатта ушбу жавоҳирларнинг соддалигини асло жўнлик деб қараш мумкин эмас. Шунингдек, ушбу сатрлардан шоирнинг хаёлига ҳам келмаган бошқа маъноларни излайвериш ҳам ножоиздир. Албатта, Навоийдек руҳият паҳлавонининг чексиз кўламини бор бутунича камраб олиш, англаш, замирига етиш ҳар банданинг қўлидан келадиган иш эмас. Чунончи, «Лисон-ут-тайр» сингари асарларда ниҳоятда теран мажозий маънолар яширинганки, уларни англай билиш китобхоннинг ўзини ҳам жуда юксақларга кўтариб юборади.

Алишер Навоий ижодида энг улуг, энг серкирра, энг теран тафаккур, фасоҳат ҳамда бетакрор шеърӣ санъат мужассамдир. Айниқса, ҳазратнинг ғазалларидаги юксак бадииятни хис қила билиш чексиз ихлос баробарида тоза хаёл, қунт ва зукколикни ҳам талаб қилади. Авлодлар учун бу эзгу машаққатларни зиммасига олиб, тадқиқ ва таҳлил этаётган навоийшунос олимлар ҳамда шоир ғазалларини шарҳлашга ҳаракат қилаётган билимдонларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш зарур. Улуг шоир ижодининг теранлигидан келиб чиқиб, унинг асарларини бошқа тилга таржима қилиш нақадар мушкул эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳатто ушбу бисотда бошқа тилга умуман ўгириш мумкин бўлмаган ташбехлар, истиоралар борлигини унутмаслик зарур. Шу маънода таржимон Навоий байтларининг маъноларини етказиб беролса ҳам катта гапдир. Яқинда бобомиз ғазалларидан намуналар фаранги тилига ўгирилиб Францияда нашр этилди. Биз бу каби саъй-ҳаракатларни астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Улуг бобокалонимиз таваллуд кунини нишонлар эканмиз, муҳтарам Юртбошимизнинг бу зоти шариф ҳақида айтган сўзлари яна бир қарра хаёлимиздан ўтади:

Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуг меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятини юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

2008 йил 7 февраль

НОНИМИЗ — ШОНИМИЗ

Ғаллакорларимиз элимизнинг ризқ-насибаси бўлмиш дон тайёрлаш режасини адо этганлари ҳақидаги хушхабардан қувонмаган одам йўқ. Ахир биз қувонмай, ким қувонсин — юртимиз дастурхони янада тўкин, халкимиз ҳаёти янада фаровон бўлмоқда-ку!

Ижод аҳли халқнинг тили ва дилини ифода этишга бурчли экан, машаққатли, фидокорона меҳнат эвазига эришилган бундай ғалабадан, албатта, катта илҳом олажак. Хирмонларга тоғдек бўлиб уйилган олти миллион тоннадан зиёд ғалламизнинг қандай бунёд бўлгани ҳақида ўйлаганда, энг аввало, заҳматқаш деҳқон сиймоси кўз олдимизга келади. Мамлакат бўйича ҳар гектар ғаллазордан ўртача салкам эллик центнердан дон етиштирилибди. Бу айтишга осон. Унинг замирида деҳқон ва фермерларнинг накадар катта меҳнати, изланиши ётганини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу йил қишимиз қанчалик қаҳратон совуқли бўлгани, не-не мевали дов-дарахтларни изғирин уриб, ҳосил баракасини учириб кетганини айтмай бўлмайди. Баҳорнинг қуруқ келиб, сувнинг танқис бўлгани-чи! Умуман, қачон об-ҳаво ва иқлим деҳқон учун қулай келган? Бирор йил йўқки, табиат ўз инжиқликлари билан бободехқон азму шижоатию унинг юртига, Ватанига бўлган фидойилигини синовдан ўтказмаган бўлсин.

Бободехқон учун нон-туз қанчалик азиз бўлса, бу неъматларни етиштиришда сувнинг ҳам киммати бекиёс. Сув ҳам шу қадар азиздир. Оби-ҳаёт масаласи бугун эмас, бундан беш-олти аср муқаддам Навоий бобомиз даврида ҳам ўткир муаммо эди. Ҳазрат Алишер Навоий бу масалани теран илғаганлар.

Шу сабабли «Фарҳод ва Ширин» достонида гўзал маъшуқа томонидан Фарҳод олдиға қўйилган шартлардан бири ҳам баланд тоғни ёриб сув келтириш эди. Эҳтимол, Европа адабиёти мухлислари, Европа гўзаллари Фарҳоддек мард йигит олдиға бошқача шарт қўйган, ма-

салан, айтайлик, тошқинни тўхтат, ер-жойимизни сув босиш балосидан кутқар, деган бўлур эдилар.

Шу маънода мени бугун Ўзбекистон зироатчилигида оби-ҳаётни тежаб ишлатиш имконини берадиган усуллар, хусусан, экинларни томчилатиб суғориш технологияси кадр топаётгани, ҳукуматимиз топшириғи билан бир қатор илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари шу ишга жалб этилаётгани ҳам беҳад қувонтиради.

Ғаллачиликни янада раванқ топтиришнинг муҳим жиҳатларини Юртбошимиз яқинда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, ғаллакор фермерлар билан мулоқотлари чоғи ниҳоятда аниқ қилиб айтдилар. Бу ҳар бир минтақанинг ўз ер-суви, об-ҳавоси, туپроқ шароитларига мос бўлган ҳосилдор ва тезпишар ғалла навларини яратиш масаласи. Бу борада тажрибакор деҳқонлар ва олимларимиз олиб бораётган ишларнинг баракаси мамлакатда ғалла ҳосилдорлигининг йил сайин ошиб бораётганида ўз ифодасини топаётир.

Юртбошимиз Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табрикларида дон, буғдой эл-юртимизни боқадиган, кўнглимизни тўқ, дастурхонимизни тўқин қиладиган азиз ва муқаддас неъмат сифатида ҳаётимизда ҳамиша бекиёс ўрин тутиб келишини, нонни мўътабар деб кадрлаш, унинг ушоғини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимизда миллий кадрият даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидладилар. Пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам исрофгарчилик катта гуноҳ экани таъкидланади. Биз, катталар, ёшларга нон-тузимизнинг ҳурматини ҳеч эсдан чиқмайдиган муқаддас кадрият сифатида сингдиришимиз зарур, деб ўйлайман.

Юртбошимиз тарбияни оила ва маҳалладан бошлаш кераклигини ҳамиша таъкидлаб келадилар. Норасида гўдак тарбия жараёнида қуёнга ҳам, арслонга ҳам айланиши мумкин. Ота-она, маҳалла, жамият болани нимага ўргатса, у шунга қараб камол топади. Масалан, яхши қиз маҳалладан чиқмайди, деган гап бор. Бу яхши гап. Агар,

мамлакатни ҳам катта маҳалла деб тасаввур этсак, гўзал тарбия топган, Ватани, нондек азиз кадриятларини эъзоз этадиган фарзандларимиз ҳам юртимизнинг кўрки ва жамоли бўлиб, улардан келган раҳматдан ҳаммамиз манфаат кўрамиз.

Нон ва дон ҳақида сўз борар экан, ўзбекнинг нони кулча-куёшдек не-не юртларнинг ҳавосини қиздиришга кодир улуғ неъмат эканини асло унутмаймиз.

2008 йил 17 июль

АБАДИЯТ ШОИРИ

Халқимиз, туркийзабон миллатлар, балки дунё адабиёти ўзининг Ибройим Юсуповдек азамат бир шоирдан жудо бўлди. Қорақалпоқ халқи буюк фарзандлари Бердак, Ажиниёз бобо абадияти томон яна бир улуғ фарзандини кўзда ёш билан, айна чоғда рози-ризалик, миннатдорлик билан кузатди.

XX аср жаҳон шеъриятида, XXI асрга ҳатлаган қадим сайёрамиз адабиётида Ибройим Юсуповнинг ўз ўрни, сўнмас овози мавжуддир. Бу фасохатли шоир билан узок йиллар мобайнида шеърят бўстонларида, унинг машаққатли сўқмоқларида бирга бўлдик. Ўтган юз йиллик адабиётининг Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Давид Қуғултинов, Қайсин Қулиев, яқиндагина дунёни тарк этган Чингиз Айтматовдек сиймолари каторида, шубҳасиз, Ибройим Юсупов ҳам турар эди. Ибройим оға шеърят байроғини ҳеч қачон қўлдан бермади. Оғамиз барчага бирдай самимий, меҳрибон дўст, садокатли замондош эдилар.

Ибройим Юсупов ўзбек халқининг ҳам севимли шоири бўлиб қолди. Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов қорақалпоқ халқи, унинг адабиёти, улуғ фарзандлари ҳақида гапирганда, биринчи бўлиб Ибройим Юсуповни тилга оладилар. Ибройим Юсупов наинки қорақалпоқ адабиёти, балки ўзбек адабиёти, туркий тиллик адабиётларда ҳам устоз шоир мақомида қолажак.

Биз Ибройим Юсуповни ҳали кўп соғинамиз! Чунки бундай истеъдод соҳиблари ҳар доим ҳам туғилавермайди. Авлодлар бу улуг инсоннинг шеъриятидангина эмас, инсоний фазилатларидан ҳам намуна ва ибрат олиб яшайдилар. Қорақалпоҳ адабиётида янги истеъдодлар пайдо бўлишига шубҳа йўқ, лекин Ибройим Юсуповни ҳеч ким ҳеч қачон такрорлай олмайди.

*Кимдир: — Қайта насиб этса гар дунё,
Бундоқ яшардим, — деб надомат этди.
Кимгадир бу армон керакдир, аммо
Ибройим Юсупов бир келиб кетди!*

2008 йил

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?..

— Абдулла ака, чинакам шоир доим замондан илгари содир бўлажак воқеаларни бошқалардан кўра теранроқ англаб, ўз вақтида муносабат билдиради. Анча йиллар бурун «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» номли шеърингизни ёзгансиз. Бу халқимизнинг бугунги хурриятли кунларига етишини орзу қилиш хисси туфайли дунёга келган бўлса керак?

Халқимизнинг, Ватанимизнинг бардавом келажагини, нурли истиклолини, менимча, мантик белгилайди. Аслида адолатнинг оёкости бўлиши мантикнинг — бузилишидир. Мантикан Ўзбекистон ўз хурриятига эга бўлишга ҳақли эди. Инсоният генетикасида шундай ғалати туйғулар мавжудки, бу туйғулар яхлит армон ва умид устига қўйилиши мумкин. Шўро тузумида бизнинг калбимиздаги армон яхлит шундай эди. Ватанни озод кўриш эди биздаги истак. Ўша даврда бу ҳақида ўйлаш учун ўткир оптимист бўлиш керак бўлгандир, лекин ҳар ҳолда юрагимизда умид, ҳаракатимизда шашт бор эди. Сиз юкорида таъкидлаган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеъри бундан 35 йил илгари ёзилган. У даврда Ўзбекистоннинг

пахтаси учун, олтини учунгина «хурмат» қилишган. Ҳолбуки, ўша пахта ҳам меники, олтин ҳам. Аммо мен нима учун севаман Ўзбекистонни! Агар музликларда яшаган бўлсанг ҳам, халқим, мен чукча ё ёқутга ўхшаган бўлганимда ҳам сен учун жонимни берар эдим-ку, деган муҳолиф кайфият билан ёзилган эди-да.

Халқимизнинг буюк ўғлонларини, неча-неча алломаларини қурбон қилган у тузум ҳақида гапириш аянчли. Мустақил ватанимизнинг ялови бутун дунё узра ҳилпираётган ушбу кунда шаҳидларни ёд этиш — қарз.

Тарихдан маълумки, Соҳибқирон бобомиз асос солган салтанат ҳам, аввало Ватан озодлиги йўлида фидоийликка ундайдиган, халқимизнинг барқарорлигини таъминлайдиган эзгу сиёсатга асослангани учун барқарор ва қудратли бўлган. Улуғ бобомиз васиятига бир эътибор қилинг: «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламок, унинг дардларига дармон бўлмок вазифангиздир».

Бу хитоб ўзини таниган, ўзини англаган ҳар қандай инсонга, шу юрт фарзандига бекиёс масъулият юкламайди-ми?

Шу маънода, комил инсон, озод ва обод Ватан, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат ғоялари барчамизнинг манфаатларимизни ўзида ифода этиб, эзгу интилишларимизда бизга қанот бўлади, деб ўйлайман.

— **Аввалги шеърларингиз билан бугунги шеърларингиз ўртасида қандай тафовут бор?**

— Ҳозир ижодимизнинг мавзу соҳасида ҳам, талқин қилиш борасида ҳам чегара йўқолди. Айниқса, руҳий таҳлилга кенг йўл очилди. Мен мана шу қутлуғ, шуқуҳли йиллар оралиғида мустақиллик, ҳаж сафарлари ҳақида шеърлар ёзиб, тўпламлар чоп эттирдим. Бу мустақилликнинг бекиёс тухфаси.

— **Энди халқимиз асрий орзуси Ҳурликка эришганда, истиқлол ҳақида мангуликка дахлдор асарлар яратиш учун зиёлилар, шоиру ёзувчилар қанака муаммоларни кўтариши шарт деб ўйлайсиз?**

— Инсон муаммоси ҳаминча долзарб бўлиб келган. У истиқлол даврида ҳам ўз кадр-кийматини йўқотган эмас. Адабиёт олдида турган улкан саволлардан бири замона қаҳрамони ким ва у қандай хислатларга эга? Бу масалани бир хил ижтимоий-сиёсий тузумда яшаб турган кўшни қардош адабиёт вакиллари қандай тасаввур этиптилар? Шу маънода истеъдоднинг катта-кичиклиги ҳеч қачон унинг халқининг сони билан белгиланмайди. Катта халқнинг ғоят истеъдодсиз ва нисбатан кичик халқнинг буюк адиблари бўлиши мумкин. Шу ўринда, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов асарларининг бошқа халқлар адабиётига таъсири ҳақида баралла сўзлаш мумкин.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида шоир ва ёзувчиларимизнинг уюшмага тақдим этаётган асарларидан қониқасизми?

— Негадир изланишлар узок давом этаётир... Бугун астойдил ижод қилаётган шоир, ёзувчилар қатори шунчаки ёзиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар кўпинча маънавий боқимандаликка берилиб, унвону юбилейлар ташвиши билан яшайдилар. Булар, албатта, адабиёт оламида ўткинчи йўловчилардир.

— Сизнинг бир неча китобларингиз дунёнинг турли чет тилларига таржима қилинган. Умуман... бугунги таржимачилик борасида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик?

— Таржимага таржимон ўзини буткул бағишлаши керак, деб ўйлайман. Шу билан бирга муаллиф билан таржимоннинг савияси яқин бўлиши шарт. Кейин таржимоннинг эркинлиги, менинг назаримда, қатъий чегараланган бўлиши зарур. Мен шундай эркинлик тарафдориманки, таржима қилинган асарни уни аслиятида ўқиган кишилар дарҳол танийдиган бўлсин. Эркинликнинг чегараси ана шу. Бу эркинлик чегарасидан чиққан ҳамоно исталган нарса юз бериши — ўртача асар яхши бўлиши, яхшиси эса расвога айланиши мумкин. Бизда «қозонда бори чўмичга чиқади» дейишади. Таржимон «қозонда йўқ» нарсани бор қилса, бу ёмон. Лекин қо-

зонда борини чиқара олмаслик минг чандон ёмонроқдир. Агар таржимада вазн, оҳанг ва услуб сақланмас экан, асар ўзининг миллий қиёфасини бутунлай йўқотади. Ҳар бир ижодкор албатта, ўз асарининг бошқа тилга ўгирилишини хоҳлайди. Умидли дунё дейдилар. Аммо ростини айтганда барча ёзувчиларни ҳам бунга лойик деб бўлмайди.

Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ёш таржимонлар» тўгараги фаолият кўрсатиб турибди. Энди асарларимизнинг бўш, умри қисқа таржималарини чоп қилдирилишига лоқайд бўлмаслигимиз керак. Ёш ва иқтидорли таржимонларни тайёрлаш, уларнинг сафини кенгайтириш тўғрисида жиддий бош қотириш жуда зарур.

Шеърларингизда кўп бор ҳасад, лаганбардорликни қоралагансиз. Бундай иллатлардан ўзингиз ҳам қаттиқ азият чеккансиз чоғи?..

Афсуски, бундай иллатлар сиёсий тузум ёки мафкураларга боғлиқ эмас. Уларни умуман одамзотга хос деб айтиш мумкин. Афсуски, бу ҳолат руҳан қашшоқ шахсларда очиқ-ойдин намоён бўлади. Мен бир вақтлар:

*Дейдилар: ит ҳурар, ўтади карвон,
Ранжу балолардан ёнмасин жонинг.
Лекин алам қилар бир умр гирён,
Итлар орасида ўтса карвонинг.*

деб ёзган эдим. Хасислик, таъмагирлик, виждонсизлик, иккиюзламачилик, қабихлик, сотқинлик Навоий даврида ҳам, Данте замонида ҳам бўлган.

— Буюк ижодкорлар ҳамиша ўз ижод маҳсулларидан кўнгли тўлмаган. Сизнинг ҳам ўзингиздан, ижодингиздан қониқмаган пайтларингиз бўлганми?..

— Руҳий тўлғоқларимни тўлалигича ҳали қоғозга туширишга улгурганим йўқ. Ёзилган шеърларимдан ёзилмаганлари кўпроқ.

— Ёшлар шеърияти ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз?..

— Албатта, бугунги ёш ижодкорлар ўта саводли.

Илғор адабиёт лабораториясидан хабардор. Фақат ёзганларида миллийлик кўпроқ бўлиши керак. Ёш адабиётимиз вакилларига миллий руҳда ўлмас асарлар ёзишини тилайман.

— **Мустақиллик олтин пиллапояларида қалбингиздан не туйғулар кечмоқда?**

— Бу йил Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» деб номланган китоби нашр этилди. Унда маънавиятнинг кадри, баҳоси, кучи бетимсол эканлиги айтилади. Зеро, биз ижод ахлининг олий мақсади, бурчи ҳам ана шу — маънавиятга хизмат қилишдир.

Ифтихор туйғуси эса миллат кўкрагини тоғдай кўтарадиган, ўз ери ва озод осмони билан фахрланишдек баланд кайфиятга ошна этадиган муборак туйғу. Мустақиллик шарофати билан халқимиз руҳига рух, орзумидларига қанот бағишлайдиган қутлуғ тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Юртимизда бундай байрамлар бўлишини илҳак қутган неча авлодлар бу кунларга етмай, армон билан кетдилар. Энди уларнинг руҳини шод этиб, озод юртимизни шарафлаб, ёшлар қалбига Ватан ва эркинлик қадрини муқим жойлаб катта тантаналар, байрамлар ўтказсак ярашади.

Мустақиллик байрами — халқимизнинг табаррук байрамига айланиб қолди. Уни чинакам миллий ифтихор шодиёнасидай нишонлашга бурчлимиз. Чунки бу — бизнинг муқаддас ва улуғ байрамимиз!

Буюк олмон шоири Иоганнес Бехер бундай деган экан: «Киши фикрлари ўлмаслиги учун ҳар куни, ҳар доимо фикрлаб, тафаккурини чархлаб турмоғи шарт». Бу, албатта, ибратли гап. Шу сабабли биз яшаб турган давримиз ҳақида адолатли, холис, жўяли фикрлар айтмоғимиз учун даврнинг ўй-хаёллари билан яшамоғимиз лозим бўлади. Шу маънода Ватанимиз озодлиги, мустақиллигини эслатувчи ҳар бир лавҳа ёинки суҳбат бизнинг руҳимизни, фикрий оламимизни жунбушга солиши табиий.

2008 йил август

ИСТИҚЛОЛ — ЯНГИ ДАВР АДАБИЁТИГА ҚАДАМ

Абдулла ака, миллий адабиётимизни даврлаштириш анибанага айланган. Халқ оғзаки ижодининг ўзи неча минг йилларни ичига қамраб олади. Ундан кейинги энг дастлабки ёзма адабиёт намуналари яратилган пайтдан бошлаб то бугунги истиқлол замонигача бўлган муддатда қанчадан-қанча алломалару шоирлар яшаб ўтмади, неча-неча нодир буюк асарлар ёзилмади дейсиз. Бугунги кунларга келиб адабиётимиз янги босқични ўтаётир. Истиқлол даври адабиёти. Бу давр адабиётининг имкониятлари ҳақида фикр билдирсангиз.

— Истиқлол даври адабиёти... Бу давр адабиётининг мазмун-моҳияти энди ўзгача талқин қилинади. Масалан, у ёки бу нарсанинг оёғи осмондан бўлиб турган эдими... энди асл ҳолига қайтади.

Шўро даври адабиётида бош тамойиллар синфийлик, партиявийлик, социалистик реализм принципи ва шу қабилардан иборат эди. Инсон ҳаётини таҳлил қилишда синфийлик ва сиёсат нуқтаи назаридан ёндашиларди. Яъни, бойлар ва камбағаллар. Бой истеъдодсиз, муттаҳам; камбағал, албатта, талантли, адабиётни камбағал яратиши керак, дея таъкидланарди. Шу маънода пролетариатдан шоир яшаш сиёсат даражасига кўтарилган. Масалан, тўқимачилик комбинаида ишлатаётган ишчиларни шеър ёзишга ўргатишган. Ғайратий домла мана шунақа пролетар шоирлар сирасига киради. Ҳозирги ёшлар бу гапларни эшитса, қулиши шубҳасиз. Қолбуки бу ҳақиқат.

Адабиётнинг қаҳрамони инсон. У шоҳ ҳам, гадо ҳам бўлиши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, адабиёт тарихига ҳам салбий муносабатда бўлинди. Кимки шоҳ, амалдор бўлса унинг адабиётда ўрни йўқ, деб эълон қилинди. Бобур, Амирий, каби соҳибқалам шоҳларга паст назар билан қаралди, Навоий бош вазир лавозимида фаолият юритгани учун маломат қилинди.

Ниҳоят динга бўлган муносабат... мутлако салбий эди. Бу ҳам синфийлик, партиявийликка ўхшаш эди. Ҳолбуки диндорлар ҳам ҳар хил. Истиклол адабиёти бу иллатларга чек қўймоқда.

— **Истиклол ҳар жабҳада, ҳар соҳада эркинликлар, турли имкониятларни яратиб берди. Жумладан, динга ҳам кенг йўл очилди. Ваҳоланки, шўро даврида бу ҳақида асар ёзиш у ёқда турсин, бир оғиз сўз юриши ҳам мумкин эмас эди. Тўғрими?**

— Дин дунёни, борлиқни талқин қилишнинг илоҳий усули. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг ҳадислари чуқур ахлоқий-фалсафий мазмунга эга. Ҳеч бир улуғ файласуф, донишманднинг хикмат-ўғитлари бу ҳадисларга тенглаша олмайди. Ўша даврда ҳадислар ҳам рад қилинди.

Кўриниб турибдики, бу жаҳолатдан ўзга нарса эмас эди.

— **Замонавийлик деган тушунча бор, аммо кўпчилик бунини замонасозликка йўйишади...**

— Замонавийлик деган тушунчани ўтган давр адабиёти беобрў қилиб қўйди. Замонавийлик замонасозлик деб тушунилди. Булар мутлако бўлак тушунчалар.

Ҳозирда ёш ижодкорлар, айниқса, замон ҳақида, замоннинг воқеалари ҳақида асар ёзилса, ўтган давр-шўролар адабиётининг хиди келади бундан, дейишади.

Одам боласи муаллақ умр кечирмайди. Қандайдир вакуумда яшамайди-ку? Фалон кун, йилда туғилиб, фалон санада дунёдан ўтади. Мана шу давр оралиғида зилзилага гувоҳ бўлиши, тошқинга шохид бўлиши, турли фожеаларни бошидан кечириши мумкин. Мана шуларнинг бари муайян замонда бўлиб ўтади-ку?

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини эсланг. Фарҳодга нима шарт қўйилади? У тоғни тешиб, сув чиқариши керак. Бу шарт Европада бошқача жаранглаши мумкин.

Дейлик, Некрасовнинг қахрамонлари... «Рус аёллари»даги декабристлар Сибирга сургун қилинганида

аёллари ортидан излаб боришади. Бу аёллар вафо, садоқат тимсоли. Ёхуд Муқимийнинг «Танобчилар» шеърини эсланг. Бу ўша замонга босилган темир тамға-ку?

Ҳар бир даврнинг ўз руҳи, манзаралари, кифоаси акс этгани учун ҳам асар замонавий дейилади. Сиёсий тузумларга муносабат эса бошқа масала. У кўпроқ дунёкараш билан боғлиқдир. Буюртма билан асар ёзиш эса таваккалчиликдай гап.

— **Мустақиллик даври адабиётида мавзуга муносабат ўзгарди дейиляпти...**

— Тўғри. Аслида гап мазмунни ким қандай ёза билишида. Ҳамма нарса маҳоратга боғлиқ.

Пахтани олайлик. Терсанг, тердинг, термасанг у сенинг ёқангдан олмайди. Бир халқнинг меҳнати чой билан боғлиқ, бошқа халқники банан билан боғлиқ. Ўзбекни пахтасиз тасаввур қилиб бўладими? Миллион-миллион ўзбекнинг ҳаёти пахта эгатлари орасидан ўтган. Нега энди бундан кўз юмишимиз керак?

— **Модерн йўналишида ижод қилиш ижодкорларнинг асосий услубига айланиб борапти. Бу айниқса, ёшлар ижодида кўп кўзга ташланыпти...**

— Модерн нима? Янгилик дегани. Адабиёт бир жойда қотиб турмайди. Доим тараққиётда. Аруз вазни минг йиллар мобайнида адабиётимизга хизмат қилди. Ундан кейин бармоқ вазнига қадам қўйдик. Бармоқ ҳам аруз вазнига нисбатан модерн ҳисобланади. Лекин бу билан адабиётнинг «қон гуруҳи» ўзгариб қолмайди. Адабиёт ўқиш, ўқилиш учун яратилади. Шунинг учун қайси жанрда ёзмасин, ижодкорнинг кўз ўнгида даставвал китобхон туриши керак. Иккинчидан, сийқа гапларни такрорлаш адабиётни обрўсизлантиради. Бу нўноқликдан бошқа нарса эмас.

Ижодкор ўз муҳитига нисбатан, ҳеч курса, ўн қадам олдинда юриши шарт. Фикрлашдан эса тўхтамаслиги зарур.

— Озодлик, Ватан, ҳурлик мавзуларида ёзилган асарлар жуда кўп. Албатта, ҳар бир шоир ўз овозида, ўз

оҳангида талқин этган. Сизнинг ижодингизда ҳам бу мавзу етакчи ўринни эгаллайди. Айтинг-чи, шоир Ватан, озодлик ҳақида шеър ёзаётганда кадр-қиммат, масъулиятдан бошқа яна қайси туйғуларни кўнглидан ўтказади?

— **Адабиётни сийқалаштирмаслик керак. Бу нафақат адабиётни, мавзунини ҳам беобрў қилади. Оригиналликка интилиш керак.**

Ватан мавзусида қалам тебратмаган ижодкор йўк. Ватан, муҳаббат, она — булар ўлмас мавзулар, универсал мавзулардир. Бирок бу ҳам истеъдодга боғлиқ.

Мен Ватан деганда пичан ғарамлари ёнида турган мужикни тушунаман, дейди рус шоири Лермонтов. Мана бу ўзига хос, оригинал тафаккур қилиш демак.

Ижодкорни омадсизликдан мавзу ҳеч қачон қутқаза олмайди.

— **Муҳаббат мавзусида ҳам кўп асарлар ёзгансиз. Айниқса, «Биринчи муҳаббатим» шеърингиз ҳамон муҳлисларингиз кўнглига титроқ солиб туради. Айни шу шеърингиз кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлганига гувоҳ бўлганман. Шеърингизга «Биринчи муҳаббатим-Аллоҳим менинг», дея хотима ясайсиз. Шунини изоҳлаб берсангиз...**

— Баъзи олимлар, адабиётшунослар ижодкорнинг ҳар бир байтидан, ҳозиргача қандайдир «изм»ларни ахтаришади. Мана бу сатрида шоир нимани кўзда тутяпти, нима демокчи, бу гапнинг тағзамирида нима бор қабилида. Бу ҳам шўро даври адабиётидан қолган усул.

Усмон Носирнинг бир шеърига диққат қилинг:

*Йўлчиман... Манзилим уфқдан нари,
Ложувард денгизнинг тубига яқин...*

Шу мисралардан ҳам кийик қидиришган: «Усмон Носир Америкага кетмокчи экан, денгиз ортида нима бор, Америка-да!?!», дейишади. Мана бу байтга ҳам эътибор беринг:

*Шеърим яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсам, гуллар шарманда...*

Бу шеърдан ҳам «айб» топишади: «шоир шеърини совет гулларида ҳам ортик яхши кўраркан».

Шеърни кўнгилдан ҳис қилганингиз маъқул.

— «**Жаннат оналар оёғи остидадир**», дейилади **Пайғамбаримизнинг муборак хадисларидан бирида. Чиндан ҳам она мўътабар, улуғ зот. Онага бағишлаб том-том китоблар ёзилган, кўшиқлар куйланган, кўп улуғ ишлар қилинган. Сиз ҳам онага бағишлаб шеърлар ёзгансиз. Шу ўринда бу мўътабар зот ҳақида икки оғиз фикр билдирсангиз...**

— Мен бу зот ҳақида кўп ёзганман ва бундан кейин ҳам ёзавераман. Саволингизга мана шу калом тўлақонли жавоб бўлади:

Пайғамбарларни ҳам дунёга келтирган ким? Она!

— **Абдулла ака, сиз билан мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида учрашиб турибмиз. Шу муносабат билан адабиёт муҳибларига, умуман юртдошларимизга тилақларингизни ҳам билдирсангиз...**

— Яхши асарни ўрғачасидан, ўрғача асарни ёмонидан фарқлай олиш қобилиятини ҳеч ким йўқотмасин.

Қадимда Хирот, Самарканд бозорларида одамлар мағзи тўк, яхши байтларни бир-бирига айтиб юрганлар. Эшитдингми, фалон шоирнинг ғазалида мана бундай байт бор экан, деб ҳайратланишган. Ҳозирда телефон урфга кирди. Бирорта шеърни ўқиб, ҳайратлансангиз, маъқул келса, дарров кўнғироқ қилиб, фикр алмашиниш мумкин.

2008 йил август

ОЛТИН БЕШИК

Ҳар қандай шажара ёки сулоланинг ҳам бош бўғини бўлади. Ушбу қиёсний илму маърифат даргоҳларига нисбатан ҳам айтсак, бугун тўқсон ёшга тўлиб турган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги сўнгги юз йилликдаги илму маърифатимиз

сарчашмаси ёхуд истеъдодларнинг олтин бешиги дейишимиз мумкин.

Даставвал, университетимиз даргоҳидан неча ўнлаб институтлар учирма бўлганлиги жумлаи жаҳонга маълум. Бугунги кунда улар мустақил Ўзбекистонимиз таракқиётига камарбаста бўлаётган ёш мутахассисларни етиштириб бермоқда. Уларнинг сафида етук давлат ва жамоат арбоблари, атокли олимлар борлигидан фахрланамиз.

Университетимизни битирган хорижлик мутахассислар ҳам бисёрки, улар бу даргоҳнинг жаҳоншумул довуғидан дарак беради.

Агар миллий адабиётимиз, маданиятимиз, санъатимиз намояндалари ҳақида гапирсак, уларнинг кўплари Миллий университетимизда таҳсил олиб, камолга етганлар. Шу ўринда биргина адабиёт соҳасига назар ташласак, университетимиз кўпгина атокли адибларнинг ҳам ижодий парвозларига қанот бергани маълум бўлади. Бир-икки мисол келтириб ўтсак, миллий адабиётимиз намояндалари Ойбек, Абдулла Қаххор, қардош халқлар адабиёти вакиллари Мухтор Авезов, Хидир Деряев ва бошқа адибларнинг номларини ифтихор билан эслаймиз. Шунингдек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов ва бошқа кўпгина адиблар ҳам шу даргоҳда бадиий ижод илмини ўрганганлар.

Миллий университетимиз бугунги кунда ҳам, хусусан, адабиётимиз учун муқаддас даргоҳ вазифасини ўтаб келмоқда. Бу ерда ёшларга сабоқ берган Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби унутилмас сиймоларни эсга оламиз. Шоиру адибларимиз яратган янги асарлар кўпинча шу университетда муҳокама этилиб, сўнгра катта адабиётга йўлланма олиши анъанага айланган.

Биз ўқиган йилларда устозларимизнинг заковатлари қанчалик улуғ бўлмасин, университет муҳотида шўро



даврига хос ғоявий-мафкуравий чегараланганлик мавжуд эди. Университет миллий деб аталган эмас. Мустақиллик бизнинг онгимизга нур сочган бўлса, унинг дастлабки тонгги шуъласи университетимизга тушган. Мустақиллик туйғуси пинҳона бўлсада, университет даргоҳида ғунчалаб турган йилларни биз яхши эслаймиз.

Талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари ҳақида гап кетганда у замонлар билан ҳозирги давр ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Айтиш керакки, ўша кезлари талаба учун ётоқ жой масаласи энг катта муаммо эди. Спорт иншоотлари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ҳозирги кунда Миллий университетимиз кўркам Талабалар шаҳарчасининг мухташам саройига айланган. Бу ўзгаришларнинг ҳаммасида Юртбошимизнинг алоҳида меҳри мужассам.

Биз — шу даргоҳдан учирма бўлган собиқ талабалар, ёшимиз канчалик улуғ бўлмасин, кадрдон университети-миз тўйини худди ўз отамизнинг тўйи сингари қарши оламиз.

2008 йил сентябрь

ЎТГАН ДАҲОЛАРНИНГ НОМИН ЭТИБ ЁД¹

— Абдулла ака, кўпчилик мухлисларингизга маълумки, бу Сизнинг Италияга иккинчи сафарингиз. Бу гал «Дантехонлик» байрамига бораётиб, қалбингиздан қандай ўйлар кечди, йўлда нималарни ҳис этдингиз?

— Авваламбор, мухтарам Президентимиз ушбу сафаримизни қўллаб-қувватлаб, дуои фотиҳа берганларидан бошим кўкка етди. Италияга биринчи бор сафар қилга-

¹ Сухбат ҳар йили Равенна шаҳрида ўтказиладиган, 2008 йилда «Данте Ўзбекистонда» шиори остида ўтган анъанавий «Дантехонлик» маросими муносабати билан ўтказилган.

нимдан буён анча вақт ўтди. Ўшанда мен Римга Москва орқали, собик иттифок фуқароси сифатида кетган эдим. Мени у жойларда ўзбек давлатининг вакили деб танишмас эди.

Энди бу галги сафарга эса, аёнки, мен мустақил ва мухташам Ўзбекистонимизнинг шоири сифатида бордим. Аввалги борганимда москвалик таржимон менинг ҳар бир гапимни таҳлил қилиб, кўз-қулоқ бўлиб турарди. Ва бу менга жуда малол келган.

Шубҳасиз, ҳар қандай мамлакат ўзининг буюк фарзандларини улуғлайди ва иззатини жойига қўйишга ҳаракат қилади. Бу сафар таклиф қоғозини атайлаб Тошкентга келиб, менга бериб кетишди. Бу улуғ Дантега ватандошларининг юксак эҳтироми эмасми! Бундан бир неча йил муқаддам Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам мени Дантенинг таржимони сифатида ўз қароргоҳига таклиф этиб, ўзбек ва итальян шеърляти кечасини ўтказган эди.

Навбатдаги ушбу сафаримиз ҳам ҳар йили ўтказиладиган «Дантехонлик» кунлари доирасида бўлди. Данте Алигъери Равенна шаҳрида абадий макон топган. Равенна олти юз йиллар олдин қандай бўлса, бугун ҳам шундоқ турибди. Улкан тош-ғишт иморатлар, қайроқ тош ётқизилган тор кўчалар, католик ибодатхоналари, ҳайкаллар, майдонлар... Ана шундай кўчалардан бири Данте номи билан аталиб, унинг охирида шоир макбараси жойлашган.

Биз қаерда бўлмайлик, итальянлар улуғ халқимизга, қадимий маданиятимиз ва адабиётимизга қизиқишларини яшириб ўтирган эмас. Бизни — ҳамроҳим, таниқли олим Қаландар Абдурахмонов билан бирга Равенна шаҳри мэри қабул қилди. Аёнки, шаҳар ҳукумати аъзолари Ўзбекистонга — унинг дунё миқёсида юксак обрў-эътиборга эга бўлган Президенти Ислон Каримовга ўзларининг олий даражадаги эҳтиромларини билдириб туришди. Мамлакатимизнинг Италиядаги элчиси Жаҳонгир Ғаниев ҳам бизга доим ҳамроҳлик қилди.

— «Данте ва Ўзбекистон» мавзуйдаги бу анжуманга мезбонлар қандай тарафдор кўришибди?

— Аввало, Римда ҳам, айниқса, Равенна шаҳрининг барча кўчалари, меҳмонхоналар, майдонларда анжуман ҳақидаги афишаларга кўзимиз тушарди. Анжуманга атаб махсус альбомлар, таклифномалар чоп этилган экан. Омавий ахборот воситалари «Дантехонлик»ни жуда кенг ёритди. Телевидение эса анжуманни тўғридан-тўғри намойиш этиб борди.

— «Дантехонлик» қандай бошланди ва давом этди? Буюк Дантенинг ватандошлари Сиздан нималарни сўрашди?

— Албатта, даставвал расмий таништирув маросими бўлиб ўтди. Кейин эса анжуман дастурига кўра, орган садолари остида «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисмидан «Тўртинчи кўшиқ» италян тилида ўқилди. Ундан сўнг мен айнан шу кўшиқни ўзбек тилида ўқиб бердим. Улар ҳалигача Дантенинг тирик таржимонини кўришмаган эканлар, назаримда бир оз ҳайратланишди. Эътиборга сазовор яна бир томони шуки, улар «Тўртинчи кўшиқ»ни ўзбек тилида ҳам чоп этиб қўйишибди.

Анжуманда Данте ижодий меросини ўрганувчи италиялик, америкалик ва бошқа хорижий давлатлардан келган олим ва адиблар ҳам қатнашдилар. АҚШнинг Жеймс Медисон номидаги университети профессори Александро Джентейли, Равенна шаҳар маданий алоқалар маркази директори Вальтер Делла Моника жаҳон адабиётининг шоҳ асарларини ўз она тилида ўқиётган ўзбек халқининг юксак маънавият ва маданиятга эришганлиги, мамлакатда таълим соҳаси равақ топаётгани хусусида сўзладилар. Эмелия Романья минтақаси маданият вазири А. Сорентино жаноблари эса «Илоҳий комедия»ни ўз она тилига таржима қилган халқ юксак ҳурматга сазовордир, бугунги кунда ўзбек халқининг миллий маданияти ва адабиёти дунё маданиятига уйғун ҳолда ривож топаётгани мамлакат раҳбари Ислон Каримовнинг оқилона сиёсати ва юксак эътиборидан далолатдир», деди.

Сўнг савол-жавоб бошланди. Менга, жумладан, «Илоҳий комедия»ни нега таржима қилаётирсиз?» деб савол беришди. Менинг жавобим шу бўлдики, қадимий ва маърифатли ўзбек халқи жаҳон адабиётига бевосита дахлдордир. Бу халқ Данте ўз асарида тилга олиб ўтган Ибн Синодек зотларни камолга етказган, Навоийдек даҳоларни берган. Демак, дунё адабиётининг энг олий намуналарини ўз она тилимизга ўтириш бизнинг маънавий мақомимизга мос келади. Қолаверса, Данте шеърини руҳан менга яқиндир.

Шу ўринда Данте мухлисларига таржима жараёни хақида ҳам айрим маълумотларни етказдим. Яъни Дантедек шоирни таржима қилиш учун у билан беллаша оладиган тил бойлиги ҳам керак. Бизнинг тилимиз дунёдаги энг бадавлат тиллардан биридир. Тил бойлигини ундаги маънодош сўзларнинг кўплиги белгилайди. Масалан, тилимизда биргина «йиғи» сўзининг ўнлаб синонимлари бор. Ер, офтоб, ой, муҳаббат ва бошқа сўзлар ҳам ўзининг жуда кўплаб маънодош эквивалентларига эга. Бу мисоллар залда ўтирган анжуман иштирокчиларини ғоят қаноатлантиргани шундоқ сезилиб турарди.

Улар «Яна бир шундай асар яратилишига эҳтиёж сезасизми?» — деб ҳам сўрашди. Менинг жавобим шундай бўлдики, Навоий ҳам, Данте ҳам Уйғониш — Ренессанс даври намояндалари эди. Бизнинг Алишер Навоий бобомиз ҳам инсон ва унинг қалби маънавий манзаралари, иллат ва фазилатларини, буюклиги ва тубанлигини юксак маҳорат билан истифода этганлар. Алишер Навоий ижодида бу жараён бошқача шаклда, Дантеда бошқачароқ тарзда ўз аксини топди. Шундоқ экан, бу буюк шоирларнинг каломи ханузгача ҳар биримизни қаноатлантириб келаётир. Яна шуни айтишим керакки, мен улуғ ва маърифатли халқимизнинг тарбиясини олиб келаяпман. Мен Навоий ва Бобурдек зотларни ўқиб улғайганман. Бизнинг халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам кўлидан китобни қўйган эмас.

— Абдулла ака, бугун китобхонлик масаласи уларда қандай экан?

— Албатта, хўроз деган жонивор ҳамма жойда бир хил қичқиради. Техника тараққиёти, компьютерлар, интернет, тижорат, югур-югур, чоп-чоп кучайган даврда китобга қизиқиш бироз сусайиши мумкин. Шу масалага доир мулоқотларда мен уларнинг саволларига шундай жавоб қилдим: биз агар олти юз йил олдин ўтган боболаримиз асарларини ўқимай қўйсак, юз йилдан сўнг бизни ҳам ўқимай қўйишлари мумкинлигини ўйлаганда қандай ҳолга тушган бўлардингиз?! Инсоният ўзининг меъморий ёдгорликлари ёки ўлмас мусиқасини қанчалик ардоқласа, китоб ҳам ўшалар қаторида, балки улардан ҳам юксакроқ туришини унутмаслигимиз керак. Бу гапларни кўпроқ ёш авлодлар онгига сингдириш ҳамма-мизнинг бурчимиз эмасми?

Данте мухлислари ижодий меҳнат машаққатлари ҳақида ҳам савол беришиб, «Илоҳий комедия»ни таржима қилишдан олдин бу қадар катта заҳмат олдида чўчимадингизми?» — деб ҳам сўрашди. Данте айтадики, дўзах дарвозасига «Эй, банда, бу ерга умидларингни ташлаб кир», деб ёзиб қўйилган экан. Бу гап айнан таржимонга ҳам тегишлидир. Яъни таржимон ҳам жаҳаннамий меҳнатни бўйнига олиб, бу ишга киришмоғи шарт эди. Таржимага киришаётиб, Данте ижодига оид юзлаб манбаларни йиғганлигим, улар бутун бир кутубхонага айланиб қолганини ҳам айтиб ўтдим.

«Илоҳий комедия» шеърятнинг энг мураккаб шакли — «терцина»да ёзилган. Шеърнинг кофиялари учлик, худди занжир ҳалқалари каби бир-бирига уланиб кетади ва кофия такрорланмаслиги шарт. Мен шеърин шаклларнинг мураккаблиги ҳақида гапираётиб, бизнинг Шарқда шеърин санъат ниҳоят даражада қиёмига етганлиги, «терцина»дан ҳам мураккаброқ арузий қоидалар мавжудлиги, ва ниҳоят, «Илоҳий комедия»нинг шеърин шакли — кофия, ритм ўзбек тилида тўлиқ сақланганини айтдим.

Италияликларнинг икром бўлишича, католикларнинг ибодатхоналарида қарсак чалиш мутлақо ман этилган экан. Ажабо, ўша куни — «Данте Ўзбекистонда» шиори остида ўтган анжуманда бу табу, Дантенинг ҳурмати учун бўлса керак, бир неча бор бузилди.

— Абдулла ака, Данте юртига қилган илк сафарингиз чоғи ёзилган «Тунислик бола» ва бошқа кўпгина шеърларингизни мухлислар хануз катта иштиёқ билан ўқиб юришади. Бу гал ҳам хойнаҳой кўни-кўнжингизни Италия таассуротларига доир шеърлар билан тўлдириб қайтган бўлсангиз керак. Шундай эмасми?

— Албатта, ижодкор одам бир оз асаларига ўхшайди. Яъни у бекордан-бекор учиб юрмайди. Биз ҳам бол йиққан каби туйғуларимизни шеърга айлантирамиз-да...

2008 йил 14 сентябрь

МАНГУ ТИРИК ЗОТ

Максуд Шайхзода ўзбек адабиёти ва адабиётшунослик илмида ўчмас из қолдирган улкан шоир, атоқли драматург, мохир таржимон ва нуктадон олим эди. Озарбайжон заминида дунёга келган бу бетакрор сиймо ўзининг бутун ҳаётини, иктидорини, инсоний тақдирини Ўзбекистон билан боғлади. Ўтган асрда халқимиз бошига тушган неки машаққату синовлар бўлса, бирга-бирга бошидан кечирди. Оғир кўргиликларга ҳам гирифтор бўлди. Бу бағрикенг инсон ўзбек оиласини ўз хонадони деб ҳисоблаб, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек сингари улуғ адиблар билан адабиётимиз майдонида ёнмаён от сурди.

Максуд Шайхзода шеърляти ўзи бир денгиздир. Фалсафий мушоҳадалар мавж урган ушбу баҳрда жаҳоншумул даражада фикрлай оладиган шоирнинг нафаси уфуриб туради.

Буюкликнинг биринчи белгиси, ҳеч шубҳасиз, ижо-

дий жасоратдир. Шонли боболаримизнинг муборак номларини тилга олиш тақиқланган бир даврда, ўтган асрнинг ўрталарида Мақсуд Шайхзода эркпарвар, ватанпарвар Султон Жалолиддин тарихини қаламга олиб, «Жалолиддин Мангуберди» тарихий фожиасини яратдики, бу асар муаллиф бошига қанча кулфат-маломатлар келтирган бўлса, адабиётимизга шу қадар юксак ифтихор ҳам бахш этди. Мустабид тузум даврида Жалолиддин лафздан қуйидаги сўзларни айтиш, ҳақиқатан ҳам, жасорат эди:

*Эл узра булутлар келса ҳаводан,
Майдонга кирмайми қўрқиб балодан?..
Ҳазар айламасман девдан, шайтондан,
Ҳатто Азройшдан, ҳатто Яздондан.*

Бу улуғ ижодкорни халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган буюк ўтмиши доимо қизиктирди. Ниҳоят, ўзбек халқи жаҳон илм-фанига етиштириб берган мутафаккир сиймо Мирзо Улуғбек ҳаётини қаламга олди ва бу ўта масъулиятли ишни аъло даражада уддалади. Драматургнинг ҳар икки тарихий фожиасини жаҳон драматургиясининг шоҳ асарлари, жумладан, Шекспир фожиалари билан бир қаторга қўйса бўлади. Мақсуд Шайхзода умрининг охиригача қайси жанрда ижод қилмасин, юксак пафосга содиқ қолди. Ғафур Ғулом вафоти муносабати билан ёзган «Ғафурга хат» шеъридаги қуйидаги мисраларни эслайлик.

*Ўлим шундай бир мулкки, султони жимлик,
Унда товуш чиқармай ётар фуқаро.
Қаро зулмат у жойда қилар ҳокимлик,
Шу туфайли ўлимнинг туғи ҳам қаро.*

Мақсуд Шайхзода улуғ олим ва мураббий эди. У умр бўйи Алишер Навоий ижодини изчиллик билан ўрганди. Биз бугун Навоий даҳосини таърифлашда қўллайдиган оламга машҳур «ғазал мулкининг султони» иборасини

биринчи бўлиб Шайхзода айтган. Устозимиз бутун умр бўйи Низомий номидаги педагогика университетида талабаларга сабоқ берди. Ўнлаб ёш ижодкорларга мураббийлик қилиб, бошларини силади. Биз тенги адибларнинг кўпчилигимиз, жумладан, мен ҳам бу улуғ муаллимнинг мактабидан баҳраманд бўлганмиз.

Максуд Шайхзода ўзининг бекиёс ижодий салоҳияти билан нафақат ўзбек халқи, балки бошқа халқларнинг ҳам меҳрини қозонди. Ўзбекистон давлат мустақиллиги йилларида Максуд Шайхзода «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Унутилмас устозимиз ҳақидаги дил сўзларимизни унинг шоҳ байтлари билан якунласак тўғри бўлади:

*Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир —
Умрлар бўладики,
Мангуликка тирикдир.*

2008 йил 7 февраль

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ СОҲИБИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиётимизга кириб келган шоиру ёзувчилар, мунаққидларнинг ҳаммаси Озод Шарафиддиновни устоз деб билади. Озод акадан ҳалоллик ва тўғри сўзликни, адабиётга садоқат ва меҳнатсеварликни ибрат олган бир неча авлод ижодкорлар бугун у мухтарам зотнинг маърузаларини тинглаганидан, ҳамсуҳбат бўлганидан, ёзилганларига назарлари тушганидан фахру ифтихор қиладилар. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган бахт. Адабиётда шундай шахслар бўладики, улар миллатнинг тафаккур даражасини бир поғона юқорига кўтара оладилар, халқнинг орзу-армонларини унинг овози бўлиб баралла айта оладилар. Худо берган ана шу истеъдоди, журъати туфайли улар нафақат адабиёт ахлининг, халқнинг ҳам

суянадиган тоғига, маънавий устозига айланадилар. Озод Шарафиддинов ана шундай устоз!

Бу улуғ инсон ҳар бир маърузаси, ҳар бир мақола-сида юрагининг бир парчасини юлиб жо қиларди гўё. Шўро мафкураси кўзи ила қаралган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қахҳор асарлари ҳақидаги мақолаларининг туб-тубида миллий истиқлол орзулари тўлқин уриб турган юракни ҳис этардингиз, адолат, озодлик руҳи сизга юқарди. Биргина «Тирик сатрлар»ни эълон қилиш йўлидаги Озод аканинг жасорати ўзбек адабиётини ларзага келтирганини замондошлар яхши эслайди. Ёки «Замон, қалб, поэзия» китоби ўзбек шеърятни бадиий мезонларини бир поғона юқорига кўтариб белгилаб берганлиги ҳамда бу ҳалол ва холис хизматнинг ортида адабиёт манфаатидан ўзга ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган юрак турганлиги ҳаммага маълум. «Ҳаётини гаровга қўйиб эришилган маҳорат санъаткорни ҳеч қачон тарк этмайди, унинг мангу мулки бўлиб қолади», деган эдилар Озод ака. Дарҳақиқат, Озод ака ўзларининг ушбу ақидаларига умрларининг охиригача содиқ қолдилар.

Озод аканинг сўзда ҳам, қаламда ҳам жўшқинлиги, мардлиги, сохталикдан йироқлиги талабалик чоғларимизда бизни қанчалик илҳомлантирган, руҳлантирган бўлса, орадан қарийб ярим аср ўтиб ҳам у кишидаги руҳиятнинг бирдамлиги, жанговарлик ва самимият ҳаммамизни ҳайратга солиб келди. Катта шахслардагина мана шундай фазилатлар учраши мумкин. Ҳа, фақат катта шахсларгина: «Мен эътиқодимни нега ўзгартирдим»га ўхшаш фалсафий мақолаларни ёза олади. Озод ака бу мақолани бир кунда ёхуд бир ойда ёзган эмас. Балки, шўро мафкураси қолиплари билан мурасасиз кечган бутун ижодий ҳаёти давомида қалбида туғилиб етилиб келган туйғуларининг, изтиробларининг ҳосиласидир. Бу гаплар Озод ака тенгдошларининг ҳам кўпчилиги кўнглида айланиб юрганига шубҳам йўқ. Лекин бу ерда ҳам Озод ака яна жасорат кўрсатдилар,

улкан юрак зиёлиларнинг овози бўлиб тилга кирди.

Мустақиллик йилларида Озод ака барча ижодкорларга ибрат, устоз мақомида турдилар, ёш бир йигитнинг шиддати, ғайраг-шижоати ила ижодга шўнғидилар. Қатағон даври ўз қомига тортиб кетган адибларимиз, шоирларимиз ҳақида, бугунги адабий жараёнлар ҳақида, халқимиз ҳаётидаги маънавий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида адабий-танқидий рисоалар, эссе ва публицистик мақолалар бетиним қоғозга тушди. «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» китоблари қалбларни тўлқинлантирди.

Озод ака икtidори жиҳатидан дунё миқёсидаги адабиётшунос эдилар. У кишининг ўзбек адабиёти ҳақидаги ҳар бир мулоҳазалари, фикрлари дунё адабиёти билан ўлчанар, буюк адибларнинг асарлари билан далилланар эди. Шу боис ҳам ўзбек адабиётини жаҳонга, жаҳон адабиётини ўзбек халқига танитадиган мўътабар ва мустаҳкам кўприк сифатида «Жаҳон адабиёти» журнали бўлиши кераклиги ҳақида масала ўртага қўйилганда Юртбошимиз бу муҳим нашрга Бош муҳаррирликни Озод акага топширдилар.

Домламиз бу юмушни ҳавас қиладиган даражада, шу қадар виждонан, шу қадар катта савия билан бажардиларки, энди, бугунги кунда биз ўзбек халқининг маданияти, маънавий-маърифий даражасини кўз-кўз қиладиган бўлсак, «Жаҳон адабиёти» журналимизни варақлаб кўринг, дейишимиз, «ўзбек зиёлисининг савияси, диди нималарга кодир эканлигини кўришни хоҳласангиз, ана шу журналга қаранг», дейишимиз мумкин.

Домла бу журнални оёққа турғазди, шогирдларни шу ерда жалб этиб, дунё адабиётидаги энг улкан ва энг ибратли асарларни таржима қилдирди. Шу ижодий жараённинг бошида ўзлари турди.

Биз ҳаммамиз гувоҳмизки, хасталик у кишини беҳад қийнаётган пайтда ҳам бу матонатли инсон долзарб мавзуларда ажойиб публицистик асарлар ёзди, адабиёт-

шуносликка оид тадқиқот ишлари олиб борди, муҳокамаларда катнашди, шогирдларининг ижодини кузатиб борди, тинмай мутолаа қилди; шулар билан бир каторда Л.Толстой, О.Уайльд, В.Войнович, И.Бунич, П.Козльо сингари бир неча ўнлаб адибларнинг адабий-фалсафий мақолалари, қисса ва романларини таржима қилиб халқимизга туҳфа қилдилар.

Мустақиллигимиз йилларида Озод акага жуда юксак даражада иззат-ҳурмат кўрсатилди. Халқимиз, биринчи навбатда, давлатимиз, мухтарам Президентимиз бу улуғ зотнинг меҳнатларини, чеккан заҳматларини доим эътироф этдилар, муносиб баҳоладилар. Унга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Бу эътибор Озод акани бениҳоя тўлқинлантирди, юрагига илҳом, кучига куч кўшди. Шу ўринда мен Президентимиз И.А.Каримовнинг фидойи зиёлиларга, хусусан Озод акага бўлган ҳурмати, меҳрини алоҳида айтиб ўтишим шарт. Бунинг ёрқин мисолини Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобларида Озод аканинг ижодий фаолиятига берган баҳоларида ҳам кўриш мумкин: «Мен билган ва ҳурмат қиладиган маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди.

Ўйлайманки, ўзини ўзбек халқининг фарзанди деган ҳар қайси инсон ана шундай фидойи юртдошларимиз билан чексиз фахрланади, униб-ўсиб келаётган болалари, шогирдларига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан мана шундай одамларни намуна қилиб кўрсатади. Ва ҳеч шубҳасиз, умр бўйи эл-юрт манфаати, Ватан истиқболи учун курашиб яшайдиган шундай қаҳрамон фарзандлари бор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди».

Озод ака ҳаёт бўлганларида, деб ёзгим келмайди, чунки Озод ака адабиёт аҳли билан, минглаб шогирдлари, дўст-ёрлари билан ҳамиша бирга, ўнлаб китоблари, юзлаб мақолалари билан эса ҳамиша сафимизда.

2008 йил декабрь

ҚАДРДОН ДЎСТ КАБИ...

Америкалик астронавт Армстронг Ойга оёғи текканда: «Менинг бу кадамим инсониятнинг энг улкан қадамидир», деган экан. Аслида ҳам шундай. Моҳиятига кўра, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам барча инсон болаларига баб-баробар тегишлидир.

Жумладан, ихтиролар, илмий кашфиётлар, янги доридармонлар, шубҳасиз, ҳаммининг мулкига айланади. Адабиёт, санъат асарлари ҳам шундай. Қайси бир мамлакатда, қайси бир тилда яратилган бўлмасин, агар асар жаҳоншумул савияга молик бўлса, у бутун инсониятнинг бисоти бўлиб қолажак.

Шу маънода бизнинг китобхонимиз дунё адабиётидан энг кўп баҳраманд бўлаётган китобхон, десак бўлади. Бундай дейишимизнинг бир далили шулки, туркий тиллар орасида бизнинг тилимизга дунё адабиёти намуналари энг кўп таржима қилинган. Бу жараён ҳар қандай тузум шароитида ҳам давом этди ва давом этаётир. «Жаҳон адабиёти» номли махсус журнал нашр этилиб турибди.

Дунёда рус адабиётининг мақоми ғоятда юксаклигини ҳамма билади. Бу адабиётда кейинги асрларнинг адабий изланишлари юксак даражада синтезлашган. XIX аср рус прозаси жаҳон насрининг олтин дарвозасига айланди. Гоголь, Достоевский, Толстой, Чехов ва ниҳоят Шолохов асарлари дунёдаги барча етакчи ёзувчилар учун мактаб бўлиб келди.

Шу ўринда улуғ рус шоири Александр Пушкин ижодининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, адабиётда азалдан турфа изланишлар, ҳар хил бадий шаклларни синаб кўриш анъана бўлиб келаётир. Мазмунига кўра эса адабий йўналишни баъзан олимлар романтизм, реализм сингари номлар билан ҳам аташган. Айниқса, XX аср рус шеъриятида бу изланишлар авжига чиқди. Имажинизм, футуризм сингарилар пайдо бўлди. Тўғри, изланишларсиз адабий жараён тараққий этмайди.

Бирок шундай бир гўзал услублар ҳам борки, улар турли адабий олифтагарчиликлардан юқори туради. Улар гўдак кулгусидек беғубор, донишманднинг ҳикмати сингари содда ва таъсирчандир.

Пушкин ижодида мана шу фазилатлар ажойиб тарзда уйғунлашган. Шу сабабли ҳам, хатто Толстойдай сўз санъаткори Пушкиннинг прозасига насрнинг ҳақиқий намунаси деб қараган, уни дилдан эътироф этган. Шоирнинг шеърляти эса ўз қимматини ҳеч қачон йўқотмайдиган ёмби сингари доимо яраклаб ва жаранглаб турибди.

Ушбу шеърлятнинг бетакрорлигини барча халқлар эътироф этган ва ҳозир ҳам эътироф этмоқдалар. Шунинг учун ҳам Пушкин асарларини таржима қилишга ҳаммавақт эҳтиёж туғилаверади.

Улуғ Пушкиндан қилинган таржималардан аслида китобхондан бурун биринчи бўлиб таржимоннинг ўзи хузур топади. Гўзал ва эрка туйғулар барқ уриб турган бу шеърлят чамани руҳингизни ҳар қандай ғуборлардан фориғ қилишга қодир.

Мен ўзим гоҳо Пушкинни мутолаа қилар эканман: «Ажабо, бу шеърларда менинг қалбим акс этиб турибдику, унинг фикрлаш йўсинлари ҳам шарқона-ку, факат битта фарқи бор — у рус тилида ижод қилган экан», деб қўяман.

Бу фикрларни айтишимдан мурод шулки, Пушкин шеърляти бошқа халқлардан ҳам кўра ўзбекларга руҳан яқин. Пушкиндан турфа таржималар қилинган. Уларнинг орасида муваффақиятли чикқанлари ҳам кўп. Лекин баъзи таржималарга кўзинг тушганда ҳафсаланг пир бўлиб, ундан кўра аслини ўқиганим маъқул эмасми, дейсан.

Таржима шундоқ бир жараёнки, унинг эшиклари ҳамма учун доимо очик. Шеърлятимизнинг янги-янги авлодлари бу улуғ шоир ижодига тез-тез мурожаат қилиб, асарларини она тилимизга ўгирмоқдалар. Пушкинни таржима қилган шоир, шубҳасиз, бир бош ўсади, деб Ҳамид Олимжон бежиз айтмаган.

Пушкин шеърляти барча халқларга хос бўлган умуминсоний туйғуларни ўзида мужассамлаштирганки, уни қайта мутолаа қилганда эски, кадрдон дўстинг билан яна учрашгандай бўласан.

2009 йил 4 май

ҚАЙҒУСИНИ ҚУВОНЧГА АЙЛАНТИРГАН ЭДИ...

— Абдулла ака, Президентимиз Ислон Каримов миллий адабиётни ривожлантириш масалаларига доир фикр-мулоҳазаларида «совет даврининг тарбиясини олган аксарият ёзувчиларимиз узок йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган, лекин уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний кадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган», деган ниҳоятда адолатли гапни айтдилар. Юртбошимизнинг ана шу теран фикрларига асосланадиган бўлсак, «ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган» шоирлардан бири, таваллудига 100 йил тўлган Ҳамид Олимжоннинг ижодий меросини қандай ўрганишимиз керак, деб ҳисоблайсиз?

— Мухтарам Президентимизнинг миллий адабиётимизни ривожлантиришга доир мулоҳазаларида ниҳоятда зарур ва залворли фикрлар баён қилинди.

Адабий жараёнга давлат миқёсида назар ташлаш ҳар жиҳатдан муҳим ва фойдалидир. Биринчидан, ҳар бир адиб ўз ижодий изланишларининг замон маёғига нечоғли мослигини фахмлаб олади. Иккинчидан, воқеа ва ҳодисаларга баҳо беришда қайси йўлдан бораётганини англаб етади ҳамда янги ижодий парвозларга ҳозирланади. Президентимизнинг тавсия ва фикрлари адабиётимиз босиб

Ўтган тарихий йўлларни ҳаққоний ва адолатли баҳолашимиз учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ўтган шўро даври адабиётига яхлит муносабат билдиришда турли мулоҳазалар, иштибоҳлар, саволлар мавжуд эди. Чунончи, нега фалон шоир ватани Ўзбекистон, халқи ўзбек бўла туриб, уни баралла куйламади? Ёхуд фалон шоир фақат хайбаракаллачилик билан шуғулланди? Ёки фалон адиб миллий кадриятларимизни байроқ қилиб кўтармади ва ҳоказо...

Албатта, ўртага савол қўйиш жуда осон. Жавоб бериш учун эса ўша оловнинг ичидан яна бир қарра ўтиш керак бўлади. Тасаввур қилинг, наинки катта бир мамлакат, балки жаҳон пролетариати «Эрта-индин коммунизм қурамыз!» деб турса-ю, бир кимса чиқиб, «Ҳаммаларинг бекор айтибсизлар, коммунизм йўқ гап!» кабилидаги зътирозни ўртага ташласа!.. Ундай одам турган жойида отиб ташланарди ёхуд жиннихонага равона бўларди.

Илмда инсон боласи муҳитнинг маҳсулидир, деган теран фикр бор. Тўғри, одамзодда ирсият белгилари ҳеч қачон йўқолмайди. Лекин унинг дунёқараши, ҳиссиётларининг шаклланиши муҳит билан бевосита алоқадордир. Руҳий хасталар касалхонасида беморларнинг нуқси шифокорларга ҳам ўтиб қолиши исботланган. Чунки у ҳам — бир муҳит.

Аслида, гўзал жамият қурамыз, деган орзунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Барча миллатлар ва халқлар баробардир, тенгдир, деган гап ғоятда жозибали, ҳаммага ёқади. Бироқ бу ғоялар, орзу-истаклар фақат қоғозда қолиб кетса-чи? Барча миллатлар тенг деб эълон қилинган жамиятда бирданига «оға» ва «ини» миллатлар пайдо бўлиб қолса-чи? Ўртада савол туғиладими, йўқми?

Шунингдек, инсон юмшоқ пластилин ҳам, қаттик металл ҳам эмас. Уни букиб ёки эритиб хоҳлаган буюм яшашга ҳаракат қилиш табиат қонунларига мувофиқ келмайди. Инсонда фақат ўзигагина хос бўлган қалб ва сезги, фикрлаш йўсинлари, меҳр, ғазаб, қувонч ва қайғу туйғулари мавжуд. Миллионлаб одамни доимий равишда ягона кайфиятда ушлаб туришнинг асло

иложи йўк. Бундай ҳолат фақат байрамларда ёки ғалаба дамларида юз бериши мумкин. Бошқа вақтларда эса одам боласи ўз тирикчилиги билан машғул бўлади. У ҳам касал бўлади, соғаяди, тўй қилади, айрилиқ азобларига учрайди, номард, нотанти зотлардан зарба ейди. Ҳақиқатни ахтаради. Уни гоҳ топади, гоҳ йўқотади. Чорасиз колгандан сўнг ўзини бениҳоя ёлғиз ҳис қилади ва коинотга боқиб қайдандир нажот ахтара бошлайди. Бу нажотни у ёлғиз Парвардигор деб ҳисоблагач, акидаларни маҳкам ушлайди.

Инсоннинг руҳий-маънавий харитаси тахминан ана шундан иборат. Инсон боласи қачон, қаерда, қайси тузумда яшамасин, барибир инсондир. Жамиятнинг жўяли ғоялари, илму фан, фалсафа унга мадад беришга ва уни тушунишга шошилмоғи даркор. Бирок мадад бериш ҳисобига унинг эркини чеклаб қўйиш қайси адолатга тўғри келади?

Айтилган ана шу фикрлар юзасидан ўтган шўро даври ҳаётига назар ташласак, ғалати манзарага дуч келамиз: йўлнинг у томонида бир сафга тизилган бир хил одам шахдам қадамлар билан ишга бораётир; йўлнинг бу томонида эса худди шу тахлитдаги бир саф одам шахдам қадамлар билан ишдан қайтаётир. Улар бир хил қўшиқ куйлайди, бир хил шиорни ирод этади.

Улар орасида мустақил фикрлайдиган шахслар борми, йўқми? Бу — номаълум. Ўша давр адабиёти қаҳрамонлари ана шу қолипдан четга чиқолмасди. Сабаби, асар муаллифининг ўзи ўша қолип ичида эди. Ваҳшатли соқчилар ушбу жараённи ниҳоятда сергаклик билан кузатиб турар, кимдир бошқачарок фикрласа ёхуд қадам қўйса, дарҳол йўқ қилинар эди.

Ўзбек шоир ва адиблари ана шу муҳит ичида қандай ижод қилганини бир тасаввур этиб кўринг! Юртбошимиз адолат билан таъкидлаганидек, «...давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен доимо бу ҳаёт-

нинг маъно-мазмуни, инсоннинг кадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли деб айтган бўлардим».

— Ҳамид Олимжон поэзиясида бахт ва шодлик мавзуси алоҳида ўрин тутати. Шу боис бўлса керак, уни «қизил шоир» дегувчилар ҳам оз эмас. Лекин бир нарсани тан олиш даркорки, унинг ўша шеърлари ҳам ниҳоятда жўшқинлик ҳамда поэтик маҳорат билан ёзилган...

— Кўпгина истеъдодли шоирлар сингари Ҳамид Олимжон ҳам ўша давр кемаси ичида эди. Ва у ҳам бошқалар қатори кема сардори буюрган кўшиқни куйлади. Хўш, бунинг ажабланарли жойи борми? Агар шу кўшиқни куйламаса, шоир кемадан улоқтириб ташланиши турган гап эди.

Демак, ҳар бир ижодкорга баҳо бераётиб, у яшаган ижтимоий-тарихий муҳитни назардан қочирмаслик керак. Айни чоқда бу узрхоҳлик «арпа уни баҳонаси»га айланиб кетмаслиги шарт. Назаримда, бир қисм адиблар фақат ўша қизил ғоялар билангина яшади, унга астойдил ишонди. Бошқа бирларининг қалбида эса, аҳён-аҳёнда бўлса-да, пинҳон ва мубҳам туйғуларнинг учқунлари йилтираб қоларди. У ўзининг буюк боболарини ёдга олишни, она тилининг гўзаллиги билан фахрланишни истарди, халқининг ҳақ ва ҳуқуқлари бошқалар билан тенглашувини орзу қиларди, ота-боболари асрлар мобайнида тилдан қўймаган Парвардигор номини такрорлагиси келарди.

Албатта, адабий жараённи сунъий равишда гуруҳларга ажратиш тўғри эмас. Ҳар бир ижодкорнинг меросига индивидуал тарзда ёндашмоқ зарур. Шу жиҳатдан қараганда, Ҳамид Олимжон шодликни бошқалардан кўпроқ куйлаганга ўхшади. Ижодкор фақат сиёсий ғояларга садокати билангина баҳоланса, унинг воиздан фарқи қолмаган бўлур эди. Лекин ўша замонда оддий қофиябоз бирор шиорни уйқаштириб берса, у Навоий ва Пушкин-

дан баландрок кўйилди. Бадиий маҳорат ва истеъдоднинг сарик чакачалик ҳам киммати йўқ эди. Истеъдод шундоқ мўъжизакор кучки, у ҳатто энг сифатсиз матодан ҳам гўзал буюм ярата олади. Ҳамид Олимжоннинг «Россия» шеърини эсланг. Шеърнинг моҳияти ўзбек халқининг тарихий мақомига асло тўғри келмайди. Бирок у нақадар гўзал! Истеъдодсиз одам энг чиройли матодан ҳам, дейлик, удалаб қўлқоп тикиб беролмайди. Демак, ушбу калитнинг асл номи истеъдоддир. Ҳамид Олимжон истеъдоди барқ уриб турган шоир эди. Қайси мавзуга қўл урмасин, уни санъатқорона куйлай билди. Шеърларида ҳар жихатдан мукамалликка эришди. Маъно ва мазмун жихатдан ҳар қанча танқид остига олмайлик, барибир, бу ижод гулшанида тенгсиз маҳорат бўй таратиб туради.

Биз Ҳамид Олимжонни шодликни кўпроқ куйлаган деяпмиз. Лекин у фақат ўйин-кулгини куйлаган давра шоири эмас эди-ку! Улкан тарихий ҳақиқатлар, ўша замоннинг дардлари, уруш, тинчлик, виждон, севги, вафо, садоқат сингари ўлмас ҳислар шоир ижодида қатлам-қатлам бўлиб турибди-ку! Шодликни куйлаётган шоир бирдан Муқанна булиб фарёд уради. Севгидан бахтлиман деб турган ошиқ шоир Офелияга қўшилиб нола чекади.

*...Шундайин латофат, шу оқ кўкракка
Наҳот муносибдир шу гамгин либос?
Онанг шунинг учун суюнганмиди,
Наҳотки, шу сифат гўзалликка хос?*

*Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,
Бунчалик гўзални нечук яратдинг?!
Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,
Нечун яратдинг-у, ўтларга отдинг?
Ҳали севишмоқдан шумиди маъно?
Фақат азоб бордир қисматда наҳот?
Наҳотки, севгига шудир таманно?
Наҳот гўзал учун фақат, фақат дод!..*

— Ҳамид Олимжон феноменининг боиси нимада деб биласиз? У атиги 35 йил умр кўрган жўшқин шоир, ҳам тарихий драматик асарлар яратган драматург, ҳам халқ оғзаки ижоди вакилларининг хомийси, ҳам моҳир таржимон, ҳам арбоб... Сизнингча, бу фавкуллодаликнинг сабаби нима бўлиши мумкин? Буларнинг барига у қандай улгурди? Ё бу фавкуллодалик унинг табиатида бормиди? Бугун 35 ёшлиларнинг кўпчилигини «бола» атаймиз. Ё Ҳамид Олимжондек бетакрор истеъдодни замонаси етилтирганми?

— Албатта, худо берган умрни ҳар ким ҳар хил кечи ради. Уни бирон бир йўсинда тушунтириб бўлмайди. Саъдий ва Гётелар саксон ёшдан кейин ҳам «гуллаб турган». Лермонтов ва Тўкайлар ўттизга кирар-кирмас, «ялт-юлт» этиб ўтиб кетган. Ҳамид Олимжон феноменига келсак, ҳеч шубҳасиз, бу ходисада кодир табиатнинг деймизи, Яратган эгамнинг деймизи, аралашгани аниқ. Ахир, наинки ўттизга, балки тўқсонга кириб ҳам лаллайиб юрганларнинг сон-саногии йўқ. Бу ходиса ҳатто турли жонзотлар қавмида ҳам учрайди. Масалан, юзлаб бедов от орасидан биттагина тулпор чиқиб қолиши мумкин!

Бу ходисага фатализм ёки мистика нуқтаи назаридан баҳо бермоқчи эмасман. Лекин Яратганнинг кодир кучидан сира кўз юмиб бўлмайди. Иккинчи яна бир сабаб ўша давр муҳити билан ҳам боғлиқ эди. Ҳамид Олимжон арбоб сифатида ҳам жамоага даврабошилиқ қила олиш қобилиятини намоён этди. Драматурглик билан таржимонлик эса ижодкорнинг кундалик юмуши эканини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Лекин буларнинг барига бор-йўғи ўттиз беш йил яшаб улгуришни фавкуллодалик дейиш мумкин. Саволингизда «Ҳамид Олимжоннинг бетакрор истеъдодини замонаси етилтирдими?» деган жойи бор. Тўғри, замони уни оёқости қилмади, бу — бор гап. Лекин ҳар қандай лойдан ҳам хуштак чиқарвермайди-ку!

Умуман, Ҳамид Олимжон мансуб авлод вакилларининг истеъдод даражаси ғоят юксак экани хайратланар-

лидир. Бу, албатга, жадидлар замонида бошланган улкан рухий тўлқиннинг давоми бўлиши мумкин. Кейинги авлод адибларининг парвози у қадар баланд бўлмагани эса ҳаммамизга аён. Шу сабабли биз «катта» деб атайдиган авлод адибларининг мақоми кейинги даврларда ҳам баралла кўзга ташланиб турди. Орада улар даражасидаги сиймолар кўп эмас. Яна ким билади дейсиз...

— Ҳамид Олимжон ҳаётда, адабиётда, умуман адабиёт тарихида бирмунча илоҳийлаштирилиб, ўзи яратган эртакларнинг қаҳрамонларига ўхшаб қолмаганми? Сизнинг шоир ижодига ихлосингиз баланд, унга руҳан яқинсиз, шеърлар бағишлагансиз, ёзган мақолаларингизда ҳам номини эҳтиром билан тилга оласиз. Хуллас, Ҳамид Олимжон ва унинг даврини яхши билган ижодкор сифатида айтинг-чи, хўш, биз билмаган Ҳамид Олимжон қандай зот эди? Унинг бизга ноаён яна қандай жиҳатлари бор? Шоирнинг баъзи ижодкорларга муносабати ҳақида турли майда гаплар ҳам юради...

— Ижодкорлар табиатида мақтовга ўчлик йўқ эмас. Агар мақтовга у ростдан муносиб бўлса, ҳеч кимга малол келмайди. Сизга бир мисол келтириб ўтай. Ўтган колхоз тузуми даврида «меҳнат куни» деган тўлов бўларди. Яъни колхоз аъзоси бўлган тўртта одам бир кун далани айланиб келса, ишлаган ҳисобланарди ва уларга меҳнат ҳақи ёзиларди. Ёзувчилар уюшмаси ҳам қарийб колхоз жамоасига айланиб қолган эди. «Сен ҳам, мен ҳам, у ҳам уюшма аъзоси, қолаверса, коммунистмиз. Демак, ҳаммамиз баб-баравар. Талантингни эса ўзинг пишириб е!» Мана, сизга ҳақиқий манзара! Тенгдошларини сира камситмаган ҳолда, айтиш керакки, Ҳамид Олимжоннинг ижоди ва фаолияти ҳамманинг эътирофи этишига арзигуликдир.

Илоҳийлаштириш масаласига келсак, бу ҳам доимо учраб турадиган «инсон омили»га киради. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Миртемир каби устозлар чинакам эътирофга сазовордир. Ва бунга улар ё тириклигида, ё ўлиmidан кейин эришди.

Бир ижодкоримиз «Ҳамид Олимжоннинг мамлакатда ўттиздан ортиқ бюсти бор экан», дея ғижиниб гапирганини эслайман. Мен шунда ўзимча «Ҳой биродар, бошқаларнинг бюстини санаб юргандан кўра, ўз ижодингни уддаласанг-чи!» деганман.

Вақт ниҳоятда югурик. Унинг ҳам ўз мавсумий «мода»лари бўлади. Адабиётимиз тарихига асрларни ўлчов қилиб назар ташлайлик-чи. Ҳар асрда юзлаб, балки минглаб шоир яшаб ўтган. Лекин уларнинг айримларигина бизгача етиб келди. Баъзи марҳум ижодкорларни бой ва обрўли қариндошлари то имконлари тугагунча кўтар-кўтар қилиб, майдонга бошқаларни йўлатмасликка урингани сир эмас. Буларнинг бари ўткинчи. Тешик пуфакни, ҳар қанча ҳаракат қилманг, шишира олмайсиз!

Ўтган ижодкорларнинг ҳаёт ва фаолияти ҳақида ножоиз мишмишлар тўқувчи одамлар доимо бўлган. Улар узок даврлар мобайнида Пушкинни «тирранча» деб юрган. Бунинг тагида ё кўр ҳасад, ё маҳдуд маҳаллийчилик, ёхуд гуруҳбозлик ва балки ота-боболаридан ўтган қасос ва ўчга ўхшаш туйғу ётади. Эсимда, бир кимса ўз қавмини улуғлаш максасида уни Ҳамид Олимжонга қиёслаб, турли асоссиз мишмишларни тарқатиб юрди. Бундайларни адабий жамоатчилик сазойи қилиши керак...

Марҳум учун мактов ё танқид ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бу иккаласи ҳам биз тириклар учун зарур. Ана шу ўринда бизга холислик ёрдамга келади. Жузьий бир хулоса шуки, Ҳамид Олимжоннинг ижодий истеъдоди юксаклигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Қадим-қадим замонлардан буён тилга тушган шахсларнинг ижоди билан бир қаторда шахсиятига ҳам қизиқиш қучли бўлиб келган. Дейлик, Амир Темур бобомиз ёхуд Навоий ҳазратларининг яшаш тарзи, феъл-атвори кимни қизиқтирмайди? Масалан, мен ўзим «Соҳибқирон» асаримни ёзиш жараёнида Темур бобомизнинг инсоний қиёфаси ҳақида юзлаб манбани кўришимга тўғри

келди. Бу маълумотларнинг баъзи бирлари бошқасига мос келмаслиги мумкин. Лекин барибир асосий маълумот юзага чиқади ва у авлодларга бориб етади. Масалан, Навоий ҳазратларининг феъли ниҳоятда нозик бўлгани хусусида замондошлари деярли бир хил маълумотни ёзиб қолдирган.

Ўтган шўро даври мафқураси дарсликларга киритилган адибларнинг таржимаи ҳолини ғоявийлик шиори остида ўз сиёсатига мослаб қайчилаб ташлаган. Александр Пушкиннинг ҳаётига доир кўпдан-кўп ёзишмалар эълон қилинмаган. Ёхуд пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг бир вақтлар кўча одами — «бомж» бўлиб кун кўргани муттасил равишда яширилган.

Бизнинг дарсликларимизда ҳам ана шу услуб ҳукмронлик қилган, яъни ўзларига керак бўлган ёзувчиларнинг болалиги албатта муҳтожликда ўтган, бойлардан жабр кўрган, бувилари эртак сўйлаган ва ниҳоят шўро даврида улар ёруғлик кўрган...

Албатта, бу «андавачилик»дан Ҳамид Олимжон образи ҳам холи эмасдир. Маълумки, 37-йиллари Зулфияхонимнинг учта акаси сиёсий қатағон қилинган, улардан бири отиб ҳам ташланган. Ҳамид Олимжон уюшмага раис бўлган йилларда унинг қайноғаларига доир тарих рўқач қилиниб, ана ўша «душманлар»нинг синглисига уйланган, дея ғавғою тўполонларни роса авжига чиқаришган.

Зулфияхоним ўзининг сўнгги достони — «Хотирам синиклари»да учала акасининг фожиали қисмати ҳақида изтиробли сатрлар битиб кетди. (Муҳтарама шоирамиз шу дostonнинг бир жойида «Куйганман. Бош-оёқ куюк жисмимнинг — Нимасин ёқарди дўзах ўтлари...» деганлари бежиз эмас-да.)

Шу гапни ҳам айтиш лозимки, аввалги даврларда яшаб ўтган шахслар ҳақидаги хотиралар ҳам директив ва сиёсий характерда бўларди. Ҳамид Олимжон ҳаёти ҳақида эса жўяли хотира ҳам ёзилмаган. Шунга қарамай, машҳур шоирнинг шахсий ҳаёти, феъл-атвори авлод-

ларни қизиктириши табиий. Бизга маълум бўлишича, бу фавқулодда шахс ғоят интизомли ва меҳнаткаш, болапарвар, меҳмондўст инсон бўлган. У боғида гул ўстиришга ишқибоз экан. Тонг саҳарда туриб, соат ўнгача ижод билан шуғулланиб, сўнгра давлат ишига кетган. Ҳамид Олимжон кўнгли очик инсон бўлганининг яна бир белгиси шуки, у ҳазил-ҳузулни хуш кўриб, топиб айтилган зукко бир гапдан хандон отиб, яйраб кулар экан. Шоирнинг кўп дўстларига ёзган ҳазил-мутойиба мисралари ҳам шундан дарак бериб туради.

Ҳамид Олимжон ҳаётсевар инсон бўлиб, оилада ўғил фарзанд туғилишини кўп орзу қилган экан. Ҳатто туғилмаган ўғлига бағишлаб шеър ҳам ёзган. Бу ҳам, албатта, ўзбекчиликнинг анъанавий бир белгиси.

— Ҳамид Олимжон ҳалокатга учрамаганида ҳозирги мақомида турармиди? Чунки унга замондош бўлган, ўз даври шиорларини ёниб қуйлаган баъзи адабий сиймоларнинг кейинги тақдири ҳаммамизга маълум. Шу маънода, Ҳамид Олимжон ҳаёт бўлганида, унинг бугунги шухратига путур етмасмиди, деган савол туғилиши ҳам табиий...

— Бу ниҳоятда азобли, изтиробли савол. Инсон боласи умрининг қандай кечишини бирор кимса башорат қилолган эмас. Ана, Ғарбда Этель Лилиан Войнич деган инглиз адибаси тўқсон ёшдан ҳам ошиб дунёдан ўтди. У бир замонлар — ҳали қизлик даврида машҳур «Сўна» романини ёзиб қўйган экан. Умрининг сўнгги йилларида Войнични топиб, у билан суҳбатлашганларида бу аёл ўзининг ёзувчилигию «Сўна» романини аранг эслаган! Шунақаси ҳам бўлар экан-да. Ёхуд Лев Толстой ёши саксондан ошганда ҳам қалами еру кўкни зириллатиб турган. Усмон Носир, Ҳамид Олимжон каби ижодкорлар яна нималардир ёзиши мумкин эди, деган армон тинчлик бермаслиги тайин. Биз эса уларнинг ижодий имконияти, руҳий захираси ниҳоятда катта бўлганини доимо хис қилиб тураемиз.

Мустақиллик келгач, аввалги даврларда ижод этган

айрим адиблар ўзини ҳар хил тутди. Кимлардир эски кў-
никмаларидан воз кечолмай, тарих адолатини ҳазм қила
билмади. Бошқа бир мардонавор адиблар эса, бекиниб
ётган булок кўзи дафъатан очилган каби, ўзини ёрқинрок
намоён этди. Шу ўринда мен устоз Озод Шарафиддинов-
нинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» деган иқрорно-
масини эслаш ўринли деб ўйлайман. Ҳамид Олимжон
ҳаёт бўлганида ана шундай бир иқрорнома ёзиши ҳам,
ёзмаслиги ҳам мумкин эди. Бунга энди ҳеч ким қафолат
бера олмайди. Лекин Асқад Мухтор ибораси билан айт-
ганда, уларнинг «ўнгланиб кетишига ишонгиси келар
одамнинг».

Ҳар ҳолда халқининг ҳурриятга эришганидан ўша
миллатнинг ҳар қандай инсофли фарзанди қувонмай ту-
ролмаслигини кўнглим сезади.

Шундай ҳолида ҳам Ҳамид Олимжон мактаби унути-
ладиган мактаб эмас. У – маҳорат мактаби. У – шеъроят
мактаби. У – санъат мактаби.

— Ҳамид Олимжоннинг барҳаётлиги ҳақида ўй-
лаганда яна бир жиҳат кишини ташвишга солади: хо-
зирги ёш ижодкорларнинг аксарияти шоир лири-
касига бефарқ қарамоқда. Айрим ёшлар эса фақат
имтиҳондан ўтиш учунгина унинг ижодига кўз югур-
тириб олаётгандек тасаввур уйғотади. Улар назарида,
Ҳамид Олимжон шеърояти бугун ўз умрини яшаб бў-
лгандек. Сиз бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

— Истиклол даври ижодкорларга ўз руҳиятини
барча мураккабликлари билан намоён этишга имкон
берди. Афсуски, ўтган даврлар шеъроятида шоир шах-
сияти, унинг дарду аламлари мутлақо кўзга ташланмас
эди. Улар отаси ё онасининг вафоти муносабати билан
ёзган марсияларини ҳам ҳаммадан яширган. Ахир,
совет кишиси «йиғламаслиги» керак эди-да. Ана шу
ойнак билан қаралганда, ҳозирги ёшлар Ҳамид Олим-
жон лирикасига бирмунча бефарқ муносабатда бўлиши
мумкин. Лекин менинг уларга айтадиган бошқа гапим
бор: Ҳамид Олимжоннинг шеърый санъатини ўрганинг.

Она тилимизнинг нақадар гўзал товланиб туришини хис этинг.

Умуман, нимани ўқиб, нимани ўқимаслик ҳақида йўриқнома бериш ножоиз. Аммо фалон ҳайвонот боғида фалон оху бор, шуни бориб кўринг дейиш мумкин. Давр инсонлари адабиёт билан турли чорраҳаларда, турли вазиятда учрашади. Бири — кириш имтиҳони топшираётганда, иккинчиси — диссертация ёклаётганда. Уларга кундалик юмушлар деб қараш тўғрироқ бўлади.

Баъзилар абадиятни ҳайкал қўйиш, жилд-жилд асарлар нашр этиш йўли билан «ташқил қилиш» мумкин деб ўйлайди. Лекин унинг ижоди ёдгорликка айлана оладими? «Қутадғу билиг», «Ҳиббат ул-ҳақойиқ» каби асарлар оша инсониятнинг умумий мулки сифатида авлодлар диққатини ўзига торта оладими?

Бу ғоят мушкул савдодир. Бинобарин, барча унутилмас устозларимизни, жумладан, Ҳамид Олимжоннинг ижодий меросини бағрикенглик билан кўксига босиб, баҳолаб турган истиқлол замонимизга шукрона айтамиз.

Ҳамид Олимжоннинг қаҳрамони Муқанна озодлик учун қурбон бўлаётганини англаб, авлодларга васиятнома хитобини шундай изҳор этган:

*Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.*

*...Яна кимки, Ватан учун жанг қилса,
Яна кимки, ёв ҳолини танг қилса,
Яна кимки, ёвни қувса ватандан,
Менинг чеҳрам кўринар ўшандан.*

Илоҳо, мана шу хитоб Ҳамид Олимжоннинг ўзига ҳам насиб этган бўлсин!

2009 йил август

ОНА БЎЛА ҚОЛГИН, БИЗГА ТАБИАТ

— Муҳтарам Абдулла ака, мухлисларингиз Сизни она табиатимизнинг ҳассос куйчиси, деб билишади. Сиз бир шеърингизда «Она бўла қолгин менга, табиат», деб ёзгансиз. Икки йил аввал газетамиз илк бор чиқа бошлаганда таҳририятимиз мутасаддилари ушбу бағоят таъсирли мисраларни нашримизга шиор қилиб олишни маъқул кўришди. Она табиатимиз мусаффолиги учун курашни бош мақсад қилиб олган газетага бу шиор йўлчи юлдуздай мос келиб, эзгу мақсадларга эш бўлаётир.

— Авваламбор, она табиатимиз муҳофазасига бағишлаб махсус газета нашр қилинаётганидан жуда хурсанд бўлдим. Бундай хабарнома аллақачон нашр қилиниши керак эди, деб уйлайман. Одамзот ҳаёти билан боғлиқ иккинчи даражали воқеа ва муаммолар балким йўқдир. Ҳаммаси ҳам ўз ўрнида қимматга эга. Бироқ, одам болаларига доимо хамроҳ бўлиб келаётган, барча динлар, турли ирқдаги кишилар, миллат ва эл-элатлар бошини қовуштирадиган, ташвишга соладиган умумий муаммолар ҳам бор.

Масалан, уруш мавзуси. Одам боласи эсини танибдики, урушлардан безиб келади. Урушлар наинки давлатни, балки ҳар бир хонадонни вайрон қилади. Шу боис қадим даврлардан бошлаб адабиёт ва санъат асарларида ҳам тинчлик учун кураш бош мавзу бўлиб келган. Лекин афсуски, бу ташвиқот ва тарғиботлар одамларни бирлаштирган бўлса-да, уруш хавфини батамом тўхтатолган эмас. Ҳозиргача турли сабаб ва баҳоналар билан ер юзида қирғинлар давом этипти.

Демак, тинчлик учун кураш инсоният учун қанчалик муҳим бўлса, экологик хавфсизлик масалалари ҳам кураш замин учун шу қадар муҳим муаммо даражасига чиқди.

— Ижодингизда табиат лирикаси алоҳида ўрин эгаллайди. «Ўзбекистонда куз», «Куз хаёллари», «Куз

манзаралари», «Баҳор» каби шеърларингизда она табиатнинг бетакрор манзаралари гўё абадиятга муҳрлагандек. «Она сайёра» ва «Кўриқхона» номли икки шеърингиз эса мана йигирма йилдирки «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг экология ва табиат муҳофазасига бағишланган «Она сайёра — кўриқхона» рукни сифатида газетанинг энг ўқишли мақолаларига хатбоши бўлиб келмоқда.

Сиз бу гўзал шеърларни қалб эҳтиёжи сифатида қоғозга туширгансиз ва улар эндиликда кўпчиликнинг маънавий мулкига айланиб қолди. Ижодкорнинг экология масаласига бефарқ эмаслиги қандай маънавий омиллар билан изоҳланади?

— Умуман, инсофли, иймонли, виждонли одам боласи бу масалага бефарқ қараши мумкин эмас. Чунки, бу инсониятнинг ҳаёт-мамот масаласи. Албатта, ташвиқот, тарғибот тинимсиз давом эттирилиши керак. Илмий ва бадиий асарлар, кино ва бошқа тарғибот воситалари орқали одамларни хушёрликка чорлаш, атроф-муҳит ҳимояси йўлидаги саъй-ҳаракатлар тўхтовсиз давом этиши керак. Айтайлик, кичкина бир болага «Бу яхши», «Бу ёмон» деган гаплар, таомдан аввал қўлни ювиш, овқатни ўнг қўлда ейиш ва тозаликка риоя қилиш кабилар ўргатилади. Бундай тарбия натижасида болакай ҳақиқий одамга ўхшаб шаклланади. Шундан кейин у юкоридаги амалларни ўзининг кундалик табиий эҳтиёжи, деб ҳисоблайди ва бу одатлар бора-бора унинг феъл-атвориға айланиб кетади. Болада макруҳ нарсалардан ҳазар қилиш туйғуси пайдо бўлади. Ахир, бундай туйғу ҳайвонларда йўқ-ку. Ўргатмасанг одам боласи ҳам худди ҳайвондай яшайверади, бўрилар орасида яшаб қолган бола бўри қандай ҳаракат қилса, албатта, у ҳам шуни қилади. Эзгуликни ёшлиқдан, болалиқдан ўргатиш жуда муҳим. Агар тоғай қотиб суякка айланса, ундан кейин қанчалик ҳаракат қилма ўнгланиши қийин. Демак, экологик тарбияни оиладан, мактабдан бошлаш керак бўлади.

Эндиликда экология муаммолари умуман ҳаммага баб-баравар, халқаро муаммога айланди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу ҳаракатга катта эътибор берилиб, экология жонқуярларига катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Менимча, масаланинг икки томони бор. Биринчиси, тарбиявий жиҳат, иккинчиси эса бу жараённинг ижтимоий бурч даражасига кўтарилишидир. Мана, катта кўчаларда транспорт қатновини тартибга солиш учун кўк ва қизил чироклар ёниб туради, одамлар шошиб турса ҳам унга амал қиладилар. Экологиянинг ҳам қай даражададир чироклари бўлиши шарт.

Хўш, ота-боболаримизнинг экологик маданияти қандай бўлган? Улар табиатни қандай муҳофаза қилган? Бу йўлда аждодларимизнинг усул ва аъмоллари қанақа эди?

Аждодларимиз бу масалада кўпинча тарбияга таянишган, диний ақидадан ҳам шу йўлда фойдаланишган. Мен болалик йилларимни яхши эслайман. Қишлоғимиз тепасида Қўтир булок деган бир тузли жой бор. Одамлар бу ерга келишиб, тузга тушиб турли касалликлардан фориг бўлишади. Одамлар шу булок оёкости бўлмаслиги учун бир коида — огоҳлантиришни жорий қилишганди. Қўтир булокнинг атрофини ифлослантириш, ҳатто тупуриш мумкин эмас! Мабода шундай қилсанг — пес бўлиб коласан, дейилган. Шу важдан Қўтир булокка узок-яқиндан шифо истаб келганлар от-уловини ҳам ҳеч қачон булок атрофига яқинлаштирмаган.

Бугун ҳам одамлар ана шу табуга риоя этишади. Аммо унинг айнан экология билан боғлиқлиги уларнинг тушига ҳам кирган эмас. Бу тушунча тозалик, софликни таъминлаш мақсадида кишилар онгига сингдирилган, тарбиянинг ўчмас тамғасига айланган. Шунинг учун одамлар бундай жойларда жуда эҳтиёткор бўлишади, ножўя ҳаракат қилишмайди. Ҳаттоки, кўнгилларига ҳам ёмон хаёллар келишидан чўчишади, улар бирор фалокатга йўлиқишдан кўркишади. Мана, атроф-муҳит муҳо-

фазасининг қадимий бир воситаси. Шу маънода экологик тафаккур бизда қадимдан шаклланган эди, десак бўлади.

Бундан ташқари, худа-беҳуда дарахт ҳам кесилмаган. Ҳамма биледи: хоҳ у шаҳар, хоҳ у қишлоқ жой бўлсин ариқдаги сувни ифлос қилиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Ўтган асрнинг 60-йиллари шаҳар ариқларидан сув ичса бўларди. Одамлар ариққа чиқинди ташламасди.

Афсуски, ўтган асрда такаббурлик негадир кучайди. Экологиянинг бузилиши шўролар замонида давлатнинг катта миқёсдаги режаларни ўйламай-нетмай амалга ошириши боис келиб чиқди. Бугунги ёшларимиз пахта даласига сепилган заҳри қотилларни кўрмаган. Тошкентдан Самарқандга боргунча машинанинг ҳамма ойнасини қаттиқ бекитсангиз ҳам манзилга етгач, бош оғриқдан кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолардингиз. Шундай аҳволда далада юриб меҳнат қилган қанчадан-қанча дехқонлар ўлиб кетди. Одамларда сариқ хасталиги, камқонлик ва бошқа турли касалликлар урчиди. Тупроқ таркиби ҳам бузилиб, экологик номутаносиблик туфайли у яроксиз ҳолга келди. Яъни ер кашанда бўлиб қолди. Ҳозир қовун-тарвузга дори солинмаса катталиги пиёладек бўлиб қолади. Бу ҳол экиннинг ирсият механизмларига ҳам таъсир кўрсатган. Тиббиёт меваларнинг ҳам «қон гуруҳи» ўзгариб қолганига иқрор бўлаётир.

Шундай савол туғилади: агар озон қатлами сийраклашмаганда бу масала кун тартибига қўйилмас эдими? Ҳавога заҳри қотил тутунларни бемалол чиқаравериш мумкин экан-да? Ҳамма бало шундаки, одамларнинг онгига «Биздан кейин нима бўлса, бўлаверар», деган қараш тўлиқ сингиб кетганди. Африка, Осиё ва Европада ҳам қисман шундай вазият мавжуд. Латифа келтириб ўтай: бир киши суҳбатдошига, ярим миллиард йилдан кейин охир замон бўлармиш, дебди. «Чатоқ-ку», деб иккинчиси хафа бўлиб қолибди. Бир оз вақтдан кейин, бояги суҳбатдош «Янгилишибман, бир миллиард йилдан кейин

охир замон бўларкан», дебди. Шунда буниси, «Хайрият», дея хурсанд бўлиб кетибди, гўё бир миллиард билан ярим миллиарднинг инсоннинг қисқа умрига нисбатан фарқи бордай.

Такрор айтамиз, одамлар мендан кейин нима бўлса, бўлаверар, деган бир туйғу билан яшашга одатланди. Бундай ҳаёт тарзи боқимандалик кайфиятини вужудга келтирди. Мен имкон қадар табиатдан кўп нарса олиб улгуришим керак деган ақида шаклланди. Айнан мана шу ҳол экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Бундай ақидага одатланган одамлар ўз мулкига зиён етса дод-вой қиладилар. Агар у мулк ва бойлик давлатники бўлса, менга нима, дейди. Эгоизм, худбинлик шундайки, ўз ҳовлисидан ўтаётган ариққа у ҳеч қачон чиқинди тўкмайди. Девордан нарисига эса бемалол тўкаверади. Албатта, одам боласига кўпинча насиҳат, танбеҳ ёкмайди. Бирок, нима бўлганда ҳам экологик тарбиянинг самарали йўллари топиш зарур.

Одамлар, мана, шаҳардан қочиб, дала-ҳовлиларга, тоғларга интиляпти. Негаки, у жойларда тоза ҳаво бор. Инсоннинг табиати шуни талаб қилади. Экологик эҳтиёж шуни тақозо этади. Қизиқ пародокслар ҳам борда. Масалан, иккита ўғри бир жойдан бир товукни ўмарса, «энди мазза қилиб еб олайлик», деб уни экологик тоза жойга чиқиб, қовуриб ейди. Бу ҳам бор гап. Демак, одамнинг табиати шуни тақозо қиляпти. Бўстонлик, Бойсун, Ҳисор тоғларига кўп бориб тураман. Ўша жойларда, масалан, дам олишга чиққан одам, ўтиришга баъзан тоза жой тополмайди. Ҳаммаёқ газета уюми, елим халта, консерва, шиша идишга тўлиб кетган.

Оилада, маҳалла-кўйда ёшларнинг экологик тарбиясини муттасил олиб бориш керак. Бу соҳада мактаб жуда катта куч. Ўйлашимча сизнинг газетангизга ўхшаган экологияга доир нашрларга мактаб ўқувчиларини ҳам обуна қилиш зарур. Ўқувчиларнинг ўзлари газетага муҳбир бўлиб қатнашсин, газета орқали ўзларининг ибратли ишларини ҳикоя қилиб берсин.

Одамлар психологиясида афсуски худбинлик кучайиб бораётганига иқрор бўламан. Анча йиллар илгари қарикартангларни йўлдан болалар ўтказиб қўярди. Бундай эзгу одатлар ҳозир ҳам борми-йўқми билмадим. Транспортда қарияларга жой бериш ҳам шунга киради. Булар маънавий экологиясига киради. Уни ахлоқ экологияси деб атасак ҳам бўлади. Асли экологиянинг замирида савоб туйғуси ётади.

Мен бу ишдан қандай манфаат кўраман деган дунёқараш рухий мувозанат бузилишига олиб келади. Манфаатпарастлик эса худбинликнинг онасидир. Бундай кимса ҳатто боласидан ҳам ниманидир таъма қила бошлайди. Оқибатда у пилла қурти каби ўз қобиғига ўралади.

Экологик мувозанатга риоя этиш, айниқса, бизнинг динимизга хосдир. Ислом динини ҳеч иккиланмасдан экология дини, деб айтиш мумкин. Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳадислари, Қуръони каримдаги оят ва сураларни ҳаёлингиздан ўтказсангиз фақат тозалик, покизалик ҳақида сўз борганига иймон келтирасиз.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам тупроқ илоҳий дейилган. Олов эса куйдириб тозалайдиган, покизалайдиган, инс-жинсдан асрайдиган олий унсур, деб ҳисобланган. Кўпгина вилоятларимизда келин-куёвни олов атрофидан айлантиришарди. Йил боши байрамларида одамлар олов устидан сакрашарди. Инсу жинс, совук энергияни олов йўкотади, деб ҳисоблашарди. Қадим замонларда одамлар ўзларига мослаб шу динни яратишган ва унга амал қилишган.

Сувни ниҳоятда эъзозлаймиз. Динимизда сувга тупуриш гуноҳ ҳисобланишини айтдик. Аммо мана шу оддийгина қоидага ҳамма амал қиладими? Бу номаълум. Экологик тарбия, экологик маданият қалбда бўлмаса қийин. Ҳолбуки, экология талабларига риоя қилиш учун одамдан кўп нарса талаб қилинмайди. Ош-нон сўралмайди...

Яна бир оддий ҳол: столда овқатланаётган одам қошиқни тушириб юборса, уни ювмасдан ишлатмайди. Одамнинг ҳайвондан фарқи ҳам шунда-ку. Бу оддий бир ҳолат. Мен ана шу каби одатларни экология туйғусининг айнан бошланиши деб биламан.

Ҳашарлар уюштириб, дарахтлар экилади. Юзта кўчатдан ўттизтаси тутиб қолса ҳам катта гап. Баъзи маҳаллаларда оддий чиқинди муаммоси учраб туради. Чиқинди ташланадиган жойлар ажратилмаган ҳолларда одамлар тўқиндини дуч келган жойга ташлайдилар. Ундай қилманг, десангиз, бўлмаса қаерга ташлайин, деб савол ҳам берадилар. Демак, талаб қилишдан олдин шароитни ҳам яратиб қўймоқ зарур.

— Бугун табиатимиз жонқуярлари кўпайгани нур устига нур бўлди. Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўпга ўхшайди. Таъкидлаганингиздек, ёшларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг онгида экологик маданиятни шакллантириш жуда зарур.

Бу борада чинакам поэзиянинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. Сиз она табиатимизнинг бетакрор манзараларини нозик ва нафис сатрлар орқали қаламга оласиз. Ижодингизда ҳаёт ва табиат фалсафаси алоҳида ярқираб туради.

Ижодкор табиатга нисбатан меҳр уйғотиш учун ўзи ҳам табиат билан яқин мулоқотда бўлиши зарурми?

— Бу ижодкорнинг феъли-атвори, табиатига боғлиқ. Ижод аҳли ҳамма мавзуда ёзиши мумкин. Лекин пардани кўтариб, дунёга ҳам бир қараш керак. Ҳа, деб ўзини ўйлайвермай, оламга ҳам бир назар солсинлар. Ҳар гапдан фалсафа ахтариш шартми?! Гёте ўлаётганда деразани очиб, пардани тортинг, деган экан. Авлодлар шу гапни кўп йиллар муҳокама қилишибди. «У нима демоқчи эди?». «Нимага ишора қилди?», деган маънода. Ахир хаста шоир, — Менга ҳаво керак, деразани очинглар, ҳаво кирсин, — деган бўлса-чи? Шунга ўхшаб, экологияга

аталган асарларни ҳам мураккаблаштирмай, оммабоп қилиб ёзавериш керак.

— **Экологияни сиз қандай тушунтирасиз?**

— Дунёда гоҳида шунчаки номига қилинадиган ишлар ҳам кўп. Шу маънода экология ҳам кампаниябозликка айланиб кетмаслиги керак. Хорижда баъзи оқимлар экологияга доир эҳтиёжлардан ҳам фойдаланиб қолишга уринишади. Чинакам экологик ҳаракат, атроф-муҳит муҳофазаси учун кураш таъмагирларнинг муайян мақсад йўлидаги ур-сурларидан ҳоли бўлмоғи шарт. Ичаётган сувимизни покиза сақлашга интилишимиз оддий ҳол-ку!

Талабалик даврларимизда буржуазиянинг ҳаёт тарзини қоралаб семинарлар ўтказардик. Тантқиқлашиб, манманликка берилган капиталистлар сувни ҳам «баклашка»ларда ичишади деган гапларни рўқач қилардик. Энди ўйлаб қарасак, уларда тоза сув муаммо бўлиб, биздан олдинроқ экологияси бузилиб бўлган экан. Бугун бизда ҳам «баклашка»да сув ичиш одатдаги ҳолга айланди-ку. Чунки ариқларимизни ўзимиз ифлослаб бўлдик.

Албатта, атроф-муҳитнинг тозаллиги жуда зарур. Ахир, озодаликни кўриб, одамнинг баҳри-дили очилади. Шу ўринда улуг бир ташаббусни айтиб ўтай: Президентимиз қишлоқларимизда уй-жойларни янгидан қуринглар, ободончиликка эътибор беринглар, демокдалар. Янги уйлар, янги турар жойларнинг лойиҳалари кўзимизни қувонтирмоқда. Мана унутила бошлаган маданий урфларимиз қайтадан тикланмоқда. Ахир аждодларимиз, ҳеч қачон тандир-ўчоғи ёнига ҳожатхона қурмаган-ку. Демак, ҳовли-жойларни гўзал ва кўз қувонадиган қилиб қуриш билан бирга озодалик тарбиясини ҳам ўрнига қўймоғимиз зарур. Қизларимизни озодагарчиликка астойдил ўргатишимиз керак, ахир улар рўзғор боши, фарзанд тарбиячиларидир. Назаримда, мактаблардаги экология таълим-тарбиясига жиддий эътибор керак. Мактабларимизда экология дарслари ҳам керакка ўхшайди. Балки ўқувчилардан шу мавзуда имтиҳон ҳам олиш керакдир.

Тараккиётнинг йўлига тўсик қўйиб бўлмайди. Лекин айнан мана шу тараккиётнинг ўзи экологик саъй-ҳаракатларни ҳам кун тартибига қўяётир.

— Абдулла ака, газетамиз ўқувчиларига қандай тилак билдирасиз?

— Табиатни асраш — бу жуда улуғ иш. Бир сўз билан айтганда, экология — бу, савоб. Табиатни она-табиат деймиз, Ватанни ҳам она-Ватан деймиз, «Она бўла қолгин менга, табиат», деймиз. Ахир Онани кадрлай билишимиз керак-ку.

Экология кўпчиликнинг иши. Кимки, эзгулик қилмоқчи экан, шу ишга бош қўшсин, табиатимиз мусаффолиги учун, тозалик учун, озодлик учун курашсин. Тилагим шу!

2009 йил ноябрь

«МЕН ШЕЪРИЯТГА СУЯНГАНМАН ВА ҲАНУЗ СУЯНАМАН...»

— Яқинлашаётган 21 март санасига эътибор қилайлик: Наврўз байрами, Бутунжаҳон шеърият куни, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг туғилган куни яна... «Даракчи» газетаси нашрдан чиққан кун...

— (Кулиб) Бу саналар менинг ихтиёримдан ташқари юз берган ходисалардир. Буларнинг барчаси кўп қатори мени ҳам суюнтиради...

— Ижодингизда нима янгиликлар?

— Мен адабиётимиз даргоҳига шеър кўтариб кириб келганман. Умр бўйи шу машғулотимни тўхтатган эмасман. Мен шеъриятга суюнганман ва ҳануз суюнаман.

— Фузулий, Ҳофиз, Шерозий, Алишер Навоий, Умар Хайём, Машрабларни ўқиган киши бу дунёни унутади. Бугунги шеъриятда-чи?

— Фузулий, Ҳофиз, Шерозий, Навоий... булар албатта

катта олам, катта дунё. Шу ўринда Бедилдек улуг зотнинг бир фикрини эслатиб ўтишни хоҳлайман. У киши «Оламда бу дунё ва у дунё бор. Лекин учинчи дунё ҳам борки, бу — шеърият дунёси. У сеҳрли ва ўзига хос дунё», дея таъкидлаган. Ана шу оламнинг ичига кириш ва шу сеҳрли шеъриятнинг вакили бўла билиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Мен мана шу талаб, мана шу орзу билан ёзилаётган шеърий асарларга назар ташлаганимда гоҳида қониқаман, гоҳида эса ўкинаман.

— Ижодингизни бир йўналишда деб бўлмайди. Аммо қайси мавзунини қаламга олманг, юракка етиб боради...

— Ижодкор ҳаётнинг муайян кўзгуси. Бу кўзгуда ҳамма нарса акс этиши мумкин. Буни мен «Шоир юраги» деб номланган шеъримда ифодалашга ҳаракат қилганман. Шоирнинг юраги оламдаги бир кўприк. Бу кўприкдан шалоқ арава ҳам, «Мерседес» ҳам ўтади, шоҳу султонлар, гадолар ҳам ўтади, кекса мўйсафид ҳам, ёш болалар ҳам ўтади. Бу ердан бахт ва бахтсизлик ҳам ўтади. Мусибат ҳам ўтади. Бирортасини ўтказмаслик учун «шлагбаум» — тўсиқ қўйиш асло мумкин эмас. Бу кўприк шунақа кўприк ва у қулама-син. Унинг тагидан оқаётган дарё кўприк устидан ўтаётганларнинг кўз ёшидир. Агар шундай деб эътироф этадиган бўлсак, шоир ўзига мана буни ёзиш керак, мана буни ёзмаслик лозим, дея чегара қўйиши жоиз эмас. Ҳаёт қанчалик мураккаб, хилма-хил ва ранг-баранг бўлса, ижодкор юрагида шу ҳолида акс этади. Шунинг учун шоирнинг бугунги шеърига эртанги кайфиятда ёзган шеъри мос келмаслиги мумкин.

— Нимадан илҳомланасиз? Ёшлигингизда Сизни илҳомлантирган нарса ҳозир ҳам илҳом бағишлайдими?

— Одамзотнинг вужуди кексаяди: сочи оқаради ё тўкилади, тиши тушади, кўзидан нур, оёғидан мадор кетиши мумкин. Лекин ҳеч қачон унинг юрагидаги ўт ва

дилидаги Худо берган нур сўнмайди. Бироқ ҳар даврининг ўзига хос бўлган ҳолатлари, туйғулари бўлади. Масалан, севги, муҳаббат ёшлик даврининг энг гўзал, жўшқин ва завқли онларидир. Лекин бу ёш улғайгандан кейин йўқолади, дегани эмас, балки муносабат ўзгаради. Масалан, болалигимда тобут кўтариб ўтишаётганини кўрсам, қаттиқ ҳаяжонга тушардим. Ухлолмай чиқардим. Энди эса минг афсуски, буларга ҳаётнинг кундалик ҳодисаси, деб қарайман. Йиллардан йилларнинг фарқи мана шунда.

— **Адабиётга энди қадам қўяётган шогирдларингиз ҳақида...**

— Устоз-шогирд деган тушунчанинг ўзи турли даврда, турли минтақада турлича жаранглайди. Шарқ одамлари тавозе ва ҳурмат юзасидан ўзидан қатта бўлган ҳар қандай кишини уста, устоз, муаллим, домла дейди. Бу – ҳурмат, эъзоз, анъана ҳисобланади. Биз ҳам шундан келиб чиқиб ўзимиздан бир кўйлақ ортиқ йиртганларни устозлар деймиз. Шунингдек, кейингилар бизни устозим деса, биз ҳам бунга жавобан шогирдим, дея муносабатда бўламиз.

— **Бугунги ёшлар китобдан компьютерни афзал билади...**

— Компьютер ўрганиш расм бўлди. Аммо бир ёзувчи айтган: «Компьютерни ким яратган? Албатта – китоб!»

— **Ёшлигингизда Аллоҳдан нима сўрардингиз? Ҳозир-чи?**

— Ёшлигимда ҳам Аллоҳдан одамларга инсоф тилардим, ҳозир ҳам шуни тилайман....

2009 йил март

БЕБАҶО МАКТАБ

Дунёда инсоният аллақачон англаб етган теран бир тушунча бор. У ҳам бўлса, юксакликка интилиш, етуклик ва камолотни кадрлашдир. Бу тушунча ҳатто кундалик ҳаётимизда ҳам, бунёд этаётган иншоотларимизда ҳам намоён бўлиб туради.

Қадимий Самарқандда табаррук Шоҳи Зинда зиёратгоҳига кўтарилиш учун роппа-роса қирқта зинани босиб ўтишга тўғри келади. Кўҳна Римнинг Ватиканидаги Микеланжело, Рафаэл каби буюк рассомларнинг деворга чизган сувратларини кўрмоқчи бўлсангиз ҳам беҳисоб зиналардан чиқиб боришингиз керак.

Пойтахтимиз марказида — Миллий боғимизда буюк шоиримиз Навоий ҳазратларига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик ҳам у зотнинг рутбалари каби юксакдир. Ёдгорликни зиёрат қилиш, пойига гулдасталар қўйиш учун ҳам зинама-зина юксакка чиқиб бориш керак. Демак, камолотга ҳам осонликча етишиб бўлмагай, бунинг учун машаққат чекиш албатта шарт экан. Бунда ғоят теран ҳикмат бор. Оташин шоиримиз Бобораҳим Машраб: «Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас», дея бежиз айтмаган. Инсоний камолот нечоғли юксак бўлмасин, илоҳий дийдор ҳаммасидан баланддир.

Қуйироқда ястаниб ётган заминда ҳам юксак ва улугвор туйғулар албатта мавжуд. Аммо улар қаторида ҳаётнинг ўнқир-чўнқирлари, пастликлари ҳам беҳисоб. Шу сабабли пастлик, тубанлик иборалари доимо маънавий нокомилликни англатиб келади. Кўпинча орзулар ҳам оёқ остидаги жўн нарса деб эмас, балки қўл етмас баландликдаги гўзал армон сифатида таърифланади. Қўшиқнинг ҳам авжи бор.

Инсониятнинг барча буюк вакиллари бизни ҳамиша камолотга, етукликка чорладилар. Бу муқаддас туйғу ҳазрат Навоий ижодининг қайрилмас қаноти десак тўғри бўлар. Улуг шоиримиз ижодини ўқиб-ўрганиш, унинг

мағзини чақа билишнинг ўзиёқ етукликдан бир нишонадир. Ҳазрат орзу қилган ҳамда мунтазам равишда уқтирган инсоний комилликка эришув эса беҳад катта шарафдир. Буюк ижодкор ўзининг армонларини, ўғитларини гўзал ғазалиётида, рубоийларида, беназир дostonларида доҳиёна маҳорат билан ифода этган. Айни чоғда бу эзгу ниятларнинг кўпинча муаллақ қолишини ҳис қилиб, даъватларини изтиробли танбеҳ даражасига ҳам кўтарган:

*Ранж кўрмай киши топарму фароҳ,
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароҳ.*

*Тухум ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.*

*Лола тухмича гайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!*

Навоий бобомиз дунёга, ўз муҳитига, замонасига мавҳум бир хилқат сифатида эмас, балки аниқ жамият, мавжуд борлик сифатида қаради. Шоирнинг идеалидаги шахс осмонларда учиб юргувчи фаришта эмас, балки серташвиш заминда истиқомат қилувчи инсондир:

*Кимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,
Бир кун ани ҳам дегунг аҳли замон бўлдило.*

*Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди, ёмон бўлдило.*

Шоир бошқаларга комиллик тилар экан: «Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл», дея ҳатто маломатни ҳам ўзига олмоқчи бўлади.

Халқимиз кўп синовларни бошидан кечирди. Бирок у ҳар қандай шароитда ҳам юксак фазилатларини саклаб қола олди, камолотга, комилликка интилишни эса ўзи-

нинг бурчи деб билди, уни кундалик фаолиятига айлантирди.

Муҳтарам Юртбошимиз ушбу йилимизни «Баркамол авлод йили» деб атадилар. Албатта, баркамоллик барчамизнинг доимий орзу ва аъмолимиздир. Аслида келажакимиз элчилари бўлмиш ёш авлод учун ушбу даъват катта ифтихор ҳамда улкан масъулиятдир. Ҳар тарафлама етуқлик, энг аввало, улуғ халқимизга муносиб бўлишни тақозо этади.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг муҳташам ижодий мероси комилликка интилган ҳар қандай инсон учун бебаҳо мактабдир.

2010 йил 3 февраль



Шарҳималар



Қайсин ҚУЛИЕВ

Жоҳилга, майли, бахт ҳамиша ёрдир,
Ёвуз ҳам ёвузлик кўрмабди минбаъд.
Эзгулик бизларнинг Парвардигордир,
Унга сигинурмиз абадул-абад.

Николай ТИХОНОВ

ШОИРГА

Атом асри дема,
Бошок ҳам мавжуд.
Шоирлар тунлари
Боқурлар шамга.
Сенинг шеърингга ҳеч
Бормикан ҳудуд.
У хосдир ҳам мозий,
Келажак дамга.
Рассом бўлсайдим гар,
Шоир суратин
Парку булутларга
Чизардим ёндош.
У тонгги шафакқа
Чўмарди ёрқин,
Атрофда ёш майса
Силкир эди бош.

Александр ФАЙНБЕРГ

ЭСКИ ФОНУС

Куйлама у эски фонусни менга,
Пушкин ё Блок деб чекмагил фироқ.
Уларнинг шуъласи мандан кўп йироқ,
Куйлама у эски фонусни менга.
Куйлама менга Русь қахратонини,
Қишнинг замҳарири ер узра оқар.
Бестужев изиллаб қаёнга боқар,
Куйлама менга Русь қахратонини.

Менга у йўлларни куйламагин сен,
Шамол ҳам тополмас қорли сарҳадлар.
Навжувон Радишчев, овлоқ бекатлар,
Менга у йўлларни куйламагин сен.

Куйлама у сирли юртлар ҳақида,
Куйлама мафтункор олис гўшани.
Куйлама, куйлама фақат ўшани,
Куйлама у сирли юртлар ҳақида.

Ўзи йўқ севгини куйлама, жоним,
Овозинг, бардошинг етмагай бу дам.
Ўчгай у фонуснинг шуълалари ҳам,
Ўзи йўқ севгини куйлама, жоним.



Ибройим ЮСУПОВ
(Қорақалпоғистон)

АЙТ, СЕН АЖИНИЁЗ ҚЎШИҚЛАРИДАН

Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан,
Йиғласин ёр ишқи бағрин тешганлар.
Бўзласин юртидан айро тушганлар,
Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.

Созин сабо ёдлаб, сўзни ел билган
Бир шоир дунёга келди-ю кетди.
Мажнунтол ортидан ойга термулган
Бир дилбар тушимга кирди-ю кетди.

Қўшиқ дарё-дарё нур бўлиб оқсин,
Севгисиз қалбларга ишқ ўтин ёқсин.
Қиз йигитга жилва-ноз билан боқсин,
Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.

Айт, сен «Бўзатов»ни нағмага солиб,
Дили ёнмаганнинг бағри тош бўлсин.
Қорақалпоқнинг кўхна дарди қўзғолиб,
Бу кунга боққани сари маст бўлсин.

Шоир кезган чўлда бўстонлар қатор,
Бекор бўлиб кетди замон нобакор.
Бир илҳом парисин кўрдим ишвакор,
Айт, сен Ажиниёз кўшиқларидан.

Мен уни тингласам – қолмай токатим,
Кўнглимда сайраган мастона булбул.
Мен уни тингласам — туққан элатим
Ер жаннати бўлиб кўрингай буткул.

Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,
Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг,
Агар мен ўлганда тирилтмоқ бўлсанг,
Айт, сен Ажиниёз кўшиқларидан.

Адхад СИНЎФИЛ
(татар шоири)

ҚАЙДАДИР...

Қайдадир тентир жилға
Кўз ёшин тўкиб яшар,
Кимдир яшар қад кериб,
Кимдир қад букиб яшар.

Қайдадир оқ қайиннинг
Вужудидан оқар ёш,
Қайдадир чашма эса
Куриб колар бебардош.
Қайдадир ҳатто наҳанг
Қадрин билиб берар жон,
Қайдадир қабоҳат бор,
Қайдадир ёнар ўрмон.

Қайдадир етмас ҳаво,
Ҳар нафас оғу-заҳар,
Минг аттанг. Она ернинг
Бошида минг хавф-хатар.

Эртаю кеч жонхалак
Титрар она сайёра,
Биз-чи ер фарзандлари,
Унинг учун овора!



ҚОРА КАПАЛАК

Тоғларда қора капалак –
Кимнингдир қора кўзидир,
Балки у мархум отамнинг
Айтилмаган сўзидир?
Тоғларда қора капалак –
Кимнингдир учма қошидир,
Балки у мархум онамнинг
Кўзидан оққан ёшидир?
Тоғларда қора капалак –
Кимнингдир ҳалол қонидир,--
Балки у, элим, деб ўлган
Бир ботирнинг жонидир?..

ЯРАТГАН

Бизга хилқат эътиборини хўб қаратган,
Тагин бошсиз бўлмасин деб бош яратган.
Яралган бош гўзал бўлсин, дея ўйлаб
Қаҳратонда қотмасин, деб соч яратган.
Бизга хилқат эътиборини хўб қаратган,
Бошимиз бўш қолмасин деб онг яратган.
Вужудида ҳаёт доим қайнасин деб,
Эртаю кеч кўпирувчи қон яратган.

Бизга хилқат эътиборини хўб қаратган,
Бир-бировни тушунсин деб тил яратган.
Ғоят узоқ ўйлаб-ўйлаб, фикр қилиб,
Бекор турмай ишласин, деб қўл яратган.

Бизга хилқат эътиборини хўб қаратган,
Паст-баландни кўрсин дея кўз яратган.
Билиб-билмай уят ишни қилиб қўйсанг,
Номус ичра қизарсин, деб юз яратган.

Бизга хилқат эътиборини хўб қаратган,
Юраги муз бўлмасин деб ҳис яратган.
Қизлар учун йигитларни барпо этиб,
Йигит учун қўшасини – қиз яратган!

Абдулла ТОЖИБОЕВ
(Қозоғистон)

* * *

У айтади чолсан деб,
Мен айтаман – Лайлим деб.
Орсиз дейди мени у,
Мен айтаман – майлинг деб.

Сен қочсанг ҳам мен қочмам,
Ўз лафзимдан тойдим деб.
Сен шошсанг ҳам – мен шошмам,
Доим дегум – Лайлим деб.

Сайрайвергум йўлингда
Юрагимни ёйдим деб.
Чарчасанг ҳам гар тинглаб,
Айтабергум Лайлим деб.

Ўйлаб кўр-чи енгилми,
Айтолмасам Лайлим деб.
Ортар йўкса кўнгилда
Қаргайганда қайгим деб.

ШЕЪР – ҚАЛБ ИЗТИРОБИ

Ижодкорларнинг алоҳида асарлари, шеърий ва насрий тўпламлари чоп этилиши одатий ҳолга айланган. Бироқ катта сўз санъаткорларининг кўп жилдликлари нашр этилиши ҳар бир халқнинг ижтимоий ҳаётидаги муҳим маданий ҳодиса эканлиги шубҳасиздир. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари буюкларимизнинг кўп жилдликлари халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигига айланган.

Мухтарам китобхонларга маълумки, 2000–2001 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Абдулла Ориповнинг тўрт жилдлик «Танланган асарлар»и чоп этилган эди. 2005 йилда «Адолат» нашриёти чиқарган «Адолат кўзгуси» аслида шу жилдларнинг давоми, яъни 5-жилд эди. Шеър, мақола, суҳбат, таржима ва ҳоказолар бир китобдан ўрин олганлиги ҳамда бошқа нашриётда чоп этилаётганлиги боисидан бу ҳолат китобнинг кириш маълумотларида акс эттирилмаган, бироқ «Изоҳ ва шартларда» мазкур нашр олдинги жилдларнинг давоми эканлиги қайд қилинган эди. Орадан ўтган беш йил мобайнидаги янги шеърлар, бадиий публицистик асарлар, мақолалар, суҳбатлар, қайдлар хронологик тартибда жамланган «Қуёш бекати» деб номланган ушбу китоб мантиқан олганда Абдулла Орипов «Танланган асарлари»нинг 6-жилдидир ва шу шундай мақомда нашр этилмоқда. Шу муносабат билан бу ҳол кириш маълумотларида ҳам қайд этилмоқда.

«Танланган асарлар»нинг 5-жилдини («Адолат кўзгуси») ва қўлингиздаги 6-жилдни тайёрлаш жараёнида ижодкор бисотини кўздан кечираётиб олтмишинчи йилларнинг бошида ёзилган, даврий матбуот ва тўпламларда эълон қилинмаган талай шеърий қораламаларни учрат-

дик. Булар орасида 1963 йилда ёзилиб тугалланмай қолган «Соя» шеърӣй драмани, кейинрок бошқа тиллардан ўтирилган йирик драматик асарларни айтиб ўтиш мумкин. Бешинчи ва ушбу олтинчи жилдга илк ижод намуналарининг айримларигина киритилди холос. Йиллар шамоли сарғайтириб юборган саҳифалар билан танишиб бугунги катта истеъдоднинг илк нишонлари ўша шеърлардаёк ниш урганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу шеърлар учун ёшлик романтикаси, образлиликка, ҳаётӣйликка интилиш, ҳаётнинг ўзидан улги олиб ижод қилиш хос. Шу боисдан уларнинг айримларини ушбу жилдга киритишни лозим топдик. Шоирнинг ўзи илк ижод намуналарини ўз ҳолича матбуотда эълон қилишни лозим топди ва жилдларда ҳам шу тарзда берилмоқда.

Ўзининг оташин шеърӣяти билан ўзбек адабиётига янгича нафас, янгича руҳ олиб кирган Абдулла Орипов бугунги кунда ижоднинг камолот чўққисида. Унинг шеърлари, дostonларида жо бўлган теран фалсафӣйлик, шарқона донишмандлик, чуқур лиризм шеърӣят ихлосмандларини оҳанрабодек ўзига жалб этиб келади. Шоир ижодининг бош мотивини Ватан, унинг довруқли, айна чоғда мураккаб, баъзан фожиаларга тўла кечмиши, бугунги ёруғ истикболи, инсон қалби манзаралари тасвири ташкил этади.

Шоир кейинги беш-олти йилда анча сермахсул ижод қилди. Кўплаб публицистик мақолалари, суҳбатлари эълон қилинди. Айна вақтда энг муҳими – шеърӣят хазинасини бойитадиган шеърлар салмоғи юқори эканлигидир. Ушбу тўплам билан танишган шеър ихлосмандлари улуғ шоиримиз ҳамон шеърӣятга садоқат билан хизмат қилаётганлигига, ижодидаги мукамаллик янада тиниклашиб, такомиллашаётганлигига, шеърӣй тасаввур ва хаёлот олами янада кенгайиб бораётганлигига ўзлари ишонч ҳосил қиладилар деб ўйлаймиз. Бу ўринда кейинги йилларда ёзилган шеърлар муносабати билан Абдулла Орипов шеърӣятига хос айрим кузатишларни қайд этишни лозим топдик.

Шоирнинг бутун ижоди сингари сўнгги йилларда ёзилган шеърларига ҳам ижтимоий-маънавий нуқтаи назарнинг мустаҳкамлиги, теран лиризм, фалсафий яхлитлик, ўзига хос такрорланмас ёрқин ҳиссиёт ва юксак туйғулар, мусикийлик, адабиётнинг катта мезонларига монандлик, табиийлик ва ҳаққонийлик, Шарқ ва Ғарб шеърияти анъаналарининг чамбарчас қўшилиб кетиши хосдир. Эркин Воҳидов йигирма йилларча аввал айтган «...эскирмас, тўзимас сўз соҳибларидан бири Абдулла Ориповдир. Унинг илк шеърлари халқ қалбида қандай акс-садо берган бўлса, энг янги сатрлари ҳам шундай сеҳрли қудрат билан жаранглаб турибди», деган мулоҳазалар шоирнинг кейинги давр ижодини ҳам тўлиқ тавсифлаб беради. Шоирнинг қалби ҳамон ўз халқи билан муштарак, унинг ўю фикри, дардию кувончига шерик. Бу шеърият ҳамон оҳанрабо янглиғ сеҳрли ва жозибали, бекиёс. Бу ўринда беихтиёр аллома адиб Чингиз Айтматовнинг шоир ҳақидаги фикрлари ёдга тушади: «Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у — ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодасидир. Бирок, энг асосий, у — ўз даврининг ҳақами ва куйчиси, у — жарчи ва файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир-дарвеш. Буларнинг бари унга қалб изҳорини ҳаммага бирдай тушунарли, сеvimли ва, шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юрадилар. Абдулла Орипов менга XXI асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади».

Албатта йиллар, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар ҳар қандай шоирнинг ижодида беиз қолмайди. Шоир шеърларида олтмишинчи, етмишинчи йилларда бўртиб намоён бўлган истиқлолни орзулаган, қўмсаган курашчанлик руҳидаги ўт-олов туйғулар бугунга келиб бирмунча сокин, босиқ шоирона ўйларга, ҳаёт

ходисаларининг чуқур бадий-фалсафий таҳлилига ўрин бўшатиб бериши табиийдир.

Бирок энг асосийси Абдулла Орипов шеърятни даврнинг «юррак уриши»ни ҳамон жуда нозик ҳис этаётганлигида, «инсон қалби манзаралари»ни ғоят сезгирлик билан ифодалаб бераётганидадир. Йиллар «Абдулла Орипов феномени»га (Одил Ёқубов ибораси) ҳос хусусиятларни янада бойитди. Шоир шеърятига ҳос ўзи яшаётган даврни бадий идрок этиш, образлар ва манзараларни тугалланган шеърний шаклга солиш, шеърний техника санъати янада мукаммал кўриниш касб этди.

Абдулла Орипов шеърлари дунёни билишнинг ўзига ҳос шакли бўлган санъат асарлари сифатида ҳаётнинг ўзидан олинган маънавий эҳтиёжларга эстетик жавоб берадиган, шу билан бирга ўз образлари, мавзулари ва мотивларига, ўз шеърний тамойилларига садоқатли шоирнинг ижод меналаридир. Агар шоирнинг шеърлари ёзилган санасидан бошлаб тартиб билан бир сидра кўздан кечириладиган бўлса, уларда халқ, мамлакат, жамиятдаги, қолаверса яшаб турган сайёрамиздаги энг характерли хусусиятлар, ўзгаришу эврилишлар ўзига ҳос тарзда ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Олтмишинчи йиллар маҳсули бўлган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон», «Ўзбекистонда куз», «Баҳор», Она тилимга», «Тилла балиқча», «Муножот»ни тинглаб, «Уйқу», «Темир одам», «Сароб», «Авлодларга мактуб», «Онажон», «Она сайёра», «Арманистон» каби шеърлар эскича қарашлар, эскича тушунчаларни издан чиқариб халқ ва Ватан тақдирига юксак масъулликка чорлагани, мудроқ дилларни уйғотганлиги билан адабиётимизда воқеа бўлди, халқ қалбида акс-садо берди, катта миллий шоир шеърят майдонига кириб келаётганлигини баралла кўрсатди. Албатта, ўзбек шеърятига ҳали мисли кўрилмаган янги оҳанглар пайдо бўлишини, янги йўл очилишини, канчалик улкан истеъдод бўлмасин, тамомила фақат бир шоирнинг номи билан боғлаш инсофдан эмас. Абдулла Орипов бой мум-

тоз адабиётимиз анъаналарига, ўтган асрнинг биринчи ярми шеърятимизнинг энг яхши намуналарига суянди, уларни мезон қилиб олди. Шу муносабат билан шоирнинг ўзининг фикрларига кулок тутайлик: «*Ўша йиллари (яъни олтмишинчи йиллар бошида – Д.Б.) адабиётимизга қадам қўйган ёш ижодкорларнинг деярли кўпчилигига ҳақиқатан ҳам субҳидам нафаси хос эди. Хайриддин Салоҳ, Теша Сайдалиев, Ҳусниддин Шарипов сингари шоирларимизнинг илк қадамларидаёқ янгича руҳ баралла кўзга ташланарди. Гоҳида масаланинг моҳиятига юзаки назар ташлайдиган айрим ҳозир у нозир «шунос»лар таваккал хулосалар ҳам чиқариб юбораверади. Уларнинг хулосасига таянсангиз гўё биздан аввалги йилларда асл шеърят бўлмагандек. Асло бундай эмас. Асл шеърят мавжуд эди. Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек шеъряти бор эди. Фақатгина уларнинг номи қатагон этилган, шеърлари тақиқланган эди. Кейинги даврларда ҳам Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир сингари шоирларимиз ижодида чинакам шеърятнинг марварид доналари кўзга ташланиб турди. Умуман олганда эса, адабий муҳит гипноз қилинган каби гоябозлик тумани ичра қарахт ҳолга тушганди. Шундай шароитда хира туман орасида ўлмас шеърятимиз яна ўз жилвасини кўргазиб нур тарата бошлади». Бу мулоҳазаларга биз сўз юритаётган шоир янги ўзбек шеърятининг энг кўзга кўринган вакили бўлганлигини, унинг йўналишларини белгилаб берганлигини қўшимча қилиш мумкин. Шоир Эшқобил Шукурнинг «Абдулла Ориповгача шеърят зерикарли эди» («Қишлоқ ҳаёти» газетаси, 2006 йил 4 июль), деган дангал фикри кўп нарсага ойдинлик киритади. Яъниким, Абдулла Орипов шеърятни халқнинг маънавий оламидаги ўз ўрнига қўйиб қўйди.*

Етмишинчи йилларда ёзилган «Генетика», «Бир танишим ҳақида баллада», «Маломат тошлари», «Кўриқхона», «Оломонга», «Учинчи одам» сингари турфа мавзулардаги шеърларда инсон қалби манзаралари тас-

вири куюклашди, унинг кувончу қайғуларига эш бўлиш, бадий-фалсафий таҳлил кучайди, абадий мавзулардаги (ҳаёт, ўлим, севги-муҳаббат, дўстлик, мангулик) образлар ва мотивлар пайдо бўлди. Шоирнинг бу даврдаги ижо-дида фикрлар кўламининг бойлиги, кенг дунёқараш, дунёни ўз билганича кўриш устунлик қилади.

1986–1990 йилларда ёзилган «Мени сайланг», «Ишонч кўприклари», «Айтишув» (1987), «Турғунбой» (1987), «Гап битта» (1988), «Токат» (1988), «Эътикод» (1988), «Тараккиёт» (1989), «Жавоб» (1989), «Элим деб ёнгайдир соҳиб журъатлар» (1990), «Охират» (1990), «Сабаблари қидирилмоқда» (1990) каби шеърларда қайта қуриш деб аталган даврда ва ундан кейинги истиқлолгача бўлган йилларда собиқ мамлакатда ҳукм сурган ижтимоий-маънавий ҳолат ва унинг диёнатсизлик, хиёнат, сурбетлик, мешчанлик, турмушдаги тақчиллик, омма онгидаги тушкунлик кўринишлари шоирнинг тарихий-фалсафий концепциясига мувофиқ қаламга олинади. Давр бадий идрок қилиниб образлар ва манзаралар тугалланган шеърий шаклга солинади. Қуйидаги мисоллар бу фикрнинг исботи бўлади деб ўйлаймиз:

*Етимлар ҳақидан кўрқмаса биров,
Сўқмоққа айланиб кетсалар йўллар;
Қиблагҳоҳлар осий, тугишганлар ёв,
Ғазналарга чўзилса қўллар;*

*Болалар руҳига ҳаёт деган дарс
Манманлик уругин жойласа;
Ошиқлар кўчада маъшуқасин эмас,
Кимнингдир қадамин пойласа;*

*Элнинг шоирлари ганим зотлар каби
Бир-бирларини гажиб есалар;
Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи,
Андишани кўрқоқ десалар...*

(«Ишонч кўприклари» шеъридан)

*Бозордан тутақиб қайтар уйга чол,
Гўшт қайда? Ёғ қани? Ваъда сўздами?
Кампири хўрсиниб юпатар дарҳол:
– Ўкинманг, тақчиллик фақат биздами?!*

*Ёнбошлаб газета варақлайди чол,
Тўполон чиқиб завод, «Вуз»дами.
Кампири юпатар сурганча хаёл:
– Ўйламанг, жанжал ҳам фақат биздами?»*

(«Тоқат» шеърдан)

*Маҳшар яқин қолди,
Қиёмат яқин,
Ота билан ўғил бир-бирига ёв.
Самовот бошида чақса ҳам чақин,
Ҳеч кимса ҳайиқмас, кўрқмайди биров.*

(«Эътиқод» шеърдан)

*Билиб бўлмас – кимда бор имкон,
Олаговур маҳшардир замон.
Не қиларин билмай ҳайратда
Денгиз каби қалқир оломон.*

(«Охират» шеърдан)

Шоирнинг улкан адиб Чингиз Айтматов вафоти муносабати билан ёзилган куйидаги шеърига эътибор беринг:

*Ўтди Чингиз ога,
Тенгсиз бир даҳо,
Улуз бир қиссагўй, тугма донишманд.
Майда туйғуларни суймасди асло,
Маҳобати эса Манасга монанд.*

*У инсон дардини куйлади тўлиб,
Сўзни азиз билди нон билан туздек.
Меҳру садоқати мустажоб бўлиб,
Адибни бошига кўтарди ўзбек.*

*Ота юрти учун курашларга шай,
Не буюк зотларга бўлди ҳамнафас.*

*Қирғиз эканлигин зарра унутмай,
Тулпорин бошқача кишнатмади, бас.*

Шеърда жаҳон таниган қирғиз фарзандининг бутун сиймоси аниқ-тиник мана-ман деб туради. Чингиз Айтматов миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган, дунёга донғи кетган роману қиссалар муаллифи, инсон, унинг руҳияти ёзувчи ижодининг бош мавзуси бўлди, ҳамиша даврнинг энг долзарб, салмоқли, чатнаб турган мавзуларида қалам тебратди, майда, ўткинчи туйғулар билан ўралашмасдан юксак, гўзал, умуминсоний кечинмаларни, дардларни маҳорат билан тасвирлаб бера олди. Ўзбек китобхонлари учун Чингиз Айтматов ўз ёзувчисидек эди. Айти чоғда «Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги юзимиз ва сўзимиз» деган адибнинг ҳам юртимизга бўлган меҳри бўлакча эди. У бутун ижоди давомида ўз халқига, идеалларига содиқ қолди. Шеърда адибнинг умумлашма образи ғоят зукко нуктадонлик билан чизиб берилган.

Шоирнинг кейинги тўрт-беш йилдаги ижодида ҳам кайфиятлар ва кечинмалар нафақат ташқи олам ҳодисалари, балки бевосита инсоннинг руҳий олами асосида қурилганлигини, фикр хис-туйғу, туйғу фикр билан омукта бўлиб кетганлигини кўрамиз. «Талош палласи», «Улуғбек фарёди», «Инсон омили», «Озодлик», «Карвон», «Умр», «Одат», «Тасаввур», «Қалб», «Тавалло», «Рух», «Таажжуб», «Ўткинч», «Дарё» шеърлари ҳамда Италия туркумига кирган шеърлар учун шеър объектини, тасвирланаётган воқелик, ҳодиса, предметларни ўз ҳаётининг, субъектнинг ажралмас бўлагига айлантириш, қалб призмасидан ўтказиш хосдир. Бу шеърларни кичик «шеърый мўъжизалар» дейиш мумкин. Чунки уларда муҳим, юксак, гўзал, айти замонда зиддиятли шеър объекти ҳақидаги ўйлар мутафаккир шоир нигоҳи остида нозик кечинмалар орқали ифодаланди.

Албатта шоирнинг бу тахлитдаги шеърларидаги мукамаллик ортида шеър устидаги машаққатли меҳнат ётганлигини унутмаслик керак. «Ўзбекистон овози» га-

зетасининг бош муҳаррири С. Остонов шоирнинг 2004 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида нашр этилган тўртликлардан ташкил топган «Меҳр» тўплами дунёга келиши тарихи ҳақида ҳикоя қилар экан қуйидагиларни қайд этади: «Ушбу жараёнда мен «истеъдоднинг тўксон фоизи – меҳнат» деган ҳикмат нақадар ҳақиқатлигига қатъий ишонч ҳосил қилдим. Гап шундаки, Абдулла ака асарини телефон орқали узатгач, яна қайта кўнғироқ қилиб, қайсидир бир сўзни, қаторни ўзгартирарди. Бу ҳол эртасига газета чоп этилаётган пайтда ҳам давом этарди. Баъзан тўрт мисра шеър тамоман қайта ишланиб, ўзгариб кетарди. Абдулла ака ҳар бир сўз устида ўйларди, баъзан кечқурун ишни тугатиб кетмоқчи бўлиб турганимизда кўнғироқ қилиб, яна битта сўзни ўзгартирамиз, деб қолардилар. Унинг сўзга, меъёрга масъуллиги, ўзига талабчанлиги, ўқувчиларга юксак ҳурматини кўриб хаёлимдан бир гап ўтди: Абдулла Ориповнинг ўзига ҳослиги, суюклиги, буюклиги унинг заҳматли меҳнатидан экан».

Бу фикрларга ушбу сатрлар муаллифи ҳам тўлик қўшилади. Шоирнинг тўпламларига тартиб бериш асносида бундай ҳолатлар кўплаб юз берди. Бамисоли шоир илҳом келган онларида туткич бермас ҳис-туйғуларни «ушлаб» олганидан, шеър бир сидра ёзилганидан кейин қораламаларини Пушкиндан тортиб бошқа даҳо шоирларнинг ёзганларига таққослаб олишни одат қилган. Ўз қалби ва ўз шеъри жарангини маълум ўлчамларга солиб эшитади, мослаб олади. Талабчанлик билан ҳар бир сатр, сўз, сифатлаш ва ўхшатишлар вазнини салмоқлаб кўради. Бу ўринда бир-икки йил олдин ёзилган «Миртемир» деб номланган шеърга эътибор берайлик:

*Уч-тўрт шоир тўпланиб олиб,
Бир-бирларин мақташар бийрон:
– Мен Пушкинман, сен – Мирзо Ғолиб,
У – Навоий, бу эса – Байрон.
Алаҳлашар битта ниятда:*

Уни йўқот, бунисин емир.
То тонггача Адабиётда
Тер тўқади ёлғиз Миртемир.

Шеърда умумлашма образ Миртемир тимсолида шеър дунёга келгандан кейинги қийин, тинкани қуритадиган тарошлаш жараёнининг муҳимлиги таъкидланади. Ушбу жилддан 2007 йил 27 ноябрь санаси қўйилган «Пахта» деб номланган шеър ҳам ўрин олган. Бирок бу шеърнинг 2007 йил 24 октябрда ёзилган бошқа бир варианты ҳам бор. Қуйида ҳар иккаласини келтирамиз:

Пахта

*Бешиқдан талпиниб қўлимни чўзсам,
Касфтимга шуъладек инган ўзингсан.
Кексалик богида машварат тузсам,
Бошимга қор каби қўнган ўзингсан.*

*Сенинг шарафингу заҳматинг сабаб,
Дунёда қолмади бормаган жойим.
Лойимни пишитгач момикқа ўраб
Рух берган шекилли асли Худойим.*

*Номингни шеъримга солсам қай замон,
Ёгилди шаънимга ҳатто маломат.
Эмишки, йўқ сенда илҳомдан нишон,
Сен яхлит ташвишсан, яхлит қиёмат.*

*Ўзбек деб аталган муштипар онам,
Сени ризқим дебди, ризқимсан демак.
Қўшилган бўлсайди агар насибам,
Юртнинг янтогин ҳам куйлардим бешак.*

2007 йил 24 октябрь

Пахта

*Тугилиб илк бора бешикка кирсам,
Бошимда болишим бўлган ўзингсан,
Дунёнинг қайси бир бурчида юрсам,
Фурурим, нолишим бўлган ўзингсан.*

*Кездим қасрларни шуҳратинг сабаб,
Гоҳи зиндонларга айланди жойим.
Лойимни қорганда момикқа ўраб,
Йўрғаклаб олгандир балким Худойим.*

*Пахтам деб куйласам сени қай замон,
Ёзилди шаънимга ҳатто маломат.
Эмишки, йўқ, сенда илҳомдан нишон,
Йўқдир гўзалликдан сенда аломат.*

*Сени ризқим деди муштипар онам,
Демакки, ризқимсан азалдан-азал.
Токи шу тупроқда экан насибам,
Ҳатто янтоғига ёзурман газал.*

2007 йил 27 ноябрь

Талабчанлик, ўз-ўзидан қоникмаслик, юксак шеърят олдидаги бурч бинойидек кўринган бир шеърнинг «соғ жойини» колдирмасдан мутлако янги бир шеър яратилишига туртки бўлган. Шоирнинг кейинги шеърларидан «Қишлоқ оқшомлари» ва «Бегона» шеърлари характерли хусусиятига кўра ажралиб туради. «Қишлоқ оқшомлари» беғубор болалик, ўспиринлик даври ҳақидаги кичик лирик шеърый қиссадек ўқилади. Шу билан бирга унда «Юзма-юз»га хос бўлган оҳанглар келиб тургандек. Қиёслайлик. «Юзма-юз»дан парчалар:

*Мезонлар учмоқда, ҳаво биллурдан...
Яна ҳисларимга кел, деб ёлбордим.*

*Хазонлар тўжилди, мен ҳам қалбимдан
Бадбир ўйларимни қувлаб юбордим.*

Яна:

*Суюниб кетаман мактаб боладай,
Сонсиз мўриларда кўраркан тутун.
Ана таниш уйда доғ бўлмоқда мой,
Шивирлайман: — Синглим, насибанг бутун!*

«Қишлоқ оқшомлари»дан парча:

*Намозгар ҳам тушиди,
Шом кирмоқда зил,
Ўчмоқда қонталаш шафақнинг ранги.
Салқин ҳаволарда ҳарирдай енгил,
Муаллақ кўринар йўлларнинг чанги.*

*Пода қайтаётир тоғ этагидан,
Қишлоққа етмасдан тарқалар, чопар.
Говмиш йўлин бурди кўприк тагидан,
Қадрдон ҳовлисин адашмай топар.*

*Терак учларида офтобнинг юқи,
Сўнги чўғларини ташлар ўчоққа.
Қайдандир келади кафгир тақ-туқи,
Урилар пиёздого ҳиди димоққа.*

Ушбу ўринда шеъринг мисраларнинг қуйилиб келиши, тасвирдаги ўхшашликлар, шеърнинг руҳи, оҳанги эътиборни жалб этади. Бу Абдулла Орипов шеърятдаги ўз йўлига, услубига, мавзуларга содиқ қолган ҳолда ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашга чақирадиган, инсон қалбининг нозик товланишларини чизиб берадиган ижод йўлидан собитқадамлик билан бораётганлигидан далолат беради.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ

ИЗОҲЛАР

Изоҳларда шеърлар, мақолалар, суҳбатлар ва ҳоказоларнинг биринчи марта чоп этилган манбаи, айрим ҳолларда мақола ёки суҳбат нима муносабати билан ёзилгани ёки уюштирилганлиги ҳақида қисқача маълумотлар берилади.

Илк дафтарлардан: Сен илоҳий; Ақида; Аждодлар; Баҳор айёми; Синов; «Ошиқ учун бундан соз...»; Дўстим ҳақида; Чақмоқ; Хива бозорида. Бағишловлар: Ёиртиқ ботинка; Карлова Вари хотираларидан; Унутма; Томошахона. // «Моҳият». 2009 йил 5 июнь.

«Таъзим қилсанг арзир Кўконга, чунки...» / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2006 йил 9 июнь.

Хитоб. // «Ёш ленинчи», 1989 йил 1 июнь.

Насаф мадҳияси. / «Nasaf». 2006 йил 27 октябрь. «Қарши моҳияси» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Бу юртда. // «Моҳият». 2005 йил 10 декабрь.

Мантик; Дайди ит; Этиқдўз; Сайр. // «O'zbekiston ovozi». 2005 йил 26 апрель.

Во ажаб! // «O'zbekiston ovozi». 2005 йил 5 май.

Женевада ўзбек каломи. // «Халқ сўзи». 2005 йил 21 июнь.

Афсона. // «Халқ сўзи». 2005 йил 13 июль.

Қадр. // «Халқ сўзи». 2005 йил 12 август.

Хориж радиоси. // «O'zbekiston ovozi». 2005 йил 3 сентябрь.

Соат. // «O'zbekiston ovozi». 2005 йил 27 май.

Инсоф; Таскин; Шажара. // «Халқ сўзи». 2005 йил 22 декабрь.

Майдон. // «O'zbekiston ovozi». 2005 йил 31 декабрь.

Одам ва Шайтон киссаси. //«Ҳаёт». 2006 йил 16 март.

Меҳмон. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 1 апрель.

Дўст. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 6 апрель.

Туйгулар; Танкидчиларга ҳазил.//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2006 йил 26 май.

Ҳиммат.// «O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 8 июнь.

Тушунча. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 17 июнь

Асрагил. // «Халқ сўзи». 2006 йил 22 июнь.

Турғун ва терак. // «Халқ сўзи». 2006 йил 1 июль.

Ўзбек нони. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2006 йил 21 июль.

Таъмагир. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 1 август.

Талаш палласи; Ожиз банда; Талпиниш; Эпиграмма.//«Халқ сўзи». 2006 йил 12 октябрь.

Ҳақ қаҳри. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 8 ноябрь.

Юпанч. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил ноябрь.

Фақат ўзинг англа... //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил ноябрь.

Келдим... //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил ноябрь.

Одина масжиди.//«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил ноябрь.

Маъмур академияси. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил ноябрь.

Ҳиммат. // «O‘zbekiston ovozi». 2006 йил. 8 июнь.

Интернет. // «O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 10 август.

Меҳмон. //«O‘zbekiston ovozi». 2006 йил 21 ноябрь.

Умр ҳисоби. //«Халқ сўзи». 2006 йил 30 ноябрь.

Яхшилик йўллари; Ҳақ қаҳри; «Айбдор»; Умр ҳисоби. Меҳмон. //«Наҳот». 2006 йил 30 ноябрь.

Гувалакнинг спортчи қизларига. Шоирнинг ота томонидан момоси Косоннинг Гувалак қишлоғидан бўлган.

Эмиш. //«O‘zbekiston ovozi». 2007 йил 26 январь.

Қадрият. //«O‘zbekiston ovozi». 2007 йил 27 февраль

Қутлов (Элликқаъла). //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 23 март.

Ажабо. // «O‘zbekiston ovozi». 2007 йил 31 март.

Меҳри ортик эзур... //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 9 март.

Ифтихор. // «Халқ сўзи». 2007 йил 17 апрель.

Накурт; Ризолик; Ваҳима. // «O‘zbekiston ovozi». 2007 йил июнь.

Ватан; Умид; Насиба; Улуғбек фарёди; Қассоб; Лоф; Соддалик; Мечкай; Жин. // «O‘zbekiston ovozi». 2007 йил 19 июль.

Ёшлигим. // «O‘zbekiston ovozi». 2008 йил 1 январь.

Ўзбек генераллари; Инсон омили; Хидоят йўли; Янги давра; Ёшлигим; Мулк; Ибрат. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2008 йил, 18 январь.

Сўз. // «O‘zbekiston ovozi». 2008 йил 3 май.

Азиз муаллим. //«Инсон ва қонун». 2008 йил 30 сентябрь.

Ҳаёт уммони. //«Тафаккур». 2008 йил, 3-сон, 32-бет.

Аждаҳо. // «Тафаккур». 2008 йил, 3-сон, 32–33-бетлар.

Менга хуш хабар айт...; Жайхун хангомаси; Фирибгар қиссаси; Янги ақида; Тўғрилиқ; Болакай. //Тафаккур. 2008 йил, 3-сон, 33-бет.

Сайёҳ. Ҳаёт уммони. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2008 йил 25 июль.

Зиёфат; Талош палласи. //«Халқ сўзи». 2006 йил 12 октябрь.

Ватан фарзанди; Шоир; Юртдошларим; Асрасин; Ош; Инсон; Бозорда; Жаннат; Пахта; Табиат иши; Қум сочиш; Қуёш бекати; Дўст. //«Халқ сўзи». 2008 йил 5 январь.

Қисмат. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2008 йил 25 июль.

Дуо; Кўникиш; Йўртиб ўтар; Озодлик; Фасллар. //Халқ сўзи. 2008 йил 9 август.

Туш; Сухбатдош; Шоирнинг яратилиши; Истиқлол – 17; Ривоят; Олтин нишон. // «O‘zbekiston ovozi». 2008 йил 26 август.

Амнистия; Карвон; Соҳибдил; Умр; Иззат; Жоҳил.//«Ҳаёт». 2008 йил 4 сентябрь.

Италия; Рим; Харита; Ҳўкиз шоҳи; Манзаралар; Нидо; Арбоб; Дўхтир; Тўртликлар. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2009 йил 19 сентябрь.

Иймон. Бомдод. //«O‘zbekiston ovozi». 2008 йил, 30 сентябрь.

Таскин; Камилла; Ёвош-ёвош; Ҳимоя; Қодирий.// «O‘zbekiston ovozi». 2008 йил 29 ноябрь.

Хужжатсиз одам.//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2008 йил 12 декабрь.

Набирамга; Авлиёлар; Баҳс; Икки ҳолат. // «HURRIYAT». 2009 йил 7 январь.

Фил ва чумоли.// «O‘zbekiston ovozi». 2009 йил 29 январь.

Одат; Гулзор. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2009 йил 6 февраль.

Замин дарди; Синов; Ширин сўз; Тасаввур; Ёзамиз; Шоирлар. // «O‘zbekiston ovozi». 2009 йил 12 март.

Умр зиналари; Бор гап; Ота; Ҳаёт кўзгуси. //«Халқ сўзи». 2009 11 апрель.

Ота мақоми; Тортишув; Қалб; Ов; Шикоят; Ёлғончи. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2009 йил 12 июнь.

Тавалло. //«Hurriyat». 2009 йил 27 июнь.

Хуррият. //«Халқ сўзи». 2009 йил 13 август.

Рух; Сурхон мўъжизалар; Таажжуб; Узанги; Хайит. // «Hurriyat». 2009 йил 9 сентябрь.

Дарё; Совуқни камситма; Сайроб чинори; Кийим дўконида; Баркамол авлод; Хабар. //«Моҳият». 2010 йил 15 январь.

Малак; Махтумкули; Қиш тунлари; Бегона. //«O'zbekiston ovozi». 2010 йил 18 февраль.

Ихлос. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2010 йил 26 февраль.

Қора тақдир; Ривоят; Зиёратгоҳ; Ибтидо; Хирот; Темур тоши. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2010 йил 12 март.

Ўзбек; Урф; Қайтиш; Насаб; Топгайсан; Табрик; Ворислик; Баҳо // “Наёт”. 2010 йил 6 май.

Мақолалар, суҳбатлар

Пушкин сабоқлари. //«Тошкент окшоми». 1978 йил 27 июнь. Суҳбатни Ғаффор Ҳотамов ёзиб олган. Суҳбат республикада пушкинхонлик кунлари муносабати билан уюштирилган.

Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг шарҳи. // «Хур ўлкам». Истанбул. 1999 йил. 87–90-б.

Юксак фикр жасоратдан туғилади. // «Хур ўлкам». Истанбул. 1999 йил. 72–85 б.

«Бир неъматки, жондан-да тотли!» //«Огоҳлик ва фидокорлик – мамлакатимиз равнақининг калитидир». Т., «Ўзбекистон», 2000, 8–10-б. Суҳбатдош Шерхон Қораев.

Мухташам зот васфи.//Ҳ.Сатторий. Ҳазрат Соҳибкирон. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т, 2005. 3–4-б.

Эзгулик химоячилари билан учрашув.//«Kuch — adolatda». 2005 йил 12 август.

«Биринчи муҳаббатим» неча ёшда? //«Даракчи». 2005 йил 13 октябрь. Суҳбатдош: Лайло Нажмулло.

Яшаб ўтди бир шоир.//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2005 йил 16 сентябрь.

Юксакка чорловчи эътиқод.//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2005 йил 7 октябрь.

«Сен баҳорни соғинмадингми?...» //«Шарқ юлдузи». 2006 йил, 1-сон, 3–25-б. Суҳбатни Минҳожиддин Мирзо ёзиб олган.

Зукко ҳамжоримиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2006 йил 6 январь.

Қадимий ва навқирон Қарши (Хужжатли фильмга матн). // «Шарқ юлдузи». 2006 йил 4-сон,6–7-б.

Адабиёт ва замон. // Мустақиллик даври адабиёти. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. Т., 2006. 5–8-б.

Шоирнинг бахти. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 1 январь.

Ҳам хокисор, ҳам ғурурли эди. Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Навоийни англаш. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 9 февраль.

Меҳри ортик эрур... //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 8 март.

Ўлмас ижод.// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 21 сентябрь.

Улуғ пирга ўхшайди Ватан! //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 28 декабрь.

Рухият падавони.//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2008 йил 18 февраль.

Сени қўллайб турар улуғ мамлакат. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2007 йил 10 август.

Абадиёт шоири. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008 йил, 1 август.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни? // «Hurriyat». 2008 йил 20 август.

Истиклол: янги давр адабиётига қадам. // «Бекажон» 2008 йил 28 август. Сухбатдош: Умид Али.

Олтин бешик. // Университет – менинг ҳаётимда. Т., «Ўзбекистон», 2008. 7–8-б.

Ўтган даҳоларнинг номин этиб ёд... // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008 йил, 19 сентябрь. Сухбатдош: Мурод Абдуллаев.

Мангу тирик зот. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2008 йил 21 ноябрь.

Маънавий жасорат соҳиби. // «Жаҳон адабиёти». 2009 йил, 1-сон. 11–13-б.

«Мен шеърятга суянганман ва ҳануз суянаман...» // «Даракчи». 2009 йил 19 март. Сухбатдош: Наргиза Усанбоева.

Қадрдон дўст каби... // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2009 йил 5 июнь.

Қайғусини қувончга айлантирган эди... // «Тафаккур». 2009 йил, 4-сон. Сухбатдош: Мурод Абдуллаев.

Она бўла қолгин, бизга табиат. // ЭКО транс. 2009 йил 25 ноябрь. Сухбатдош Ҳолмуҳаммад Каримов.

Бебаҳо мактаб. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2010 йил 5 февраль.

Таржималар

Н.Тихонов. Шоирга. //«Совет Ўзбекистони».1976 йил 20 ноябрь.

А.Файнберг. Эски фонус.// «Халк сўзи». 2006 йил 12 октябрь.

И.Юсупов. Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.//«Гулистон». 2004 йил 6-сон, 17-б.

А.Синўғил. Қайдадир. Қора капалак. Яратган. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1985 йил 26 июль.

А.Тожибоев. «У айтади чолсан деб...» – Биринчи марта эълон қилинмоқда.

МУНДАРИЖА

Шеърлар

Илк дафтарлардан

Сен илоҳий.....	6
Ақида.....	7
Аждодлар.....	7
«Яна борлиқ яшарди...».....	8
Баҳор айёми.....	9
Дўстим ҳақида.....	9
Синов.....	10
«Ошиқ учун бундан соз...».....	11
Чакмоқ.....	12
Хива бозорида.....	12
Кулолга.....	13
Ҳайкалтарошга.....	13
Аскиячига.....	13
Дорбозга.....	13
«Ялла» ансамблига.....	13
Йиртик ботинка.....	14
Ўзбек пахтакорига.....	14
Карлова Вари хотираларидан.....	15
Унутма.....	16
Арзир.....	16
Толибга.....	16
Томошахона.....	17
Хитоб.....	17
Насаф мадҳияси.....	18
Наврўз кутлови.....	19
Бу юртда.....	20
Укажонларимга.....	20

Иқболи буюксан.....	21
Тожиддин хофиз.....	21
Янги	шеърлар
Аскад Мухтор.....	22
Мантик.....	23
Дайди ит.....	23
Этикдўз.....	24
Сайр.....	24
Во ажаб!.....	25
Женевада ўзбек каломи.....	25
Афсона.....	26
Кадр.....	27
Хориж радиоси.....	28
Соат.....	28
Инсоф.....	29
Таскин.....	30
Шажара.....	30
Майдон.....	31
Буюк соддалик.....	31
Одам ва Шайтон қиссаси.....	32
Мезбон йўк.....	39
Дўст.....	39
Танқидчиларга хазил.....	39
Туйғулар.....	40
Ҳиммат.....	42
Тушунча.....	42
Асрагил.....	42
Турғун ва терак.....	43
Олтмиш баҳор.....	44
Таъмагир.....	44
Интернет.....	44
Ожиз банда.....	45
Талпиниш.....	45
Хизр.....	45
Ҳақ қаҳри.....	46
Талош палласи.....	46



«Айбдор».....	47
Эпиграмма.....	47
Юпанч.....	48
Факат ўзинг англа.....	49
Келдим.....	50
Одина масжиди.....	51
Юрт рамзи.....	51
Маъмун академияси.....	52
Умр ҳисоби.....	53
Меҳмон.....	53
Яхшилик йўллари.....	54
Манзара.....	55
Гувалакнинг спортчи қизларига.....	55
Этикча.....	55
Мақтов.....	56
Эмиш.....	56
Қадрият.....	56
Ажабо.....	57
Шукр.....	57
Қутлов.....	57
Меҳри ортик эрур.....	58
Жанжалкаш.....	58
Ифтихор.....	58
Ғурур.....	59
Қурилиш.....	59
Умр.....	59
Накурт.....	60
Дакки.....	60
Ҳимоя.....	61
Ризолик.....	61
Қуёш бекати.....	61
Умид.....	62
Улуғбек фарёди.....	63
Насиба.....	63
Соддалик.....	64
Қассоб.....	65

Лоф.....	65
Мечкай.....	65
Жин.....	66
Ватан.....	66
Игвогар.....	66
Қачон эсларкан.....	66
Яна ўзинг қўлла.....	67
Ёлғиз.....	67
Тинчлик.....	68
Юртдошларим.....	68
Шоир.....	69
Назармат ота.....	69
Инсон.....	70
Қарғиш.....	70
Ватан фарзанди.....	71
Камтарлик.....	71
Бозорчилар.....	72
Қум сочиш.....	72
Табиатнинг иши.....	73
Ош.....	73
Пахта.....	74
Дўст.....	75
Ҳидоят йўли.....	75
Ижрочилар.....	76
Жаннат.....	77
Инсон омили.....	78
Ёшлигим.....	79
Янги давра.....	80
Йўриқ.....	81
Мулк.....	81
Ўзбек генераллари.....	82
Азиз муаллим.....	83
«Насаф» футбол жамоаси учун бағишлов.....	84
Суз.....	85
Ҳаёт уммони.....	85
Аждаҳо.....	86

Жайхун хангомаси.....	87
Фирибгар киссаси.....	89
Менга хуш хабар айт.....	93
Зиёфат.....	93
Янги акида.....	94
Чингиз Айтматов.....	94
Болакай.....	95
Қисмат.....	95
Сайёҳ.....	95
Тўғрилиқ.....	96
Дуо.....	96
Кўникиш.....	97
Йўртиб ўтар.....	97
Озодлик.....	98
Фасллар.....	98
Туш.....	99
Сухбатдош.....	99
Шоирнинг яратилиши.....	100
Истиклол — 17.....	101
Ривоят.....	101
Олтин нишон.....	101
Амнистия.....	102
Карвон.....	102
Соҳибдил.....	103
Умр.....	103
Иззат.....	104
Жоҳил.....	104
Италия.....	105
Ҳўкиз шоҳи.....	105
Манзаралар.....	106
Харита.....	107
Арбоб.....	108
Дўхтир.....	109
Рим.....	109
Нидо.....	110
Набирамга.....	110

Камилла.....	111
Қодирий.....	113
Бомдод.....	113
Иймон.....	114
Ёвош-ёвош.....	115
Манзара.....	115
Таскин.....	116
Ҳимоя.....	117
Ҳужжатсиз одам.....	118
Баҳс.....	119
Икки ҳолат.....	119
Авлиёлар.....	120
Шарқ навоси.....	121
Одат.....	122
Фил ва чумоли.....	123
Соғинч.....	123
Гулзор.....	124
Ўзбек тўни.....	125
Синов.....	126
Замин дарди.....	127
Ширин сўз.....	129
Тасаввур.....	129
Ёзамиз.....	130
Шоирлар.....	131
Умр зиналари.....	132
Ёлғончи.....	133
Бор гап.....	133
Ҳаёт кўзгуси.....	134
Ота.....	135
Полвон.....	135
Ота мақоми.....	136
Тортишув.....	137
Хотира.....	138
Набирам Шоҳруҳга.....	139
Ов.....	139
Қалб.....	140

Шикоят.....	141
Рух.....	141
Тавалло.....	141
Хуррият.....	143
Сурхон мўъжизалари.....	144
Таажжуб.....	145
Узанги.....	145
Ҳайит.....	146
Эски дўст.....	147
Ўкинч.....	148
Глобаллашув.....	150
Оддий ҳақиқат.....	152
Қишлоқ окшомлари.....	152
Болажон.....	154
Кибр.....	155
Сайроб чинори.....	156
Дарё.....	158
Эзгулик.....	159
Совуқни камситма.....	159
Дард.....	160
Кийим дўконида.....	160
Баркамол авлод.....	161
Хабар.....	161
Махтумкули.....	162
Суварак.....	162
Қора тақдир.....	163
Малак.....	164
Қиш тунлари.....	164
Бегона.....	165
Ихлос.....	166
«Истеъдод».....	167
Ривоят.....	168
Зиёратгоҳ.....	170
Ибтидо.....	170
Темур тоши.....	170
Ҳирот.....	171

Урф.....	172
Қайтиш.....	174
Топгайсан.....	176
Табрик.....	177
Ворислик.....	178
Маслаҳат.....	179
Ирим.....	181
Фил.....	182
Баҳо.....	183
Поезд.....	184
Икром.....	184

Мақолалар, суҳбатлар

Пушкин сабоклари.....	186
Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси	190
Ўзбекистон Давлат мадҳияси шарҳи.....	190
«Юксак фикр жасоратдан туғилади».....	192
«Бир неъматки, жондан-да тотли!».....	198
Муҳташам зот васфи.....	201
Ойбек абадиёти.....	202
Эзгулик ҳимоячилари билан учрашув.....	205
«Биринчи муҳаббатим» неча ёшда.....	208
Яшаб ўтди бир шоир.....	210
Юксакка чорловчи эътиқод.	212
«Сен баҳорни соғинмадингми?..».....	216
Зукко ҳамкоримиз.....	264
Қадимий ва навқирон Қарши.....	268
Адабиёт ва замон.....	272
Шоирнинг бахти.....	275
Ҳам хокисор, ҳам гурурли эди.....	279
Навоийни англаш.....	280
Ўлмас ижод	283
Улуғ пирга ўхшайди Ватан!.....	286
Рухият паҳлавони.....	289
Нонимиз – шонимиз.....	292

Абадиёт шоири.....	294
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?.....	295
Истиклол – янги давр адабиётига кадам.....	300
Олтин бешик.....	304
Ўтган даҳоларнинг номин этиб ёд.....	306
Мангу тирик зот.....	311
Маънавий жасорат соҳиби.....	313
Қадрдон дўст каби.....	317
Қайғусини қувончга айлантирилган эди.....	319
Она бўлақолгин, бизга табиат.....	331
«Мен шеърятга суянганман ва ҳануз суянман...».....	339
Бебаҳо мактаб.....	342

Таржималар

Қ.Қулиев. «Жоҳилга, майли, бахт ҳамиша ёрдир...».....	346
Н.Тихонов. Шоирга.....	346
А.Файнберг. Эски фонус.....	347
И.Юсупов. Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан	348
Адҳад Синўғил. Қайдадир.....	350
Қора капалак.....	351
Яратган.....	352
А.Тожибоев. «У айтади чолсан деб...».....	353
Д. Бегимкулов. Шеър – қалб изтироби.....	354
Изоҳлар.....	366

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ҚУЁШ БЕКАТИ

Шеърлар, мақолалар, суҳбатлар

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2010

Мухаррир *Улуг БЕК*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Лидия Цой*
Мусаххидлар: *М. Зиямухамедова, Ш. Хуррамова*

Босишга рухсат этилди 31.05.2010.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. Шартли босма табоғи 12,0.

Нашриёт-ҳисоб табоғи 12,4. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 680. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.